

Азамат ҚОРЖОВОВ

·

**ҚИЛ УСТИДАГИ
ТАКДИР II**

(Кисса)

ТОШКЕНТ – 2012

УДК: 821.512.133-3

ББК: 84(5Ў)6

Қ59

Қоржовов, Азамат

Қил устидаги тақдир II : (қисса) / А.Қоржовов – Т.: DIZAYN-PRESS, 2012. Китоб 2. – 256 б.

УДК: 821.512.133-3

ББК: 84(5Ў)6

Инсон ўз баҳтини ўз қўли билан поймол этиши мумкинми? Бу қурбонлик нима ёки ким учун? Охир-оқибат ҳеч нарса ёки ҳеч ким учун бўлиб чиқса-чи?

Азамат Қоржововнинг «Қил устидаги тақдир II» қиссаси қаҳрамони Лобар ҳам қимор гирдобидан ўзини халос этолмай, баҳтини поймол этиди. Мазкур қиссасининг биринчи китобига I, II, III қисмлар киритилган бўлиб, турмуш ўртоги уни Москвада қиморга тикиб, ютиқазиб қўйгани, Шомил исмли кишининг уйида яшаб, бир рус кампираидан картта ўйинларни ўргангани ва менгиз ўйинчига айлангани, Лобардаги бу хислатдан чет эл қиморбозлари фойдаланиши учун қиморхоналарга боришига мажбур қилишгани ҳикоя қилинганди.

Ушибу иккинчи китобда саргузашт қиссанинг IV ва V қисмларини ўқийсиз. Лобарнинг хориждаги жиноятчилар даврасида бошидан кечирганлари тасвирланган. Ўз вақтида ҳуқуқ-тартибот органларига мурожаат этмаслик, қимор ҳамда жиноятчилар орқали муаммони ҳал этишига ишониши баҳтсизлик ва ўлим келтириши воеалар мисолида кўрсатиб берилган.

Тақризчилар: Э. ВАЛИ – ёзувчи, доцент;

Б. АВЕЗОВ – ёзувчи, Ўзбекистон Ёзувчилар ююшмасининг аъзоси.

ISBN 978-9943-20-066-1

© "DIZAYN-PRESS" МЧЖ нашриёти, 2012

“Қыл устидаси тақдир-II”

IV қисм

ГОЛИБСИЗ ЎЙИН

Ғўнғир-ғўнғир овозлар олисдан келди. Кейин яқингинадан, шундоқ дивандан эшитила бошлади. Лобар бир вақтлар Самарқанддаги тарихий бинолардан бирида кўрган нақшинкор шифтга ўхшаш ўз ётоги шифтига маъносиз қараб ётди. Аммо узоқ ётишга ёш вужудида болам деб гупураётган туйфу изн бермади. У бир нафас муқаддам Шомилнинг келганини эшитиб ҳушидан айрилган эди. Бошини зўрга кўтариб ўғлини қидирди. Ёлгизгина боласи, кўзининг оқу қораси, юрагининг мойи – беш ёшли Парвизжон чечен киллери Шомилнинг қўли остида эди, мана Шомил сал нарида ўтирибди. Истанбулдаги отишма вақтидагидан деярли ўзгармабди. Чаккасида оқ туклар, пешонасида ажинлар кўпайган; офтобда бир оз қорайган, бу уни янада ёвуз қилиб кўрсатарди.

– Салом-алайкум, Лобар, – деди Шомил ўрнидан туриб.
– Аҳволинг яхшими?

Иброҳим давангир ҳам оёққа турди, лекин Шомилнинг ортида қолиб кетиб, Лобарга кўринмади.

– Улар айтишмади... ўғлимни... – Лобар тирсагига суюниб, гавдасини тутиб ўтирди. – Ўғлим қани? Илтимос... менга беринг...

Шомил жилмайган эди, Лобар ўзини Москвадаги асиралик дамларидагидек ҳис этиб, беихтиёр теварак-атрофга аланглади. Иброҳим давангир ва қўриқчисига қўзи тушиб, икковиниям жинидан ёқтирмади.

– Қани?.. – саволини такрорлади Лобар ва шу тобда Шомилнинг “мана!” деб эшикка ишора қилишидан, Парвизнинг кириб келишидан юраги орзиқиб кетди. Аллақаердан ўғлининг “Аяжон!” деган овози эшитилгандек туюлди.

– Топиб беринг!.. У қаерда?! – Лобар кутитмаган важоҳат билан Шомилга ташланди. Ёлланма қотил, ҳатто, чап беролмай қолди (эҳтимол, буни истамагандир). – Топиб

беринг болажонимни!!! Нега мени хўрлайсизлар?.. Худодан қўрқинглар... ҳаммангиз... Мен онаман!.. Мен аёлман...

Иброҳим давангирнинг имоси ила қўриқчи йигит Лобарни Шомилдан ажратиб, тўшаги сари етаклади. Чечен ҳамон жилмайиб турар, афтидан у Лобарга боқсан сайин биринчи муҳаббатини ёки ёшлигини эслаган киши каби завқланаётган эди.

— Лобар! — деди у бир қадам босиб. — Сенда сабр-тоқат йўқ, ўша-ўшасан. Баҳорда пешонамдан дарча очиб қўйишингга бир баҳя қолувди. Ҳозир ҳам оламни бошингга кўтараяпсан. Менинг кўргуликларимни кўрганингда ҳолинг нима кечарди? Биласан, хотиним ва болам ҳеч қачон қайтмайди... Кейинги оиласан сен бўлдинг, аммо кўз ўнгимда турибсану сенам ҳеч қачон қайтмайсан. Анна Сергеевна ҳам ўлибди... Мени тушунадиган ҳеч ким қолмади бу дунёда! — Сўнгра оҳиста кўшиб қўйди: — Парвиздан бошқа ҳеч ким...

— Нима? Нега айнан Парвиз?! — Лобар қўриқчи йигитнинг кўлидан чиқиб, тик ҳолда тўхтаб қолди. — Шомил ака, сиз ҳам менинг кичик, кемтиқ, омонат бахтимга кўз тикиб юрибмидингиз?

Шомил турк мафияси сардорига бир қур назар ташлаб олгач, Лобарга янада яқинлашди.

— Сендан ўч олишгани рост. Бунинг учун Парвизга маҳсус дори беришган. Мақсад битта: ўлди деб дафн этишгач, куёш ботгандан сўнг қабрни қазиб, болани ўғирлаш! Катта қимор бошлангунча сен ҳам уйингдан чиқмайсан, милиция болани ахтариб ўғриларни ҳам безовта қилмайди. Кўрдингми уларнинг қабиҳ режасини!

— Буларни биламан, — зорланди Лобар.

— Охиригача билмайсан, — қўл қовуштириди Шомил. — Эшит. Мен ўғрилардан Парвизни тортиб олдим. Лаънатилар чангалимдан зўрга қутулиб қочишиди, бироқ юртларига қайтиб боришганда, босқинчилик устида ҳаммасини кимдир отиб ташлаган. Қотиллик ҳақидаги мишмишлар қулогингга чалингандир?

Лобар Шомилнинг кўзларига қараб сесканиб тушди.

Назарида, рўпарасидаги кимса интерпол ҳамда бир қанча маҳаллий полиция маҳкамалари томонидан қидирилаётган чечен жиноятчиси эмас, балки шу ташкилотлардан бирининг хуфя изқувари эди. Не боис гапни дарҳол Лобар отиб ўлдирган манфур шахсларга бурди?

— Эшитганман, тўрт кишини ўлдириб кетишган, — деди Лобар.

— Шундан сўнг Парвиз билан жиддий шугуллана бошладим. Бўш вақтим ҳам кўпайди. Билиб қўй, Парвиз сал кам ўлиб қолаёзди. Уни хушига келтириш, Қозогистонга, кейинчалик Европага олиб ўтиш осон кечмаган. Заҳарли дори беришганданоқ Парвизнинг мияси зааррангани. Мен ўғлингни тарбиямга олганимда, анча кеч бўлган эди. Шунга қарамай, уни Римдаги шифокорларга қаратса бошладим.

— Хуши жойида эмасми? — зўрга сўради Лобар (саволини бериб бўлганидан тўшак четига ўтириб, бошини чангллади).

— Ҳа, мия билан юракда асорат қолган...

— Ҳозир аҳволи қандай? — янада паст товушда сўради Лобар.

— Тузатиши. У ҳозир соппа-соғ.

— Туркияга олиб келдингизми, Шомил aka? — Лобар қўрқа-писа, авайлаб, ниҳоятда жонсараклик билан савол бериш аносисида Шомилга илтижоли нигоҳ ташлади.

— Йўқ.

— Нега?.. Болам қаерда?

— Италияда эмас. Қўрқма, Сицилияда ҳам эмас. Сен барча саргузаштларингни бошлаган мамлакатда! Хавотир олишнинг ҳожати йўқ: ишончли хонадонда тажрибали энага назоратида вақтинча яшаб турибди.

— Хавотир олмайманми? Ахир, Шомил aka...

— Бу сен учун яхши хабар-ку, — чўрт кесди Шомил. — Қимордан қутулмас экансан, Парвизниям кўрмайсан! Айтганимдек, хавотир олмай қарта ўйнаб юравер! Қачон қиморни ташлайсан, ўшанда шафқат қиласман. Лобар, сен аввалги Лобарга айланишинг керак. Умрни орқага қайтариб бўлмайди, аммо ҳаёт тарзини, инсон хулқини, ҳатто сўзни ҳам қайтарса бўлади.

Азимат Коржонов

— Боламни топиш учун ўйнаган эдим...

— Айнан ўйнаганлигинг учун уни кўрмайсан.

— Бўлди, қимордан кетдим, Шомил ака!

Шу вақтгача жим турган Иброҳим давангир асабийлашган ҳолда Лобарга тикилди ва:

— Сизга ҳали жавоб берган эмасман, — деди.

Асаб торлари шундай таранг тортилдики, бир лаҳза Лобарнинг тилига сўз келмай қолди. Мафия сардори уни ким деб ўйлаяпти? Миллионлаб доллар фойда кўриб, яна қарта ўйнатмоқчими? Худди Анна Сергеевнадек қулга айлантириб қиморхонама-қиморхона етаклаб юрмоқчими?

— Жавоб бермайсизми?! — деди Лобар газаб билан. — Ўлсам ҳам қолмайман! Ҳозироқ кетаман!.. Мен озод аёлман!.. Кул эмасман!

— Ким сизни қул деяпти?! — ажабланди Иброҳим давангир.

— Айтмасангиз ҳам биламиз, сиз озод аёлсиз, бунга шакшубҳа йўқ. Жавоб беролмаганимнинг боиси шуки, ҳозир сизни ташлаб қўйсам, Туркиядан сог-саломат чиқиб кетолмайсиз. Кечаги воқеалардан кейин полиция ҳам, қиморбозларнинг одамлари ҳам сизга зарар етказиб қўйишлари мумкин. Қолаверса, ҳали ишингизни охиригача етказганингиз йўқ. Мен ҳақиқий эрингизни қутқаришни назарда тутаяпман. Бунинг устига биз маҳфий йўллар билан кетмоқчи бўлган юртда улушингизни беришим керак.

— Улуш-пулуш керак эмас.

— Туркияга келиб барибир кам бўлмадинғиз, — давом этди Иброҳим давангир. — Мана, ўғлингиз топилди ҳисоб. Энди навбат эрингизга. Уни кутқариш учун яна қимор ўйнайсиз деяётганим йўқ-ку. Улушингиздан бериб сотиб оласиз. Бу ёқда Шомил жаноблари ҳам ўғлингиз учун озмунча харажат қилмаган кўринади. Ҳаммаси пул, Лобархон, ҳаммаси пул.

— Мени биронта жуҳуд билан адаштираяпсиз, — деди Шомил мафия сардорига. — Онасидан пул ундириш учун боласини даволатадиган пасткашларга ўхшайманми?

— Ў-ў, жаҳлингизни чиқариб қўйдим, шекилли. Тушунинг, мен харажатлар ҳақида гапирайпман, холос. Боя айтдингизки,

Лобар ўтмишдаги Лобарга айланиши учун баъзи нарсаларни орқага қайтариши керак. Агар бир ожиз банда сифатида тўғри тушунган бўлсам, у нимаики олган — барчасини қайтариб, ҳалолу покликка эришиши шарт.

— Кесатманг, бунаقا гапларни ёқтирумайман, — Шомил турк мафияси сардорига очиқча нафрат билан қаради.

— Эй, сизни нима жин урди? — Иброҳим давангирнинг ҳам жаҳли чиқди. — Тогдан келсам бодган, бодган келсам тоғдан келасиз. Лобархон ўз-ўзидан бойвачча хонимга айланиб қолмагандир. Аллақандай қарзлари борлигини эшитгандай бўлувдим.

Лобар дув қизарив кетди ва шоша-пиша бармоғидаги бриллиант кўзли узукни чиқарди.

— Шомил ака, совға қайтариб олинмайди, лекин шу узугингизни олинг, ўтинаман. Мен олти йилдан бери бошқа одамнинг никоҳидаман. Ҳеч замонда бир аёлнинг иккита эри бўладими?! Олинг, онангиздан эсадалик қолган шу узукни хор қилманг. Худо хоҳласа, қизларингизга берасиз.

— Йўқ, — деди Шомил, — бунаقا узуклар осонгина тақдим этилиб, осонгина қайтариб олинмайди. Вақти-соати келса, ўзим сууриб оламан.

Лобар чеченфа қўрқув тўла нигоҳини қадади ва яна гапиришга журъат этди:

— Анна Сергеевна мени ҳар кўрганида "ўғри" деб қарғарди. Гўё Истанбулдаги қиморхонага сизни тутиб бериш учун борган хоин ҳам эмишман! Бироқ қасам ичишим мумкинки, Шомил ака, ўғирликни ҳам, хоинликни ҳам ўйламаганман. Пулларни хотинингиз бўлганим учун олиб кетдим. Истанбулдаги қиморхонада эса сизни учратаман деб ўйламагандим. Ишонинг деб ялинмайман...

— Менимча, суҳбат чўзилиб кетди, — деди Иброҳим давангир соатига қарап экан. — Биз сафарга чиқмоқчимиз.

— Бир оз шошманг, бей, — ялинди Лобар. — Улушимни бериш ниятингиз бўлса, бир юз йигирма минг долларни ҳозир, шу ерда берсангиз...

— Бунақаси кетмайди! — бақириб юборди мафия сардори.

— Кийимларингизни алмаштиринг-да, ташқарига чиқинг. Сиз эса, Шомил жаноблари, машинанингизга ўтириб, истаган жойингизга жўнанг. Бирон манзил номини қолдирсангиз, Лобар тез кунларда етиб боради. Ташибишиланманг, унга фақат яхшилик қиласан.

— Майли, — деди Шомил Лобарга, — шу одам эрингни топиб бермоқчи бўлса, топиб бера қолсин. Пулларга келсак, қаердан олган бўлсанг, ўша ерга қайтариб қўй. Шунда ҳаммаси жой-жойига тушади. Узукни ҳам ўша ерда оламан. Парвизни ҳам шу куни кўрасан... Аммо қиморни бутунлай унутган аёл бўлиб боришинг лозим.

— Манзил...

— Манзилни айтдим-ку сенга?! — Шомилнинг қошлари чимирилди.

Чиқиб кетаётуб Иброҳим давангирга қўл узатди.

— Яхши қолинг, бей. Айтиб қўяй, Ўлик орол қўлдан кетди, деб ҳисоблайверинг. Сицилия сизга бериб қўймайди.

— Кўрамиз, — парво қилмади мафия сардори.

— Тўғри, ҳали оролда ҳам учрашиб қолсак керак.

Лобар Шомилнинг ортидан хавотир аралаш шубҳа-гумонлар билан қаради. Парвизни Россияга ташлаб келган бу одам Ўлик оролдан ҳамон кўнглини узмаган қўринади. Ҳар қанча тажрибали бўлмасин, биронтаси ногаҳон отиб ташлаши мумкин. Агар Шомил ўлса, Парвизни қандай топади? Ўзи бу одамнинг гаплари ростмикан? Қандай топиб келди Лобарни?

— Шомил ака! — қичқирди Лобар.

Йўлак охирига етиб қолган Шомил қайрилиб қаради.

— Сизни ахтармайман, тўғри, ўша жойга бораман.

Шомил бош қимирлатди.

— Эртага борсам ҳам сизни топишим мумкинми?

— Бугун борсанг ҳам! — деди Шомил.

* * *

Шомил кетгач, ҳаммалари учта машинага ўтириб, тог томон йўл олишди. Машиналар тез-тез ўрин алмашардилар.

Лобар, Иброҳим давангир ва қўриқчилари ўтирган машина

саф олдига чиққанида, орқадаги бир машина тұхтади. Күп ўтмай иккінчи машина ҳам ғойиб бўлди.

Бир қишлоққа етганларида нафас ростлаб олдилар ва машинани алмаштириб йўлда яна давом этишди. Денгиз соҳили кўрингунча жами тўрт марта полиция тўхтатди, бироқ тузукроқ текшириб ўтирмасдан қўйиб юборишаверди. Лобарнинг фаҳмлашича, изларни йўқотиш мақсадида яқин йўлни узайтиб аллақайси гўрларни айланиб келишган эди.

Соҳилбўйи изгирин эди. Улар катерга ўтириб денгиз ичкарисига сузиб кетишаётганида, Лобарнинг юзига сув сачради. Катернинг тумшуги тўлқинга урилдими ёки одатдагидан баландроқ тўлқинга дуч келдими, не бўлганда ҳам, денгиз кўрмаган аёлнинг юзига кимдир бир сиқим майдо тош билан ургандек "воҳ" деб терс бурилди. Кўзларидан тирқираб ёш чиқди. Аммо аламини кимдан олсин?

Катердан чиройли яхтага чиқиб олишди. Тонг отганида Лобар бутунлай бошқа оламда кўз очди. Атроф сокиň ва кечагидан илиқроқ эди. Гўё бутун дунёни сув босган. Аммо Лобар "денгиз шунчалар ваҳимали бўларкан-да", деб хаёлидан ўтказар экан, чўкиб кетишдан нақадар кўрқаётганини бир сония ҳам эсдан чиқармасди.

. Тез орада кичик бир портга етишди. Бу ерда нотаниш тилда чулдираган найнов йигит уларни қора "Жип" турган омборхонагача эргаштириб борди. "Жип"да икки соатдан зиёд юришди. Қандайдир меҳмонхонада икки гуруҳга ажralиши. Иброҳим давангир ва Лобар аэропортга жўнаб, Қоҳира га учадиган бўлишди...

* * *

Тонг-саҳарда иккаласи Қоҳира аэропортида қаҳва ичиб ўтиришарди.

— Янги йилга ҳам оз қолди, — деди Иброҳим давангир қора кўзойнагини қўлида ўйнаб. — Умр ўтаяпти.

— Мазмунсиз умр тез ўтади, — Лобар оғир уф тортди. — Кечагина мактабни тугатгандим, бугун мени ўша қизга таққослаб бўладими? Ҳеч қачон! Атиги бир кун ичидан шунча

ғавғони бошимдан кечиргандайман.

— Шомилга жуда ишонар экансиз.

— Ростдан пулини қайтариб беришим керак. Агар бир дипломат долларини хароба тагидан қазиб олмаганимда, ҳозир тинч ҳәёт кечираётган бўлармидим?

— Менимча, ҳамма гап қартада.

— Ҳамма касофат қартада эканлиги аниқ. Бироқ бир юз йигирма минг долларни ҳам бекор олганман-да. Кўзим кеч очилди.

— Кўз кўп очилади, кўп юмилади, — деди мафия сардори.

— Шомилга ишонасиз, у яхши одам эмас. Қувонга ишонасиз, унинг ҳам иллати бор. Эҳтимол, Шомил билан тили бирдир.

Шу тобда Лобар телефон орқали Қувон билан қисқагина хайрлашганини эслаб, виждон азобидан қийналиб кетди. "Унинг ҳам бошига бало-қазоларни ёгдирдим, — деди Лобар ичида. — Қаерга кетаётганимни ҳам айтмай жўнавордим. Шунчалар тез қайтишимга ишонаманми?.. Ишонаман. Чунки мен гўлман, аҳмоқман, телбаман..."

— Хаёл суриб қолдингиз? — сўради Иброҳим давангир.

— Ўзим, шунчаки, — деди Лобар қаҳва ҳўплаб. — Қувондан ҳар нимани шубҳа қилишингизни айтаман-да. У бечора қаёқдан танисин Шомилни?!

Аэропорт соатлари еттини кўрсатганда, Лобарни ҳайратга солиб, Иброҳим давангир йигитларидан иккитаси тез-тез юриб яқинлаша бошлади.

— Мана, күёш ҳам чиқди, — деди мафия сардори.

Шундан сўнг аэропорт биносини тарқ этишиб, машиналарга ўтиришди-да, навбатдаги манзил сари равона бўлишди. Лобар Қоҳира кўчаларини томоша қилиб кетаётиб, деди:

— Бу шаҳарга менинг нима керагим бор экан?

— Сирни очадиган фурсат келганга ўхшайди, — истеҳзомуз кулимсиради Иброҳим давангир. — Акс ҳолда паришонхотир бўлиб, одамни уялтириб қўясим, шекилли.

Лобар бурилиб қаради. Нигоҳи тешиб юборай дерди.

— Сир?! Ишқилиб оддийгина сирми? Юрагим ёрилиб

“Қыл устидаси тақдир-II” ўлмайманми?

— Йўқ, ўлмайсиз, — томоқ қирди Иброҳим давангир. — Эшитинг. Даставвал барчаси сизга оддий эҳтиёжлар бўлиб туолди. Яъниким, ўглингиз ва эрингизни қутқариш учун улкан қиморхонага келдингиз. Қиморхонада одам ўлгач, Мисрга яширинишингиз ҳам эҳтиёж...

— Сирни оддийроқ усулда очолмайсизми?

— Бироқ буларнинг барчаси эҳтиёж эмас. Ана, сизга сирни очиш! — деди мафия сардори. — Булар бориб турган мафия ўйинлари эди! Биласизми, сизни Тошқалъадан кейин ўйингизга жўнатиб юборишим мумкин эди, лекин яна керак бўлиб қолдингиз. Сицилия мафияси менга Ўлик оролнинг ўзида, шундоққина соҳилда қарта таклиф этаяпти. Ўйиндан бош тортиш — оролдан айрилиш демак. Биз уни озмунча қийинчилик билан қўлга киритдикми?!

— Яна қарта ўйнайманми? — Лобар кўзини юмиб, бошини суюнчиқча ташлади. — Ўлиб қутулишим ҳақиқат экан-да.

— Сўнгги ўйин олдидан ҳаммангиз шунаقا дейсиз, — гина қылгандек Иброҳим давангир жўрттага қовоқ уйди. — Кейин эса битмас-туғанмас бойликка, чексиз-чегарасиз баҳтга эришиб, биз бояқишиларни унтиб юборасизлар. Мана сиз, Лобархон, Ўлик оролда сицияликларни ютасиз, эрингизни қутқарасиз, мендан катта миқдорда мукофот олиб, ватанингизга қайтасиз. Бир кун ҳам турмай Россияга шошиласиз. Шомилнинг пулларини қайтариб, ўглингиз билан ҳам юз кўришасиз. Бизга эса эски ҳаммомда эски тос қолаверади. Миллионлаб долларларни совуриб, кунларнинг бирида яна йирик қиморни согиниб қоламиз. Ўшанда сиз оиласиз бағрида баҳтли ҳаёт кечираётган бўласиз.

Лобар унинг гапларини эшитмаётгандек ҳамон кўзини юмиб, bemажол алфозда ўтиради. Бошқа киши бўлганида, эҳтимол, раҳми келиб кетармиди, аммо Иброҳим давангирнинг кулгиси қистади, атайн жигига тегишини истаб:

— Лобархон, — деб секин туртди, — Шомил қанақа эр эди?

— Қанақа бўларди?.. — деди Лобар.

— Ўз вақтида энг сурбет қиморбоз бўлганмиш, шу ростми?

- Қайдам...
- Сезишимча, Сицилия томондан уни ўйнатишади. Сиз ва Шомил! Ажойиб-а? Эзib ташлайсизми уни?
- Лобар кўзини очиб, қия назар ташлади. Иброҳим давангир юзига қон юргурган соглом ва баҳтиёр инсон қиёфасида эринмай илжаяр эди.
- У қартанинг ҳам, қиморбознинг ҳам кушандасига айланган, — деди Лобар. — Биринчи оиласини қартабозлар ваҳшийларча қириб ташлашгач, шу йўлга кирган. Яшашдан мақсади — қиморбозларни ўлдириш!
- Нега сиз ва Анна Сергеевналарни қўйнида асрари? У учун сизлар иккита илон бўлгансизлар, шундайми?
- Анна Сергеевна Шомилнинг устози эди. Биз — учаламиз бўш вақтларимизда қарта ўйнардик, шунчаки эрмак учун. Билиб қўйинг Шомил пул тикиб ўйнайдиганларга шафқат қилмайди.
- Э, бўлмаган гап! Шомилингиз ҳозиргacha қиморнинг орқасидан кун кечиради. Ҳеч бўлмаганда, қиморбознинг пулини тортиб олади! — Шундай деб мафия сардори қўлини ўриңдиқ суюнчигига ташлаб, Лобарга яқириоқ сурилди. — Бу — қиморга қарши курашиш эмас, хоним, қиморнинг нонини ейиш! Еганда ҳам қиморбоздан-да ўн баровар ҳаром қилиб ейиш!
- Бунақа ақлли гапларни ўзига айтинг, — эътиroz билдириди Лобар. — Ҳалол-ҳаром тушунчалари ҳақидаги ҳар қандай ваъзни севиб тинглайди.
- Машиналар Янги Миср кварталидаги энг баланд ва энг кўркам меҳмонхоналардан бири томон бурилди. Еттинчи қаватдаги бир неча номерни Иброҳим давангир одамлари олдиндан банд қилиб қўйишган экан. Йигитларнинг ёнларида тўппонча борлигини ногаҳон пайқаган Лобар улар Туркиядан қандай қилиб қурол-яроғлари билан келишди, деб ўйлаб қолди. Агар Кувон ҳам милтифи билан келишнинг иложини қилганида эди...
- Йўқ, Кувоннинг ҳам қуролланган ҳолда келиши хомхаёл, Лобар учун хомхаёл эди. Аслида эса, у Кувонни ҳалиям яхши билмасди.

* * *

Кечкурун еттинчи қават йўлагида нотаниш икки жувон пайдо бўлганида, кўриқчилар ҳайдаб юбориши. Лобарни Иброҳим давангир ўз хонасига чақириргани учун у жувонларни тасодифан кўриб қолди. Бир хонадан иккинчисига ўтаётган ёш ва гўзал хоним ҳалигиларнинг кайфиятини баттар бузди.

— Маржа! Маржа! — деб қичқиришидди улар.

Лобар кириб борганида, мафия сардори машваратнинг тўрида ўтирас, баҳс-мунозара бўлиб ўтгани, айримлари аччиқ гаплар эшитгани тунд башаралар-у, терлаган пешаналардан сезилиб турарди.

— Ким у тўнгиздай чийиллаган? — деб сўради Иброҳим давангир эшикни ёпаётган кўриқчидан.

— Иккита фоҳиша жой сўраб келибди, — жавоб берди йигит.

— Еттинчи қаватга чиқишларига ким рухсат берибди?

Зудлик билан аниқланглар!

— Суриштириш шарт эмас, — деди қораҷадан келган миқти бир одам.

Лобар уни дарров таниди: Ўлик орол эгаси!

— Ў, хоним, — деди у ўрнидан туриб Лобарга қўл узатар экан. — Тезликда имиджимни ўзгартиридим, — сочи-ю кийим-бошига ишора қилди у, — танимадингиз-а?

— Танимай ўлибдими, уч кун бурун кўрган одамини, — Иброҳим давангир орол эгасини жеркиб берди. — Ўтилинг. Нега суриштиришим керак эмаскан анавиларни?

Орол эгаси Лобар билан кўришиб, ўрнига ўтирди ва:

— Меҳмонхонада сицилияликлар изғиб юришибди, — деди, — суриштиргандан фойда йўқ. Гапни чўзмайлик-да, тезроқ тарқалайлик.

— Қиморбоздан бошқа муаммо қолмади, — деб Иброҳим давангир Лобарга қаради.

— Ҳа, — деди орол эгаси, — Лобархон, сизни шунинг учун чақирирдимки, сицилияликлар учун қарта ўйнайдиган қиморбоз ҳам аёл экан! Уни ўз кўзингиз билан кўришингиздан олдин исмини айтай. Фақат ҳушингиздан

Азамат Коржовов

кетиб қолмасангиз, бас. Аввал ўтириб олинг.

— Ҳаммаси жонимга теккан, — деди Лобар. — Ҳушимдан кетмаслигимга, ҳатто, киприк қоқмасликка ваъда бераман. Энди мени қарғиш урган қимор ҳеч қачон ҳаяжонга сололмайди.

Лобарнинг руҳиятини Иброҳим давангир камоли зийраклик ила тушуниб ўтирарди, шунинг учун орол эгасиңинг гапини изоҳлашга жазм этди.

— Хоним, — деди у бегоналар олдида ўзини ортиқча жиддий тутаркан, — сиз билан сўзлашган жаноб оддий одам эмас. Уни араб мамлакатларида, Европада, Америкада ҳам яхши билишади. Оролни ютиб олганингиздан сўнг сизга нисбатан ўзгача қизиқиш пайдо бўлди бу кишида. Таржимаи ҳолингизни ҳам қўлидан келгунича ўрганиб чиқиб, сизни ёқтириб қолибди, албатта, тўғри маънода — худди акадек. Шу боис ёрдамини аямоқчи эмас. Биз орол ҳужжатларини расмийлаштираётганимизда, битта нарса аниқ бўлди. Сицилия бизни тинч қўймоқчи эмас. Бироқ оролни осонликча бериб қўймаслигимни ҳам тушунишади. Улар ҳам қимор йўлини энг маъқул йўл, деб топишиб, бизни қиморга таклиф этишди. Куни-ю, соатигача аниқ! Бу жаноб сизга Ўлик оролда қандай рақиб дуч келишини олдиндан аниқлаб, огоҳлантираётганини энди тушунгандирсиз? Сицилия бу кишининг азалий душмани! Орол яна бизнинг қўлимизда қолса, дейди. Душманларимиз оролни тортиб олишнинг ўзимизни рози қиласдиган усулини, яъни қартани танлаган экан, мақсадларига эришишига йўл қўймаслигимиз лозим.

— Сицилияда моҳир қартабоз йўқ, — бетоқат бўлди орол эгаси.

— Ҳа, — давом этди турк мафияси сардори, — уларда кўзга кўринган қартабоз бўлмаганлиги боис, сизга қарши эски танишингизни ўйинга туширишмоқчи.

— Эски танишларим орасида Анна Сергеевнадан бўлак қиморбоз аёл йўқ, — деди Лобар хотиржамликни қўлдан бой бермасликка тиришиб. Бироқ кўзлари безовта ўйнаб кетгани ҳаммага сезилди. — У ўлган, буни мендан яхши биласизлар.

— Анна Сергеевнадан ҳам аввал ким билан танишгансиз,

Москвада? — айёона қулимсиради орол эгаси. — Эсланг, эсланг. Квартирада бирга тургансиз.

— Тожикистонликлар...

— Ҳа, ҳа, мана бу бошқа гап, душанбелик эр-хотинларни эсламаслигингиз мумкин эмас, ахир.

— Биринчи эрим Маъруф деган қариндошимиз эди. У билан Москвага ишлагани борганимизда, бир ҳамюрт аёл бизни квартирага жойлаб қўйди. Биздан ташқари ўша уйда тожикистонлик эр-хотинлар ҳам ижарада туришарди. Эркакнинг исми Акмал, хотининики эса Зухро эди. Уларни эсдан чиқариб бўладими, — аччиқ хотиралардан Лобарнинг кўзларида ўт чақнади. — Эримни қиморхонага бошлаган кимсани, йўқлигимда эримга ўйнаш бўлиб олган суюқоёқ хотинни қандай унутай?! Таажжуб, энди Зухро ҳам қиморбоз бўлибдими?

— Бало эмиш. Айтишларича, аввал Тожикистондаги, сўнг Киргизистондаги манаман деган қиморбозларни ютиб, Россияда ҳам шухрат қозонибди. Эронга ва Араб Амирлигига ҳам келиб-кетган дейишади. Қаранг, қиморбознинг уруғи кўпайиб бормоқда, дунё бўйича шунчалар кўпки, Зухрога ўхшаганларнинг қаҷон чиққанини сезмай қолибмиз.

— Қимор гўё иккиламчи олам каби биз билаң ёнма-ён бошқа қимор оламларидан ҳам иборат, — деди Иброҳим давангир университет ёш профессорларига ўхшаб ҳаммага мағрур ва "ҳайрон қолдираяпман" мазмунида югурик нигоҳ ташларкан. — Айни дамда Қоҳирада қимор билан боғлиқ муҳим масалаларни кўраяпмиз. Шуни билингларки, ҳозир шаҳарнинг аллақаерида бошқа бир халқаро қиморбозлар бошқа бир қиморни муҳокама қилиб ўтиришибди.

Лобар мафия сардорининг отаси университет профессори, онаси мактаб ўқитувчиси эканлигини хаёлидан ўтказар экан, мийифида кулиб қўйди. Ҳаққига кўчганда, Лобарни қимор оламининг тузилиши эмас, Зухро қизиқтира бошлаганди. Орол эгаси кўнглидан ўтаётганларини уқиб олаётгандек Лобарга яна муғомбirona тикилди ва ўзидан мамнун ҳолда жилмайиб:

- Зуҳро зўр эмиш, — деб қош қоқиб қўйди.
- Қойил қолдим, антиқа хабар айтдингиз, — деди Лобар.
- Бошқа вақт бўлганида, эҳтимол, ҳушимдан кетардим. Аммо узр, ҳозир мени ҳеч нарса қизиқтиrmайди.
- Биз эса қиморни бир сония ҳам унотолмаймиз, — Иброҳим давангир Лобарга қовоқ уйиб қаради. — Зуҳро эски рақибингиз экан, бу, менимча, ўз натижасини беради: сиз янчиб, эзғилаб ташлайсиз.

Шундан сўнг улар қарта ўйинларида қузатилаётган янги усул ва найранглар ҳақида бир оз сафсата сотишди-да, юзларига фотиҳа тортишиб, хайрлашдилар. Лобарни хонасига қузатиб қўйишидди. Кечки овқат ҳам номерига олиб келинди. Шу кеча Лобар қисмат чархпалаги орқага қайтаётгани ҳақида ўйлаб чиқди. Шомил ҳам шуни назарда тутган эди... Мана, Зуҳро билан учрашади, эрини топади, Шомилнинг пулларини ўша хароба ертўласига кўмиб, ўғлини қайтариб олади. Неча йиллар бурун доллар умидида Россияяга борган эди, насиб этса, Россиядан аввалги Лобар бўлиб қайтади: қимордан йироқ, бойлик васвасасига учмаган, аёллик назокатини йўқотмаган, бир бебаҳо уй бекаси...

* * *

Орадан уч кун ўтди. Шу кунлар мобайнинда Лобар меҳмонхонадан бир қадам ҳам жилмади. Телевизор кўрди, мусиқа тинглади, Қоҳира манзарасини соатлаб томоша қилди. Бир синфдоши бор эди. Зилолани севарди. У университетга ўқишига киргач, Зилолани Тагматга фотиҳалаб қўйишидди. Синфдоши кўп азоб чекди. Бир куни Лобарни учратиб қолганида, "бизнинг факультетда синов ўтказилаяпти, ким синовдан ўтса, Қоҳира университетига ўқишига юборилармиш, агар кетсан, қайтиб келмайман", деган эди. Кейинчалик эшитдики, у ростдан орзусига эришиб, Мисрга ўқишига кетибди, худди мана шу шаҳарда ўқиб-қайтди. Ҳа, у қайтди. Кўп туролмади. Танишлари унга "Э, маза қилиб ўқиб юрмайсанми? Европага, Америкага кетардинг, чет элдан яхши иш топардинг", дейишибди. Бир қиздан аразлаб

"Киң устидан шамакдир!"

яҳшигина ютуқларга эришган йигит аслида ватанини күчлироқ севишини тушуниб етибди. "Бойиш учун чет элда ишлаш хоинлик эканлигини эллик йилдан сўнг ҳамма тушуниб етади", деганини эшитганида Лобар ҳам кулган эди. Шу тобда еттинчи қават деразасидан кўриниб турган сон-саноқсиз иморатларга, гавжум кўчаларга маҳзун термуларкан, уйини жуда-жуда согиниб кетди. Ўфилчасини ўйларкан, ватан, уй ва она согинчи уни минг чандон қийнаёттанини ҳис этди.

— Мен ҳам одамманми? — Лобар ўзига-ўзи гапирди, кўз ёшлари дув-дув тўкилди. — Эримни ҳам, боламни ҳам ит азобига қўйдим. Мени деб икки навқирон йигит ўлиб кетди. Озода ҳам менинг касримга қолди. Шунча фавголардан кейин яна қимор ўйнамайманми? Йўқ! Энди отиб ташласа ҳам ўйнамайман! Юз миллион долларлик орол бўлмайдими!.. Ўйнамайман. Шомил қартадан бош тортганим учун ўлганимни эшитса, Парвизни Ўзбекистонга жўнатади... Оролга бўраман, Абдулла акани кўраман, лекин қимор ўйнамайман. Мулла келажагимни башорат қилиб, нима деган эди? Атрофи сув билан ўралган тошлоқ маконда отиб ўлдириласан, демаганмиди? Болаларим ҳақида ҳам бир нималарни фол очганди. Йўқ, болалар, бу – ўтгай фарзандлар, менда энди бола бўлмайди. Мен оролга ажал истаб бораман! Мана сенга тақдир чархпалаги!.. Қайтиб келмайман... Номи ҳам совуқ – Ўлик орол... ўликлар ороли...

Эшик тақиллаб, Иброҳим давангирнинг овози эшитилди:

— Лобархон, эшикни очинг.

Лобар йўлакда турган мафия сардорига нимадир демоқчи эди, аммо вақт нақадар тифиз дегандек у соатига урди ва:

— Ярим соатдан сўнг изимизни ҳам топишолмасин бу меҳмонхонадан, — деди.

Улар меҳмонхонадан шоша-пиша чиқдилар. Машинага атиги уч киши ўтиришди: Иброҳим давангир, Лобар ва ҳайдовчи. Аэропортга келиб, машинани қолдирдилар-да, ўзларини ичкарига уришди. Самолёт тайёрлаб қўйилган экан. Ҳаял ўтмай Лобар ўзини самолёт.

салонида күрди.

- Нега биз Афинага учаяпмиз? — сүради Лобар.
- Оролга Юнонистон орқали борамиз, — жавоб берди Иброҳим давангир. — Йигитлар бошқа йўлдан кетишиди. Айтилган вақтда Истанбулдан ҳам қўшимча куч келади. Лобархон, орол энди расман меники. Сицилияликлар шохида юрса, мен баргидা юраман. Ишимиз пухта-я, нима дедингиз?
- Пухта, албатта. Лекин мен шуни истардимки, охиригача пухта бўлса.
- Тушунмадим...
- Иброҳим бей, — деб Лобар унга узроҳ тикилди, — мен қимор ўйнолмайман. Қолганиниям ўзингиз ҳал қилсангиз.
- Кўзингизни юмиб ютасиз ўша душанбеликни, — деди мафия сардори. — Битта ёмон одатингиз бор: ҳар доим буюк ишлар остонасига етганда қўрқиш ҳамма истакларингиздан ғолиб чиқади. Агар шу одатингиз бўлмаганида, бугун мен эмас, сиз миллионерга айланардингиз. Сиздаги истеъдод билан. Осиёнинг ярмини кўлга киритиш мумкин.
- Бу "истеъдод" қачон келди-ю қачон баҳт топибман! — кесатди Лобар. — Бошга битган бало эканлигини билсангиз ҳам, билмасликка оласиз. Мени баҳтиқаро қилган қимор эмасми?..
- Тўхтанг, тўхтанг. Пессимистларни туғилганимдан бери ёқтиромайман. Учинчи қонуним нима эканлигини эсланг! Ҳеч қачон тушкунликка тушмаслик!
- Бешинчисини эсланг, — бўш келмади Лобар ҳам. — Бирон динга эътиқод қилиш, даҳрий бўлмаслик.
- Мен даҳрийманми? — мафия сардори кўксига нуқиди.
- Алҳамдулиллоҳ, мусулмонман. Қиморга аралашганлар коғир, деб қаерга ёзиб қўйибди? Ҳали мен ҳажга ҳам бораман. Ювуқсиз бизнесменлар-у, яланғоч хонандалар борганда, мен боролмайманми?!
- Лобар унга ачиниб қаради. Ачиниб қаради-ю, ўзининг нимасидир шу одамдан устун эканлигини илк бора пайқади. Шу важдан майдалашиб ўтиришни, гап талашишни истамади.

“Қиыл устидаси тақдир-II”

Бироқ унинг жимиб қолганини кўриб, Иброҳим давангир захирада асраб ўтирган гапини гапирди:

— Шомил нега бунчалар гимирлаб қолди-я? Авваллари у кўзга кўринмай, аллақаерларда одамхўрлик қилиб юрарди. Кечаги маълумотларга кўра Қувон иккаласини Истанбулдаги қаҳвахоналардан бирида кўришибди.

— Билганингиздан қолмас экансиз...

— Маълумотни ишончли одамлардан олдим, — деди Иброҳим давангир. — Улар ҳеч қачон алдамайдилар.

Лобар лабларини қимтиди. Мафия сардорининг гапига жавобан бир нима дейишни истамай қора булат қоплаган кўнгил осмони олдида ожиз қолди. Кейин тасаввур қилди: Шомил ва Қувон битта қаҳвахонада юзма-юз ўтиришибди. Улар нимани келишиб олишмоқда? Шунчаки суҳбатлашиш учун учрашмайдилар. Шомил мени топиб, турк мафиясининг ўрдасига кириб бордими, демак, Қувонни ҳам тополган. Балки дараҳтзордан Тошқалъани ўққа тутганини билган, ўз кўзи билан кўргандир.

— Ўйлашимча, — деди Иброҳим давангир ҳам хаёллар измида бир лаҳза жим қолгач, — бизларга ўқ узган қотил Шомил бўлиб чиқиши мумкин.

Калаванинг учини топаётган мафиоз Лобарни қўрқитиб юборди. Эндиликда буларга эркалиқ қилишга имконият қолмаётгани, албатта, ташвишли ҳол эди. Сир бой бермаслик учун Лобар:

— Изқувар бўп кетинг-е, — деб кулди. — Ўтирган жойингизда қотилларни фош этиб ташлайсиз-а?!

Лобарнинг кулгиси зўрма-зўраки, сўзлари эса самимиятдан йироқ эканлигини ҳар қандай одам сезиши мумкин эди.

— Агар маҳоратли қартабоз бўлмаганингизда... — деди мафия сардори, аммо гапини охирлашни истамай, Лобарга манманларча нигоҳ ташлаб қўйди.

— Агар қартабоз бўлмаганимда, — деди Лобар, — аёллик шаънимга, инсонийлигимга, имонимга тўғри келмайдиган иш билан шуғулланиб, сизлар билан бирга юрамидим! Бу

кунларни кўрганимдан кўра ўша пайтлари Маловернинг
қўлида ўлиб кетганим афзал эди.

— Ўлиш учун ҳали кўп имкон келади, — пўнгиллади
Иброҳим давангир.

Бир аёлнинг кучидан фойдаланиб юрган бу сардорчадан
Лобар юракдан ижирғаниб, иллюминатор томон юз бурди...

Мудрабди. Тушга ўхшаш бир манзарани кўрибди. Оппоқ
булутлар эмиш. Осмондаманми, ердаманми, деб ўйлаб турса,
рўпарасидан кенг майдон чиқиб қолибди. Атроф жазира ма
эмиш. Майдон бинолар билан ўраб олинганмиш. Бир вақт
қараса бу майдон оддий майдон эмас, Каъбатуллоҳ
жойлашган муқаддас саждагоҳ эмиш...

* * *

Афинадай гўзал шаҳар ҳам Лобарни мафтун этолмади. Унга
илоҳий ишорат берилдими ёхуд мафия сардорининг ҳажга
бориш истаги ёмон таъсир қўлдими, не бўлганда ҳам, тушида
Каъбани кўриши янада мутаассир этди уни. Шунча
кўргиликларимнинг барчаси имонсизлик оқибати
эмасмикан, деган хәёл миясида чарх урмоқда эди. Шунда
бир замонлар тасодифан ўқиб қолган маълумотни эслади:
ҳажга бориш қанчалик улуғ сафар ҳисобланмасин, у энг
асосий бешта фарзнинг охиргисидир, мусулмончилик ҳаж
сафарига чиқищдан аввал кўнгилда бошланади. Аввал имон,
намоз, рўза, закот деган фарзларни юрагига жойлай олган,
амал қилган кишигина ҳаж сафарига лойиқдир... "Мен-чи,
— деб ўйлади Лобар, — тушимда кимман-у, ҳушимда
кимман?!"

Лобарнинг кўнглида барибир умид чироги ўчмай турарди.
Улар денгиз соҳилига чиқишиб, кичик кемада зўлмат қаърига
равона бўлишган эса-да, қиморбоз аёлнинг кайфияти
кечагидан аълороқ эканлиги мафия сардорининг жигига
тегди. Буни сезмаган Лобар сўради:

— Бу Эгей денгизими ё Мармарим?

— Сизга нима фарқи бор? — деди Иброҳим давангир. —
Бунақа денгизларда ортиқча саволлар берилмасдан, иш-

үнгидан келиши учун Худога илтижо қилинади. Акс ҳолда, касофат устида турганингиз учун ҳар сонияда ажал бўғзингиздан олиши мумкин.

— Ҳаммаси бир гўр экан-да, — деб Лобар нари кетди.

* * *

Тонгга яқин кемадагилар гимирлаб қолишли. Йигитлардан бири Лобарни ухлаб ётибди, деб ўйлади шекилли, секин яқинлашди-да, чақира бошлади:

— Хоним, туринг, етиб келдик.

Кутилмаганда Лобар унинг костюми ёқасидан ушлади, нигоҳлар тўқнашди.

— Сизга нима бўлди? Кўрқити.б юбордимми? — деди Йигит.

— Усмон хушига келганми? — дабдурустдан саволга тутди Лобар.

— Нима?

— Усмон Тошқалъада снайпернинг ўқига учганди, аҳволи оғир эди. Ҳушига келибдими, деб сўраяпман. Битта одамга биргаликда хизмат қиласиз-у, наҳотки, билмайсиз?

Йигит Лобарга безрайиб қараб турди. Кейин:

— Менга сизни уйғотиш буюрилган, — деди-да, кета бошлади.

— Аввал ўзинг уйғон, гумроҳ банда, — Лобар жаҳл билан чарм костюмини силтади ва эгнига ташларкан, атрофга бир кур кўз юргутирди. Кимнингдир қўлида автомат ҳам кўзга ташланарди.

— Фронтга етиб келганимиз ростми? — зинадан чиқиб сўради Лобар.

— Кеча сизни огоҳлантирдим, — деди Йброҳим давангир тишларини гичирлатиб, — бу ерларда ортиқча саволлар берилмайди. Сиз тутул манаман деган жанг устасининг ҳаёти қил устида турганда гапларингиз, ўлай агар, умуман ёқмаяпти.

Кема бир маромда чайқалиб турар, йигитлар зўр бериб сувга қайиқ тушириш билан овора эдилар. Йброҳим давангир уларга нималарнидир уқтирди. Қайиқ орол томон сузуб

кетгач, Лобарга деди:

— Бу ерда турманг, биронта аҳмоқ қуролини ишга солиб қолса, биринчи ўқ сизга тегиши аниқ.

Мафия сардорининг ишорасидан сўнг бояги йигит Лобарни пастга кузатиб қўйди.

— Аҳмоқлар, — деди Лобар.

Тонг ота бошлади. Гарчи ҳамон ваҳми келәётган бўлса-да, Лобар уфқдан бош кўтарган қўёшни кўриб, денгиз жамолига мафтун бўлди-қолди. Бир томонда эса маҳобатли қоялари ва ўрдакнинг тумшугидек чўзилган қумлоқ соҳили билан Ўлик орол ўшшайиб турарди. Лобар ўткир кўзлари ила олисда, оқиш туман ортида қорайиб кўринган яна иккита оролни илғади. Бу атрофларда майда ороллар кўплиги аён эди. "Наҳотки, шу оролларни битта-битта текширадиган ҳукumat йўқ? — хаёлидан ўтказди у. — Ўлик оролда янги аср қуллари ишламоқда, тепасида қуролланган сицилияликлар... Ўзи бу худуд қайси давлатга қарайди?"

Бироқ кўнглидан кечган саволларга ҳеч ким жавоб топиб бермаслигини Лобар тушуниб етганди.

У оролдан кўз узмас экан, қархисида улкан қамоқхона турганини ҳис этди. Иброҳим давангир лоф ургандек, Тошқалъада эмас, айнан Ўлик оролда инсон ҳимоячиси бўлмиш қонуннинг "к" ҳарфи йўқлигига амин бўлди.

Қайиқ қайтиб келди. Қолганлар ҳам унга туша бошлишди. Лобар қадам қўйган маҳал қайиқ лопиллаб кетди: у чўчиб тушиб, Иброҳим давангирнинг тирсагидан ушлади.

— Нега тик турибсиз? Ўтиринг! — койиб берди мафия сардори. — Қайиқда ҳам тик турадими одам?!

Лекин ўзи тик тураверди. Бир бебош тўлқин орқадан урилганда, ўжарлиги ўз бошига етиб, денгизга қулашига бир баҳя қолди.

Қайиқ оролнинг қумлоқ соҳилига яқинлашганда, Лобар Иброҳим давангирнинг йигитлари ёнида тиржайиб турган европалик узун бўйли кишиларни кўрди. Бири тиззасигача сув кечиб, қайиқни кутиб олди ва Лобарга қўл узатган эди, Иброҳим давангир:

— О, бу ерда эмас! — деб хитоб қилди. — Нима, муздай сув кечиб, оёқдан қолайликми? Марҳамат қилиб, қумлоққача судранглар.

Икки турк ва ўша сицилиялик жонбозлик кўрсатишиб, қайиқнинг тумшуғи қумга урилгунча тортқилаб келишди. Навбат билан соҳилга сакраб тушдилар.

— Менинг оролим бундан бошқача бўлиши мумкин эмас,
— деди Иброҳим давангир.

Сицилияликлар бир-бирига қараб тиржайишда давом этишди. Лобарга биронтаси ёқмади. У одамни бир кўришдан билиб оладиган авлиё бўлмаса-да, булар эзгулик ва меҳроқибатдан кейин туғилган каслар эканлигини фаҳмлади. Яна шунга ақли етдики, кимлардир қоялар орасидан қумлоқ соҳилни кузатиб ўтиришибди. Ўлдириш нияти туғилиб қолса, пастдагиларнинг ҳолига маймунлар йиглайди.

— Одамларингизнинг ҳаммаси шуми? — сўради юзи тириқ сицилиялик турк тилида қийнала-қийнала.

— Кемада ҳам бор, — деди Иброҳим давангир. — Бундан ташқари, яна бир кемамиз сузиб келаяпти. Курилиш ашёларини келтиришни буюрганман.

— Йўқ, — қўлларини кўтарди сицилиялик, — қурилишга шошилманг. Қарта нима билан тугайди, сиз билмайсиз-ку.

Иброҳим давангир қумга чирт тупуриб, малла қояларга ижирғаниб кўз югуртириди.

— Бу ташландиқ маконда санатория қуармидим, — сицилияликларга қарамай сўзлади у. — Курилиш ашёлари деганда мен мақбарага кетадиган фишт ва цементни назарда тутдим. Эшитганмисиз, Осиёда "мақбара" деб аталувчи иморатлар бор. "Мавзолей" деса ҳам бўлади. Унда хурматли кишилар дафн этилади.

Юзи тириқ киши қалтис ҳазилга қисқагина кулиб қўя қолди-да:

— Дон Александро қумда ҳам ётаверади, — деди.

Иброҳим давангир "ҳали шунақамисан" мазмунидан нописанд нигоҳ ташлади. Йўл бошловчи киши қоялар сари ишора қилгач, қумлоқдан олға юриб кетди. Шагал ердан

үтиб, зинасимон сұқмоққа етдилар. Бу сұқмоқ ularни сицилияликлар қароргоҳыга элтди. Учта тош уйча бир-бирига тиқилинч қуылған бўлиб, ҳовли саҳнида шляпали бир кимса чой қайнатмоқда эди. Кунботар томондаги пастак девор ортидан бепоён денгиз ва қўшни ороллар ниҳоятда гўзал ва мудроқ ҳолда ястаниб ётарди. Шундоқ тепада денгиз күшлари қийқириб чарх уради.

Ичкарида туркияликларни бақалоқ сицилиялик кутаётган эди. Унинг соқоли олинмаган (назарида, сув ҳам тегмаган) башарасига қарашиб Лобар тоқат қилолмади. Шундай баҳаво жойда хона ичи сасиб кетгани дард устига чипқон эди. Икки жиноий гуруҳ бўшлиқлари бир-бирининг тилини тушунмаслиги ҳол-аҳвол сўрашмаганидан ҳам маълум эди.

Сицилиялик ўз тилида нимадир деган эди, юзи тириқ киши Иброҳим давангирдан қайта сўради:

- Ростини айтинг, одамларингизнинг ҳаммаси шуми?
- Боядан бери миямни эговляяпсиз тутуриқсиз саволларингиз билан!

Сицилияликлар бир-бирига маъноли қараб олишгач, юзи тириқ киши деди:

— Сизлар келишдан сал аввал оролга шимолий томондан бир қайиқ яқинлашди. Сўнг яна узоқлашди. Бироқ шуни гумон қиласпимизки, ўша қайиқдагилар қоя томондан сузид келиб, оролга жойлашиб олишган бўлиши мумкин. Чунки қайиқни иккинчи марта жануб томонда кўришган. Кузатувчининг айтишича, қайиқда дастлаб уч киши кўринганди. Кейин эса иккитаси гойиб бўлиб қолган. Балки кузатувчига шундай туюлгандир. Одамларингизнинг ҳаммаси шуми, деб сўраётганимизнинг боисини тушунгандирсиз. Мабодо махфий равишда қояларга қўшимча одам яширган бўлсангиз очиқ айтаверинг. Аслида биз сизга, сиз бизга хусумат қилмаймиз. Тинчгина қарта ўйнаймиз, холос.

— Оллоҳ номи билан онт ичишим мумкин, мен оролга яширинча одам юборганим йўқ.

— Биз сизга ишонамиз, Иброҳим жаноблари, — деди тилмоч. — Кузатувчи алаҳсираганга ўхшайди. Йигитлардан

бири құшни уйчадан стуллар келтиргач, ҳаммалари ўтиришди.

— Қиморбоз аёл шуми? — сўради бақалоқ.

— Ҳа, — деди турк мафияси сардори, — сеники қаерда?

Тилмочнинг таржимасидан кейин бақалоқ бутун огирилиги билан суяниб, Лобарга юқоридан назар солди. Лобар "одам шаклидаги ҳўқиз бўлса бундан ортиқ бўлмайди", деб хаёлидан ўтказди.

— Чиройли экан, — деди бақалоқ. — "Иблис қарталари"даги ўн олти ёшли даманинг ўзгинаси. Менимча, оғушингда ҳам ундан қолишимаса керак.

Тилмоч ўзича изоҳлаган бўлди:

— Босс яқинда Макс Ренуарни ўқиб чиқдилар. "Иблис қарталари" ҳақиқатан зўр ёзилган. Класс!

— Порно, — луқма ташлади сицилияликлар бошлиғи.

— Ифлос! — деди Лобар ўзбекчалаб. (Унинг бу маломатини ҳеч ким таржима қилиб ўтирмади.)

Иброҳим давангир уф тортиб, саволини тақорлади:

— Сенинг қартабозинг қаерда, дон ...?

— Қартабозимми? Сенга қартабозим керакми?

Чақиринглар уни, — деди бақалоқ.

Кўнгли айниётган Лобар ҳам ташқарига йўналган эди, бақалоқ ҳуштак чалди. "Ўтир" деб стулни кўрсатгач, Лобар ноилож жойига чўқди. Ҳаял ўтмай ташқаридан аёл кулгиси эшитилди. Бу кулги бегона, бетийик, беҳаё эди. Лобар Зухрони охирги марта Москвада қандай аҳволда кўрганди? Маъруфнинг тўшагидан уялмай чиқиб келганмиди? Ҳа!.. Аммо бунчалик эмасди!

Қия очиқ эшик шарақлаб кетди ва ҳамма бирдан шу томонга қаради. Яноқлари қонсиз, лунжи ботик, кўзлари қизарган бир аёл бўсагада бир сония туриб қолди. Сўнгра яна ҳиринглади-да, ичкарига қадам босди.

— Лобар келибди-ку, салом!

Аммо Лобар у билан кўришишни истамай юзини ўтирди.

— Кўрқма, мен Зухроман, — деди душанбелик қиморбоз.

— Эслайсанми, Москвада битта уйда яшаган эдик. Акмал акам эрингни қиморхонага олиб боргани учун хафа

бүлгандинг. Ё қарғаганмидинг? Ушандаёқ у киши ўлган. Кейин эшитсам сенинг эринг ҳам ўлиб кетибди.

— Сенга нима?! — қайтариб ташламоқчи бўлди Лобар.

— Сенга нима, менга нима, деб қачонгача юрасан? Тақдир ўйинини қара, учинчи эринг ҳам менинг қўлимда! Исми Абдулла экан қариянинг!

Лобар ўрнидан туриб кетди. У эрининг соғ-омон эканлигидан эмас, бутунлай бошқа нарсадан таъсирангган эди.

— Ютиб олдим, — тилини чиқариб, кўзларини олайтирди Зуҳро. — Қани, унинг нимаси Лобарни мафтун қилган экан, деб тонггача бош қотирдим. Бир халта гўнгдан бошқа нарса эмас экан-ку! Тағин келиб-келиб уни қиморга тикибдилар-а!

Лобар бор кучини тўплаб, Зуҳронинг юзига шапалоқ туширди. Чарсиллаган овоздан сўнг бир лаҳза сукунат чўккан эди, кўшни уйчадан эркакнинг аянчли дод-войи эшитилди... Бу овоз Лобарга жуда-жуда таниш эди.

— Эшитаяпсанми? — деди Зуҳро алам билан. — Танидингми эрингнинг овозини? Сенинг келишинг шарофатига мен унинг тишларини битта қолдирмай сууриб олишни буюргандим. Бориб томоша қил!

Лобар шу заҳотиёқ ташқарига отилди. Қичқириқ ўнгдаги эшиқдан эшитилмоқда эди. У омонат турган шалоқ эшикни нозик жуссаси билан уриб, ағдариб юборди. Ўзиям кутмаган чаққонлик билан сакраб туриб, стулга боғлаб қўйилган афтодаҳол кимсани ва унинг устига энгашиб қўлида омбур ушлаган кўйи қотиб қолган итальянни кўрди. Учовлари бир сония бир-биридан кўз узишмади. Итальяннинг мовий кўзларида телбалик билан ёвузлик апоқ-чапоқ шуълаланар, жабрдийда кимсанинг яра-чақа босган қовоқлари остидаги йилтиллаётган кўзларида ниҳоятда аянчли илтижо муҳрланиб қолганди. Итальян кўз қири билан Лобардан сал наридаги токчага қаради: дарвоқе, аёл қўл узатса етгулик жойда "Макаров" тўппончаси ётарди. Буларнинг шу туриши ҳаёт-мамот сукунати эди. Ким чаққон бўлса, ўша тирик қолади!..

Ва итальян тўппонча сари қоплондек отилди, лекин Лобар ўнг қўлини чўзиб, тўппончани юлқиб олди-да, чап қўли

“Кирик устидаси тақдир-II”
билин сақлагични тортди... Итальяннинг ўлим ҳиди анқиб турган пажмурда жасади ҳали мувозанатини сақлашга улгурмасдан кўксидан иккита ўқ тешиб ўтди.

Италиян тош деворга қапишиб қолди, сониялар ичра оғзидан қон келди. Сицилияликлар Лобарнинг қўлидан қуролни тортиб олишди-да, жон бераётган итальяннинг бошига тўпланишди. Турклар ҳам саросима ичра қараб туришарди. Итальянни негадир силтаб кўришди. Боши жонсиз шилқиллади, кўзининг оқи кўринди, кўкси эса қонга бўялиб бўлганди.

— У ўлди! Ўлди! — дейишди сицилияликлар.

* * *

Ўқ овозини эшитиб, қоялар орасидаги сўқмоқда бир қуролли кимса кўринди. Узоқданоқ:

— Хой, бу ерда нима бўляяпти ўзи? — деб сўради.

— Ромео нариги дунёга жўнатилди, — деди сицилияликлардан бири. Сўнг қўшиб қўйди: — Худо ҳаққи, ҳазил қўлмоқчи эдик, манави жодутар ўлгудек абжир экан, бечора маэстрони отиб қўйди.

— Энди сенга қийин бўлди, — кулди юзи тиртиқ кимса, — ким скрипка чалиб беради?

Кулбадан бақалоқ ва Зухро ҳам чиқиб мурдани томоша қилдилар.

— Сен қартабоз бошлаб келганмисан ё киллерми? — бақалоқ Иброҳим давангирга олайиб қаради. — Корсикадаги кўча жангларидан омон қолган мусиқачини оппа-осон ўлдирди-кўйди.

Таржимон бу гапни туркчага ўгириб улгурмасдан турк мафияси сардорининг фифони фалакка чиқди:

— Нима ўйин бу?! Биронтангнинг эсинг жойида эмас! Бошларингни ейди шу аҳмоқчиликларинг. Агар Лобарга бир гап бўлганида...

Шу он қўл-оёғи боғлиқ кимса заиф товушда чақирди:

— Лобар... Ло-ба-ар...

Қотиллик таъсирида карахт бўлиб турган Лобар стулдаги

кимсага тушунарсиз нигоҳ ташлади. Бирдан кўзи "ярқ" этиб очилди.

— Абдулла ака! — деб хитоб қилди-да, ҳаммасини унутиб, унинг ёнига чопди. — Мени кечиринг!.. Қандай балоларга гирифтор қилдим-а?! Ҳаммаси ўғлим учун эди... Худога шукр, Парвизжон ҳам топилди. У Россияда, ишончли одамнинг уйида. Нега хурсанд бўлмаяпсиз? Парвиз топилди!

— Ипни еч, — Абдулла аканинг афти бужмайди.

— Мен сизни кутқариб, юртимизга жўнатаман. Кейинги қиморларда ҳаммани ютдим! Аслини олганда, сизниям ютқазганим йўқ, улар Парвиз учун мажбур қилишди. Сизни кутқаришга пулим етади.

Кўл-оёги бўшаган Абдулла ака қўркув ичра шивирлади:

— Мафия одамини ўлдирдинг, ўзинг ҳам соғ қолмайсан.

У ёқда Иброҳим давангирнинг гапларини таржима қилишди шекилли, бақалоқнинг ҳам жаги-жагига тегмай, бидирлай бошлади:

— Сенга нима, ўлган одам бизники-ку! Худди жабр кўргандай гапирасан! Товонини тўлаб қўйларинг! Қани, бўл, бўл! Биз яна бунинг қиморбозига эр топиб берибмиз.

Нима бўлганини сўраган кимса етиб келди. У жиноятчилар орасида анча-мунча мавқега эга эканлигини исботлаб, бақалоққа ўшқирди:

— Александро, унинг ўрнида ўзинг бўлишинг керак эди! Қачон қарама одам ўлдириш, қизларнинг номусига тегиш, бола ўғирлаш тўмошасини кўрсатиб юрасан! Мана, оқибати... Ўҳ, Ромео, кунинг битганлигини билмай, эрталаб қанча койибман-а, сени?! Азизим, кечир!

У мурда сари икки-уч қадам ташлади-ю, Абдулла акага важоҳат билан боқди.

— Шу чўчқа учун ўлдими менинг дўстим? — кейин эса Лобарга қаҳрли нигоҳини бурди. — Сен — урғочи шайтон, кимни ўлдирганингни биласанми?!

У Лобар томон хезланган эди, юзи тиртиқ кимса деди:

— Тўхта, эй!.. Нима, иккинчи Ромео бўлмоқчимисан? У, ахир, турк мафиясининг салкам сардори-ку!

— Бас қилинглар! — бақирди бақалоқ ҳам. — Ҳозир бунақа ишларнинг мавриди эмас. Қани, хонани тозаланглар, қиморни шу ерда ўйнаймиз. Мурданি эса қоядан денгизга улоқтиинглар. Сен эса, — у Ромеонинг дўстига гапирди, — масхарабозликни йифиштириб, форга қайт.

Сицилияликларнинг бу мунозараси якунлангунча, Иброҳим давангир йигитлари Лобар ва эрини ташқарига чиқаришди. Ҳар икки мафия йигитлари ўзларини хотиржам тутишга ҳаракат қилсалар-да, қарғиш урган Ўлик оролда хотиржам нафас олишнинг ўзи бўлмасди.

Ромеонинг жасадини сувга улоқтириш учун кўтариб чиқишаётганида, унинг дўсти томоша кўрсатиш фикри кимдан чиққанлигини билиб олди ва бир четда турган Зухронинг устига бостириб борди. Аёл деб илтифот қилиб ўтирамди: жагига мушт солди! Лобар Зухронинг жаги қандай қарсиллаб кетганига, юзтубан йиқилганига шоҳид бўлди. Шу тобда барчанинг нигоҳи мурдада эди, ёлғиз Лобаргина Зухродан кўз узмай: "Сен ҳам, эринг ҳам бахтимнинг күшандаси бўлдинглар! Эринг-ку ўлди, сенга нима бор эди? Мен каби бахтсиз эканлигинг етмайдими? Нега яна қабиҳликларни давом эттираяпсан?" деб хаёлан сўзлаётганди.

Аёлнинг хор бўлиб ётиши барибир Лобарнинг кўнгил қатларида аллақандай ачинишга, нафсониятга, фуурга ўхшаш туйфуларни қўзғатиб юбориб, мушт кўтарган эркакка нафрат билан боқди.

— Нега тўхтаб қолдинглар? Юринглар, — деди Иброҳим давангир ўз одамларига. — Ўзлари билан ўзлари бўлиб қолишибди, бизга нима! Юрсаларинг-чи!..

— Қарта шу ерда бўлади, — деди юзи тириқ кимса.

— Аввал қиморбозингизни ўзига келтириб олинг, — деди Иброҳим давангир, — қарта бўлса, қочмас. Сизнингча, мен оролимдаги конни кўришга ҳақлиманими, йўқми?

Юзи тириқ кимса дарҳол бақалоқ хўжайинига ўтирилиб, туркнинг истагини етказди. Сицилияликлар бир-бири билан ёқалашиб даражасида талашиб-тортишишар, айниқса, Зухрони урган киши ҳеч кимга куч беришни истамасди.

Азамат Қоржовов

Ниҳоят, бақалоқнинг сабр косаси тўлиб, қўйнидан тўппонча чиқарди. Аммо Ромеонинг дўсти тап тортмай тўппончани чанглаб, ўз қўксига босди.

— От! Ўлдир мени ҳам! Қўлингдан келадими? — қичқирди у.

Лобар кўзларини қаёққа яширишни билмас, яна бир одам ўлдирилишини кўришни хоҳламасди. Чунончи, бақалоқ ҳам истамади, тўппончасини филофига солар экан, Ромеонинг дўстини нари итарди. Шу лаҳзада юзи тириқ кимса Иброҳим давангирнинг ҳоҳишини яна такрорлади. Бақалоқ бўзрайиб қаради, сўнг қон туфлаб, оғзини артишга мажоли етмаётган қиморбоз аёлга ҳам бир қур кўз югуртирди. Зухронинг ўзига келиши учун хийла вақт даркорлиги аён эди.

— Майли, — деди бақалоқ истар-истамай, — турк ўз оролини биринчи ва охирги марта томоша қилиб қолсин. Лекин форнинг панжарасидан нари ўтказманлар. Ишчилар билан гаплашмасин. Анави фоҳишшанинг эрини коннинг тубига ташлаб, ўзини эса...

Бақалоқ бирдан тўхтади, ёл босган кўксини қашиб, Лобарга суқланиб боқди. Турклар оролни кезиб чиққунча, у нима билан машғул бўлишни ўйлаётгани билиниб турарди. Қўлини ҷўзиб, кўрсаткич бармоғи ила Лобарни нишонга олди.

— У қолсин, меҳмон қиласман, — деди сурбетларча.

Аммо Иброҳим давангир Лобарнинг елкасидан тутди-да, олға бошлаб кетди. Қоя ортига ўтишгач, Лобар мафия сардорининг қўлини елкасидан олиб ташлаб, Абдулла акани кутиб турди. Эри чарчоқ, хасталик ва исноддан оёгини зўрга босиб келарди. Эр-хотин юзма-юз туриб қолишиди. Иброҳим давангир одамлари ва сицилияликлар бир оз ўтиб тўхташди. Ҳаммаси эр-хотинни кузатишарди.

Абдулла ака бошини зўрға кўтариб:

— Парвизжоннинг топилгани яхши бўпти, — деб кўзларини пирпиратди, лаблари ҳам қалтираб кетди. — Лобар.... Сен... сен бошқача хотин чиқдинг... Мен. оддий одамман, муаллимликни ташлаб, савдога бош суқмаслигим керак эди. Муаллимлик экан менинг қисматим! Қара, энди қаерларда хор бўлиб юрибман.

“Киң устидаси тақдир-II”

— Бу менинг айбим...

— Тұхта, охиригача гапириб олай. Нега үзимни оддий одамман деяпман? Чет мамлакатларда бунақа одамлар билан мулоқотда юролмайман, тенглашолмайман... Шунақа одамман! Сен эса бошқаасан!.. Тенг эмасмиз... Энди әрхотин ҳам бўлолмаймиз... Тўғрими?.. Ҳозир мени қутқарсанг, бас. Лобар, юртимга бориб ўлсам армоним йўқ! Бу ерларда ўлигим хор бўлмасин! Лобар, ялинаман... Форда ортиқ чидаёлмайман... Қутқар мени, сенга ҳеч қандай даъвом бўлмайди, у ёқда — Ўзбекистонда! Агар алласам, Ҳудо урсин... Парвизга ҳам оталик даъво қилмайман. Мени қўмадиган фарзандларим бор...

— Бей, — чақырди Лобар, лекин дарров ўзи унинг ёнига борди. — Москвада қиморга тикилган, сўнгра Сицилияга сотиб юборилган эркак шу бўлади. Пул беринг, уни қутқариб олай. Ахир, биз шунга келишганимиз-ку. Эримни ҳеч қачон бу аҳволда кўришни истамайман, гарчи у билан энди битта оила бўлолмасам-да!

Турк мафияси сардори Лобарга яқинлашиб энди кўраётгандек, киприк қоқмай тураверди.

— Нима? — деди Лобар.

— Иккинчи кема етиб келгунча, — шивирлади Иброҳим давангир, — менга илтимос қилинмасин. Наҳотки, кўрмаяпсиз, булар Сицилия мафиясига ўхшамаяпти. Қандайдир каллакесар югурдаклар. Ҳали сиз бефаросат бақалоқни Сицилия мафияси бошлиги, деб ўйляпсизми? Йўқ, Сицилия мафияси раҳбарияти бунақа жирканч жойларда юрмайди.

— Мен бу одамни кутқаришим керак...

— Мен эса сизни соғ-саломат асрашим шарт.

— Бу киши мэндан бир қадам ҳам узоқлашмайди.

— Фалокатни ўзингиздан нари тутсангиз-чи, Лобар!

Иброҳим давангир ва Лобар келишолмади. Қайсарлик билан йўлларида давом этишди.

Лобар яна бир аҳднинг измида эди: у қарта ўйнамоқчи эмас! Бироқ оролга ташриф, ҳатто, вақтни чўзишу форга саёҳат ҳам қиморга обдон тайёргарлик мақсадини ифодаларди. Йўловчи купе деразасидан қараб, поезд манзил сари нақадар шитоб-ла шошилаётганини кўра-била туриб, "Йўқ, мен поезд йўналишига тескари томонга пиёда кетаяпман", дея оладими? У нималарни хаёл қилмасин, токи поезддан тушиб қолмас экан, поезд уни навбатдаги бекатга олиб кетаверади.

Лобар ипсиз боғланиб, тўда ортидан форга яқинлашаркан, сицилияликларни қизиқтириб қолган ва тагида қанча-қанча одам ишлаётган машъум форга оёғи тортмади. Бироқ уни судрагудай бўлиб ичкарига таклиф этишди.

— Пастроққа тушишга шундоқ ҳам ижозат йўқ, — деди юзи тириқ кимса. — Панжарадан қарайсиз, ажойиб манзара.

Дарҳақиқат, фор оғзи торроқ бўлса-да, ҳаял ўтмай кенгроқ жойга етдилар. Пастан мотор овози эшитилар, электр чироқлари унда-бунда порлаб турарди. Арматурадан қилинган панжара ортидаги нишаб йўлга тахтадан зинапоя ўрнатилган эди. Лобар зина охирига кўз ташлаб, одамлар зулмат қаърида қайси қуч ва қайси ирода билан ишлаётганига лол қолди. Соқчилар панжара эшигини очиб, ҳар иккала мафия одамларига йўл бўшатишиди.

— Довюраклар пастта тушиб, ишчилар меҳнатини томоша қилишлари мумкин, — деди юзи тириқ кимса. — Бу ердагиларнинг меҳнати оғир, аммо иш ҳақи ҳам шунга яраша.

Иброҳим давангир бўлиб деди:

— Қайси аҳмоқ иш ҳақига учеб, ажал оғзида ишлайди? Менимча, бу ердагилар ўгирлаб келинган одамлар, замонавий қуллар. Абдулла деган одам мисол!

— Биз уларга ҳар ойда беш юз доллар ёзиб қўямиз, — деди сицилиялик хижолат бўлмасдан. — Овқат, кийим-кечак ва ётар жойлари учун ҳақ олмаймиз. Қул деб ҳақорат қилманг. Булар ҳам сизу бизларга ўхшаган одам. Битта фарқи, истаган вақтида кетолмайдилар. Гапим сиз ҳақингизда ҳам бораяпти, — дея у Абдулла акани имлаб чақирди, — келинг, нега

"Мактабадаң тақдир-II"

анграясиз? Кечадан бүён роса ишрат қылганингиз етар!

У шундай деб Абдулла акани панжара ортига ўтказиб, жаҳаннамга равона қилмоқчи эди, Лобар йўлини тўсди.

— Кўлингизни ҳам теккизманг! — деди кўзларидан ўт чақнаб.

Юзи тиртиқ кимса соқчиларга бақирди:

— Нега анқаясанлар?! Томоша тугади! Иш жойига жўнатинглар буни!

Икки барзанги Абдулла аканинг оёғини ерга теккизмай олиб кета бошлашди. Лобар бақувват билакларга бехуда осилиб, айюҳаннос солиб қолаверди.

— Бу одам жонингиздан ҳам устунми? — хитоб қилди Иброҳим давангир Лобарга. — Арапашманг ишларига! Эр фақат никоҳ қогозидагина сизники! Аслида эса Сицилия молдай сотиб олган. Шунисигаям шукр қилинг. Ҳеч ким сотиб олган қулларни қўйиб юборишмайди, ўлдиришади, тушунаяпсизми? Ўлдиришади!

— Агар шу одамнинг пулинни тўлаб, озод қилмасангиз, қарта ўйнамайман! — деди Лобар.

Унинг овози ҳамманикidan жарангдор, акс-садоли, аллақандай даҳшатли чиқди.

— Қарта ўйнамайман! — такрорлади Лобар.

Иброҳим давангир нимадир деди. Лобар ортига чекиндида, бурчакка қисилиб, жамики жиноятчиларга қарата чинқирди:

— Кимнинг кучи етади менга?! Ораларингда энг кучли ким? Қани, мени қарта ўйнашга мажбур қила олармикан?! Ҳеч қачон!.. Ўлдирасан, ожиз чиябўрининг ишини қилиб! Аммо қарта ўйнатолмайсан! Мен қарта ўйнамасам, сен, сен, сен!.. — Лобар мафия йигитларини бирма-бир кўрсата бошлади. — ...ҳамманг мурдага айланасан! Чунки мен қартадан бош тортсам, икки мафия оролга қандай эгалик қиласди? Бўлиб олишолмайди! Отишма бошланади! Сен! Сен! Сен!.. — Лобар Иброҳим давангирга ҳам қўлини бигиз қилди.

— Сен ҳам!.. Ҳамманг ўласан! Бир-бирларингнинг гўштингни еб, тўнғиз қавмида кетасан! Худойим ҳаммангни

Азамат Коржевов

бир оролга түпләди, энди қочиб ҳам бўпсанлар!

Лобар тўхтаб, атрофдагиларга бир-бир қараб чиқди. Унинг сўзлари барчани баб-баравар қотириб қўйганга ўхшарди. Тушунган-тушунмаган кас борки, сукунатни бузишга кўрқарди.

Шу пайт ёгоч зиналар фижирлай бошлади. Фор тубидан шивир-шивир, йўталиш, инқиллашлар эштилди. Лобарнинг овози гўёки афсонавий ер ости мавжудотларини уйғотиб юборгандек эди. Қават-қават эски кийимлар кийган, юз-кўли кир-чир, ёргуликка ташна одамларнинг шарпаси кўрингач, Лобар панжарага суяниб, улардан кўз узолмай қолди.

— Тўхтанглар! — буюрди соқчи. — Ўлишни истаб қолдингларми, каламушлар?!

У автомат-тўппончасини ўқлаб, ишчиларнинг боши узра тариллатиб ўт очди. Ишчилар бир муддат энгашиб ётдилар, сўнг яна олга интилишди. Улар қулликда, минг азобда яшашдан тўйган эдилар.

Фазабланган юзи тириқ кимса тўппонча билан энг биринчи турган серсоқол кишини мўлжалга олди. Лобар сездики, у огоҳлантириш учун соқчи каби ҳаволатиб ўқ узмайди, битта-иккитасини отиб, тўдани тўхтатиб қолади.

— Агар отсангиз, ўзингиз ҳам омон қолмайсиз, — деди Лобар. — Ишонаверинг, мен ҳам анойилардан эмасман. Кўп давраларни кўрдим, кўп вазиятларга тушдим. Кўнглим сезаяпти, тепкини боссангиз, фордан ўзингиз ҳам тириқ чиқмайсиз. Бунга кафолат бераман.

Юзи тириқ кимса туркларга кўз югуртириди. Ҳар ҳолда, турк мафияси йигитлари отишмага ҳозир нозир турадилар.

— Бўлди, ютдингиз! — деди Иброҳим давангир Лобарга. — Эрингиз сиздан ажралмайди, уни сотиб оламан. Лекин қиморда ютқазсангиз, иккалангизнинг ҳам бошингизга Балеринанинг куни тушади.

— Билганингизни қилинг, — юзини четга бурди Лобар.

Бу вақтда "фор одамлари" панжарага яқинлашишга ултурган эди. Ёшроқлари эпчиллик билан эшиқка отилишди. Яна ҳавога ўқ узилди: ўқ тошдан-тошга урилиб, Лобарнинг

“Киң устидаеш макдур-II”

қулоги остидан ўтиб кетди. Мафия йигитларининг уларни даф қилишга кучлари етар эди, шунинг учун эшикка яқинлашганини тепиб, уриб зинадан думалатавердилар. Бақир-чақир, ур-тўполон авжига чиқди. Ёлвориш-у сўкинишлар, жанговор хитоб-у додлашлардан бечора кончилар орасида ўзбеклар ҳам, руслар ҳам, турклар ҳам борлиги маълум бўлди.

Иброҳим давангир исёнчиларга ўзини таништироқчи, тинчлик сақлашларини сўрамоқчи, Ўлик оролни қимордан ютиб олганини, бугун қарта ўйнаб, конни ҳам қўлга киритмоқчи эканлигини маълум қилмоқчи эди, лекин овози етмади. Лобар ва Абдулла ака четроққа чиқиб қолишиди. Абдулла ака бошини чангллаб, ерга ҳорғин чўқди. У шериклари қандайин аянчли ҳолда дўп посланаётганига қараёлмас, бақир-чақирларни эшитолмас эди. Унинг ушоққина бўлиб қолгани, касал ҳолида шунча укубатларга чидаб келгани Лобарни ажаблантириди. Шу пайт соқчи келиб, Лобарнинг қўлига найча қилинган мактуб тутқазди. Иккови бир-бирига сўзсиз тикилиб туришиди. Соқчи кўрсаткич бармогини лабига босиб, оҳиста бош чайқади, қиморбоз аёл тушунди. Кичкина сумкаласини очган киши бўлиб мактубга зудликда кўз югуртириди. Қисқа сатрларда шулар ёзилган эди: “Лобар, нима бўлганда ҳам, қояда қарта ўйнашга йўл қўйма! Бу сенлар учун ўлим! Уларни қумлоқ соҳилда ўйнашга мажбур қил. Шомил”.

* * *

Панжара яқинида исёнчилардан биронтаси қолмади – барчаси калтак еб, пастга улоқтириб ташланди. Мафия йигитлари ташқарига чиқишганида, бир кекса киши ҳовури кўтарилаётган челак билан форга имиллаб яқинлашмоқда эди. Ниҳоятда даргазаб юзи тириқ кимса унга ўшқирди:

- Қаерга келаяпсан, чорва?!
- Шилдир шўрва, сэр, – кекса киши инглиз экан, итальянчага тили зўрга айланди.
- Ҳўқизларинггами? А, ҳўқизларинггами?!

— Ҳар кунги овқат, сэр.

Юзи тириқ кимса кекса инглизнинг челягига зарб билан тепган эди, челяк сирпанчиқ тошлар устидан даранглаб пастга думалади, макарон ва картошка бўлаклари қолиб, суви оқиб кетди.

— Овқат егандан кўра тишларининг кирини сўрсин ифлос чўчқаларинг!

Кекса инглиз ҳеч нарса деёлмади. Ранги қогоздай оқариб, йигламоқдан бери бўлиб, овқат қолдиқларидан кўз узмасди. Лобар хат ёзган киши Шомил эканлиги ростми ё бу бир алдовми, деб ўйлаб бораради. Бир тўхтамга келди: хат чиндан ҳам Лобарларнинг манфаатини кўзлаган инсон томонидан ёзилган. Зеро, сицилияликлар уларни очиқ майдонга, яъни соҳил бўйига олиб чиқиб, пистирмага дучор қилишмоқчи бўлганида, кулбага жой ҳозирламасдилар. Мактуб битишига на ҳожат дейсиз?

Лобарнинг хаёлини ҳозиргина даранглаб кетган челяк ва сицилияликнинг сўкиниши тўзгитиб юбориб, у "ялт" этиб қаради. Юзи тириқ кимса оғзидан тупук сачраб, инглизнинг етти аждодини қўшиб сўка бошлади.

— Бас қилинг, деяпман! — қичқирди Лобар. — Кучим етади, деб томогингизни йиртиб бўкираверманг! Қаерда турганлигинизни унутманг!

— О-о, бу ширин сўзларни менга айтаяптиларми?! — юзи тириқ кимсанинг кўзлари бежо ўйнади.

— Бу орол меники! Менинг еримда турибсиз! Билиб кўйинг, оролни қартада ютиб олаётганимда, ҳаммангиз ковакларда сасиб ётгандинглар!

— Аввалги эгаси эркак эди, аммо бизларни кўриб шундай қочиб қолдики, ўчакишса, тугилганига пушаймон бўлишини тушунди. Сен эса ҳаммадан қолган фоҳиша...

Лобар ўйлаб ўтирмай, Иброҳим давангирнинг тўппончасига чанг солди. Сал бўлмаса, қуролни тортиб олиб, сицилияликка ҳам ўқ узишдан тоймасди.

— Отишмоқчимисан, жодугар?! — куролини ўқталди юзи тириқ кимса.

Ромеонинг дўсти ҳам Лобарни нишонга олди. Кимда курол

"Киң устидашы тақдир!"
бўлса, қўлига олаверди. Бунақада тез орада икки тўда бир-
бирини қириб битириши муқаррар эканлигини мияси бор
ҳар бир одам билиб турарди.

Иброҳим давангир жаҳл устида Лобарнинг юзига тарсаки
тортиб юборди-да:

— Кўзингни каттароқ оч! — деб бақирди. — Менга
жанжалкаш Лобар ва унинг илма-тешик бўлган жонсиз
жасади нима керак?! Манави эрингга ҳам керак эмас,
Россиядаги болангга ҳам! Умуман, ҳеч кимга!!! Тентак!
Аҳмоқ!.. Сенлар ҳам туширинглар куролларингни!

— Оролнинг эгаси сиз эмасмидингиз, жин урсин? — деди
юзи тиритиқ кимса асабий вазиятдан сўнг бир оз ўзига келиб.

— Ҳа, мен!.. Уни аллақачон расмийлаштирганман!

— Шунчаки сўрадим, — оёғи остига тупурди сицилиялик.
— Кечаси туш кўрибман, ўнгидан келаётганини қаранг-а!
Оролга иккита хўжайин чиққан эмиш. Афтларини ким
эслабди! Бир вақт икковини аллақаёқдан пайдо бўлган
махлуклар ёғоч устунга боғлашибди-да, дуч келган жойларига
мих қоқа бошлабдилар. Ҳе, бунинг нимаси даҳшат дейсизми?
Улар бир қарич келадиган михларни болдиrlарга, тиззага,
қоринга, кейин кўзлар-у пешанага, ҳатто оғизга ҳам қоқиб
чиқишибди.

— Тушинг ҳам, ўзинг ҳам бир гўрсан, — деди Иброҳим
давангир йўлида давом этаркан.

Шундан сўнг улар сўқмоқдан кулбалар сари йўл олишди.
Юзи тиритиқ кимса турк мафияси сардорининг охирги гапини
илгамай қолган эса-да, ҳақорат сўзлар айтилганини сезиб,
яна ерга тупурди.

Ўзига ўхшаган бир аҳмоқ унинг қўлига автомат бериб
қўйди. Бироқ вазият хийла қалтис бўлмасин, "Калашников"
совуқ суврати билан ҳеч қандай маъно касб этмади. Бунинг
устига, бақалоқ ҳам айнан автомат кўтариб олганига диққат
қилиб:

— Ҳа, юрагингни олдириб келаяпсанми, пулемёт кўтариб
олибсан?! — деган масхараомуз гап билан қаршилади.

Айримлар пиқ-пиқ кулишди.

Зуҳро кўринмас эди.

Ҳаммалари давра қуриб ўтиришгач, бақалоқ деди:

— Қартани қулбада ўйнашимиздан барча хабардорми? Ёна тақрорлайми?

— Мен қулбада қарта ўйнамайман, — деди Лобар қатъий оҳангда. — Соҳилга тушамиз.

Сицилияликлар бир-бири билан сирли кўз уриштиришди. Бақалоқ нотаниш тилда сўкинди, шекилли, сицилияликлар Лобарга мамнун қиёфада тиржайиб қарашиди. Иброҳим давангир ҳам ёмон қараётганини кўрган Лобар яна тувақиб кетди:

— Маймун ўйнатаётганим йўқ, нега ҳаммангиз мендан кўз узмайсиз? Эшитмаганлар, тушунмаганлар, хаёли жойида бўлмаганлар учун тақрорлайман: тош қулбада қимор ўйнамайман! Биз балиқчи ҳам, қароқчи ҳам эмасмиз. Шаҳзодалар сотиб олса арзийдиган мўъжизали бир оролни қиморга тикаётган халқаро қиморбозлармиз! Бу ҳазил гап эмас!.. Ва шундан хулоса чиқадики, дуч келган ахлатхонада ўйнаб кетавермаймиз...

— Бу кулба ахлатхона эмас, күшхона, — деди юзи тиртиқ кимса. — Агар Ромеонинг тўппончаси ўрнида ханжарми, чопқими бўлганида, күшхона номини росаям оқлардингиз-да!

Бақалоқ хўжайин юзи тиртиқ кимсани ҳам сўқди. Фалаговоруни эшитиб, Зуҳро четдаги қулбадан чиқиб келаркан, Лобар унинг ичиб олганини пайқади. Душанбелик қиморбоз аёл чакагига рўмолча босиб, аламзада алфозда эркакларга яқинлашди. Яқинлашди-ю, барча хўрлик ва зугумларга Лобар айбдордек унга яниб қаради. Негадир Лобарнинг кулгиси қистади. Бу ким? Москвада фаррошлиқ қилиб юриб, қимор ўйинларида эри учун "қиморга тикилувчи жонли мулк" вазифасини ўтовчи аҳмоқ аёлми, ё ундан ҳам баттар эси паст, суюқоёқ, аммо фавқулодда истеъдодли қартабозми? Қарта одамнинг миясини суюлтиради, деганлари рост эканда! Ёки мияси суюлган одам қарта ўйнайдими?!

Лобар устидан кулаётганини сезган Зуҳро аламдан чуқур-

“Кохилдашың тақдир-II”

чукур нафас олди. Бақалоқ ўз қиморбозига шундай нигоҳ ташладики, Лобар буларнинг ўртасида анчайин кир воқеа бўлиб ўтганини тушунди.

— Соҳилга тушамиз деяпти, бу ерда қарта ўйнолмас эмиш,
— деди бақалоқ бефаросатларча димоғини қириб (ҳатто, эркакларнинг ҳам гижини келди.) — Хўш, Зуҳро, нима дейсан? Осиё қартасида жой танлаш нимани англатади?

— Кўрқоқликни, — жавоб берди душанбелик аёл.

— Қанақа кўрқоқлик? — Лобар унга яқин борди. — Агар кўрққанимда шу оролга келармидим?! Билиб қўй, нега соҳилбўйини танладим. Сен менинг олдимда фўё бир пашшадайсан. Қартани қай даражада ўрганганингни билмайман-у, аммо айтиб қўяй: қанақа қартабоз бўлишингдан қатъи назар, яrim соатга қолдирмай, шармандангни чиқараман. Шунда кемангга ўтирасан-у, келган томонингта кетаверасан, оролдан сенларни ҳайдаб ўтирмаймиз. Кетиш осон бўлсин, деб қирғоқни танладим.

— Димоғидан эшакқурт ёгилади, деб шунақаларни айтишади, — минфирлади юзи тиритиқ кимса ва Лобарнинг гапларини қўшиб-чатиб бақалоқ хўжайинига таржима қилди.

— Жудаям яхши, — деди хўжайин бармоғи билан бурнини тозаларкан, — шу режаларини ўзига қарши ишлатамиз. Соҳилдаёқ юмшоқ орқасига бир-бир тепиб, Туркияга қайси томондан сузиш кераклигини кўрсатиб қўямиз.

— Фақат тепиб кўяқоламиزمи? — кулишга тараддулланди юзи тиритиқ кимса.

— Э, сени қара-ю... Бурним шу ердаёқ тупроққа тўлибди, нима, энди кумга тўлсинми? — деди бақалоқ.

Даврада сицилияликларнинг кулгиси портлади. Албатта, бу қаҳқаҳа Иброҳим давангир учун ҳақорат эди.

— Бас қилинглар! — бақирди у бир қўлини кўтариб. — Қиморбозим соҳилни белгиладими, мен розиман, қимор кумлоқда бўлади!

— Биз-чи? — тиржайишда давом этди юзи тиритиқ кимса.

Афтидан, у биз ҳали рози бўламиздими, йўқми, демоқчи эди, лекин турк мафияси сардори буюрди:

— Стол-стулларни ташинг.

Юзи тириқ кимса туркларга қараб бармоғини қарсиллатиб, масхараомуз илжайди.

— Ўғлонлар, нима, эшитмаяпсизларми? Бейларинг амр этаяпти.

* * *

Денгизда шамол турди. Қумлоқ соҳилга стол-стуллар қўйилиб, гулхан ёқиш учун ўтин таший бошлишди. Икки нафар сицилиялик ва икки нафар турқдан бошқа биронта одам қояда қолмади.

Бу вақтда туркларнинг иккинчи кемаси етиб келиб, биринчи кема ёнида лангар ташлаган эди, мафия сардори рациядан қичқирди:

— Қайси подадан чиқди бу фикр?! Лангарни кўтариб, жануб томонга ўт, эшакмия!

Шамол стол устидаги гулдор клёнкаларни учириб кетмаслиги учун, мафия йигитлари уни ип билан боғлай бошлишди. Лобар ва Абдулла ака бир-бирига яқин, аммо тескари қараган ҳолда туришар, жой ҳозирланишини кутишарди. Бир неча киши гулхан ёқиш билан овора эди.

Лобар бир турқ йигити ва сицилиялик битта ёндиригичдан сигарет тутатиб олишганини кўрди. Иккови ҳам баравар совқотишиб, костюмлари ёқаларини кўтаришди. "Одамлар бир-бирига душман бўлиб туғилмайдилар, — ўйлади Лобар.

— Эсларини таниб, дунё нима эканлигини тушунгач, нафс, мансаб, ёвуз мақсад йўлида тиш қайрайдилар..."

Лобарнинг юзига ёқимсиз совуқ шамол урилиб, денгиз тўлқинлари оролни ювиб кетгудай бостириб келавердилар. Улкан замин, чексиз уммонлар, заррасимон инсон — барчаси улуғ тафаккур маҳсули бўлиб кўринди. Хато ўйлаганини бирдан тушунди. Одамлар эсларини таниб, дунё нима эканлигини англаганларида эди, ҳеч қачон қиморни кашф этишмасди, мафия деб аталмиш иблислар уюшмасини тузмасди, ўзи каби одам боласини қулликка маҳкум этмасди. Дунё кучлиларнинг қўлида. Найранг ишлатсанг, даҳшатга

“Киң устоздаш тақдышы”
солсанг, ошиғинг олчи, акс ҳолда хасдек қадр топмайсан,
дегувчилар қанчалар гумроҳ эканини ҳис этди...

Бўйнига жун рўмол ташлаб, Зуҳро келди. Лобар у билан яна жанжаллашиб ўтирмаслик учун дарров кўзини олиб қочиб, денгиз қушлари қоялардан паноҳ ахтаришини томоша қилди. Зуҳро Лобарга лаб буриб қўяркан, Абдулла акани тирсаги ила ниқтади.

— Нари боринг, бобо, бу ерда аёллар сирлашмоқчи.

Абдулла ака зўрга тургандек чайқалиб кетиб, қиморбоз аёллардан тўрт-беш қадам олислади.

— Ўғриқарашиб қилманг, боринг, бобо, бораверинг, — деди Зуҳро очиқдан-очиқ мазах қиларкан.

Лобар Зуҳрога эмас, Абдулла акага ғазабнок тикилди. Эркак деган номи бор бу кимса нечун бунчалар муте, юраксиз ва афтодаҳол? Қариллик ҳамда ҳолдан тойиш сабаб бўлолармикан? У ҳолда қайси мард қарибдики, муте, юраксиз, афтодаҳол бўлиб қолибди?!

— Боя ўйнашинг эди, энди бобо бўп қолдими? — деди Лобар. — Балки шамол бошқа томондан эсиб қолса, у сенга ота ҳам чиқар?

— Унисини билмадим-у, аммо... — деди Зуҳро қўкариб, қорайиб қолган жағини силаб, — аммо сен устозимсан. Шунақа устозимсанки, сен билан фахрланмайман. Ўла-ўлгунимча лаънат айтаман! Қиморбоз бўлишингта сабабчи одам — устоз. Ундан қандай яшашни, шуҳрат қозонишни, бойлик орттиришни ўргансанг, у ҳам устоз. Бирорвга ҳавас қилсанг, тақлид қилсанг, у ҳам устоз...

— Овозингни ўчирсанг бўларди, — деди Лобар қўполлиқ билан. — "Устоз" деган сўзни роса булғаб юбординг.

— Нима қипти? Устоз дегани фақат муаллим ва мураббийларга нисбатан қўлланиладими? Йўқ, кечирасан, устоз ўрида ҳам, гарда ҳам...

— Юзингга туфлаш учун тупугим ҳам ҳайф! — қаттиқ-қаттиқ гапирди Лобар.

У нари кетаркан, мафия йигитлари иршайишаётганини кўрди. Бу телбалар икки хотиннинг айтишувини эр талашиш

Азим, Рустем
деб тушунишаётган бўлса ажабмас. Бундан бошқа қандай фикр қилиш мумкин?

— Абдулланинг ўрнида бўлиб қолсайдим, — луқма ташлади юзи тиртиқ кимса.

Лобар тўхтаб, ниманидир ўйлади. Юзи тиртиқ кимса қиморбоз аёлнинг нима деб жавоб қайтаришини кузатиб турган эди, кутгани бўлмади: Лобар шиддат билан ортига қайтиб, Зухронинг қаршисида тўхтади.

— Мени деб қарта ўргандингми? Менга ҳавас қилиб қартабоз бўлдингми?

— Ҳа, сенинг кутилмаганда бойиб кетганингга, ҳовлижой, машиналар олиб, дўконлар очганингга, номигагина эр қилиб, ресторанма-ресторан айшингни суреб юрганингга чидолмадим. Ҳасадга ўхшаш, ҳавасга ўхшаш бир истак ўтида ёндим. Ҳозир сенга жудаям сурбет бўлиб кўринаётгандирмана? Аммо ўзимга яқин олиб, рўй-рост гапирайпман. Ўйлаб кўр, ўрнимда бўлганингда нима қилардинг? Ўзим жавоб берай: мендан баттар бўлардинг! Битта квартирада турган одаминг миллионер бўлиб кетса-ю, сен эски тогорада кир ювив ўтиранг, чидайсанми?

— Шунчалар ичи қораликни қандай ўргангансан, ҳайронман! Умрим бино бўлиб сендай ифлосни биринчи кўришим!

Зухрога гап таъсир қилиш у ёқда турсин, олов ёқаётган мафия йигити қўлини куйдириб олганига кўзи тушиб, завқланиб кулди.

— Қара, мафия фақат газ билан электртга ўрганган-да, ўтинга келганда шошиб қолади, — деди у.

Лобар гулхан томонфа қиё ҳам боқмади.

— Сени аёллик латофатини йўқотиби, деб ўйлагандим, — деди Лобар, — одамлик сиёғинг ҳам қолмабди.

— Одам? Нима, мен одам эмасманми? Биласанми, мендан қанча ёш кичиксан? Салкам онанг қаториман! Боядан бери сенсирайсан, оғзингдан боди кириб-шоди чиқади! Ўрнимда бўлганингда мендан ўтиб тушардинг, десам одамга сапчийсан! Оппоқ экансан, қани, жавоб бер, нима учун қарта ўргандинг?

“Қыл устидаси тақдир-II”

Асиралиқда вақт ўтказиш учун, деб алдашга уринма. Сен қотилларнинг қўлида яшадинг. Уларнинг касби одам ўлдириш эди. Вақт ўтказиш учун нега одам ўлдиришни ўрганмадинг? Йўқ, бу оппоқликка кирмайди, саволни нотўгри бердим... Нега анави кампирдан – Балеринадан рақс ўрганмадинг? А? Билардингки, одам ўлдириш билан узоққа бормайсан. Рақс эса сенга ўхшаган мардикорни қаердан қизиқтирсинг?! Сен операни тушунармидинг?! Қарасанг, қартанинг мисли йўқ устамони қаршингда ўтирибди. Мусичадек беозорлигинг билан ишончига киргансан. Хўжайнинларинг қиморнинг орқасидан одам бўлган кимсалар эди.

– Йўқ, сен улар ҳақида ҳеч нарса билмайсан, – ёниб сўзлади Лобар, – лекин ҳаммамиз шуни биламизки, сен қимор орқали бойлик орттириш пайида юрибсан. Тожикистон, Киргизистон, сўнг Амирликда ютиб, бирмунча бойлик тўплагансан. Эпчилигингни кўриб, атрофингда қимор бандалари тўпланишган. Улар сени бойлик учун халқаро қиморга тортиб, менга рўпара қилишди.

– Умуман олганда, гапларинг тўгри, – деди Зуҳро фолибона ишшайиб. – Битта жойда сал янглишдинг.

– Яна қандай туҳмат қилмоқчисан?

– Мени улар халқаро қиморга таклиф этишиб, "қани, сочини юлиб ташлаёласанми?" дейишиб, сенга рўпара қилишган эмас. Аксинча, сени мажбуrlаб менга рўпара қилишди. Нотўғрими? Сен қўрқоқсан, Лобар! Ҳар сафар янги қартабозга дуч келсанг, дир-дир қалтирайеан. Бир кун келиб расво бўлишинг аён.

– Кўпга бормайсан, яrim соатга ҳам, – деди Лобар бу гал ҳиссиз оҳангда.

– Ҳадеб "яrim соат" деб, бидиллайверма. Кўрамиз, ким зўр экан!

– Мени мафия мажбур қилиб қиморга тортди. Сен эса шу лаънати қарталардан баҳтсизлик топганинг етмагандай, ўзингният қартага урдинг. Агар ақлинг бўлганида, қимордан бойлик умид қилмасдинг... Афсуски, энди сен ҳам ўласан! Шармандаларча ютқазганинг учун улар сендақа

олифта аёлни дengизга чўктиришади.

— Лобар, аслида ўзинг ичиқора, бадбин, бировларни кўролмайдиган эканлигинг сезилиб қолди. Илойим, менга тилаган ўлиминг ўзингга насиб этсин!

— Қоч, — итарди Лобар, — мендан нари тур, сассифингга нафасим қайтаяпти.

— Гапимни сассиқ деяпсанми? Унда энг сассиқ гапимни эшиш...

Абдулла ака Зуҳрога хавотир аралаш нигоҳ ташлаб, бир нима дейишга оғиз жуфтлади, аммо аёлларнинг важоҳатини кўриб, журъат этолмади. Унинг ҳолатини сезган Зуҳро ҳузурланди.

— Тағин манави эркакнинг қандай қучоқлаганини айтади, деб ўйлама, — Зуҳро хоҳолаб кулиб, чапак чалди ва айланиб рақс тушди: Шамол унинг қизиб кетаётган баданини совитолмас, соchlарини хазондек учиролмас эди. — Мен бошқа гап айтмоқчиман. Сен, яхшилаб эшиш — қопқондасан! Қоп-қон-да!.. Қочай десанг, бутун атрофинг сув!

Лобар Сицилия мафиясига хизмат қиласидан соқчилардан бири берган махфий хат хусусида бир тўхтамга келган бўлсада, кўнглининг аллақайси бурчагида хавотир мудраб ётарди. "Энг кўп бош қотиравчи кишилар, бу — жиноятчилар, — деган эди унга самарқандлик корчалон. — Мана, сизга сўраган нарсангизни топиб бердим. Буни бизга келтирувчи шахслар кеча-ю кундуз ўйлаганлар, йўлини қидирганлар. Бу — каллани ишлатишдан бошқа нарса эмас". Лобар шу тобда атрофидагиларга кўз югуртирап экан, булар фақат қимор билан чекланиб қолмаслигини фаҳмлади. Ҳаммаси ўйланган, олдиндан режалаштирилган. Лобарга ўхшаган соддаларгина фақат қимор ўйналади-ю, орол кимнинг қўлида қолиши маълум бўлади, деган хаёлда юрибди.

— Битта менинг эмас, сенинг, унинг — ҳамманинг атрофи сув. Бу ерда бир киши қопқонга тушмайди.

— Ие, мана, сен тушиб ўтирибсан-ку! Наҳотки, Ўлик орол эгаси шундай катта мулкини туркларга ютиб берганинг учун кечирса?! Чучварани хом санабсан. Тамом бўлганинг шу!

“Кўзларнидали тақдир-II”

Лобар унинг ёқасидан силтаб, кўзларига еб қўйгудек тикилди. Иккови ҳам саросима ичида эканлиги билиниб турарди.

— Тўғрисини айт, оролнинг собиқ эгаси сенларнинг одамларингми?

— Буларнингми? — деди Зухро сицилияликларни кўрсатиб.

— Буларнинг одами эмас, лекин энди шундай деб атасак бўлади. Чунки сени борса-келмасга жўнатиб, ниятларини ушалтириди ўша араб.

— Ниятларини дегин?! — тишларини фижирлатди Лобар.

— Ҳа, орол эгаси сендан ўч олмоқчи, шахсий гина-кудурат! Сицилия эса қучли қиморбозларни нариги дунёга жўнатиб, ўзининг қарталарини жаҳон қиморхонасига олиб кирмоқчи. Сен айнан Лобар бўлганинг учун ўлим рўйхатига кирганинг йўқ. Ўрнингда Маъруфми, Абдуллами, бизнинг йигитларни шаҳид кеткизган Озодами — қайси бўлганида ҳам рўйхатга киради, ном қозондими, рўйхатга кирмасдан қолмасди.

— Нега бу сирларни ҳал қилувчи қимордан олдин айтаяпсан? — сўради Лобар. — Оғзи бўшларни мафия қандай жазолашини билмайсанми?

— Жазоланишдан ҳам менга бошқа нарса муҳим! Кафансиз кетишингни била туриб, қартани қандай ушлашинг қизиқтираяпти.

Лобар унинг ёқасини қўйиб юборди. Ҳаёлидан шундай гап ўтди: "Зухро менга, мен Зухрога ўхшаб қолдим. Иккимиз ҳам қиморбоз, иккимиз ҳам эркаксифат. Кафансиз кетар эмишман? Кошки, у ҳам омон қолса!..."

Кейин тушини эслади. Ҳажга боргани — вафот этишидан даракмикан?

* * *

Ўлик оролнинг ўрдак бурнига ўхшаш қумлоқ соҳилида ниҳоят, икки аёл рўпарама-рўпара ўтиришди. Иккови ҳам осиёлик. Бир вақтлар Россияда танишиб қолишган: Лобар ҳожатхонада, Зухро ошхонада фаррошлиқ қилган. Энди эса ёлланма қартабоз бўлиб икки қитъа мафиясига хизмат қилишмоқда.

Зухро йүйинга ошиқиб, қарта олиб келишларини сабрсизлик билан кутаркан, оёқларини бир-бирига ишқарди. Лобар ҳиссиз ўтиради: құмлоқ соҳил қопқон экан, майли, пешанада ёзилганини күради. Бироқ Үлік оролнинг мисрлик соҳиби Лобарни Зухрога рўпара қилиб, қасос олишини қандай тушунмоқ керак? Зухро қимор аждаҳосимидики, унга рўпара келган қартабоз омон қолмаса! Ё Зухро тенгсиз қартабозга айланиб бўлдимикан? Балки ундан эшитганларини Иброҳим давангирга айтиш лозимдир... Балки Зухро шунчаки баҳонадир, улар Лобарни оролга чорлаб, ўлдириб юборишни режалаштиргандир?..

Бақалоқ сигарет тутатган кўйи турк мафияси сардорига яқинлашди.

— Орол қанчага баҳоланади? — сўради у Иброҳим давангирдан.

— Йигирма миллион доллардан ками йўқ, — деди турк мафияси сардори.

— Бўлди, гап йўқ, — ёғли лабини бурди бақалоқ, — мен ҳам кон учун шунча сўрайман.

— Кимдан? — Иброҳим давангир яхши таржима қилолмади, деган шубҳада юзи тиритиқ кимсага қаҳр билан нигоҳ ташлади.

— Сиздан... — деди тилмоч. — Сиз оролни йигирма деяпсиз, у ҳам конни шунчага баҳолаяпти.

— Бу қанақа масхарабозлиқ?! Биз қиморга оролни тикаяпмиз, у эса өролимнинг бир қисмини! Ютсак нима ўзгаради?

Бақалоқнинг жини қўзиб, бир нималар деб жафи-жағига тегмай гапирди. Юзи тиритиқ кимса оғзининг бир чети билан кулиб:

— Англагандирсиз? — деди турк мафияси сардорига. — У Үлік оролни қиморга тикиб, сизларга ютқазган арабни сўқаяпти. Галварс "орол меники, лекин тилла кони Сицилия мафиясиники", деб тушунтириши керак эди, деяпти. Лекин сиз тушунишни истамасангиз ҳам, ҳеч нарса ўзгармайди. Фор бизники! Ҳеч қайси ҳужжат фор бизга қарашли

“Кын устидасы тақдур-II”

эканлигини тасдиқламайды, қарашли эмаслигини ҳам тасдиқламайды. Бизнинг қучимиз бошқа нарсада...

Бақалоқ яна қўшимча қилди. Юзи тиртиқ кимса бир четда турган Ромеонинг дўстига қараб олди. Айни шу лаҳзада Лобар ҳам ўша томонга назар ташлади-ю, қилт этмай турган соқчи йигитни кўрди. Фордаги можарода ҳам холироқ жойга чиқиб шундай турган эди. Ҳа, кўзлари ҳақиқатан сирли экан. Қандай маъно уқиб олишни билмайди киши.

Юзи тиртиқ кимса тилмошликда давом этди:

— Хўжайнин айтаяптиларки, дунёда нима кўп, қиморга тикса бўладиган нарса кўп. Бу ўйинда фақат оролгина ўйналиб қолмайди. Бундан ташқари... Бизнинг ажойиб артистимиз ўлди. Унинг жони ҳам фалон пул. Бечорани ўлдирғанларингиз учун ярим миллион доллар қарз бўлдингиз. Қолаверса, анави қария ҳам ярим миллион долларга баҳоланган, — юзи тиртиқ кимса Абдулла акага ишора қилди. — Демак, ўйин бошланмасданоқ бир миллион доллар қарзингиз борлигини унутманг.

— Бунақа майда гапларга менинг тоқатим йўқ, — деди Иброҳим давангир. — Ўйин бошлансин! Айтиб қўяй, конни ютиб олганимдан сўнг, навбат сицилияликларга! Агар уларнинг биронтасини ютиб олсам, ё ярим миллион долларни ҳозир тўлайди, ё қуролини ташлаб, қирғоқча бориб туради. Истасам уни отиб, сувга қулатаман.

Юзи тиртиқ кимса туркнинг гапларини ўз хўжайнинга тушунтириди. Бақалоқ бир лаҳза ўлланиб қолди, кейин шошилмасдан қарсак чала бошлади.

— О, ичимдаги гапни топди,—деди у. — Мен ҳам шуни айтмоқчи эдим, оролдан сўнг ўйинни давом эттирасак, одам тикиб ўйнасан! Қалай? Ахир, бизнинг конда ҳар бир йигитимга етадиган ортиқча одамлар бор. Мабодо, биронта сицилиялик ютқазиб қўйилса, ўрнига гордаги одам ўзини ўққа тутиб беради.

— Биттага-биттами? — сўради Иброҳим давангир.

— Нима дегани у "биттага-битта"? — тушунмади юзи тиртиқ кимса.

Азамат Коркозов

— Ўтқазилган битта сицилиялик йигит ўрнига битта кул ўлдириладими?

Юзи тириқ кимса унинг гапини таржима қилиши билан бақалоқ бош силкиди.

— Барибир ҳамманг ўласан, — башорат қилди турк мафияси сардори.

Сицилиялардан бири дипломатини стол устига қўйдида, кулф рақамларини чаққонлик ила териб, очди. Лобар дипломат ичидаги бир текис тахланган қарта қутиласини кўриб, кўз узолмай қолди. Ўйнамайман, деб ўзига-ўзи сўз бергани, қарта фалокатлар чиптаси эканлиги, уни, ҳатто, ушламаслик кераклигини унудти. Турли рангдаги қарталар кўзни қамаштирас, оҳанрабодек тортар, гўё "мен сенинг бойлигингман", деб шивирлар эди. Лобар яна соқчи йигитга қаради. Унинг кўзлари ҳамон сирли боқарди. "Ўйнаб ўлган яхшими, ўйнамай ўлганми?" — деди Лобарнинг ичидаги бир овоз. Зотан, бу жараён энди омонлик билан хотима топиши даргумон эди.

Шу пайт соқчи йигит қоялар томон қаради. Балиқчи кушлар безовта учгани, қоялар Лобарни ҳам маҳлиё этди. Соқчи йигит Лобарга қараб жилмаяркан, бошини сезилар-сезилмас чайқади. Буни қандай маънода тушуниш кераклигини қиморбоз аёл мушоҳада қилмади. Билгани шу эдики, у қарта ўйнамасликка қарор қилдими, тамомвассалом, ўйнамаслик керак! Иккиланиш барча қарорларнинг кушандаси!

— Олинг, — деди юзи тириқ кимса Лобарга.

Лобар қўл чўзган ҳолда қотиб қолди. Сўнгра қўлини секин тортаркан, Иброҳим давангирнинг йўталганини эшитди.

— Нима бўлди? — сўради сицилиялик.

— Кўрқаяпти, — Лобарнинг ўрнига жавоб берди Зухро. — У, ҳаттоки, қарта ушлашга кўрқаяпти.

Иброҳим давангир:

— Тушунмадим, — деб қиморбозлар сари икки қадам ташлаган эди, Лобар дик этиб ўрнидан турди.

— Бей, қарта ўйнашимга ҳожат йўқ!

“Кил устидаси тақдур-II”

- Яна бир марта тушунмадим, — деди мафия сардори фазабини зўрга босиб. — Нега ҳожат йўқ экан?! Бундай тутуриқсиз гапни қаердан олдингиз, Лобар?
- Тутуриқсиз гап эмас, бей! Биз қопқондамиз! Ўлик орол эгаси қандай ҳийла ишлатганини сезмаяпсиз. У...
- У Сицилиянинг ялоқҳўри! — бақирди Иброҳим давангир.
- Нима бало, шуни айтиб, қартани тўхтатмоқчимисиз? У бизлардан боплаб ўч олиш учун қимор ўйнашимизни ўюштириди.
- Қимор — баҳона! Қаранг, бей, атрофимизда қанчадан-қанча қуролланган кишилар турибди.

Иброҳим давангир Лобарнинг тирсакларидан тутиб, қулоғига вишиллади:

- Бошимни қотирманг, Лобар, акс ҳолда жуда-жуда ёмон бўлади.
- Булар...
- Минг лаънат буларга! Ўзим нима қилишни биламан, овсар эмасман-ку, ахир!.. Боринг, қарта олинг, ким биринчи бошлишини аниқланг.

Лобар қўрқди, аммо қўрқувни деб қиморга қўл ургиси келмади. Титроқ аралаш ютиниб оларкан, паст овозда деди:

- Ўйнамайман, бей.
- Эшитмадим, — мафия сардори уни куч билан силтади,
- эшитмадим... Э-шит-ма-дим!!!
- Ўйнамайман...

Иброҳим давангир қутурган қиёфага кирди. Озгин, рангпар сардорнинг бундайин важоҳатини Лобар илгари тасаввур қилмаганди.

- Ўйнамайсан-а?! — бақирди мафия сардори ва тўппончасини олиб, аёлнинг чаккасига тиради. — Ўйнамайсан-а?.. Бошимга ураманми қарта ўйнолмайдиган фоҳишани! Ҳа, у фоҳиша! Ҳой, тўнка эр! Кўриб қўй, мен буни Туркияга яхши ниятларда чақирган эдим. Сени ва ўғлингни қутқарсин, умрининг охиригача етадиган пул жамғарсин, дедим. Қара, бу ўйнамаяпти! Туркияга келган куниёқ ўйнаш топиб олган хотининг мени рад этаяпти.

Мени-я?!! Қани, айт хотинчангга! Айт! Үйнасин!

— Үйна, — деди Абдулла aka тили зўрға қалимага келиб.

— Қаттиқроқ! — Иброҳим давангир тўппонча сақлагиchinи бош бармоғи билан тушириб, отишга шайланди.

Балки у отмасмиди, балки кутилмагандა Абдулла аканинг ўзига ўқ узармиди? Тепкини босишга улгурмади: додлаган кўйи чўккалаb қолди. Қип-қизил қонга бўялиб, шалвираб қолган қўлидан тушган тўппончага қон чаккилай бошлади.

Ҳар иккала мафия йигитлари қуролларини чиқаришиб, саросима ичра ўз хўжалари атрофига тўпланишди.

— Ким отди?

— Қаёқдан отди?

— Аблаҳлар!.. — деган бақир-чақирлар бир зумда тинди.

Кимдир ҳамманинг овозини босиб кетадиган товушда:

— Ана у! — деб қичқирди.

Қоялар орасидан узун қора плашли бир кимса чиқиб, мағрур ҳолда булар томон кела бошлади. Икки қўлида икки тўппонча!

Мафия йигитлари дарҳол унга қуролларини ўқталишди. Аммо қора плашли заррача ҳайиқмай бостириб келаверди. Унинг жилмаяётганини кўрганлар янада саросимага тушиб қолишишди.

Энг биринчи бўлиб бу одамни Лобар таниди. Таниди-ю, ўрнидан туриб кетди. Кейин эса қоялар орасидан бир болакай чопиб чиқди. Қора плашнинг ортидан болаларча қувнаб югорди. Лобар болага синчиклаб қаради-ю, чинқириб юборди. Қора плашли киши Шомил эди. У жуда яқинлашиб қолган бўлса-да (ахир, жилмайишини кўриб турардилар), ҳатто, сицилияликлар ҳам танишмади. Лобар у томонга талпинар экан орқароқда чопиб келаётган боладан кўз узмасди. "Болажоним!" деган нидо бўгзидан отилишга шайланиб, ҳиқилдоғига илиниб турарди гўё. Бироқ тўсатдан кўзлари хира тортиб, ўғилчасининг рухсорини аниқ-тиник қўролмади...

Лобарнинг оёқлари олга босишдан тўхтади, гавдаси маст

“Қиң устидаси тақдир-II”

одамниki каби тебранди. Қизиқ, уни күриб болакай ҳам түхтади. Мафия йигитларидан құрқиб, Лобарга илтижоли термулаётгандек туюлди. Лобар ортига ўғирилганида мафия йигитларининг қуролларни ўқталиб туриши қандай оқибатта олиб келишини тасаввур қилди. Куроли бор ҳар бир кимса тепкини бир марта босишга улгурган тақдирда ҳам Лобар, Шомил ва бола аянчли равишда ўлим топиши муқаррар эди.

Лобар яна бола томон ўғирилди. Бола қатталарга хос нафрат билан қараб турарди. Унинг юз-кўзи Парвизга ўхшамади. “Дарвоқе, Парвизжоним Россияяда-ку, бу оролда нима қиласди? – деди Лобар ичида. – Илойим, бу ерларни кўрмасин болам!..”

Шомил мафия йигитларига яқин келди. Лобардан беш-олти қадам олдинда ҳамон жилмайиб турарди у. Шу пайт болакай алланима деб қичқирди.

– У грециялик балиқчининг ўғли, – деди Шомил. – Отасини шу оролда манави гумроҳлар ўлдиришган. Ҳозир болакай “Отамнинг қотилларига ўлим!” деб қичқирмоқда.

Боланинг Парвиз эмаслигига Лобар ҳам ўқинди, ҳам қувонди. Шомилга йиғламоқдан бери бўлиб, илтижоли нигоҳ ташлади.

– Ҳей-й! – хитоб қиласди Шомил ҳар иккала мафия йигитларига. – Ҳаммаларинг мени танисантлар керак?.. Бўлмаса, танишиб қўяйлик: мен қиморни уюштирганни, қиморга таклиф этганни, таклиф этилганни, томоша қилганни, қиморбозни таъминлаганни ва ниҳоят, қимор ўйнаганни шафқатсизларча ўлдиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган чеченистонлик Шомил бўламан! Худди сенларга ўхшаган олчоқлар мени бир замонлар қартага тортишган. Кейинчалик пул учун оиласми қириб ташлашди. Мафиядан эмас, қиморбозлардан нафратланишимнинг боисини ҳамма тушунгандир?!

– Оилангни соғиниб қолганга ўхшайсан, – деди сицилияликлар бошлиғи. – Неча ойдан бери қорангни кўрсатмайсан? Тўғрисини айтсам, сени тирик учратганимдан

Азамат Қорқовот

хафаман. Турклар ҳам хафа!.. Ух-хұ, уларнинг дарғазаб қиёғаларига боқ! Иброҳимни ҳам роса қонига беладинг, қўлидан айрилди, шекилли, ҳеҳ-ҳе-ҳе...

Иброҳим давангир оғриқдан тишини-тишига босиб, ўрнидан турди. Шотирлари билагини қисиб боғлашиб, қонни тўхтатишга уринишган, аммо қон латтадан силқиб чиқмоқда эди. Туркларнинг важоҳатини кўрган одам Шомилга ҳеч қачон шафқат қилинмайди, деган хәёлга бориши тайин эди. Бироқ мафия сардори Шомилни отиб ташлашни амр этмади.

— Снайперларингга айт, таслим бўлсин, — деди Иброҳим давангир. — Сўз бераман, уни ўлдирмайман. Ортиқча қон тўкилмаслиги учун яхшилик қилаяпман.

Шомил иккала тўппончасини ҳам қумга ташлади. Болакайга "жўна" дея қоялар томон ишора қилди. Кейин эса ортидаги одамлар гимирлаб қолишган кемаларга бир-бир нигоҳ ташлади. Туркияликлар ва сицилияликларнинг кемалари тўлқинлар узра бебош отдек ўйноклар, одамларни денгизга улоқтироқчи бўларди.

— Лобар, — деди Шомил, — болани Парвиз деб ўйладинг-а? Мени кечир, сен ҳозирча болажонингни кўришга лойик эмассан. Лекин... яшашга ҳақлисан. Бор, боравер. Балиқчининг ўғлини тузукроқ жойга яшири...

— Лобар ҳеч қаёққа кетмайди, — деди турк мафияси сардори. — Агар жонидан тўйган бўлса...

— Бу ерда ҳамма жонидан тўйган, — мафия сардорининг гапини бўлди Шомил. Унинг юзида газабланиш, ҳеч нарсадан қўрқмаслик, ўзига ҳаддан ташқари ишониш аломатлари кўринди. — Бирорни ўлдириш билан у ёқда — қонунлар мамлакатида қўрқитасиз. Бундай борса-келмаслар маконида эса ҳар бир кимса аллақачон ўлимни бўйнига олган.

Мафияда Шомилни билмайдиган ёки у ҳақда эшитмаган одам йўқ эди. Қўлга тушмас киллер, буюртмадаги инсонни ўлдирмай қўймайдиган профессионал, душманларига нисбатан шафқатсиз бўлган бу чечен рўпараларида туриб гапирганда йигитлар ҳайиқиб қолишли. Аммо-лекин Шомил

"Биронта маңындағы мазкур" ұғымы

хам иссиқ жон, битта ўққа ўлади. Биронта йигит тепкини босса, бас, ўзини шер өфглаётган мазкур кимса бир қоп гүштга айланади. Кейин уни тепиб ўтиш, устига туфлаш, кийимларини ечиб олиш, танасини құмда у ёқдан-бу ёққа судраш мүмкін. Ҳа, банда шунчалик ожиз! Манманлик қылғанлар сониялар ичида тупроққа айланиб, душманлари томонидан ҳайвоннинг ўлигидан-да баттар хүрланиши ҳеч гап эмас. Шундай эса-да, уни ўлдиришга ким журыят этади?

— Отмоқчимисанлар? — деди Шомил мафия йигитларига.
— Билиб турибман, "отсам ўлармиカン?" "теккизолмасам ҳолим нима кечади?" деб иккиланаяпсанлар. Ораларингда манави бейнинггина фаросати бор экан, қолғанлар эса молдан фарқи йўқ. Тўгрими, Иброҳим бей? Сизга снайперларим ўқ узганини дарров билдингиз. Ва у ҳозир ҳам пойлаб турганига ақлингиз етаяпти.

Сицилиялик бақалоқ хўжайин рациясига шивирлади:

— Томда мушук бор, томда...
— Эй!.. — қўли билан пўписа қилди Шомил. — Кемангга хабар бераяпсанми ё гордаги ўликларингтами? Айтиб қўяй, битта ортиқча ҳаракат билан нариги дунёга кетасан! Фор ва кулбадаги одамларинг "дамини оляяпти". Кемаларингдан бирор қайик сувга тушса, бекорга денгизни булғайди, ифлос қонлари билан! Ташланглар қуролларингни! Эркакча гап шуки, менга ширин жонларинг ҳам, қуролларинг ҳам, олтинларинг ҳам керак эмас...

— Шомил, — деди бақалоқ, — босс шу юришингни эшилса...
— У қамоқда, — деди Шомил, — бутун тонгда ҳеч биринг телевизор кўрмагансан, шекилли. Сицилияда сал кам инқилоб бўлди. Раҳбарларинг полициянинг кишани билан чиқди уйларидан. Одамлар хурсандлигидан намойиш қилиб, кўчаларни тўлдириб юришибди.

Шу ондаёқ бақалоқнинг рациясидан ташвишли хабарлар эшитила бошлади. Афтидан, кемадагилар Сицилиядаги ғалати ҳодисалардан ахборот бермоқда эдилар. Бақалоқ аввал оқарди, кейин қизарди. Сўнг қаҳ-қаҳ уриб кулди. Шайтон

Азамат Қоржовов

қитиқлаётгандек, атрофдагиларни унугиб бир оз вақт ўзи билан овора бўлиб қолди. Ниҳоят, Шомилга яқинлашиб, бирдан кулгидан тўхтади.

– Рост экан, – деди кўз ёшларини артиб. – Мен эса қўрқиб ўтирибман. Шомил ёлғон гапирса, шунча олтинни ўшалар олади, деб! Йўқ-йўқ, улар ростдан ҳам қамалибди, энди мен коннинг ягона ва мутлақ эгасиман. Турклар, – дея у Йброҳим давангирга имо қилди, – менинг олдимда жуда лақма. Снайпер ҳам ўзинг, ҳар бало ҳам ўзинг! Тўғри топдимми? Туркни отиб, милтигингни қўйиб келаяпсан? Ҳеч қанақа снайпер йўқ. Қояларда фақат қушлар бор. Шундайми?

– Снайпер бор, у ҳозир қовоқ каллангга ўқ узиши мумкин.

– Сени биламан-ку, ахир! Қачон шерик олгандингки, энди оласан?! Қани, тинчгина таслим бўл, биз кўпчиликмиз. Войвой, тағин отиб қўйма. Сал орқароқ, сал панароқ турай, чеченларга ишониб бўладими?! Бир думалаб тўппончаларни овлоссанг, ўлгунингча иккита ўқ узишга улгурасан.

Бақалоқ масхарабозлик ила ортга чекина бошлади. Зухрога яқинлашгач:

– Кел, жоним, анавини тутиб олгунларича иссиқ елкаларингни ҳидлаб турай, – деди.

Мафия йигитларига яна жон кирди. Юзи тиртиқ кимса автоматини ўқталиб, буюрди:

– Шомил, сен энди қочолмайсан! Снайпер ҳақидаги чўпчагинг, афсуски иш бермади. Берироқ кел, қўлларингга куролдан кўра кишан ярашади.

Шомил қаршисидаги йигирма чоғли кишига аланг-жаланг боқди. Кўзлари безовта ўйнаб кетгани Лобарни чўчитиб юборди. Наҳотки, Шомил ночор ҳолда қолди?! Ҳозир биронта асабий одам тепкини босиб юборсами!..

– Лобар, – деди у ҳорғин қиёфада, – нима дейсан, киллер ҳам одам ўлдиришдан чарчайдими?

– Сафсатани бас қил! – қичқирди бақалоқ Шомилнинг Лобарга айтган русча сўзларига тушунмай. Сўнгра ўз

одамларини сўкиб, уни ушлашни буюрди.

— Майли, қурол билан видолашаман, — Шомил түппончаларини икки томонга тепиб юборди. — Аммо яна бир бора қулоқ солинглар! Менга ҳеч нарсаларинг керак эмас. Фақат... қартабозларни олиб кетаман. Кўриниб турибди, улар икки киши, иккови ҳам аёл! Аёлларни ва болаларни ўлдиришга одатланмаганим учун бу сафар қиморбозларни жазоламайман.. Уйимда даволайман, яъни қимор касаллигидан бутунлай халос этаман. Хўш, таклифимга ким кўшилмайди?

— Мен, — деди Иброҳим давангир.

— Мен, — бақалоқ кўксига урди.

Айримлар пастроқ овозда "мен" дейишиди-ю, лекин Шомилнинг хужумига биринчи бўлиб дуч келмаслик пайида эҳтиёткорликни афзал билиб, жойларидан жилмадилар.

Шомил грециялик бола қоялар пойига етган-етмаганлигини билиш учун қайрилиб қараб қўйди. Сўнг Зуҳрони бармоғи ила имлаб чақирди.

— Эй, душанбелик аёл, бу ёқقا кел. Лобар икковинг анави болакайнинг ортидан боринглар... Александро, семиз гавдангга барибир у қалқон бўлолмайди, қўйвор.

— Минг лаънат! Ушланглар уни! — бўкирди бақалоқ. — Отиб ташлайдиган эркак борми ораларингда, пандавақилар!

Иброҳим давангир йигитларига Шомилни маҳв этишни юз ифодаси-ла буюрди. Уч-тўрттаси олга қадам босганди, Шомил қўлларини кўтарди ва:

— Шошманглар, — деди асло ташвиш чекмаган овозда. — Мен сенларга тулуп эмасман. Ифлос қўлларингни теккизишга ҳеч қачон йўл қўймайман. Икковингга, — дея у бақалоқ билан Иброҳим давангирга мағрур қаради, — орол ва кон керак эди, шунақами? Шунинг учун қарта ўйини ўюштиргинглар! Аёлларни рағбатлантириб, мажбурлаб, алдаб — турли йўлларини қилиб олиб келдинглар.

Бақалоқнинг сабр косаси тўлиб, ёнидаги йигитнинг милтигини тортиб олди. Бунга жавобан Шомил лип этиб оқ

рўмолча чиқарди-да, шамолга ҳилпиратиб ушлади.

— "Винчестер"ни ташла, чўчқа! — деди таҳдид билан. — Дастрўмолни туширишим билан, анави қоя орасидан снайперим қоқ пешанангдан дарча очади! Бу гап бошқаларга ҳам таалтуқли!

Иброҳим давангирга Шомил эмас, унинг шериги ўқ узганлигига, айни пайтда снайпер ажали яқинлашган яна кимнидир мўлжаллаб турганлигига мафия йигитлари ишониб-ишонмай, саросима ичра бир-бирига қарашди.

— Кемалар қирғоққа яқинлашмасин! — қайта огоҳлантириди Шомил.

Бу гап кўпроқ турк мафияси сардорига қаратилган эди.

— Аҳволим тузук, — рацияга гапирди Иброҳим давангир.
— Сувга қайик туширманглар, кутинглар, ку-тинг-лар...
— Иккинчи кема қоялар ортига ўтса, дастрўмолни тушираман, — Шомил турк мафияси сардорини яна огоҳлантириди. — Биринчи ўлик сиз бўлиб қолманг, бей жаноблари!

— Келишсак бўладими? — сўради юзи тириқ кимса. — Сизни анча вақтдан бери таниймиз, Шомил. Биз айбор бўлсак, айбимизни айтинг.

— Деворга гапирдимми?! — бақирди Шомил кўзларидан ўт чақнаб. — Айбор бўлсак, айбимизни айтинг эмиш! Диққат билан эшит! Сицилиянинг айби — қиморни танлагани! Эсларингдадир, Римдан қўнгироқ қилиб, қимор яхшиликка олиб бормаслигини, орамиз бузилишини қайта-қайта такрорлагандим. Мен ҳамма жойда ўзимга ишонаман, яшашнинг йўлини топаман. Ўйлайсанларки, бу энди Сицилиядан ўзга жойда яшолмайди, полицияга тутиб беришади ва алламбалолар! Йўқ, мен Россияда ҳам яшашга қодирман. Манави икки қиморбоз аёлларни ҳам Россияяга олиб кетмоқчиман! Ким гапимга ишонмайди, қўлимдан шу ишлар келишига кимнинг кўзи етмайди?

Зухро дарҳол бақалоқнинг чангалидан чиқиб, Лобарнинг ёнига келди. Икки ашаддий рақиб ҳализамон бир-бирига

"Кул устидан тақдир!"

ташланиб қоладигандек шундай тикилишдики, ёввойи мушукларга ўхшаб кетдилар (бироқ бу "мушуклар" Шомилнинг ҳимоясини гёё битта юрак каби исташарди).

Абдулла aka оёгини судраб, Лобар сари юрганди, юзи тириқ кимса:

— Сен қаёққа, қари тўнка? — деб сўради.

Лобар эрининг қўлтиғига кириб, қуролли тўдадан узоқроқ кетиш учун шошилди. Шомил Абдулла аканинг қимлигини фаҳмлади, шекилли, ҳеч нима демади.

Бақалоқ хўжайин:

— Ҳой кул, орқангга қайт! — деб бақирди яна.

Лобар ҳам, Абдулла aka ҳам миқ этишмади. Уларнинг ўрнига Шомил жавоб берди:

— Нега қайтар экан? Қайтмайди. Адашмасам; иккови бир оила...

— Адашмасам, у менинг қулим!

— Бу ҳали ҳолваси, — деди Шомил ва сицилияликлар орасида турган соқчи йигитни чақирди. — Дўстим, Зуҳрони кузатиб кўй. Лобарга хатимни берганинг учун ҳам алоҳида каттакон раҳмат.

— Мен ҳам қиморга қаршиман, — деди сицилиялик йигит.

— Отам қиморбоз эди. Агар унда одамийлик бўлганида, эҳтимол, бу ерларда қурол кўтариб юрмасмидим. Хайр, жаноблар, — ўз шерикларига қўл силкиди у, — биз энди Сицилияда учрашмаймиз.

Сицилияликлар аламдан бўғриқиб, ўзларини қўярга жой тополмай қолдилар. Бундай хоинга улар ортиқ чидаб туролмаслигини анлаган Шомил ҳам икки қадам чекинди.

— "Келишсак бўладими?" деб сўрадинг, — Шомил юзи тириқ кимсага сўзлади. — Мана, келишиб бўлдик. Сих ҳам куймайди, кабоб ҳам. Оролни қандай тақсимлаш эса ўзларингнинг ишларинг. Менимча, аралашиб шарт эмас.

— Тўхтантлар! — деди бақалоқ лаблари чўччайиб. — Ҳеч ким ҳеч қаёққа кетмайди! Аввал келишувни имзолашим керак...

Лобар Шомилнинг юзида яна истеҳзоли кулимсираш пайдо бўлганини кўрди.

— Марказий Осиёда бир афсона бор, менга жуда ёқади, — деди Шомил рўмолчасини ҳалиям кўтариб тураркан. — "Широқ" деб номланади. Унда ёзилишича, Широқ исмли чўпон ёлғиз ўзи бутун бошли қўшинни енгади. Қандай қилиб? Чўпон ҳийла ишлатади. Сизларни қабиладошларимнинг устига бошлаб бораман, деб душманларни саҳронинг ўртасига эргаштириб келади. Босқинчилар оч-наҳор ва сувсизликдан ҳалок бўлишади.

— Нима деяпти бу?! — бақалоқ газабдан кўкарди.

— Лобар ҳам сенларни алдаб, қумлоқ соҳилга олиб чиқди.

Агар битта ортиқча ҳаракат қилсанглар, снайпер отишни бошлайди. Қумлар ўқдан ҳимоя қилолмаслигига ҳамманинг ақли етса керак.

Шу аснода Лобарнинг кўнглидан кечди: "Мен ўлмайман, ахир, башоратда "сув билан ўралган тошлоқ маконда" дейилган-ку. Бу ерда эса қумлоқ... Демак, мени ҳаливери отиб ўлдиришмайди".

Бақалоқ огир бош чайқаркан, гапини такрорлади:

— Келишувни имзолашим керак, имзо мана бунаقا бўлади...

Шу пайт қарсилаган ўқ овозидан Лобар ва Зуҳро чинқириб юбориши (бақалоқ хоин йигитни отиб ташлаганди). Оний лаҳзада Шомил қўйнидан бошқа тўппончаларини юлқиб оларкан, кўз очиб юмгунча қасир-қусир ўқ узди. Қоялар орасида снайпер биқиниб ётгани рост эди: бир неча киши, шу жумладан, юзи тириқ кимса, Ромеонинг дўсти, турк мафияси йигитлари унсиз қуладилар.

Шомилнинг ўқидан биринчи галда бақалоқ ҳалок бўлди. Бироқ Шомил ва снайпер сониялар ичida содир бўлган отишмада вазиятни қўлга ололмаслиги муқаррар эди. Турклар ва сицилияликлар пала-партиш ўқ узишиб, тури томонга тумтарақай қочишиди. Биттаси "Калашников"ни ишга солишга муваффақ бўлди, аммо снайпернинг навбатдаги ўқи,

калласини тешиб ўтди, күм устига жонсиз қулади у.

Бирдан отишима тинди. Соҳилда ўндан зиёд одам қўйдай қирилиб ётарди. Тирик қолганлар кемаларига сузиб боришга уринишар, икки турк эса қуролларини ташлаб, қоялар томонга безрайиб, қотиб туришар эди.

Снайпер қуролини ташлаганларга ва қочаётганларга ўқ узмади. Биринчи бўлиб Шомил бош кўтарди. У тўппончаларининг ўқдонларини бўшатишга улгурган; шу тобда "Макаров"ларни қайта ўқлашга ҳожат қолмагани боис Лобар томон аланглаётганди, Лобар елкасини ушлаб оҳиета тўлғанди, инграгани эшитилди. Шомил унинг ёнига судралиб бораракан, ўқ Лобарнинг чап елкасига текканини билди.

— Конни тўхтатиш керак, — деди Шомил ва рўмол билан боғлай бошлади.

Зуҳро ва Абдулла ака юзларини қумга босиб, даҳшатдан ерга киргудек алфозда бошларини чангллаб ётишарди. Шомилнинг овозини эшитиб, уларга ҳам жон кирди. Абдулла ака тиззалаб тураркан, қалтироқ овозда:

— Нима қилди?.. Эй Худо, нега бундай бўлди?.. — деб нола қилди.

— Ётинг, — буюрди Шомил, — кемадагиларни кўрмаяпсизми?!

Сал наридан ярадорнинг овози эшитилди:

— Биродарлар, ёрдам беринглар... Худо ёрлақасин...

Бу — Иброҳим давангир эди. У яна ўқ еган кўринади, уст-боши Қип-қизил қон. Жони оғрияпти, шекилли, алаҳисираб:

— Худо... Худо... биттагина имкон... жаҳаннам... — деди.

Қирғоқда қўлларини кўтариб туришган икки турк зорланишни эшитди чофи, бошларини буришди. Шунда Сицилия кемасида автоматлар тариллади. Денгиз шовуллаши қурол овозини батамом ютиб юборолмади: Шомил ерга қапишиб, кема томон кўз югуртирди, автомат тариллаши такрорланди. Турклар биринчи ўт очишданоқ ер тишлиған:

хозир Шомилга япасқи ҳолда ғұладай қўриниб туардилар.

— Каллаварамлар, — сўқинди Шомил. Кейин боя ташлаган овоз тиндиригичли икки тўппончасини олиб келди. Мурдалар сочилиб ётган соҳилбўйи ва Сицилия кемаси оралиғи беш юз-олти юз қадам чамаси, масофа эди. Албатта, бу ердан тўппонча ўқи етиб бормайди, аммо бақалоқнинг милтиги билан кемадагиларнинг суробини тўғирлаб қўйиш мумкин.

Шу дамда кемадагилар Шомилни пайқаб қолишиди, "Калашников"дан бир сидра ўқ ёғдиришиди. Биронтаси тегмади, қайтага ўликлар ўқ ейишиди.

Турк мафияси сардорининг омадсиз эканлиги эса яна исботини топди: бояқиши кетма-кет бир неча марта ўқ тешиб ўтишидан сапчиб-сапчиб тушди... Ва тош каби қотди.

Туркларнинг икки кемаси оролдан узоқлашиб улгурганлиги учун соҳилда қандай хунрезликлар содир бўлганини кўриб ўтирадилар. Сицилияликларнинг қилмишига жавобан улар ҳам автоматларини ишға солишиди. Илло, "денгиз жанги" узоққа чўзилмади: қоялар орасидаги снайпер Сицилия кемасидан икки мафиозни қулатгач, учала кемалар ҳам оролдан узоқлашиб кетди.

Шомил Абдулла акани туртиб:

— Боринг, куролларни териб чиқинг. Биронта ярадор бўлса, менга айтинг, — деди.

Қоялар орасидан грециялик болакай чопиб чиқди. Кейин эса снайпернинг бўй-басти кўринди. Лобар зўрга қаддини тутиб ўтирас экан, қиргин-барот оқибатида жинни бўлдим, деб ўйлади. Чунки мерган Қувон эди, ростдан ҳам, Қувон.

У Лобарни даст кўтариб олиб, қоялар томон олиб кета бошлади. Зухро негадир Абдулла акага қаради: мункайиб туарди бечора банди эр.

— Ўйнаш, — шивирлади Зухро. — Танидингизми? Ёш, навқирон, тап тортмас ўйнаш!

Абдулла ака курол-ярогларни теришда давом этди.

Ўқ еганларнинг ичиди биронта ҳам тирик йўқ эди. Ўлик орол ўз номи билан ўликлар ороли бўлди.

* * *

Оролда узокроқ қолишининг хавфли томонлари кўп эди. Энг аввало, мафия йигитлари хужум қилиши мумкин: қолаверса, кимлардир хавфсизлик идораларига хабар қилгани эҳтимолдан холи эмас.

Шомил, Абдулла ака, грециялик бола, Зухро, Кувон ва ниҳоят Лобар қизғиши харсангтош ортида нафас ростлашмоқда эди. Ўқ Лобарнинг юрагидан юқорига, бўйиндан сал четроққа – чап елка устига теккан эди.

– Буни омад деса бўлади, – Шомил жароҳатни текшириб, кўнгли ёришди. – Ўқ сукни синдирамабди. Грецияда бир қишлоқ бор, дўхтирининг қули енгил. Олиб борсак, бир ҳафтада тузатиб юборади. Бунақа ўқлардан тўрт-бештасини еганман... Зухро, то Лобар согайгунча дўхтирникида бирга турасан, тушунарлимис!

– Ким билан? – душанбелик аёл ижирғанган каби сўради.

– Лобар билан! Билиб қўй, унга онангга қарагандай қарайсан, соппа-сог қилиб берасан. "Эронча қарта рақси"ни ўрганиб, Марказий Осиёда қимор вирусини тарқатганинг учун, аёл бўлсанг-да, терингни шилиб олишим лозим эди. Майли, мен аёллик шаънларингнинг ҳурматига қатлни бошқа ҳукм билан алмаштираман: боя айтганимдек, икковингният қартадан бегона қиласман. Қиморни бутунлай унутиб, одам сийратига кирасанлар.

Зухро меровсираган каби:

– Ким?.. Бизми? – деди. – Ҳа, биз одам... одам қиёфасида...

Кувон Лобарнинг оғзига сув тутди. Лобар икки қултум ичиб, йигитга термулди.

– Нега келдингиз? Қандай қилиб... Шомил ака билан...

– Лобар, ҳали ҳаммасини батафсил гапириб бераман, ҳозир энг муҳими – сизнинг соғлиғингиз.

– Чап қўлим ишламаяпти, совиб бораяпман, – деди Лобар.

– Шомил ога, – Кувон чечен киллериiga маъноли қараб

Азимат Коржонов

қўйди, — бошлаймизми? Кўнгилчанлик бизларга қимматга тушишини истамайман.

— Ўйқ, аввал олтинларни олиб келайлик, бандиларни бир ёқдик қилайлик.

Абдулла ака қотилларнинг гап-сўзидан шубҳаланиб, хавотир билан хотинининг ёнига судралиб борди.

— Уни дўхтирга тезроқ кўрсатиш керак, — деди муте овозда. — Илтимос, ёрдам беринглар... У менинг хотиним!.. Яшаши керак...

Шомил билан Қувон бир-бирига ўғринча қараб қўйиши. Зуҳро бурнини тортиб, тиззаларини қучоқлаб ўтиаркан:

— Тавба, — деб ўзича гапиринди, — бунақа лақма чолни биринчи кўришим. Ёшгина хотинининг икки ўйнаши бошида турибди-ю, нималарни вайсайди?! Гаранг!.. Биттаси ўйнаш бўлсаям майлийди, аввалги эри! Эркаклардаям фурур қолмади.

— Нима деб минфириляяпсан?! — Шомил Зухронинг устига бостириб борди. — Сен билан бошқача оҳангда гаплашмасам, кўп ҳаддингдан ошаяпсан. Биринчи галда шуни бил: авф этиб, ўлим жазосини бўйнингдан олдим. Бу батамом халос бўлдим деганинг эмас!

— Тушундим, энди сизнинг ихтиёрингиздаман. Тарбиялайсиз, қартадан кўнглимни совитасиз, иболи аёлга айлантирасиз...

— Ўчир овозингни, шаллақи! — ўшқирди Шомил.

Зуҳро жим бўлиб қолди. Аммо Шомил ва Қувон узоқлашгач, Абдулла акага эшилтириб:

— Мен ҳам Лобарга ўхшаб эркакларга қўлма-қўл бўлмасам гўрга эди, — деди.

...Орадан ярим соат ўтиб, Шомил билан Қувон қайтиши. Қувоннинг қўлида оғиргина халтacha бор эди.

— Шомил оға, кема келгунча, Лобарни...

— Ўзимам шуни ўйлаб шошаяпман! — Қувоннинг гапини чўрт кесди Шомил. — Бўл, қўлларидан маҳкам ушла.

Шомилнинг қўлидаги пичноқни кўрган Зуҳро сесканиб

“Қиал устидаси тақдир-II”

тушди. Лобар эса кўзларини чирт юмди, Қувоннинг метин кўллари қаршилик қилишга қўймасди. Шу пайт Лобар пичоқ дамини ҳис қилиб, ҳаммасини тушунди.

— Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм, — деди Шомил.

Пичоқнинг дами ўткир эди. Шомил рўмолни ечиб, жароҳатга чиппа ёпишган кўйлакни бир қарич узунликда кесиб, ярани очди.

— Халтачадан, — деди Шомил Қувонга, — дори билан докаларни ол. Жарроҳ бўлмасам-да, жарроҳларнинг ишини кўп томоша қўлганман.

Қувон халтача боғичини ечиб, айтилган нарсаларни чиқараётганда, тагидаги қора клёнка кўриниб кетди.

- Тозасими у? — сўради Абдулла ака.
- Ниманинг тозаси? — тушунмаганга олди Қувон.
- Тилла қумини олдиларингми? — сўради яна Абдулла ака.
- Форда қум борлигини билмабмиз. Бутун атрофи тош бўлса керак, деб ўйлади киши.

Абдулла ака ортиқ уринмади, лекин яна саволлар беришдан ўзини зўрга тийиб турарди. Қувон Шомилдан қўрқди, шекилли, халтачада ҳали тўлиқ тозаланмаган тилла хомашёси борлигини яшиromoқчи бўлди. Шум эмаслиги гапларидан маълум: ҳатто, форга борганини ҳам бутунлай яширолмади.

Абдулла ака уни эслади. Қўшнининг уйида лойсувоқ қилган усталардан бири, исми Қувон, Жиззах томонлардан...

Шомил тигни спирт билан тозалаётуб, жарроҳлик ҳақидаги гапини давом эттириди:

—Операцияда иш ўрганувчи ёки оддий томошабин бўлган, десанглар қаттиқ янгишасанлар. Ҳаммасида бемор бўлиб қатнашганман. Кўзгудан кузатиб турмасам, кўнглим жойига тушмасди. Менинг ҳаётим шунаقا ҳаётки, бирорга ишонсанг ўласан.

—Менга ишондингиз-ку, Шомил ога, —деди Қувон кулиб.
—Ўлмадингиз ҳам.

Шомилнинг юзида мамнуният аломатлари зоҳир бўлди.

Азamat Корноков

Лобарнинг юраги орқага тортиб, ҳушидан айрилиш палласида турган эса-да, чечен киллерининг бу мамнунияти тагида мугомбирлик яширганини сезди. "Кувон Тошқальъада ҳам, Ўлик оролда ҳам қотиллик қилди, — ўйлади Лобар. — Ҳозирча у полициянинг қидибувида эмас. Эрта-индин полиция ва маҳфий хизмат ходимлари снайпернинг шахсини аниқлашга эришса, тамом. Касофатим уриб, гулдай йигитнинг умри ҳазон бўлади. Уни жиноят оламига мен бошладим. Ўзимдан беш ёш кичик йигитни ҳусну жамолимга ром этдим; аввалига унинг номига давлатдан ов милтифи олдим, Туркияга келиб эса снайпер милтифи билан таъминладим, россиялик жаллодни ўлдиришга буюртма бердим. У ёлланма қотилга айланди. Ҳа, Кувондек соғдил, меҳнаткаш устани катта жиноятчига айлантирдим-қўйдим. Ундан энди Шомил каби ўлимга маҳкум кимсалар ҳам фойдаланишмоқда, ўзларининг тубсиз ҷоҳига тортиб кетишмоқда".

—Лобар мендан хафа кўринади, — деди Шомил жарроҳлик асбларини ҳозирлагач.

—Нима учун? —Кувон паст овозда сўради.

Кувоннинг Абдулла акадан тортиниб турганини Шомил сезди. "Абдулла ака ҳозирги эри бўлса, Шомил ундан аввалгиси. Бу ўзбек нечун никоҳдаги эрдан хижолат чекади?.. Балки Лобарни севар? Шўрлик Абдулла ака хотинининг дастидан она юртидан олисдаги лаънати оролчада жон ҳовучлаб, хор-зор юрибди. Юртига қайтгач, қиморбоз хотинга талоқ айтади бу писмиқ. Эҳтимол, судга ҳам берар. Йўқ-йўқ, судга бериш кам учрайди, дарров бошқасига уйланиб, жазолашади хотинларини".

Шомил жароҳатни текшириб, ўқ қолиб кетганига ишонч ҳосил қилди.

—Лобар мендан хурсанд бўлмайди, — деди у. —Бунинг сабаблари кўп. Қани, ўғлон, маҳкамроқ ушла. Биринчи сабаб шуки, ҳозир мен уни қаттиқ азоблайман, қиморбоз бўлиб, шундай кунларга қолганига минг марта афсус чекади.

Шомил кейинги гапини Кувонга шивирлаб айтгани учун

“Қиң устидасы тақдир-II”

Лобар эшитмади. Умуман, эшитадиган ахволда эмасди. Баданига тиғ ботди-ю, хушидан кетди. Шомил жароҳатни ковлаб, ўқни чиқарип олди.

—Мұйжиза туфайли сүяк синмаган, — Шомил ўқни томоша қилиб гапирди, — одатда, яқин масофадан отилган ўқ елка саягини қофоздай тешиб ўтиши керак эди.

Лобар ранги оппоқ оқариб, лаблари күқариб қылт этмай ётарди. Абдулла aka ва Зухро қўнишиб ўтирган қўйи ундан кўз узишмас эди.

Шомил тошлар орасидан бош кўтариб денгизни кузатди.

—Шамол кучайдими, а? — сўради Қувондан.

—Кучайяпти, тезроқ жўнаш керак.

—Кема келсин, нима, тогорада сузиб кетамизми?

Қувон мафия йигитлари тайёрлаган ўтиндан олиб келиб, олов ёқди. Чойшаб келтириб, Лобарнинг устига ёпиб, тўппончаларни ўқлай бошлади.

—Сиз қаердансиз, ука? —деб сўради Зухро ундан. —Жуда таниш кўринаяпсиз.

Қувоннинг ўрнига Шомил деди:

—Менга қара, у сендан анча кичик, илинтираман, деб хаёлингтаям келтирма.

—Айтмоқчийдимки...

—Ўўлсанг ҳам гапириб ўласан чофи! Ё халтачадаги кумдан бир сиқим берайми? Оғзингта солиб, жим ўтирасан.

Халтачада тилла қуми борлигини билган Зухро ҳам, Абдулла aka ҳам кўз узолмаётганини кўрган Қувон:

—Ҳамма гап қиморда эмас, —деди. —Қимор — баҳона! Буларнинг касали бошқа...

Абдулла aka ўқитувчиликни ташлаб савдога ўтиши, бойлик ва шаҳвоний истакда Лобарнинг қўлини сўраши Қувон назарда тутган касаллик эканини фаҳмлади. Зухро эса Қувонга алам билан қараб қўйди.

* * *

Нихоят, балиқчилар кемаси кўринди. Ёрдамчи қайиқ

воситасида кемага зўрға чиқиб олишди.

Сув сачраган Лобар кўзини очиб, Ўлик оролдан жўнаб кетишаётганини билгач, ичидан суюнди. "Ҳаммаси тугади, — деб ўйлади у, — мен қимордан халос бўлдим. Энди қимор ўйнашга ҳеч ким мажбур этолмайди! Қимордан қайтарувчи Шомил, Қувон бор... Аксинча, йирик қимор ташкилотчилари эса энди йўқ. Таңлаган йўллари уларни тўғридан-тўғри ажал қошига элтди... Ўглимни кўраман! Шомил, албатта, сўзи устидан чиқади: қартани унугтанимдан сўнг ўғлим билан учраштиради, уни менга қайтариб беради. Бошқа турмуш қурмайман, Қувон қишлоғига қайтиб, ўз тенгини топади. Мен эса Парвизим билан қоламан, умримни бағишлайман унга..."

Кема ўз саҳнига сўнгги одамни олгач, қоялар орасидан увун-тӯда кишилар чопиб чиқишиди. Йўқ, улар шунчаки югуришмаётган эди. Олдинроқда жон-жаҳди билан қочаётган икки кимсани кувиб келишарди. Лобар беихтиёр қаддини кўтардию, аянчли томошага гувоҳ бўлди: қочаётгандарнинг бирини тош отиб йиқитишиди. Бошини чанглаб, типирчилаётган қочоқнинг устига ҳалиги одамлар гув ёпирилиб, тепа бошлишди. Иккинчи қочоқ мурдаларни ҳатлаб ўтаркан, туйкус бир ўликка энгашди, қўлида тўппонча пайдо бўлди. Тўдага қарата ўқ узди: биттасини қулатди. Таъқиб этувчилар даҳшатли қичқиришиб, қуролли кимса томон чопишиди. Тўппонча ўқининг яна бир заиф товуши эшитилди. Ўқ тугади. Тўппончани улоқтирган қочоқ денгизга қочишига уринди, аммо сўйил кўтарган одам етиб олди-да, бошига уриб йиқитди. Оломон қутуриб, қочоқнинг устига ташланди. Аламларидан чиққунча тепкилашди. Залворли тепкилар ва ора-сира тушаётган темир сўйиллар зарбидан одам боласи тугул фил ҳам омон қолмаслиги муқаррар эди.

Шомил тошдай қотиб қолган кемадагиларга мазкур хунрезликни изоҳлади:

— Булар форга қамаб қўйилган янги замон қуллари, ўлдирилган икки кимса эса мафия йигитлари. Қувон қоялар

орасига жойлашиб олгач, мен кулба ва гордаги мафиозларни ҳушдан кетказиб, қўл-оёқларини боғлаб келгандим. Кулларни дарров озод қилмадим. Ахир, отишмага халақит қилиши, ундан ҳам ёмони, бекорга ўқقا учиб, қирилиб кетишлиари мумкин эди. Қувон иккимиз халтачани ва доридармонни ахтаришга борганимизда, мафия йигитларининг қўл-оёгини бир оз бўшатдик. Кулларга панжарани бузиш учун арра бердик. Ҳаёт-мамот масаласини уларнинг ўзларига кўндаланг қилгандик, ҳозиргина кўрдинглар, мафия йигитларидан иккитаси қутулиб кетмоқчи бўлди. Бироқ начора, қасос ҳақ, ўлим ҳақ!.. Лекин сиз, ўртоқ Абдулла ака, – деди Шомил, – ҳамма қуролларни териб олмаган экансиз-да?!

– Йўқ эди, ҳамма жойни қараб чиққандим, – деди Абдулла ака қўрқиб. – Мазам бўлмади, мени касалхонадан ўғирлаб кетишган.

– Бунинг нима дахли бор? Кўзингиз кўрмайдими?

– Юрагим... – чайналди Абдулла ака.

– Ҳа, тўғри, – кулди Шомил, – юрагингиз кўр. Бу жуда ёмон, жуда ёмон. Қаранг, сизнинг дастингиздан мафия йигити шерикларингиздан иккитасини отиб ташлади. Худо кўрсатмасин, автоматни унутиб қолдирганингизда, қулларнинг ҳаммаси ўлиб кетишарди... Узр, қул деб янгишайпман, улар қул эмас. Кул, аксинча, мафиянинг ўзи! Мафия ҳеч қафон эркин бўлолмайди, мафия аъзоси озодлик нималигини умрбод билмай ўтади.

Шомил бутун диққат-эътиборини Абдулла акага қаратиб, уни тергов қилаётгандек, ҳадемай жазоламоқчидек секин яқинлашарди. Абдулла ака ортига тисарилди.

Шу пайт Лобар сув сўради. Шомил қайрилиб қараганида, Қувон сувли идиш қопқофини очмоқда эди.

– Лобарга асло муносиб эмассиз, – деди Шомил Абдулла аканинг ёқасидан бармоқ учлари или оҳиста туртиб, – у бетакрор аёл! Агар пешонасига сиздек ва биринчи эридек ношудлар битмаганда эди, у бу ерларда юрмасди. Лобар

Азамат Коркодов

ҳақиқий ўзбек аёли. Мен Италияда ҳам, Грецияда ҳам, Туркияда ҳам у ҳақда мана шундай гапирганман. Эшитганлар "бе-е, қўйсанг-чи, қартабоз аёл ҳақиқий аёл ҳисобланмайди", дейишди. Марказий Осиё ҳақида тушунчага эга айрим шахслар эса Лобарни гирт афсонага чиқариб қўйиши. Гўё, Лобар ҳаётда йўқ эмиш. Ўзбеклардан бунақа қиморбоз чиқмас эмиш. Қандай аччиқ гап-а? Қандай аччиқ ҳақиқат! – Шу вақт кеманинг кучлироқ чайқалиши икковини қалқитиб юборди. – Ўҳ, гапим денгизга ҳам ёқмади, қисматим каби ҳар томонга отиб ўйнамоқчи. Абдулла ака, мен хурсандман! Сицилия устидан ғалаба қозондим! Энди Лобарни асл ҳолига қайтаришим керак.

Абдулла ака унга меровсираб қаради. Даставвал ҳеч вақога тушунмади. Лобарни нега асл ҳолига қайтармоқчи? Шу дамгача у бошқа Лобар эдими?!

–Лобарни асл ҳолига қайтаришим керак, – такрорлади Шомил плашининг ёқаларини кўтариб. – У жудаям яхши аёл. Иккимиз ҳам ўз вақтида у билан бирга яшаганмиз, энди эса... йўқ! Иккимиз ҳам кечириб бўлмас хиёнат қилдик.

Кема саҳнига талпинаётган тўлқинлар Абдулла аканинг юз-кўзига сув пуркади, яра босган қовоқлари юмилиб кетди. Шомилнинг гапларини юрак ҳовучлаб тинглаётганини, ички дунёсида қўркув ва тирик қолиш илинжидан ўзга туйгулар йўқлигини дарров пайқаш мумкин эди.

–Нега бунча гезариб турибсиз?! –деди Шомил баланд овозда. – Сизга ёмонлик қилмайман. Ахир, халоскорингизман-ку.

Лобар кўзини беҳол очди. Кувон меҳрибонлик билан сув ичирди.

* * *

У кўзини очиб, каюта деразасидан баланд қояларни кўрди. Ботаётган қуёш шуъласида янада маҳобатли туюларди. Осмон булут. Шамол тинган. Шомил ёллаган кема, гўё қоялар ўсиб чиққан афсонавий қирғоқ ёнида лангар ташлаб

“Құж устидасы тақдир-II”

туарди. Мадорсиз ва журъатсиз Лобарнинг наздидә ҳозир бу тик қирғоқдан бугун ўлганларнинг арвоҳлари учеб чиқадигандек эди.

Яраси лўқиллаб оғрий бошлади. Лобар чойшабга ўраниб, бу азобларнинг тезроқ тугашини юзинчи бор илтижо қилди. Даставвал ўзи билан ўзи бўлиб яна бир кеманинг мотори гуриллаб турганини сезмаган экан. Шомилнинг русчалаб: "Абдулла ака, айтганларим ёдингиздан чиқмасин, бошингизга нима ёмонлик келса, тилингиздан", деганини эшигтгач, ўрнидан турди. Каюта эшигини қия очиб, кичик балиқчи кемага кўзи тушди. Абдулла ака аллақачон иккинчи кемага ўтиб олган, тўсинни маҳкам ушлаганча, Шомилнинг ҳар бир гапига бош силкирди. Грециялик бола Лобарнинг оёққа турганига севиниб, алланималар деди, Лобар унга турк тилида жавоб қайтарди, аммо бола тушунмади. Шундай бўлса-да, ўз тилида тинмай гапириб, иккинчи кема томон ишора қилди. Болакай разил инсонлардан нолиётганини, "отамни ҳам сени ярадор қилганлар отишди", деётганини ва ниҳоят, яқин кишингиз жўнаб кетаяпти, деб хайрлашишга унdagанини – барчасини Лобар фаҳмлади.

Абдулла ака каютага кўз ташлади-ю, дарҳол нигоҳини олиб қочди. Лобар унинг бир вақтлар бир юз йигирма минг доллар ҳақида эшитиб, Шомилдан қўрққанини эслади. Даҳшат солган одамхўри, мана, қаршисида турибди. Нега Абдулла акани қўйиб юбораяпти? Ортиқча гувоҳнинг ҳожати йўқ, деб денгизга чўқтириб юбориш тайинланган бўлса-чи анави балиқчиларга? Йўқ, Лобар Шомилнинг ёвуз қотил эканига қанчалик ишонса, жиноятчи бўлмаган кишиларни ўлдирмаслигига ҳам шунчалик ишонади.

Кичик кеманинг мотори кучлироқ гуриллади ва икки балиқчи Шомилга бош қимиirlатди. Шундан сўнг кема очиқ денгиз сари бурилиб, узоқлашиб кетди.

Каютага Шомил билан Қувон кириб келганда, Лобар кўз юмиб ётарди.

– Ухлаб қолибди-ку, –деди Шомил болага.

—Хозиргина уйғоқ эдилар, — бола ўз валинеъматига итальян тилида зўрга жавоб қайтарди.

—Болакай менга ёқиб қолди, Кувон. Биласанми, у отаси билан уч ёшлигидан бошлаб овга чиққан. Қайсиdir оролда отасининг касали қўзиб, йиқилади-ю, бир сутка ўзига келмайди. Уч яшар ўғли бир кеча-кундуз бехуш падарининг бошида, оч-наҳор йиглаб ўтирган дейсанми?! Асло! Бу бола ўтин терган, олов ёққан. Кейин отасининг соchlарини силаб, итальян тилида балиқчилар қўшигини қўйлаган. Қорни очса балиқ еб, чанқаса сув ичиб, то отаси ҳушига келгунча йиғламаган, тушкунликка тушмаган. Булар грециялик бўлишса-да, ота-боболари италиялик. Ким билади, яхшилаб суриштирилса, сицилиялик чиқар.

—Отасини нега ўлдиришган? — сўради Кувон ачиниб.

Шомил боланинг елкасига оталарча қоқиб кўйди. Сўнgra мийифида кулиб:

—Сен Тошқалъада, Ўлик оролда нега одамларни отдинг?

—деб Кувондан сўради.

—Мен отган одамларнинг миясини металл тозаламаса, бошқа нарса тозалаёлмас эди, — жавоб берди Кувон.

—Мияси кир одамни ўлдирмасанг, у сени ўлдирармиди?

—Бу аниқ-ку, Шомил ога, —елка қисди Кувон, сизга тушунмаяпман дегандек.

—Балки ўлганлар орасида Италия полициясининг жосуслари бордир? Улар уюшган жиноятчиликка қарши курашиб учун суюкли ёридан, бола-чақасидан, ота-онасидан йироқда, ҳаёти хавф остида юрса-ю, сен уларни отиб ўлдирсанг, бу ёфи қанчага тушади?!

Кувон ўзидан ўзими, Шомилданми нафратланиб, бирдан қизарип кетди.

—Эрмак учун ўлдирганим йўқ! —деди у Шомилга илк мартағазаб билан боқиб. —Гапларингиздан шундай маъно чиқаяптики...

—Маънони нима қиласан?! — чўрт кесди чечен. — Айтмоқчиманки, манави болакайнинг отасини ҳам худди

шу тахлит ўлдиришган.

Болакай Кувонга ғалати қараб қўйди. Тошқалъадаги ўлганлар орасида, мабодо, балиқчи йўқмикан, деган оний хаёлдан Кувоннинг ичи "шув" этди.

—Кўзингға хунук кўринаяпман-а? — деди Шомил. — Кўркма, унинг ўлимида ҳам қўлинг бор, демоқчи эмасман. Балиқчини сицилияликларнинг Ўлик орол соҳилида турган кемасидан туриб отишган. Эҳтимол, жосус деб ўйлашгандир, эҳтимол, эрмак учун ўлдиришгандир. Баъзилар қуролини шу тариқа текшириб кўришади. Тентаклар кўп бу дунёда! Уларнинг дастидан манави бола энди бир умр армонда ўтади.

—Унинг онаси борми?

—Онаси бор, аммо балиқчининг хотини йўқ эди. Аёл денгиз дайдиси билан яшай олмаган кўринади.

—Ўзи яшай олмабди-ю боласига раво кўрибди-да, — Кувон ҳамон жаҳлидан тушмай гапиради. —Худбин она! Мен унақа оналарни...

—Сўкиш шарт эмас, —бир қўлини кўтарди Шомил.

Каюта эшиги қия очилиб, серсоқол бош кўринди.

—Ҳайдайверайми? —ижозат сўради у.

—Бос, — деди Шомил қўл силтаб.

Кема номаълум манзил сари шошилди. Тақдирнинг қалтис ўйинлари бетўхтов давом этарди. Лобар шуни жуда яхши билардики, Россиядан бошланган аччиқ саргузашти энди осонгина ечим топмайди. Умид қилаётган учрашув (Парвизни топиши) содир бўлар, аммо Лобарнинг жиноятлари, йирик тўдаларнинг кирдикорларига гувоҳлиги унинг бошига бало бўлиб ёғилади. Наҳотки, шунча воқеадан сўнг Лобар хотиржам яшаб юра олса? Ҳақиқатни англаган Шомил шу важдан ҳам Лобар ва Зухрони қўйиб юборишни истамагандир? Қарта устасининг ёдидан қартани чиқариб ташлаш осон кечмаса керак. Бунда Лобар қийналадими, Шомилми, ёлғиз Яратганга аён эди.

* * *

Ярим кечаси кемани тұхтатиши. Күчли прожектор ёруғидан Лобар ҳам уйғониб кетди. Овоз кучайтиргичдан нотаниш тилдаги кишининг овози әшитилгач, Лобар билдики, ниҳоят, уларни полицияга алоқадор қандайдир кема тұхташга мажбур этди.

Лобар ўтирмақчи бўлди, аммо мадори куриб, яна ўрнига чўзиларкан, агар йўлни ростдан ҳам полиция тўсган бўлса, қўлга тушишларига ўзининг жароҳатини кўришлари кифоя эканлигини англади. Бирдан руҳи тушиб, оғирлашиб қолди. Замбилга солиб, портда касалхона машинасига ортишаётганини, журналистлар микрофон ва камера кўтариб, атрофда ўралашишашётганини тасаввур қилди. Шунда ҳаммаси қонун измига ўтиб кетади. Яхшилаб тергов қилинса борми, Лобар не-не жиноятларда айбдор топилмайди. Ўлим жазоси берилмаган тақдирда ҳам йигирма йилга қамаб юборишлари аниқ. Юртида ноқонуний равищда ов милтиғига эга бўлиб, тўрт кишини отиб ўлдирди, яна қонунни бузиб, иккита тўппонча сотиб олди, иккита йигитни куроллантириб, жиноий гуруҳ тузди, бу йигитларни Россияга олиб бориб, ўлимга маҳкум этди, қотилликни сир тутди, булар ҳам етмагандек, эрини қиморда ютқазди. Қонун тақиқлаган йирик қимор ўйинларида мунтазам иштирок этиб, снайпер милтиғини қўлга киритди ва қотилликка буюртма берди. Бундан ташқари, у бир неча йилдан бери йирик жиноий гуруҳлар билан алоқа қиласи. Хусусан, Шомил ва унинг тўдаси, "Маловер тўдаси" деб ном олган уюшган жиноий гуруҳ, янги турк мафияси, Сицилия мафияси. Унга қарши камида тўртта давлатда жиноий иш қўзгатилиши мумкин.

Шомил каютага шошиб кирди-да, темир қутини очиб, у ердаги бор пулни – беш-ўн боглам долларни олди. Яна шошиб қулфлар экан, Лобарнинг очиқ кўзларига кўзи тушди. Чечен пулларни кучоқлаганча, ўғирлик устида қўлга тушгандек бир лаҳза қотиб қолди.

–Биз буларни кутмаган эдик, –деди Шомил, – аммо унчалик ташвиш тугдиришмайди. "Қирғоқ қоровуллари" деб

“Қиl устидаси тақдир-II”

Эшитганимисан?

Лобар бош қимирлатди. Шомил негадир пулларнинг фақат бир бойламини олиб қолди, қолганларини қутига қайтариб, эшикчасини қулфлади-да, Лобарга яқин келди. Бошқа бурчакда бола донг қотиб ухлаб ётарди, Қувон эса ташқарида. Зухро сафар бошидан бери кеманинг пастки хонасида ётибди.

—Лобар...

Шомил бу исмни алланечук ҳаяжон билан тилга олди. Кўзларида бир вақтлар Москвада ёнган олов "ялт" этди. Аммо Лобарга буларнинг бари улкан масхарабозлик бўлиб туюлди.

—Пулни нима қиласиз? — сўради Лобар.

—Уларга...

—Шомил ака, мени пала-партиш отишмада дайди ўқ йиқитмади... Билиб қўйинг, атайин ярадор қилиш учун елкамга ўқ узишди. Шу аёл тўшакда ётиб ўзининг аёл эканини кўпроқ ўйласин дейишиди... Мен ўйладим, дарров ўйлаб бўлдим... Ҳаммасига сиз... Фақат сиз айбдорсиз, Шомил ака!

Лобарнинг кўзларидан дув-дув ёш тўкилди. Ҳозиргина бу жувонга ширин гап айтмоқчи бўлган Шомил бирдан тек қотди. Энди менинг ёқамга чанг солмоқчими бу қиморбоз хотин, деб ўйлагандир, эҳтимол.

—Аҳволингни жуда яхши тушунаман, — деди Шомил тўнг овозда.

—Тушунмай қўя қолинг, — Лобар оғриқнинг зўрига бардош бериб, қаддини кўтарди ва каюта деворига суюниб, пешонасига тушган сочини йигиштириди. — Ўғлимни халос этдингиз, катта раҳмат, лекин уни мендан шундай йироқ тутдингизки, сизни ва болажонимни топиш учун Иброҳим давангирнинг тузогига тушдим, қиморга қайтдим. Бу адолатданми, Шомил ака?! Энди ўйлаб қўрсам, сиз учун ҳар жиҳатдан қурол эканман, холос. Қарта ўргатасиз, даврага ташлайсиз; ўғлимни бермайсиз, даврага ташлайсиз...

—Мен шошаяпман, кейин гаплашамиз...

—Пора бериш учун шошаяпсизми?! Бу ўйинингизнинг қимордан неча пуллик фарқи бор?!

—Даволанишинг керак, Лобар.

—Даволанишим учун шу узукдан халос бўлишим керак!

Шомил ҳеч кутмаган эди: Лобар чап қўлидаги бриллиант кўзли тилла узукни сугуриб олиб, отиб юборди. Узук полга тушди-ю тумбочка тагига думалаб, ғойиб бўлди. Прожектор ёруғи орқадан уриб тургани боис Лобар Шомилнинг юз ифодасини тиникроқ кўролмади. Бироқ бутун шуури ила ҳис этдики, Шомил онасидан қолган ёдгорликнинг улоқтирилиши сабаб девордек оқариб кетди.

Овоз кучайтиргичдан дағдағали овозлар келгач, Шомил эшикка қараб юрди. Етганда айтди:

—Лобар, биз энди на эр-хотин, на ака-сингил, на одаммиз. Биз энди бутунлай бошқа маҳлуқларга айландик. Ишонмайсан-а?! Анавилар кетсин, кемадагиларнинг ҳаммасини отиб таштайман. Фақат сен ва мен қоламиз! Шунда менинг ким эканлигимни англайсан!.. Кўлинг билан бу дунёдаги энг азиз кишингни ўлдиртираман!

Шу пайт эшик шаҳд билан очилиб, Кувон пайдо бўлди. У Шомилнинг қаттиқ-қаттиқ гапирганини эшифтган, шекилли, кирган заҳотиёқ чеченга ўқрайди, кейин Лобарга ўтирилиб, ҳаммасини тушунди. Шомил четга суриб, ўтиб кетмоқчи эди, Кувон жойидан жилмади.

—Тўхтанг, Шомил оға, бу ерда нималар бўляяпти?

—Уларни даф қилиш керак, — пулни силтаб гапирди Шомил. —Кейин тушунтираман, кенгроқ қилиб, батафсилоқ.

Шомил эшикни қарсиллатиб ёпди. Кувон бир муддат серрайиб туриб қолди, сўнгра Лобарнинг ёнига ўтириб, ярасини кўздан кечирди.

—Дўхтирга кўрсатмасак бўлмайди, тагин газак олиб...

—Ажалим қачон етса, ўламан... Кувон, мени олиб кетинг. Шомилнинг қўлида яшашни истамайман. Унга тушунолмайман. Бир қарасанг, қутқармоқчи, бир қарасанг,

“Киң устидасы тақдир-II”

үлдирмокчы...

— “Үлдирман” деб пўписа қилдими?

— Қўлинг билан азиз кишингни ўлдиртираман деяпти, кемадагиларни ҳам отиб ташлармиш.

— Аблаҳ!..

— Нега сўқаяпсиз, Кувон? — Лобар бошини зўрға бурди. — У билан ош-қатиқ бўлиб, бунақа дейишингиз, менга қизиқ туюляпти.

Кувоннинг қўли мушт бўлиб тугилди. Каюта иллюминаторидан қааркан, деворни муштлади.

— Биз бунақа келишмаганмиз.

— Қанақа келишгансиз?

Кувон индамади.

— Қанақа келишганигизни айтинг, Кувон.

— Йўқ... умуман олганда... келишмаганман, — деди йигит ва бирдан тиз чўкиб, Лобарнинг соғ кўлинни ушлади. — Олиб кетинг, деб этимни жимирлатиб юбордингиз... Шомил сизга ёмонлик қилмасликка сўз берганди. Бу ишларга бош қўшишимнинг сабаби, сизни кутқариш эди!.. Аммо...

— Сизга нима бўлди? — сўради Лобар, шу тобда Кувоннинг гаплари алмойи-алжойи туюлди.

— Ҳеч нима... Фақат Шомил бошқача хукм чиқариб юборди. Биз биргаликда сизни кутқармоқчи эдик. Кейин тўрт томонимиз қибла...

Кувон ўрнидан туриб, каютанинг у бурчагидан бу бурчагига зир-зир қатнаб, миясида чарх ураётган фикрга ҳаловат бермоқقا уринди. Кеманинг чайқалишидан мувозанат йўқотиб, тумбочкага суюниб қолди.

— Лобар, — деди овози титраб, — ёш бошним билан ўнга яқин одам ўлдирдим! Ҳаммасини узоқдан отдим. Ўлар чоғидаги сўнгги калимасини, кўзлари олайиб, тилларини гарч тишлиб жон беришларини кўрмадим. Эсингиздами, менга снайперликни ilk марта таклиф этганингизда, одамни олисдан отиб ўлдириш кўп ваҳшийлик талаб этмасликни гапиргандингиз? Энди бу фикрингизни рад этаман. Инсонга

Азамат Қоржісов

үқ узишда масофага қараб ёвузын белгиланмайды.

—Сиз ёвуз эмассиз, Қувон.

—Хамма гап шунда-да, — деди Қувон күйиниб. —Сизни булардан тұлиқ халос этолмайман, юзма-юз үлдиролмайман... Йүқ, энді узоқдан ҳам...

Йүлни түсгән кеманинг мотори гуриллаб, секин узоқлаша бошлади, прожектор нури ҳам гойиб бўлди. Шомил каютага қайтиб кириб, уф тортди.

—Кетди, — деди у гоҳ Лобарга, гоҳ Қувонга тикилар экан.

Икковлари ҳам гинг демади. Шомил каюта эшигини очиб, чақирди:

—Ҳой, Павел! Бу ёққа кел.

Зум ўтмай серсоқол киши кириб келди ва чеченнинг қаршисида қўйл қовуштириди.

—Биз ҳозир қаердамиз? — сўради Шомил.

—Айтган манзилингизга ҳеч қанча миль қолмади, сэр.

—Хитлар яна безовта қилишмайдими?

—Безовта қилиш ҳам гапми, — деди серсоқол, — каютадан бошлаб остки хонагача, ҳаттоқи, кеманинг сув остки паррагини ҳам текширишади.

Турк тилида қийналиб гапираётган бу одамнинг гапларини Лобар зўрма-зўраки тўшунди.

—Таржима шарт эмас, — деди Шомил, — менимча ҳамма тушунди. У ҳолда кулоқ солинглар, кемадаги барча қурол-яроғларни сувга ташлашимиз керак, биронта тўппонча ҳам қолмасин. Қора халтачани кема моторхонаси ичига беркитамиз, ит барибир "қум"ни ҳидлаб тополмайди. Ҳужжатларнинг бир иложини қиласиз...

—Денгизда ҳужжат баҳонаси қуруқликдагига нисбатан осонроқ, — деди Павел.

—Лобар масаласи қолди, — Шомил, жароҳатта синчиклаб қаради. — Очиб, қайтадан боғлаймиз, кийимлари устдан ёмгирипӯш ҳам кийгизиб кўямиз. Кўрган одам иситмалаб, беҳол ўтирган аёл деб ўйлади.

—Менинг бир нарсага эътиrozим бор, — дея Павел

"Калашников тақдир-1"

Шомилга қўрқа-писа боқди. – Нега шунча қуролни сувга ташлашингиз керак экан? Битта тўппончага одамнинг ичи ачийди. "Калашников", "Винчестер", снайпер милтиги, эҳ, "Макаров"ларни айтмайсизми? Битта ўқ...

Шомилга кемачининг ўзбилармонлиги ёқмай:

– Битта ўқ ҳаммамизни гўрга тиқади! – деб бақириб берди.

Павел чўчиб тушди, аммо минғирлашни қўймади:

– Сувга ташлади нима, оролга кўмди нима?! Оролга кўмган маъқулроқ...

– Яна қанақа орол?!

– Биз Атилла оролчаси яқинидан сузуб ўтаяпмиз, сэр, – деди кемачи.

– Одам яшайдими?

– Ёзги вилла бор, холос.

– Қоровул?

– Ўлдирамиз, сэр.

– Жа одамини ёллаган эканман-ку, – дея Шомил эшикка юрди ва: – Рухсатимсиз ҳеч ким ўлдирилмасин, – деди, – бирорвиям, ўз-ўзингларниям!

– Кувон ютиңди, гапиришга оғиз жуфтладибош қашиди, сўнг яна оғиз очди, ниҳоят:

– Шомил оға, – дейишга журъат этди.

Чечен эшик тутқычини ушлаган ҳолда тўхтади.

– Шомил оға, мен... мен Лобарни олиб кетишим керак.

– Кими бўласан? Қариндошими, эrimi, бошлигими? Айт, у сенга ким?

– Мен учун азиз аёл.

– Мен учун эса айбланувчи! Тўгри, ҳукумат эмасман, лекин неча йилдирки, ўзимни мустақил шахс деб ҳис қиласман, ҳар қанақа давлату ўюшмаларга тобе бўлмаган мутлақ алоҳида шахсман. Яъни ўзим армия, ўзим халқ, ўзим суд. Одам–давлат! Одам–империя! Шоҳ ҳам ўзим, фуқаро ҳам! Кувон, бугун сен Шомилистонга хизмат қилдинг. Бунинг учун муносаб тақдирланасан. Бироқ қиморда айбланиб, даволанишга ҳукм қилинган маҳкумани озод

қилишимни сўрама. Бунга уринма ҳам. Акс ҳолда менга қарши террорчилик ҳаракати содир қилган кимса ҳисобланасан. Бу – ўлим жазоси дегани.

– Тақдирланиш деб зар қумларни назарда тутаяпсизми?

– Шахсий ҳисоб рақамингга ўтадиган бир юз йигирма минг долларни айтаяпман, – деди чечен мағрур ҳолда. – Тиллани олиб кетолмайсан, биринчи постдаёқ қўлингга кишан уришади.

– Менга пулингиз керак эмас, – деди Кувон.

– Сенга керак бўлмаса, Лобарга берасан. Унинг бўйнида қанча қарз борлигини биласанми?

– Буни бутун дунё билади! Худди ўша ҳаром пуллар учун Лобарни сарсон-саргардон қилиб юрибсиз.

Шомил оғир уҳ тортди, сўнг эшикни очиб, Кувонга имлади. Йигит тобора газабга тўлиб, бўғриқиб бормоқда эди.

– Палубада гаплашайлик, дўстим, – деди чечен. – Эҳ, тушунтиrolмадим-тушунтиrolмадим-да. Сен эса, Лобар, болани уйғот, узукни топиб турсин.

Шундан сўнг Лобар Кувонни кўрмади.

* * *

Тақдир кемаси қаёққа сузаяпти, Лобар билмас эди. Денгиз ва оролларда, соҳил бўйларида чор атрофдаги давлатларнинг ҳукуқ-тартибот идоралари нечун ўз вазифасини бажармаяпти, бу ҳам қоронғи эди. Эҳтимол, кемачилар ўз ишининг пири бўлиб кетгандир. Ким билади, балки Шомил "мен одам – империяман" деб қандини ураётгани ёлгондир. Аслида у Ўрта ер, Эгей, Адриатика ва Мармар денгизи ҳавзаларида ҳукмронлик қилувчи улкан уюшган жиноий гуруҳнинг бир заррасидир ва ҳомийлари кўмагида қўлга тушмай юргандир. Ўзига ишонгани учун ҳам икки аёлни Грециядаги қишлоқлардан бирига олиб бориб, қарта афсунларидан халос этмоқчиидир...

Ҳа, Кувон унинг йўриғига юриб, ҳеч вақо топмади. Қўли қонга ботиб, ҳаёти хавф остида қолди. Лобарни юртига олиб

кетиш учун мафияни йўқ қилиш кифоя эмаслигини кеч тушунди.

Кема қумлоқ соҳилга яқинлашиб, лангар ташлагач, совқотган Зуҳро каютага кирди. Кўлида термос бор эди. Кружкалардан бирига чой қуйиб, Лобарга узатди.

—Қаерга келдик? — сўради Лобар кўз очмай.

—Бир оролча яқинида тўхтадик, кемадаги қуролларни қайиқقا ортишаяпти.

—Кувон ҳамми?

—Кувон?.. Билмасам уни кўрганим йўқ.

Лобар яна инқилаб, қаддини кўтарди, соғ қўлига таяниб, бир оз силжиди. Каюта бурчагига бош қўйиб, кружкага кўз ташлади.

—Чойми?

—Ҳа, — деди Зуҳро кўрслик билан, — ол, қўлим оғриб кетди.

Иккovi иссиқ чойни ҳўплаб ича бошлашди. Кема бир маромда, оғир-вазмин чайқалиб туар, денгиз шовуллар, нимадир гижирлар, бола ҳар замонда бир гингшиб қўярди.

—Э-э, — деди Зуҳро бир вақт, —ҳаёт шу экан-да. Сен ким эдингу мен ким?! Бир этак болага қараб, эрнинг ишдан қайтишини пойлаб ўтирумаймизми?.. Вой, кулолмайман ҳам, жагимни синдириди, тўнгиз қопгур.

Лобар Ўлик оролидаги кулба олдида Зуҳронинг мушт еб йиқилганини кўз олдида жонлантириб, ичида кулимсиради. Тавба, аёл зоти учун эркакнинг муштидан оёги осмондан келиб йиқилиши қандай шармандалик! Қиёмат, ҳа, қиёмат белгиси! Аёлнинг қиморбоз бўлишию эркаклар билан бир даврада қимор суришининг оқибати!.. Яна денг, у ҳирингламоқчи. Уйимда ўтирсам бўлмасмиди, демоқчи. Гўёки бир жувон фаҳш йўлига кириб, фоҳишалик орқасидан танилса-да, кун келиб, лабининг чети билан кулиб: "Ие, фоҳишалик қилмасам ҳам бўларкан", деса, унга қандай кўз или қарайдилар? Мазах қилаётгани шу эмасми?!

Лобар энди у билан ади-бади айтишишни истамади.

Чойидан ҳўплар экан:

—Акмал ака қаерда ўлди? —деб сўради.

—Москвада. Эсингдами, ўшанда оғир аҳволда ётгандилар?

Қайтиб турмади.

—Қаерга кўмдинглар?

—Душанбега олиб келдик. Эҳ-ҳе, тобутни аэропортдан машинага ортиб, уйга келгунимизча тумонат одам тўпланди. Ҳамманинг бошида дўппи, аёллар оқ рўмолда. Шунча қариндошлари борлигини билмаган эканман. Иzzат-икром билан дафн этишди. Душанбеда бир ой гап бўлди: Акмал қартабозни Москвада уриб ўлдиришибди, ёнида фақат иккинчи хотини бўлган экан, чеченлар билан катта бойлик устида талашиб қолишибди... Мени "янгамулло" деб еру кўкка ишонмай кафтларида олиб юрганларини айтмайсанми! Эринг ўлса, шундай ўлса-да! Минг марта тавбаку-я, Акмал акам ўлиб бир обрў топдимки, ҳеч балога ўхшамайди.

—Йўлинг бузилганини билмаган-да улар.

—Йўлим бузилган? Қайси маънода айтаяпсан?

—Битта маъноси бор, — деди Лобар, — аёлнинг йўли бузилиши эркаклар билан юриб кетиши дегани.

Зухро қўлидаги чойни тўкиб юбормаслик учун эҳтиётланиб кулди; гавдаси силкиниб, овози узук-юлуқ чиқди.

—Жагим соғ бўлганида бир маза қиласдим, —деди у. —Шу кунларда кўп куляяпман, ишқилиб, охири баҳайр бўлсин... Лобар, Лобар... Марҳум эрингнинг рашкини қилассанми?! Ҳа, у билан юрдим, тан оламан. Э, ўзинг ҳам кўргандингку! Буни "ушлаб олиш" дейишадими сенларда?

—Қоғозга ўраб гапирилса, шундай дейишади. Аслида суюқоёқ маразларнинг жирканч қилиқлари...

—Бўлди, бўлди, тушундим. Унақа сўзларни мен ҳам биламан. Лекин мени йўли бузилган деб бўлмайди. Чунки биринчи эринг, яъни Маъруфжон никоҳлаб олмоқчи эди.

—Йўли бузилган қиз-жувонларни ҳар доим кимлардир никоҳлаб олмоқчи бўлишади, аммо барчаси кўзбўямачилик бўп чиқади.

“Қиң устидәаң тақдир-II”

Лобар жароҳатининг симиллаб оғришидан лаб тишлади. Зуҳронинг олдида инграшни истамас, илло нечундир рақибини қувиб солишини ҳам хоҳламас эди.

—Худодан қўрқмадингиз-а? —деди Лобар бирдан Зуҳрони сизлаб.

Ўзидан ўн беш-ўн олти ёш кичик жувоннинг сенсираклаб гапиришига қулоғи кўнига бошлаган Зуҳро ажабланиб қаради.

—Худодан қўрқаман, Лобархон, нега унақа дейсиз? —деди у (гапи ҳиссиз, сохта ва кўпчилик тўтиқушдек тақрорлайдиган жумлалардан иборат эканлигини ўзиям сезди).

—Тушунарли... — Лобар кўзларини юмди.

Орадан кўп вақт ўтмади, ташқарида эркакларнинг сўкинишлари эшитилди, сўнгра каютага Шомил кириб келди. Юз-қўлини сочиққа артиб, Зуҳродан сўради:

—Аҳволи қалай унинг?

Зуҳро лаб бурди ва иддао билан:

—Кўп хавотирланишга ҳожат йўқ, ҳамма жойи бутун, — дея жавоб берди. —Ўтган йилларни эсладик, чой ичдик. Ҳатто, менга панд-насиҳат қилмоқчи ҳам бўлди.

—Кувонни сўрамадими?

Кувон деган исмни эшиитган заҳоти Лобар бир қимирлади, заифгина инграб, деди:

—Уни чақиринглар. Қани?..

Шомил боланинг оёқ томонига ўтириб, эснади. Чарчоқ ва уйқу ўз ҳукмини ўтказаётгани аён эди. Кема мотори гуриллаб, олға интилгач, беҳол чайқалган Шомил деди:

—Лобар, биз манзилга яқинлашаяпмиз. Айтганимдек, фақат Зуҳро икковларингни олиб кетаман. Қувон билан юриш менгаям, ўзигаям хавфли. Болапақирни авайлаш керак, у ҳали ёш, уйланмаган. Бунақа ҳаётнинг унга кераги йўқ.

Чеченнинг гапларига ишонмаган Лобар тишини-тишига қўйиб:

- Қани у? —деб сўради яна.
- Ҳеч нарса қилганим йўқ, ишонмасанг Зуҳродан сўра.
- Кувон соппа-сог. Маза қиласяпти, —завқланиб сўзлади Зуҳро.
- Боя энг азиз кишиңгизни ўз қўлинг билан ўлдирираман, дегандингиз, — Лобар жароҳатни ушлаб, ёстиқقا суюниб ўтириди. —Агар Кувонга бирон нима қилса...
- Уф, бир гапни кўп такрорлама! —деди Шомил беихтиёр кўзлари чақчайиб (сўнг дарҳол сўлгин қиёфага кирди). — Узук... узук қани?
- Лобар ёстиғи тагидан узукни олиб, Зуҳрога узатди. Зуҳро Шомилга тутган эди, олмади.
- Бизни ҳоли қолдир, —деди у Зуҳрога.
- Душанбелик қиморбознинг юзи буришиб кетди. Минғирлаган кўйи каютани тарк этди.
- Кувонга жин ҳам урмайди, —деди чечен киллери. — Улушкига ҳам хиёнат қилмайман. Тийин-тийинигача у ёқда, она юртида банқдан олади.
- Кувон юртга кетдими?
- Ҳа, эринг билан олдинма-кетин боришади уй-уйига.
- Гарчи Лобар ишонмаган бўлса-да, ортиқ тортишувни истамади. Бироқ Шомил ва Кувоннинг танишуви уни қизиқтираарди, шунинг учун сўрашдан ўзини тиёлмади:
- Кувонни қачондан бери танийсиз?
- Кувон мени Тошқалъадаги воқеадан буён танийди, деб ўйлади. Аслида у анча вақт аввал қора рўйхатга тушган.
- Анча вақт аввал? Қора рўйхат? —ажабланди Лобар.
- Сабабини биласан, Лобар.
- Билмайман...
- Билмайсан-а?! Кўзимга тик қараб айт-чи, унинг қандай ҳунари бор? Сендан мерганлигию сувоқчилигини сўраганим йўқ. Гапир!
- Ҳар бир йигитнинг уч-тўрт хил ҳунари бўлади, мен билмаган... бордир... — чайналди Лобар.
- Халқаро миқёсда! —таъкидлади киллер.

“Құл устидаси тақдир-II”

— Нимани сүраётганингизни тушунмадим, Шомил ақа.
Шомил иягини силаб, Лобарга ўткір нигоҳини қадади.
— Қувон "қора қарта рақси"ни мерос қолдирған кампирнинг синглисини шахсан таниған, шахсан.

Лобарнинг юраги санчди, ранг-туси оқариб бораётганини ҳис қилди. Қувоннинг юзта сири бўлса, тўқсон тўққизтаси гугурт чўпига ҳам арзимас эди. Самарқандда Зарема кампирнинг синглисидан қарта сабоини олганидан бошқаларнинг боҳабар бўлиши эса йигитга ажалдан ўзга ҳеч нарса келтирмасди. Лобарнинг бошига тушган савдоларга барча қиморбозларни енгиш усули — "қора қарта рақси"ни афсунгар қартабозлардан мерос қилиб олгани сабаб бўлди. Қувон ўрганган усул эса, шубҳасиз, Лобарнидан ўн чаңдон кучли, шартли равишда "оқ қарта рақси" деб номланган усул эди. Чечен кампирининг қартадан нафақат ўз уйи куйганди, юзлаб кавказликларни баҳтиқаро қилиб, гўрга тиққан эди. Синглиси бутун умрини "қора қарта"га қарши курашишга бағишилаб, қирқ йил деганда "оқ қарта"ни яратди. Умрининг сўнгти йилларида бу усулини Қувонга ўргатганини ҳеч ким билмайди, деб ўйлаган Лобар Шомилнинг гапидан бежиз анг-танг бўлмади.

— Бундан сенинг ҳам хабаринг бор, — давом этди Шомил.
— У ҳам қарта ўйинини мерос қолдирди, худди опаси ўз хунарини Анна Сергеевнага қолдирғандек. Бироқ Қувон қартадан ҳаром йўлда фойдаланмади, деярли ҳеч ким билан ўйнамади. Яқинда билдим, "оқ қарта" деганлари қиморга қарши қимор ўйини экан. Биз эса Қувонни ўлимга маҳкумлар рўйхатига ёзиб, сал кам бир йил кутдик.

— Биз деганингиз бошқа "империялар"ми? — Лобар кинояомуз сўради, лекин Шомил заррача ўзгармай жавоб берди:

— Пул учун "империя"га эшакдай хизмат қилувчи кимсаларни гоҳо "биз" деб гапираман. Минг афсус.

— Минг афсус, — деди Лобар ҳам.

— Сенинг Туркияга иккинчи бор келишингни ҳечам

Әзamat Қоржев

кутмагандим. Яқында полиция билан ҳамкорлик қилган хотинни қайси аҳмоқ халқаро қиморга таклиф этади, деб ишонмагандим. Қувонга келсак, у ростдан ҳам сен ўйлаган одам. Портда қора меҳнат қилиб, уч юз-тўрт юз доллар ишлаш учун келган эди. Қартабоз эканлигини сир тута олди. Мен унга яна бир марта ишондим, лекин Иброҳим давангирнинг меҳмонхонасиға серқатнов бўлиб қолгач, кўзимни каттароқ очдим. Биласанми, мен уни қаерда учратдим? Тошқалъя яқинидаги дараҳтзорда. Не кўз билан кўрайки, мендан эллик қадам нарида снайпер кафтдек намоён бўлган Тошқалъани пойлаб ётибди. У яхши отар экан, аммо бунақа вазиятда фақат армия сабоқлари етарли эмас.

— Қувонни полицияга тутиб беришни пеш қилиб, Ўлик оролда ҳам қотиллик қилишга мажбурлагансиз?

— Бу нима деганинг? Шунақа ифлосманми?! Эшит, у ҳеч нарсага мажбур эмас эди. Сен лом-лим демасдан Мисрга жўнаб қолганингдан сўнг Қувон ўзини қўярга жой тополмади. Аксинча, шахсан айтдим: ёш йигит экансан, уйингга кетавер, бу ёғи билан ўзим шуғулланаман. Йўқ, йигит тақдирингга илҳақ бўлди, ҳатто, сени ўлдириб юборишган деган хаёлга ҳам борди.

— Кейин унга "йўл кўрсатдингиз", шундай эмасми?

— Шундай, —деди Шомил, — қўрқма, бунинг учун Қувондан ҳақ олмайман, ваъда қилганимдан улушини бераман.

— Битта узук учун ҳаммани отиб ташламоқчи бўлган одамга ишонмайман, — тўсатдан Лобарнинг кўзларига ёш қуиилиб келди. — "Энг азиз кишингни..." деб ўглимни назарда тутдингиз-а?... Нега... нега мени пичоқсиз сўясиз?

Шомил "Юрагингни бўшат, ўз оиласининг ҳалокатига сабабчи бўлган гумроҳ бандани истаганингча қарға", дегандек қараб ўтиради.

Бу — биринчи марта жаҳл устида гапириши эмаслигини Лобар жуда яхши эслади.

“Киң устидасы тақдур-II”

* * *

Шундай қилиб, Қувоннинг кемадан гойиб бўлиши сирлилигича қолди. Лобар тобора ҳолдан тойиб бораётгани важидан дод солиб, уни топиб беришларини сўрашга кучи етмасди. Греция соҳилига яқинлашишганида, батамом ҳушини йўқотди...

Орадан бир неча кун ўтгандек эди, гўё. Бутун олам алланечук осудаликка чўмган, фақатгина каминда чирсиллаб олов ёнарди. Лобар қаерга келиб қолганини билолмай атрофга аланглади. Оқ тўшакда, жароҳати тоза бинт билан боғланган ҳолда, оқ кийимда ётарди. Уй ичи туркларникига ўхшаб кетарди.

Ҳаял ўтмай Зуҳро ўтин кўтариб кирди. Каминга палёнларни ташларкан, қўлини оловга тутиб, бир оз исинди.

—Тузукмисан? —деб сўради у Лобарга қарамасдан. —Роса ухладинг, икки кеча-ю, икки кундуз.

—Тонг отдими?

—Тонг? Ахир кун ботаяпти-ку, — қўлини ишқалади Зуҳро.

— Қиши бу ерда бошқача бўларкан, менга ёқди.

— Қаердамиз?

— Россияда, — деди Зуҳро.

— Россияга ҳечам ўхшамаяпти.

Шу пайт эшик очилиб, икки киши кириб келди. Бири Шомил эди, Лобар уни дарров таниёлмади. Иккинчиси истараси иссиқ нотаниш одам бўлиб, ёши олтмишларни қоралаб қолганди.

— Салему-алейкум, — деди нотаниш киши жилмайиб. Унинг кейинги сўзларини Лобар тушунмади.

Шомил (мўйлов қўйган, сочини калта қилиб олдирган, костюм-шим, оқ кўйлак ва бўйинбоғда) нотаниш кишининг гапини таржима қилди:

— Яранг тез кунда битади, менинг қўлим енгил, соҳибжамол аёлларни, айниқса, тез даволайман, деяпти.

Лобар бош силкиди. Шундан сўнг дўхтири ярани очиб қайтадан боғлади. Шомил чойни Зуҳро ичиришини айтса-

да, дўхтирик юртада-қўймай ўзи ичира бошлади. Кўп ўтмай қайноқ шўрва ҳам келтирилди.

Дўхтирик алланималар деб ўрнидан турди. Қўлида машина калитини ўйнаган Шомил:

—Биз ярим соатда қайтамиз, —деди Зуҳрога. —Шўрвани ўзинг ичир. Ҳеч қаёққа чиқма, телефонда гаплашма. Ортиқча ҳаракатинг биғлан ҳаммамизни хавф остига қўйсанг, энг аввало ўзинг кетасан.

Зуҳро "барчасини тушуниб етганман, ҳечам хавотирланманг" деб ўзини оқлаб бўлгач, Лобар Шомилдан сўради:

—Қаерга олиб келдингиз? Бу ер Россия эмас...

—Биз Россияядамиз, аммо ростдан бу ер Россия эмас, — жавоб берди чечен.

У Зуҳрога батафсил тушунтиришни тайинлаб, дўхтирининг ортидан ташқарига чиқди. Лобар ёстиққа суюниб ўтириди. Зуҳро патнисни кўрпа устига қўйди, ярадор авайлабгина бир қошиқ шўрва ичди. Қайнатма шўрвага турли зираворлар кўшилган, иссиққина, ёғлигина, мазалигина эди. Лобар иккинчи қошиқни ичди, танаси яйради.

—Россияда бўла туриб, Россияда эмаслигимни қандай тушунай? —дека Лобар камин ёнида ўтирган Зуҳрога қаради.

Зуҳро деди:

—Мен, сен, Шомил кеча Афинадан Москвага учеб кетдик. Ҳозир шаҳар ташқарисидаги дала ҳовлилардан бирида биқиниб ўтирибмиз. Душманларимиз кўчага чиқишимизни сонияма-сония қутаяпти.

—Тушунмадим...

—Тўгри, биз Грецияядамиз. Россияга учеб кетган эса қиёфадошларимиз эди. Ҳамманинг назарида ҳозир Россияядамиз, бизни ўша ёқда кузатишяпти... Ана шунаقا, Лобархон! Лекин битта нарсадан қўрқаман: қиёфадошинг сенга шунчалик ўхшайдики, вақти-соати келиб, сен ҳақиқий Лобар эканлигининг исботлаётмай қолишинг мумкин.

—Исботлаб нима қиласман?! —деди Лобар. —Қиёфадошим

Россияда Шомил аканинг нагмасига ўйнаб юраверсин. Менимча, тақдир йўлларимиз кесишмайди.

—Ўғлинг-чи? —душанбелик қиморбоз бир қошини учирди.
—Уни нима қиласан? Опкеласанми?

—Ҳа, боламни топиш учун Россияга, албатта, бораман. Киёфадошим менга икки томчи сувдек ўхшаса-да, болам онаси ким эканлигини билади, бунга шак-шубҳа йўқ.

—Буни мен ҳам тан оламан, Лобар. Бироқ қиёфадошинг оналиқ даъво қилиши, сенинг номингдан иш кўриши, энг ёмони, банкдаги пулларингни ўзлаштиришга уриниши мумкин.

Лобар чарчаб кетгани важидан кўзларини юмиб, уф тортди. Хаёлидан ўтказди: "Оналик даъво қилиши нимаси? Мени қидиришаётган бўлса, дарров ҳибсга олишлари мумкин. Қиёфадошимни мен деб ўйлашса-чи?! Уни Лобар дея қамашса, Парвизнинг онаси менман, деёлмайман! Бу "Лобар менман" дегани-ку!"

—Нега уф тортасан? —деди Зухро. —Бир чорасини ўйлаб топ. Қиёфадошинг бурганинг кўзини ўядиганлар хилидан.

—Зухро опа, банк ҳужжатлари ўзимда. Пулларим ҳам кўп эмас. Дугонамни фоҳишаҳонадан қутқариб олишга анча пул сарфлаб кўйганман...

Зухро косов билан ўтни жўнаштиаркан, ўзича кулиб, бошини сарак-сарак қилди.

—Сендан бой хотин борми, Лобар?! —деди ҳасад билан. — Қанийди ўрнингда бўлиб қолсан!

—Қанақа бойлик, ахир?

—Шунча вақт миллионерлар даврасида қимор ўйнадинг, кетма-кет фалаба қозондинг.

—Эгнимга битта кўйлак олганим йўқ, —Лобар қошиқни оғзига яқинлаштириб, яна косага қайтарди. —Аэбаройи бойлик учун ўйнайди, десангиз, қаттиқ янглишасиз. Сизнинг йўригингиз бошқа, меники бошқа.

Улар бир зум жимиб қолишли. Оловга термулиб зериккан Зухро кафтини қоқиб, Лобарнинг ёнига келди.

Азамат Қоржовов

—Шўрва мазали бўптими?

—Ҳа, мақтаса арзийди.

—Унда ман ҳам ичаман.

Икки аёл кечки овқатни ейишиб, чойхўрлик қила бошлишди. Зуҳро ошхонадан турли-туман печенеъ ва шоколодлар келтириб қўиди. Лобар бирини оғзига солиши билан Зуҳро:

—Печеньесига гап йўқ, —деди. —Аммо булар бизни қачонгacha текин боқиашар экан? Тағин дугонангга ўхшаб... Иби, дугонанг фоҳишаҳонада нима қилиб юрганди?

—Адашиб бориб қолган. У фоҳиша эмас.

Зуҳро беўхшов қулган эди, муштнинг асорати тезроқ оғзини ёпишга мажбур этди.

—Воҳ, ҳалиям оғрияпти, — деди Зуҳро, сўнг нега кулганини изоҳлади: —Лобар, кечирасан, Шомилга ишониб, биз ҳам исловатхонага тушиб қолмайлик.

Лобар душанбелик қиморбозга бошдан-оёқ кўз югуртириди ва:

—Сизга энди ҳеч ким қарамайди, ташвишланманг, —деди.

* * *

Кейинги қунлар мобайнида Лобарнинг аҳволи анча ўзгарди. Меҳмонхона учун мўлжаллаб қурилган ҳайҳотдай ҳовли тепалик биқинида жойлашган эди. Кўпинча Лобар тепаликнинг қуёшда ярқираган совуқ чўққисига тикилиб вақт ўтказарди. Уларни кўчага чиқаришмас, телефондан фойдаланишга рухсат беришмас эди.

Иккинчи қават охиридаги истироҳат хонасининг энг четдаги деразасидан йўл кўриниб турарди. Ёмғирдан ювилган асфальт ҳаддан ташқари қорайиб кетган. Тез-тез ўтиб турган машиналарнинг гилдираклар овози мотор овозидан аниқроқ эшитилади ва кишини олис-олисларга — жонажон ватанга қайтишга ундейди. Микроавтобусларнинг бирига ўтиrsaю жўнаб қолса, Грецияни елкасининг чуқури кўрса.

Шомил кечадан буён ниҳоятда безовта эди. Биринчи

“Қиыл устидаси тақдир-II”

қаватда кимгадир шундай бақириб бердики, Зуҳро йўргалаб келиб, Лобарга:

— Эшитаяпсанми? — деди. — Улар келишди.

— Кимлар?

— Чеченлар.

— Келса... нима қилишимиз керак?

— Ҳеч нарса, — деди Зуҳро Лобарнинг лоқайдлигидан ҳайрон бўлиб. — Бирон нима қилолармидик?.. Лобар, уларнинг келиши нега сени қизиқтирмаляпти?

— Биз учун келмаганлари мълум. Шомил ака эса оролдан келтирган олтинлари ташвишида юрганини сезиб ўтирибман. Чеченлар келди, дедингиз-а? Чеченистонда мафия йўқ, террорчилар бор.

Зуҳро ёқасига туфлаб, дераза томон шошилди. Парданинг четидан мўралар экан:

— Лобар, бир камимиз террорчиларга ҳамтовоқ бўлмаганимиз қолувди, — деб Шомилни қарғади: — Ўл-э безбет, косов! Қай гўрдан кеп қолди, ит! Ҳозир уйимда икки юз минг долларни санаб, "Ватан" кинотеатри кўчасидаги ресторанни сотиб олишни режалаштираётган бўлардим.

Лобар тўшагидан туриб, халатини елкасига ташлади. Зуҳронинг ёнидан пастга қаради: қора машина олдида қора кўзойнак таққан кўриқчи қаққайиб турарди.

— Агар булар ростдан ҳам террорчи бўлишса, биз ҳеч қаёққа кетолмаймиз, — деди Лобар хўрсишиб. — Шомил ака террорчиларга ҳомийлик қилгани тезда мълум бўлади. Кейин Россияга бориш ҳақида хаёлингизгаям келтирманг.

— Э, — қўл силтади Зуҳро, — шусиз ҳам Шомил оқ эмас, руслар ахтариб юрганига юз фоиз ишонаман. Бироқ бизларнинг паспортимиз, ташқи кўринишимиз, ростини айтганда, тутган мавқеимиз ҳам ўзгарди.

— Ҳеч қанақа мавқеимиз йўқ.

— Бор, — деди Зуҳро. — Бизлар Шомил учун энди қиморбоз аёллар эмасмиз, оддий қилиб айтганда, хонимларимиз.

— Сиз Шомилни билмайсиз, — эътиroz билдириди Лобар. —

Унга хонимларнинг заррачаям кераги йўқ. Хотини ўлдирилгач, узоқ вақт уйланмай юрди, оила қуришни истамади. Қўлига асира бўлиб тушганимдан сўнг, фикрини ўзгартириб, тўй қилиб, менга уйланди. Бироқ жиноят оламидаги фаолияти қизишиб кетди-ю хотин керак эмаслигини тушунди. Дом-дараксиз йўқолиб кетди ўшанда. Бриллиант кўзли тилла узук совфа қилганди... Айтгандай, у сиздами?

Зухро бармоғини лабига босиб, бир оз турди:

—Айтма.

Лобар телевизор томон юриб, пультни олди ва диванга ўтириб тугмачасини босди. Фалати овозда:

—Нимани айтмай, Зухро опа? —деб сўради. —Узукними?

Душанбелик қиморбоз бемаъни гап гапирганини дарров тушунди, шекилли, диванга ўтиаркан, томоқ қириб қўйди; ўзини жиддий тутиб, деди:

—Айтма, тамом-вассалом. Тўғри, бундай қимматбаҳо узук унинг ёдидан кўтарилемайди, аммо бугун-эртан узукни эслатиб ўтиришга ҳожати йўқ, демоқчиман. Бир қоп тилла кумлари билан шуғулланаверсин. Узук нима? Арзимаган гап.

—Арзимаган? — заҳарханда қилди Лобар телевизорни бошқа каналга ўтказаётиб. —Бунинг учун сизни камида ўлим жазоси кутади.

—Узук жуда қимматбаҳо экан, нега шунча кундан бери сўрамаяпти?

—Москвада пул яширилган дипломатни ҳам, гўё, бутунлай назардан четда қолдирганди. Узук эса онасидан ягона ёдгорлик. Зухро опа, Шомилнинг навбатдаги ўйини кемадаёқ бошланган кўринади. Менга пул яширилган жойни жўрттага сездиришиб, шунча қийинчиликлар кўришимга сабабчи бўлган балои азимни — пулни ихтиёrimга қўйиб беришганди. Сизга эса, мана, узукни ушлаб туришни топширди-ю... Қисқаси буларнинг ҳаммаси ўйин! Шомил иккимизниям даволамоқчи эди, сеанс бошланган чоғи.

—Бекорни айтибсан, одамни шунақа усул билан қимордан

~~"Халос этиб бўладими?"~~

халос этиб бўладими??!

—Шомил бир вақтлар, Россияда, менга нафс ҳақида гапирган эди. У киллер, мафиоз, тиллафуруш... бошқа-қашқа! Лекин диндан ҳам хабардор одам! Мусулмон қизи бўлганим учун Маловер тўдасидан халос этган.

Телевизорда янгиликлар намойиш қилинаётган эди, тўсатдан экранда Ўлик оролнинг вертолётдан өлинган тасвири пайдо бўлди. Сухандон куйиб-пишиб сўзламоқда эди, аммо икки аёл тушунишмади. Шундай бўлса ҳам, гап нима ҳақида бораётганини англашди. Сўнгра қумлоқ соҳилдаги мурдаларни вертолётта ортишаётганини, гордаги конни намойиш этишди. "Янги қуллар" эса негадир кўринмасди.

Ҳаяжонга тушган Лобар ва Зуҳрони кейинги тасвир даҳшатга солди: қандайдир соҳилда Павелнинг кемаси турар, икки мурданинг устига оқ чойшаб ёпилган, кеманинг темир қопламаларига қон сачраган, каюта деворлари автомат ўқидан илма-тешик бўлган эди.

—Танидингми? —дэя Зуҳро оғзига кафт босди. —Бу кемада биз келгандик.

Лобарнинг кўзлари пирпиради; ранги оқариб, Зуҳрога қаради.

—Қувонга нима бўлганди ўша куни?! Айтинг, Зуҳро опа! Билиб туриб яшираяпсиз!

—Уни менинг ўрнимга кема тагхонасига қамаб кўйишганини биламан, холос. Илтимос, Лобар, бошқа нарса сўрама.

Янгиликлар ниҳоясига етмай, Лобар ўрнидан туриб, эшикка шошилди. Бу вақтда биринчи қават эшигидан чеченлар ҳам ташқарига чиқсан эди. Лобар зинапоядан тушгунича, улар машинага ўтириб, жўнаб қолишиди.

Шомил магрур ҳолда кўл чалиштириб турарди. Хаёли бутунлай бандлиги боис Лобарни пайқамай қолди. Бирдан ўгирилиб, қаршисида соҳибжамол жувонни кўраркан, паришонхотирлик ила:

—Ха?.. Нима?.. —деди.

—Сиз буйруқ бердингизми? Ё ўзингиз ўлдиридингизми?
Кувон ҳам ўлибдими, демак, менинг ҳам умрим тугабди...
Ўлдилинг, қачонгача кутиб яшайман?

Лобар тиз чўкиб, бошини эгди, чап қўли осилиб қолди.

—Жинни бўлдингми? —Шомил жувонни турғизиши учун
кўл чўзган эди, силтаб ташлади.

—Ниятингизга етдингиз, мен енгилдим. Мана, бошимни
тутиб бераяман, отинг... Отиб ташланг!

Хизматкор йигит чопиб чиқиб, нима қилишни билмай
туриб қолди. Дарвозани ёпаётган киши ҳам ҳайрон. Шомил
эс-хушини йигиб, секингина чақирди:

—Лобар, менга қара.

"Қора қарта соҳибаси" ғазабдан дир-дир титрарди. Қарагиси
келмадими, қараёлмадими, нима бўлгандаям, жувон ўз
сўзида маҳкам туришга аҳд қылгани кўриниб турарди. Шомил
унинг иягини кўтариб, кўзларига боқди.

—Кувон ўлибди деб ким ифво қилди?

—Телевизорда кўрсатишиди. Биз келган балиқчи кема
саёзликка ўтириб қолган, ўша Павел деган одамингиз билан
яна бир киши ўлдирилган... Ўша куни Қувонни каютадан
чақириб чиқиб, Зухронинг ўрнига қамагансиз, кейин эса
кемачи билан кўшиб ўлдиргансиз!

—Бас! —бақири Шомил. —Билмай туриб гапирма! Мен
Қувонни қўйиб юборганим рост! Кемачиларни... хўш... хў-
ўш... ким?.. — чечен киллери у ёқдан бу ёққа юра бошлади.

— Ким ўлдиран бўлиши мумкин?.. Хой, бу аёлни хонасига
қаманг!.. Демак, улар изимга тушишибди!

Зухро Лобарни ичкарига киргизишда хизматкорга ёрдам
берди. Кечкурун исёнчининг иситмаси чиқиб, ётиб қолгач,
хонага Шомил кириб, қўлқопларини ечди.

—Режаларим оламжаҳон эди, Лобар, — деди у. —Минг
афсус, ўзгартириш киритишга тўғри келади. Икковингни
ҳам қимордан умрбод халос этмоқчи эдим, менга ишон.
Бироқ савоб иш кечиктирилади.

"Киңи устидасы тақдир-II"

Шомилнинг қишики плашининг олди очилиб, тўппонча филофининг малла тасмалари кўринди.

—Билганингизни қилинг, —деди Лобар бўғиқ товушда.

—Барча эҳтиёт чораларини кўриб, ҳеч ким тополмайдиган жойга беркиндиқ, грек болакайни бежиз олиб юрганим йўқ. У чалкаш гувоҳлик бериши керак эди. Кўз ўнгида "биз" Россияга учеб кетдик, аммо вазият нақадар қалтис тус олганини ҳозиргина билиб келаяпман.

Камин ёнида ҳадиксираб қараб турган Зуҳро деди:

—Лобар ростдан иситмалаб қолди, укол олиши керак.

—Бир кун вақт бор, укол қилинглар, дори ичиринглар, менга соппа-соғ қилиб беринглар. Биз жўнаб кетамиз.

—Қаёққа? —ҳайратланди Зуҳро.

—Узоққа.

Шомил чиқиб кетгач, лип этиб чироқ ўчди. Хона деворида каминдаги ўт шуъласи ўйнарди. Икки аёлнинг нафас олиши ҳам эшитилмас, гўё дунё кимсасиз хона ва ташқарida ёгаётган ёмгирандан иборат эди.

* * *

Тонг-саҳарда уйғонган Лобар Шомилнинг кечаги гаплари хусусида бош қотирди. Шомил бу гал ҳам изсиз йўқолишни иштаган, лекин қандайдир кимсалар изини топишган, ҳадемай бу ерга этиб келишлари муқаррар эди. Шуниси маълумки, уларнинг полиция идораларига мутлақо алоқаси йўқ. Лобар чуқурроқ ўйларкан, балки Сицилия мафияси уч олиш пайида юргандир, деган хаёлга борди. Бироқ рус тилидаги янгиликларда тез-тез кўрсатишга пти: йигирма беш йиллик қидибувлардан сўнг мафия раҳбарияти кўлга олинган.

Лобар ўзини аёл сифатида бу ўйинлардан чиқариб ташлашларини жуда-жуда истади. Энди таъқиб этувчилар Лобарни ожиза аёл ўрнида кўришадими? Йўқ, ҳатто, полиция ҳам унга нозик жинс вакиласи деб қарамайди. Лобар — қимор ва мафия оламида жодугар тимсолига айланиб бўлган.

Кўнглини янада хира қиласиган бошқа бир гап ҳам бор

эди. Шомил грек болани бошини силаш учун олиб юрмаганини айтди. Болакай тасодифан чечен киллерига дуч келган, шундан сүнг киллерда янги гоя пайдо бўлган: ўзини валинеъматдек тутиб, болани қасос олишга эргаштириб боради. Аэропортда кўзда ёш билан хайрлашади. Кейин эса болакайнинг ягона гувоҳ эканлигини душманларга атайнин сездиради, уни қаердан топиш мумкинлигини ҳам имижимида маълум қиласди. Таъқиб этувчилар, албатта, балиқчининг ўғилчасини ушлашади. Озор бериб ўтиришмайди. Алдаб-сулдаб сўрашади: "Сени олиб келганлар қаерга кетди?" – "Неча киши эди?" – "Тилларига тушундингми?" – "Манави суратлардаги қайси бирларини танийсан?"

Лобар тиши ўтган даражада мулоҳаза қилиб кўрди ва битта ёмон хуносага келди: Москвадалик чогидан бери Шомилнинг ҳеч ким билмайдиган бир режаси бор ва мазкур режа бўйича ишляяпти. То уни якунламагунча Лобарни ҳам тинч қўймайди. Қимордан совитувчи тарбия ва покланган онагагина боласини қайтариш – булар ниқоб, холос. Дарҳақиқат, грек боланинг ҳаётини хавф остига қўйиб, ундан маълум бир мақсадда фойдаландими, у Парвизни ҳам шуниятда қўл остида саклаяпти.

"Нима қилишим керак?" – деб ўйлади Лобар, миясига жўяли фикр келмади. – Қувон бўлганида... Йўқ, энди уни аралаштирумайман. Илойим, Шомилнинг гапи рост чиқиб, у уйига эсон-омон етиб борган бўлсин. Бироқ болажонимни топиш учун қўлимдан келган ҳар қандай ишга тиш-тирногим билан ёпишишим даркор... Балки уларга жоним керак эмасдир, балки қарта... ҳа, қарта ўйнашим менга ёрдам берар?"

У узоқ вақт ухлаёлмай ётди. Кимдир машинани юргизганини, дарвоза тарақлаб ёпилганини, катта йўлдан машиналарнинг физиллаб ўтганини эшилди.

Эрталабки саккизларда Зухро кириб, паст овозда деди:
–Лобар, бугун бу ердаги охирги кунимиз. Менда бир фикр

туғилди: магазинга бормаймизми?

— Йўқ, — бирдан жавоб берди Лобар. Зум ўтмай эса ичидა қизиқиши уйгонди. — Кўчага чиқишимизга рухсат беришмайди-да.

— Рухсат олиб берсам, борасанми? Бугун жуда зиқ бўлаяпман. Кечаси шунаقا қўрқинчли тушлар кўрдимки, қара, лабимга учук тошди.

Чой ичилгач, Лобар таблеткаларни галадонга ташлади. Кўзгу қаршиисига бориб, ўзининг сўлгин сувратига тикилди.

— Тўгри айтасиз, — деди у Зухрога, — қўчани бир айланиб келмасак бўлмайди. Тўрт девор орасида уколу таблеткалардан бошқа ҳеч нарсани қўрмай баттар касал бўламан. Тавба, магазинга боришни ўйлаганимдан, иситмам тушди-я.

— Доллар ўтса керак, анигини биласанми? — сўради Зухро кийинаётиб.

— Доллар бўлади-ю ўтмайдими!

Аёлларнинг йўлга отланиб, ҳовлига чиқишганини кўрган хизматкор чопиб келди. Саволамуз нигоҳини қадаб, алланималар деган эди, қарта усталари биронтаям сўзга тушунишмади. Имо-ишоралардан кўчага чиқишига рухсат йўқлиги англашиларди. Зухро ўзини тушунмаганга солиб, "Калит қани? Очсанг-чи?", дея буюрди. Хизматкор йигит оёқтираб олган эди, Зухро ўн дақиқага дўконга бориб келиш зарурлигини, эртага жўнаб кетишларини, атрофни томоша қилиб қолмаса, юраги санчишини уқтириди. Йигит эса ўз хизматини таклиф эта бошлади.

— Э, ўлгудек галча экансан! — ўшқираб берди Зухро. — Мен сенинг маҳбусингманми?! Шомилга ўзим жавоб бераман, ў-з-им! Қани, юр! Қўрқма, ука, ишсиз қолмайсан. Бармоқларимни санай оласанми? Кеча сенга санашибни ўргаттандим-ку, аҳмоқ. Як, ду, се, чор, панж... Даҳ минут! Понимаешь? Фрештейш!

Зухро қўярда-қўймай уни кўча эшиккача олиб келди. Кўкрак чўнтағига юз долларликни солиб қўяркан:

— Сволочь, дарвозадан чиқаришинг юз доллар-а?! — деб

пичинг қилди. –Киргизишинг қанчага тушаркан сен маразнинг?!

Йигит душанбелик аёлнинг гапларига тушунмай, юз доллар учун қип-қизариб кетди ва қўллари қалтираб, жаҳл билан эшик очди. Аёллар остона ҳатлаганда, долларни узатиб, қатъяян бош чайқади. Зуҳро кулиб юборди.

–Камми? Яна қўшайми? –деб ҳамёнини ковлаштира бошлаган эди, йигит "О, мам Мария!" деб нола қилганча, эшикни ёпди.

–Гудбай, – деди Зуҳро бармоқларини қимирлатиб.

Шунда Лобар унинг бармогидаги бриллиант кўзли тилла узукни кўриб, сесканиб тушди.

–Тўхтанг, ахир, бу нимаси?! – қўлига ёпишди Лобар.

–Эҳтиёт бўл, – ўзини нари олди Зуҳро. –Ярангга тегиб кетсам, ётиб қолмагин.

Улар йўлакдан пастлик томон эниб кетишиди. Бу ерда чиройли уйлар кўп эди. Олисдаги муюлишда ҳашаматли бинолар кўзга ташланар, ресторон, қаҳвахона ва дўконлар жойлашганлиги сезилиб турар эди.

–Қанақа шаҳар экан? –сўради Лобар.

–Сўраб кўзим учиб турганмиди! Лекин шу атрофда курорт ва санаторийлар кўп экан. Менимча, бу шаҳар эмас, қишлоққа ҳам ўхшамайди. Шунчаки катта йўл бўйидаги дала ҳовлилар.

Бир оз юришганларидан сўнг икки оқ уй оралиғидаги майдончада эринмасдан безатилган арча кўринди. Атрофида ўспирин йигит-қизлар ўралашиб юришарди. Айниқса, иккитаси бир-бирининг пинжига суқилишиб, бўса олиш учун эҳтирос билан тикилиб туришарди.

–Лобар, –деди Зуҳро севишганларни анча вақтгача кузатиб қоларкан. –Бизлар қачон йигитлар ўпар экан деб йиллаб кутганмиз. Иложи борича хилватроқ жойга боришни ўйлардик. Ишонасанми, мени илк марта қучоқлаганларида ҳеч нарсани ҳис қилмаганман.

–Кейин жуда ҳавосини олдингиз, –чақиб олди Лобар. –

“Корсакидан жаңа тақдир”

Иккинчи, учинчى эрлар, құшни аёлларнинг эрлари, сицилияликлар...

— Барыбир сенга етолмадим, чунки ёшсан, гүзалсан.

— Күлингиздаги узукни Шомил менга никоҳ узуги ўрнида тақиб жүйганди. Худога шукр, ундан халос бўлдим. Сиз эса ўз ихтиёрингиз билан...

— Дўконгача тақиб борсам нима қипти?

Лобар дарров чарчаб қолди. Ҳамроҳининг энтак-тентак гаплари ҳам шу тобда оғирлик қилмоқда эди. Жароҳати сирқираб оғрий бошлагач, уҳ тортди.

Зухро:

— Сенгаям қийин, — деди уҳ тортишни ўзича тушуниб. — Эрингни кўрдинг, адойи тамом бўпти. Қувонни севиб қолгансан, у эса бўйдоқ. Сени кўнгилхушлик учун хурсанд қилади, холос. Бироқ ҳеч қачон уйланмайди. Ундан кўра яна Шомилга тегиб ол. У ҳақидаги мишишлар пуч. Шомилни эрта-индин қўлга олишади, ўлим жазоси кутаяпти ва бошқа гапларга ишонма. Биласанми, Шомил бир кун келиб ҳозирги ишлардан этак қоқади-ю Пуэрто-Рикаданми, Англияданми вилла сотиб олиб, умрбод ялло қилиб яшайди. Кўлидан келмайдими?

— Орқага қайтсакми, мазам қочаяпти, — деди Лобар бунга жавобан.

— Ўзимам сезувдим шу нозикойимча узоққа боролмаслигини, — Зухро унга алам билан кўз ташлади. — Чида, жуда яқин қолди. Такси бўлса экан, чақирсам...

— Юролмайман...

Зухро ортига ўгирилди-ю секин келаётган шалоқ енгил машинани кўриб, қўл силкиди. Машина фийқиллаб тўхтади. Зухро аврай бошлади:

— Магазин, магазин... Маркет... Маркет! Мы туристы, турист... Юнион Штатик...

“Биз американлик туристлармиз, тепалик ортидаги оромгоҳдан келаётгиз, дўконларни айланмоқчимиз”, демоқчи эди Зухро. Унинг баҳтига ҳайдовчининг қулогига

лагмон илишга ҳожат йўқ эди. Рулда қулоқчин кийган найнов кимса ўтирас, овсарларча илжаяр, яккам-дуккам сарфиш тишлари, чақчайган кўзлари машинани бежиз тўхтатмаганидан дарак берар эди. "Ёнимга ўтириб, ёнимга", деб имлай бошлади у. Зуҳро айтганини қилди. Лобар эса орқа ўриндиқа бир амаллаб ўтириб олди. Машина жойидан кўзгалгач, ичкарига тутун иси урди.

—Шунисигаям шукр, — Зуҳро орқага қаради. —Нима дединг, Лобар, йўғидан бори!

—Боридан йўғи, — дея Лобар бензин исига чидаёлмай оғзи-бурнини ёпди.

Ҳайдовчи дам йўлга, дам Зуҳрога қарайди, қувонади бечора.

Муюлишда кўринган бинолар ростдан ҳам ресторон ва дўконлар эди. Икки қиморбознинг навбатдаги муаммоси машинани айтилган жойда тўхтатиш эканлигини эслатиб қўйгандек, ҳайдовчи газни бўшатмади.

—Эй, тўхта! —хитоб қилди Зуҳро. —Шу ерга... Стоп! Стоп!..

Телба ҳайдовчи газни кучлироқ босди. Зуҳронинг кўзлари олайиб, ҳайдовчининг қулоқчинига чанг солди ва юлқиб олиб, калласига ура бошлади. Лобарнинг эса шундоқ ҳам мажоли қолмаган эди. Шу пайт кучанаётган моторнинг уни ўчди. Машина четта тўхтагач, бошини елкасига қисиб олган найнов Зуҳрога анграйиб қаради, ўз тилида алланималар деб, йўл белгисини кўрсатди. Унда автомобилларга ёқилғи қуиши шахобчасига юз метр қолганлиги ифодаланган эди.

—Оббо, галварс, —тутақди Зуҳро эшикни очар экан. —Бизни дўконга ташлаб ўтишинг керак эди, "заправка"да пишириб қўйибдими?

Машинадан тушиб, орқага — ресторан сари юришди. Уларнинг машина ичидаги дўппослашиб ўтишганини кўрган икки барваста эркак кўз узмай кутиб турардилар.

—Йўқ, яххиси, ресторанга кириб, бирон нима ичамиз, — деди Зуҳро ва эркакларга етмасдан йўлини буриб кетди.

Саноқлигина хўрандалар ўтиришарди. Официант пешвоз

“Қиын устидағы тақдир-II”

чиққан эди, Зұхро құл ювиш хонасини сүради. Зийрак хизматчи дархол ҳожатхонани күрсатди.

—Сен ўтиравер, —деди Зұхро. —Рангинг оқариб кетибди, конъяк ичсанг ўзингга кеп қоласан.

Лобар стулға чўкиб, кўзларини юмди. Мудрадими, ростакам ухлаб қолдими, бир вақт официант уни үйготди-да, қутича тутди. Официант енгил таъзим қилиб, нари кетгач, хат ҳам қўйиб кетганини кўрди. Лобар шоша-пиша шуларни ўқиди: “Биз эронча қарта ўйинларини Европага ошкор қилган ҳар қандай қартабознинг аввал қўлини, кейин калласини кесиб оламиз!”

Лобар титраб кетди; қутичани очиб, чинқириб юборишдан ўзини зўрға тийиб қолди. Дарҳақиқат, қутичада аёл кишининг тирноқлари ўстирилган, лок қўйилган сарғиш бармоги қонга бўялиб ётар, бриллиант кўзли тилла узук даҳшатли қотилликка жонсиз гувоҳ бўлиб, янада ярқирап эди.

Лобар жон аччиғида қутичани улоқтириб юборди ва телбаларча гандираклаб ресторан залиниңг ўртасида тўхтади. Гўёки ер чайқалар, стол-стул ва қандиллар аралаш-қуралаш бўлиб кетаётгандек эди. “Зұхро опани ўлдиришдими? —деб сўради у ўзидан. —Кутичадаги қонли бармоқ уники эди... Калласини ҳам оламиз дейишганми? Ажалидан дарак берувчи лаънати хат! Қани у?.. Йўқ-йўқ, менга хат керак эмас, ахир, Зұхро опани ўлдириб бўлишиди...”

Шунда ҳожатхона томондан чинқириқ эшитилди. Лобарнинг оёғи тортди: Зұхро құл ювиш учун кириб, қайтиб чиқмаган оқ эшик сари бораверди. Деворга суюниб, секин-аста ҳожатхонадан олислашаётган малласоч аёлнинг ранги қофоз мисоли оқариб, кўзлари қора холли соққадек ўйнарди. Лобар икки-уч қадам босиб, таққа тўхтади. Кафелланган ялтироқ полга четдаги бўлмачадан қон сизиб чиқиб, ҳалқоб ҳосил қилган эди. Лобар қизил қон устидан қора қон оқиб келаётганини кўриб, кўнгли бехузур бўлди. Бироқ бу ерни тарк этолмади. Душанбелик қиморбоз

аёлнинг ўлганига ишонмаслик туйфуси олға қадам бостириди ва бўлмача эшиги очилгач, бурчакда шалвираб ётган мурда кўринди. Ваҳшийларча ўлдирилган бу аёл Зуҳро эканини кийимидан, бошқа бурчакда ётган қўллари ва калласидан билиш мумкин эди.

* * *

Тоза ҳавога чиқди. Неча бор қайд қилди, билмайди; қаергача ва қаёққа чопиб келди, эслолмайди. Қачонки, у қулоқларини беркитиб, кўзларини чирт юмиб, аллақандай зах ва қўланса бурчакда узоқ ўтирганидан сўнг фикрлай бошлади. Уйғонган сезгиларидан биринчиси чап елкаси ва қўли аралаш чидаб бўлмас оғриқдан дарак эди. Чунки Лобар иккала қўли билан бошини чангллаб, ярасига зўр бериб қўйганди. Иккинчи сезги бутун вужудига зах ёйилаётганидан хабар берди. Учинчиси... у товуқ қақағлашини, чўчқаларнинг хириллашини эшита бошлади. Кўзини очди: биронта дўкон ёки омборхонанинг орқа томонидаги ташландиқ маконга келиб қолибди. Чўчқаҳона ва товуқхона туташган жой бурчак ҳосил қилган эди, худди шу ерда Лобар бир бурдагина бўлиб ўтирибди.

Яқин-атрофдан машиналар гиз-гиз ўтишди, аллакимларнинг бақир-чақири қулоққа чалинди. Лобар кўзларини юмиб, тиззаларига бош қўйиб, йиглаб юборди. Зуҳрони ўлдириб кетишди, Лобарга эса индашмади. Кутича ва хат қолдиришиб, душанбелик аёл бежиз йўқ қилинмаганини тушунтириб қўйишди. Зуҳро қисқа вақт ичida қимор оламида катта ютуқларни қўлга киритиб, "Эронча қарта рақси"нинг устасига айланган эди. Хатдан англашилаяптики, бу қарта ўйини фақат Эрон (балки Тожикистон, Афғонистон, Покистон ҳудудлари ҳам назарда тутилгандир) қиморбозлари манфаатларига хизмат қилиши лозим. Зуҳро нима қилди? Осиёдаги ўйинларини йиғишириб, Сицилияга жўнашди. Сицилиядан айнан Лобарга қарши курашиш учун! Мана, қисмат кўрсатди: у

“Қыл устидәең тақдир-II”

бир құл ҳам ўйнолмай даҳшатли жазога мубтало бўлди.

—Мен бундай бўлсин демагандим, — ўз-ўзига сўйлади Лобар. — Ўтган ишга саловат деб энди-энди яраша бошлагандик. Бечора, Зуҳро опа! Кечаси алаҳсираб чиқдим, лабимга учук тошди, дея бежиз гапирмаган экан. Ўлимини сезибди-да.

Лобар ўрнидан турмоқчи эди, мадори етмади. "Туриб қаерга ҳам бораман, — ўйлади у, — ҳозир полиция етиб келган, албатта, мениям қидиришшашапти. Бу ёқса келганимни қанчаси кўрган бўлса керак..."

Хаёлига кутилмаган бир тахмин келди: Зуҳрони Шомил ўлдирган бўлса-чи! Ўзини шубҳадан фориф қилиш учун "Эронча қарта" сирларини фош этганларни, даҳшатли равишда ўлдирадиган қотиллар уюшмаси борлигини хат орқали шама қилган. Балки шудир Лобарни қимордан бутунлай бездириш йўли?! Ё Лобарнинг ўзини ҳам пайт пойлаб эрмаклаб ўлдирадими?

Бу гал Лобар ўрнидан туришга куч топа олди. Боши оқсан томонга — иморатлар оралиғидаги лойдан тўғрига кетаверди. Бир пайт орқасидан кимdir шалоп-шулуп чопиб келди-ю куч ила девор томон тортди. Лобар елкасидаги оғриқдан оҳ тортиб, ҳужум қилган кимсанинг юзига боқди. Бу — кўзлари ўтдай ёниб турган Шомил эди.

—У ёқса эмас, — деди чечен ҳансираб. — Ҳозир дўкон ёнидан ўтишади, биз эса товуқхона эшигини бузамиз.

"Бузамиз" деганда у аллақачон ошиқ-мошиғидан узилиб тушиши керак бўлган чирик эшикни бир амаллаб бузмасдан очишни назарда тутган эди. Шунда ҳам товуқлар безовта қақағлашиб, қанотларини патиллатиб, нари қочишли. Улар тош ҳовлига чиқдилар, сўнгра кўча эшикни очиб, тепалик ёнбағридаги сўқмоқда пайдо бўлишди. Шомил аямасдан судраб борар, ярадор аёлнинг оёқлари чалишиб, йиқилмоқдан бери бўлиб, зўрга қадам ташларди.

Нихоят, арча безатилган майдончага етишди. Шомил чеккадаги уй панасидан секин мўралади. Кейин Лобарга

тикилиб, деди:

—Уйдан чиқмаслик буюрилғанми?! Мана, оқибат нима бўлди?! Қонхўрлар яқинлашиб қолишганини айтгандим-а!

Лобар кўз ёшларини артиб, индамай турарди. Оқариб кетган юзида жароҳатдан азоб чекиш эмас, нафрат ва алам зуҳурланган эди.

Шомил чўнтақ телефонини олиб, кимнингдир рақамларини терди, итальян тилида қисқа-қисқа сўзлади. Зум ўтмай машина яқинлашиб келди. Уй ёнидан бурилиб, сўнг Шомил ва Лобар турган жойга орқаси билан юрди. Ҳайдовчи тушиб, кўмакка шошилди. Шомил бир нималар деган эди, қария машина юкхонасини очиб, норозилик ила пўнгиллади.

—Лобар, — деди Шомил унинг билагидан тутиб, —юкхонада кетмасликдан бошқа иложинг йўқ. Сени ҳам сўйиб ташлашларини истамайман.

Киллер даст кўтариб, юкхонага ётқизаётганида, Лобар қаршилик қилмади, лекин ётиб бўлгач, Шомилнинг қўлини силтаб ташлаб:

—Сўймоқчи бўлганида ресторандан омон чиқмасдим... — деди:

Унинг яна гали борлигини Шомил билса-да, "кейин гаплашамиз" деб, юкхонани ёпди. Машина узоқ юрмади. Катта кўчага бурилганида, тўхташди. Лобар қулоқ солиб ётаркан, сўроқقا тутган эркакларни полициячилар деб тахмин қилди. Аммо полиция юкхонани текширишни жоиз топмади.

Шундай қилиб, Лобар дўхтирникига Зухросиз қайтди. Душанбелик аёлнинг мурдасини-да аччиқ қисмат кутаётганини ҳаммалари билиб ўтиришарди.

* * *

Шомил хона ўртасида туриб, асабий ҳолда хизматкорни кутарди. Йигит кириб келмасдан гап нимадалигини тушунган эди. Кўл қовуштириб, бош эгган кўйи узр сўради. Шомил

“Құл устидасы тақдир-II”

унинг күкрагига тепди: хизматкор анча нарига учеб тушди. Чечен қаноат құлмай, бостириб борди ва бояқишининг ёқасидан тутиб күтарди-да, жагига мушт туширди. Ўлик оролда Зуҳро шу тахлит зарбага дуч келганида ва ерга чалпак бўлиб тушганида Лобарнинг қайнамаган қони ҳозир жўшурди.

—Бас қилинг! —қичқирди у дўхтирнинг кўлидан чиқиб, вазани Шомилга отар экан. —Бас қилинг деяпман! Унинг айби йўқ! Нега урасиз?! Биз ундан илтимос қилиб, ўн дақиқага дўконга чиқиб келмоқчи эдик. Одам бўлиб кўча айланишга (атиги ўн дақиқага-я!) ҳаққимиз борми-йўқми?!

—Шу ўн дақиқалик кўча айланишми? Биласанми, оқибати нима бўлди? Агар полиция...

—Тупурдим полициянгизга! "Оқибат"ларингизга ҳам минг лаънат! Зуҳронинг қотили аслида сиз!... Тожикистонликлар, эронликлар ўлдиришларига ишонмайман. Уни ўғирлаб кетиш минг марта афзал эди-ку! Кетдик деса кетаверарди, кўлингиздан халос бўлгани афзал эмасмиди?!

—Сен ҳам, сен ҳам, — дея Шомил Лобар ва хизматкорга бирма-бир пўписа қилди, — фирт аҳмоқсанлар! Жиноят оламини тушунишларинга ақлларинг етмайди. Афсуски, ҳеч қачон ҳеч кимга бу қабиҳ дунёning сир-асрорларини муаллим каби тушунтириб ўтирайдилар. Бошинг дёворга урилдими, кўзингни оч! Ёнингдаги шеригингта ўқ тегиб қуладими, ерга ёт! Бундан кейин яна дёворга урилишингни, яна кимгадир ўқ тегишини ҳижжалаб тушунтирадиган одам йўқ. Мияси бор банда қолганларини ўзи англаб олиши керак. Сенлар эса бугун бошсиз одам эканликларингни исботладинглар. Ҳа-ҳа, бошсиз одам! Ўша Зуҳронг ҳам бошсиз...

Лобар дарҳол Зуҳронинг мурдасини кўз олдига келтирди. Қўллари ва калласи ақл бовар қилмас ваҳшийлик-ла кесиб олинган, қонга белангтан жасад!.. Бу қатл жуда тез амалга оширилгани дёворга сараган қонлардан-да сезилиб турибди.

—Мазах қилишингизнинг ҳожати йўқ, —деди Лобар бирдан

Азamat Коріково

ховуридан тушиб, лаби гезарар экан. —Бошсиз экан деб бошини олиш, аёл кишининг... Билмадим, бу даражага қачон етдинглар, одам қиёфасидаги иблислар!.. Узунқулоқ гаплардан эшитиб юрардим, лекин одамзотнинг шунчалар тубан кетишини ўз қўзим билан кўрмагандим. Мана, — Лобар ўз-ўзига гапираётгандек секин сўзлаганча ортига бурилиб, иккинчи қаватга элтувчи зинапояга қадам қўйди, — боягина мен билан гурбатхонадан чиқиб кетган аёл, адашган аёл зоти ҳозир ресторон ҳожатхонасида бошсиз ва қўлсиз аянчли ҳолда ўлиб ётибди. Бу қонхўрликни эркаклар амалга оширди, менга ўшқираётган шу эркак...

Ваза синиқлари фижирлаб кетди. Шомил уларни эзиб-янишиб Лобарга етиб олди-да, куч билан ўзига қаратди.

—Нималар деяпсан, Лобар? Эсинг жойидами? Қани, бу ёққа юр!

Хизматкори дўппосланган боис дўхтири Шомилга аччик гаплар гапириш учун оғиз жуфтлаган эди, чечен унинг елкасига қоқди. Итальян тилида узр сўраб, тезда қайтиб тушажагини маълум қилди.

Камин ўрнатилган хонага киришлари билан, Шомил Лобарни бурчакка қисиб, қўзларига тикилди.

—Зуҳрони бошсиз ва қўлсиз ҳолда ўлиб ётибди, дедингми?
— сўради у.

—Ҳа, энди кўнглингиз тўлдими??

Шомил бир шапалоқ туширди, бу енгил шапалоқ Лобарнинг илиниб турган кўз ёшларини сочиб юборди, холос.

—Кесатмай, тўғри гапир. Зуҳронинг жасадини ўз қўзинг билан кўрдингми? Биз етиб келганимизда, одамимиз Зуҳронинг ўлдириб кетилганини, сенинг эса қочганлигинги айтди. Қандай ўлдирилганини сўрашга вақт ҳам бўлмади.

Лобар ўликни яқинроқдан тасавтур қилди, сўнг яна яқинроқдан, яна... Асаблари дош беролмай юзини деворга ўтириб, хўнграб йиглаб юборди.

—Сўраманг... сўраманг уни...

“Күл устидағы тақдур-II”

—Унинг калласи олинган, құллари эса тирсакдан пастан кесилған, шундайми? —аксинча, аниқроқ сүради Шомил.

—Ха! —қичқирди Лобар ўзини билмай. —Ха!.. Энди болаларниям... қарияларниям... Ҳеч ким қолмасин! Ҳеч ким... Ҳамманы сүйинглар, одамхўрлар!

Шомил стол устидаги чашкага чой қуиб келиб, Лобарнинг ичишига күмаклашды. Елкасидан қучиб, каравотига олиб борди. Чеченнинг ғалати ўзгариб қолганини Лобар каравотга ўтиргач пайқади.

—Бошимизга жиддий мушкилот келғанга ўхшайди, Лобар, —деди у бўйинбогини бўшатиб. —Қачонлардир изимиздан тушишини ўйлагандим. Зуҳро уларнинг биринчи аёл курбони. Шу вақтгача лаънатилар бир неча эркакни қатл этишган. Ўлдириш усуслари ўта ваҳшиёна: аввал қўлларидан, кейин бошидан жудо қилинади. Қип-қизил қассоб улар!.. Лобар, беш-ён дақиқа дам ол, бу ердан жўнаб кетамиз. Биламан, сенга ҳозир жуда қийин. Хунрезлик ҳақида қайта-қайта сўраганим учун кечир мени!.. Ўрнимда бўлганингда сен ҳам шундай қилардинг. Ҳа, "Техрон" ёки "Бадахшон" ҳақида эшитганингда ўзингни тутиб туролмасдинг.

Шомил эшик томон юрган маҳал Лобар деди:

—Унинг қандай ўлдирилишидан хабарингиз йўқлигига ишонмайман!

—Ҳар нимани мендан гумонсирашингни тушунгандек бўлайпман. Бироқ бу гумонларинг нафсониятимга тегаяпти.

—У ҳолда... рост экан-да?

—Нима рост экан?

—Қонхўрлар менга хат қолдириб кетишга ҳам улгуришди. Унда эронча қарта ўйинларини Европага ошкор қилганларни ўлим жазоси кутиши ёзилган эди. Бундан чиқди, қотиллар эронлик, шундайми?

—Улар ҳақида тўлиқ маълумотни ҳеч ким билмайди. Ваҳшийлар уюшмасини "Техрон" ёки "Бадахшон" деб аташади. Баъзи хабарларга кўра улар тоҷикистонликлар, баъзиларига қараганда эронликлар. Чалгитадиган нарса

уюшманинг номланишида бўлса керак. Чунки туркиялик бир одамнинг айтишича, "Техрон" аслида Тожикистоннинг Тоғли Бадаҳшон ҳудудида фуқаролар урушидан сал аввал тузилган. Россияда яшаб қолган тожикистонлик, қўпни кўрган бошқа бир кишининг маълумотига қўра, Тоғли Бадаҳшонда қиморбозлардан ўч олувчи ҳеч қанақа қотиллар уюшмаси йўқ, аммо мишишларга қараганда, Эронда бор. Қайси биригининг гапига ишонишни ҳам билмайсан.

—Хўп, —деди Лобар Шомилга қараб, —қотиллар тожикистонликми, эронликми, қиласар ишини қилиб бўлди. Сиз... ҳа, сиз қизиқтириб қолдингиз мени, Шомил ака. Нима сабабдан улардан кўрқаяпсиз? Ахир, эронча қарта ўйинини билмайсиз-ку! Ё билган ва ошкор қилган жойингиз борми?

Шомилнинг лабларида аччиқ қулимсираш пайдо бўлди, бошини афсус маъноси-ла чайқаркан, шундай деб жавоб берди:

—Ҳақиқий вазиятни тушуниб етмаслигингни яна исботладинг. Ўйлаб кўр, мен Зуҳро билан сени нега олиб қочдим? Нега керак бўлиб қолдиларинг менга? Қимордан халос этмоқчи эдим, ҳа, халос этмоқчи эдим. Эронча қарта сирларини фош этиб қўяди, деб Зуҳрони ўлдиришди. Биз бир неча кундан бўён у билан бирга эдик. Қотиллар эса сир фош этилган, деган ҳукм чиқарганга ўхшайди, демак, бизларни ҳам, ҳудди балиқчи Павелни, шеригини, Зуҳрони ўлдиришгандек ўлдириб кетишлари мумкин.

—Менга тегмадилар-ку!

—Сенга хат беришдими? Беришди. Бундан чиқди, уларнинг мактубини ўқийдиган, пўписани бошқа қиморбозларга етказадиган "реклама агенти" керак бўлган. Аммо тез орада сени ҳам омон қўйишмайди.

—Павелни ўлдиргансиз, деб шубҳаланишимга сизнинг ана шундай инсон эканлигингиз сабаб бўлди, —деди Лобар кемачини эслар экан. —Шунча нарсани билган Шомил ака қурол-ярогларини балиқчилар гувоҳлигида яширса, қопда олтин борлигини сир тутмаса, ўз оғзидан "кемадагиларни

“Қиң устидаси тақдир-II” отиб ташлайман” деган гапни эшитган бўлсам, яна нега гумонсирамай?!

— Павелни ё “Техрон Бадахшон”, ё сицилиялик жиноятчилар ўлдиришган. Буни ҳали аниқлайман.

— Тўўпончани қаердан олдингиз? Балки шуни аниқроқ айтарсиз?

— Ҳар ҳолда ўша оролчадан эмас, — деди чечен чиқиб кетаётиб.

Бир оз ўтгач, эшик очилиб, у қайтиб келди. Сафарга шай эканлигини алмаштирилган кийимлари билан сўзсиз ифодалади.

* * *

Бу гал улар автомобилга ўтиришмади. Қочаётганлар бор-йўғи икки киши эди: Шомил ва Лобар. Таъқиб этаётганлар қаторига бугунги қотиллиқдан сўнг маҳаллий полиция ҳам қўшилгани йўлни анча торайтириб қўйганди.

Шомил дўхтири билан хайрлашиб, сўқмоқдан хиёл кўтарилигач, деди:

— Бу одам менинг қаҳримга чидайди, қўлидан келгунча ёрдамлашади. Нега? Ҳеч ўйлаб кўрдингми?

— Сизнинг одамингиз эканлиги кўриниб турибди.

— Мен Чеченистондан бўлсам. Россия, Туркия, Италиядан қувилганман... Айтгандай, орқамдан “чечен киллери” деб гапирасанми?.. Майли, “чечен киллери” бўла қолай. Хўш, нега грециялик дўхтири мендек “чечен киллери”дан жонини ҳам аямайди?

— Олтинларингиздан бир ҳовучини кафтига тўккандирсизда.

— Йўқ. Умуман олганда, гап бунда эмас. Мен Ўлик оролга боришимдан аввал буларнинг ҳаммасини ипидан-игнасигача режалаштирганман. Ишонасанми, репетиция ҳам қилганман.

Қаерда қўним топаман, неча кун, кимлар хизматимда бўлади

— барчаси ўйланган, бу воқеалар содир бўлишидан бурун молиявий таъминланганман. Ҳозир тепаликнинг нариги

Азамат Қоржовов

томонига вертолёт құнади. Сайёхларнинг бири үйқилиб, тиббий ёрдамга мұхтож бўлиб қолади. Биз ҳам вертолётга чиқиб оламизу изимизни йўқотамиз.

—Фақат шуми? — сўради Лобар ҳиссиз оҳангда. —Дўхтири менга тузуккина одам бўлиб кўринганди, аттанг, эси паст эканлигини билганимдами!

—Уларни ўша "репетиция" чоғида чеченлар раҳбарлик қиласидиган йирик жиноий гуруҳдан қутқарганман. Ахборотинг учун, бу гуруҳ ҳақиқий каллакесарлардан иборат. Кеча товоң сўраб келишди, балки сан-манга бориб қолиб, сўкинганимни эшигандирсан?

Шу пайт тепалик ортига вертолёт учиб ўтди. Шомил шошилиш кераклигини уқтирди, лекин тузукроқ даволанмаган ҳамда жисмоний ва руҳий жиҳатдан толиққан Лобар кўкка маъносиз тикилди.

—Юрсанг-чи, — қистади Шомил.

Улар пишиқ ғишт ётқизилиб, занжирдан иҳота қилинган маҳсус йўлакка ўн қадамлар қолган эдилар. Баҳтларига ўн бештacha сайёҳ пайдо бўлди. Қўлга тушмаслигига ишона бошлиган Лобар бир амаллаб саф орасига кириб олди. Полициячилар сайёхларни тузукроқ текширмай ўтказиб юборишли.

—Сайёхлар ҳам режангизда бормиди? —кесатди Лобар.

—Ҳа, режада бор эди, деб қабул қиласавер.

Шунда Лобарнинг хаёлидан қўрқинчли бир ўй лип этиб ўтди: Шомил Зухронинг ўлдириб кетилишини ҳам режа бўйича жўрттага кутган бўлса-чи?!

—Кўзларинг киртайиб қолди, —дея чечен сумкасини очиб аллақандай таблетка узатди. —Ма, еб ол. —Сўнгра қўлида паспорт кўринди. —Лобар, буни вақтинча ёнингда олиб юр, эртага бошқа ҳужжат топамиз, Қирғизистонникини.

Лобар неча кундирки қўлига олмаган паспортини ушлаб, Шомилга тикилиб қолди, сайёхлар сафининг охири ҳам ўтиб бўлди.

—Зухро опа менга кўп ёмонликлар қилди, —деди у. —Қора

“Киа мустидави тақдир-II”
кунларимда баттар балчиққа белади. Лекин шу охирги
дамларда уни ўзимдан катта аёл ўрнида ҳурмат қила
бошладим. Негадир кечиргим келди, кечирдим ҳам. Умри
аянчли тарзда якунланиши эса юрагимни эзиб юборди.
Шомил ака, бехато режангизга бечоранинг ўлими ҳам
киритилганмиди?

— Йўқ.

— Ишонмайман! Сиз бир четга биқиниб, кутгансиз...
Айтинг, шусиз мумкин эмасмиди?

Шомил яна сумкага қўл тиқди ва бошқа бир паспорт олиб,
Лобарга кўрсатди.

— Агар мен душанбелик аёлнинг ўлимини кутганимда,
унинг номига қалбаки паспорт тайёрлатишимга не ҳожат
эди?! Лобар, вертолёт ҳавога кўтарилимасдан, тезроқ етиб
борайлик. Полициянинг кувиши ўйин, афсуски, бизни ҳозир
полиция ахтараётгани йўқ! Гапимни тушунтиrolдимми?

Тепаликнинг нариги томонида чиройли бинолар,
майдончалар, теннис кордлари, бассейнлар кўзга ташланди.
Ҳаво булут, қор ёғиш арафасидаги илмилик кун эди. Баҳтиёр
одамлар Лобарнинг эътиборини жалб этолмади, Шомил каби
у ҳам вертолётга интиқ тикилди.

Кўп ўтмай улкан парраклар шиддат-ла айланди.

— Ҳей-й!.. — қичқирди Шомил. Сўнг итальян тилида хитоб
қилди: — Иккинчи ярадор ҳақида хабар беришмаганмиди?!
Ахир, унинг елкасини тош қирраси кесиб кетган!.. Ёрдамга
муҳтоҷ!.. Аҳволи оғир!..

* * *

Лобар Шомилнинг ортидан уч кеча-ю уч кундуз ит азобида
эргашиб юрди. Ниҳоят, тўртинчи куни чечен Афинага
киришга жазм этди. Улар тақиллатган эшикни очган
қориндор эркак рус тилини билар экан.

— Фақат биргина тилинг билан бу юртда қандай юрибсан?
— деди у Шомилга. — Рус тилини ҳам қойиллатолмаслигинг
кавказча талафузингдан маълум. Ё манави хоним

таржимонингми?

—Кечирасан, Каламуш, — Шомил эшикни ёпиб қўяркан, уй соҳибига гинали нигоҳ ташлади. —Камина чечен, турк, итальян тилларини сув қилиб ичган. Русчага келсак, она тилимдан яхши биламан. Истасам Москва лаҳжасида, истасам кавказча талаффузда гапираман.

Қисқагина салом-алиқдан сўнг Шомил мақсадга кўчиб, ўзи ва Лобарга янги паспортлар буюртма берди.

—Экспертлар сезиб қолмайдиганидан бўлсин, —таъкидлади Шомил. —Ҳақини шунга яраша тўлайман, жаноб Каламуш.

Уй эгаси Лобарга ўгринча қараб қўйгач, деди:

—Илтимос хонимнинг олдида лақабимни айтиб, сасимасанг.

—Лақаб ўлимдан қутқаради.

—Майли, дорга осишаверсин, отишга ҳукм қилишсин. Мен ўзгарғанман, Шомил. Энди қўрқмай сиримни айтсан бўлади: қалбаки паспортларимни экспертлар қийинчиликсиз аниқлаб оладилар. Мен назоратчиларни алдайдиган ҳашаки қаллобман, холос.

—Ҳашаки қаллоб эканлигингни жуда яхши биламан. Сендан яна бир илтимос: бизга бир қунга жой бер.

—Оҳ, фақат жой сўрама, — афтини бужмайтириди Каламуш.

—Қанча тез қорангни ўчирсанг, шунча яхши.

Бироқ Шомил ўжарлик қилиб, диванга ётиб олди. Лобарга торгина хонадан жой қилиб беришди.

Кечаси Лобар ўйлади: "Нега Шомил менга Қирғизистоннинг паспортини буюртма берди? Эрталаб мақсадини сўрайман. Балки мени шу йўл билан юртимга қайтармоқчиидир? Қимордан покланишим ва бир юз йигирма минг долларни дипломатга солиб ўз жойига қўйишим керак, сўнг ўғлимни қўраман... Ҳарқалай, Шомил шундай деган. Аммо бу ҳам бир ўйин бўлиб туюлаяпти".

Эрталаб Лобар ўғли масаласини ойдинлаштириш учун хонасидан чиқди. Шомил соқол олаётган эди.

—Ўглим билан қачон учрашаман? —сўради у дабдурустдан.

Шомил устарани чаккагига босиб, бир неча сония қилт этмади. Сўнгра лабидан кулги учиб:

— Ҳайрият, болангни сўрайдиган кунинг ҳам бор экан, — деди. — У билан яқинда дийдор кўришасан. Мана, қимор ўйнамадинг, ёмон йўл билан топган мулкларингни сотиб, бир юз йигирма минг долларни ҳам жойига қўясан. Ишонасанми, бугун сенинг энг қувончли кунинг! Синовларимдан деярли ўтиб бўлдинг, ҳеч қачон қарта ўйнамаслигингта энди ишонаман. Уйингга кузатиб қўяман. Аммо бриллиант кўзли тилла узукни қайтариб берасан, чунки уни тақдан аёл...

Лобар қалқиб кетиб, эшик кесакисидан ушлади. Ахир, узук Зуҳронинг бармогида эди-ку! Лобар ресторонда қонли кутичага қўшиб, униям отиб юборганди.

— Нима бўлди? — сўради Шомил.

Лобар ўзини ўнглай олмай тузукроқ жавоб тополмади, нимадир деди.

— Тушунмадим, Лобар, аниқроқ гапир... Узукни унутиб қолдирдингми? Йўқ, бўлиши мумкин эмас!

Устара синиб кетди. Шомил деворни муштлар экан, шифтга боққан кўзларида ёш кўрингандек туюлди. Лобар юрак олдириб турарди. Билардики, узук онасидан қолган ёдгорлик эканлиги учун ҳам Шомилга қадрли эди.

— Кечиринг, — деди Лобар.

— Қаерда у? — Шомил лаҳза ўтмай ўзини босиб олди ва жувонга совуқ нигоҳ ташлади.

— У... узукми? У ёқда... ресторанда қолди.

— Ресторанда?

— Ҳа... Биласиз, бир неча кундан бери менда эмас эди.

— Биламан, унда эди.

— Унинг қўлини кесиб, кейин бармогини ҳам... Қутичани очсам, бармоқ ва узук... Ўзимни идора қилолмадим...

— Бу жуда қимматга тушади, — деди Шомил, сўнгра юз-қўлини юва бошлади, Лобарга чиқиб кетишни ишора қилди.

Киллернинг ҳар бир гапидан ўғлининг тақдирига илҳақ

бўладиган Лобар бир қадам ташлаб, тўхтади.

— Шомил ака, менга қимматга тушадими?..

Шомил яна "кет" ишорасини қилди, Лобар шамдай қотиб тураверди. Салкам етдим деганда узук можаросининг чиқиши жувонни борган сайин караҳт ҳолга солмоқда эди. Унинг аҳволи-руҳиясини чечен ҳам тушуниб, деди:

— Узук сенга аллақачонлар қимматга тушиб бўлди. Бу сафар уларга — ресторандан узукни топиб олган кимсаларга қимматга тушади. Мен изимга қайтиб, узукни топиб келгунимча, сен қимирамай кутасан.

Лобар хонасига кириб, ўрнига ҳорғин чўзилди. Хаёллари фужон ўйнаб, ўзига қандай йўлни лозим топмоқни билмасди. Чечен киллери айтганидек, шу уйда унинг келишини кутиб ўтирадими? Ахир, Афинадан ўша жойгача озмунча йўлми? Иннанкейин гап фақат йўлда эмас, қимматбаҳо узукни суриштириш керак. Даилий ашё сифатида полициянинг қўлига тушган бўлса, Шомил уни қайтариб олиш учун нимаям баҳона тўқий оларди?! Биронтаси чўнтағига уриворган бўлса, у ҳолда ҳам осонмикан ўғрини аниқлаш?!

Яна бир йўли — кутишдан воз кечиб, қочиб қолмоқ. Бу йўл жувонга қанчалик ёқаётган бўлса, шунчалик хавфли ҳам эди. Қирғизистоннинг паспортини қўлга киритади (Лобар Бишкекдан келган сайёҳ эканлиги тасдиқланган), чипта масаласини ҳам ҳал қиласди, учиб ҳам кетади. Бироқ қаергача қочади?

Лобар ҳеч қандай қулфсиз шу уйга қамалиб ўтиришга мажбуrlигини тушунди. Ўгли ҳақида ўйлай бошлади. Шомилнинг "ҳайрият, болангни сўрайдиган кунинг ҳам бор экан", деган гапи энди нафсониятини қўзғатди. "Боламни ҳар куни, ҳар соат, ҳар дақиқада сўрасам, топиб бероласанми?" деди хаёлан. Бир вақтлар шу одам мардлик тимсоли эди, ёмонларнинг қўлидан халос этиб, муҳаббатига сазовор бўлганди. Энди эса зўрга тоқат қилиб ўтирибди. Неча бор жаҳл устида юзига гапирди, неча бор нафрatinи сочди. Ҳали Парвиз хорижга олиб кетилмасидан бурун Шомилни

"Кил устидаси тақдир-II"

Истанбулдаги қиморхонада отмоқчи бўлгани-чи? Эҳтимол, тепкини босганида Шомил туйнукда тил тортмай ўлармиди? Кейин-чи? Ўғлиниң-заҳарланиши ва қабрдан қазиб олиниб, чет элга олиб қочилиши...

Шомил фожиа саҳнасида кейин пайдо бўлди. Қайсиdir маънода Лобарга фойдаси тегди. "Шундан хулоса қиламанки, — кўзларини юмди Лобар, — Шомилни ўшандада ўлдириб қўймаганим яхши бўлган экан, бундан кейин ҳам яхши..."

Анча кундан буён Лобар Парвизнинг суратини қўлига олмаганди. Ҳозир у расмга тўйиб-тўйиб тикилди, кўзларидан милдир-милдир ёш думалади. Шомилнинг "у билан яқинда дийдор кўришасан" деган гапи хона узра акс-садо берди. Бутун вужуди кўзга айланган онаизор боласидан бошқа ҳамма нарсани унутди, ўзини ҳам. Шунда суратдаги бола жилмайди. "Ая" деб чақирди, "аяжо-о-н" дея эркаланди. Лобар телбаларча кулимсираб, суратни кўксига босди.

* * *

Соқолини олиб бўлган Шомил қўшни хонадан туриб Лобарни чақирди. Каламуш ва чечен диванда ёнма-ён ўтиришарди.

—Лобар, —деди Шомил костюми ёқаларини текислаб, — мен ҳозироқ жўнаб кетаман. Паспорting деярли тайёр бўп қолган. Каламушга янги паспорtingни сенга бермасликни тайинлаб кетмайман. Қочиш хаёлинггаям келмасин, кўчага чиқиш нима билан тугашини яхши биласан.

—Ёлғиз ўзим қайтиб нима қиламан? Менга болам керак.

—Узук йўқотилмаганида, эҳтимол, ўглингни тез орада топардинг.

Лобарга киллернинг гаплари ниҳоятда алам қилса-да, ортиқча сўз айттолмас эди. Шу боис:

—Сизга ишонаман, Шомил ака, —деди. Ва узук бу одам учун қадрли эканлигини ҳисобга олиб, қўшиб қўйди: —Узук топилишини Худодан тилаб ўтираман.

Шомил чиқиб кетаётib, телефон аппаратига қараб қўйди:

Азимат Қоржонов

— Телефон қилишим мумкин.
— Кўп қолиб кетмайсиз... Умид қиласман, — деди Лобар.
Шомил унга қараб қовоғини уйди, кейин эса Каламушга гўё честь бергандек қўлини пешонасида силтади.

Эшикни қулфлаган Каламуш Лобарнинг ортидан бошдан-оёқ кўз югуртириди. Ачинишданми, ёш аёлга сукланишданми, сезилар-сезилмас бош чайқади.

— Узук ростдан ҳам йўқолганми? — сўради у. — Айтмоқчиманки, чечен яна бир найрангни бошламадимикан?
Мен уни шунаقا одам деб ўйлайман.

Лобар ёши ўтиб қолган, қориндор бу кимса ҳақида ҳам ўйлашга вақт топган эди. Умр бўйи ёлғиз яшаганмикан?
Қалбаки ҳужжатлар тайёрлашдек касофатли касбни қачон эгаллаган экан? Шу биттагина меш қорнини, наҳотки,
қоровуллик ё этикдўзлик қилиб тўйдира олмаса?

— Янглишаяпсиз, — деди Лобар уй эгасига қарамасдан. —
Ростдан ҳам қимматбаҳо узук йўқолган.

Лобар эшикни ёпаётган эди, Каламуш худди унинг ортидан
кириб олгудек шашт билан яқинлашди-да, илжайиб сўзлади:

— У сизни ҳеч вақони тушунмайдиган содда ўзбек хотини,
деб атади. Менимча, бу таъриф сизга мос келмайди. Кўзимга
нафақат соҳибжамол, балки уддабурон ҳам бўлиб
кўриняяпсиз.

— Кўзингизга бошқача кўринганим учун мен айбдор
эмасман.

— У ҳолда ростдан ҳам ҳеч вақони тушунмас экансиз-да?
— Ҳа, — деди Лобар.

— Тўхтанг, бир сония, — хираглик қилди уй эгаси, — нега
узукни йўқотдингиз? Бу атайин қилингани сезилиб туриби.
Чунки...

— Чунки уни мен эмас, бошқа аёл тақиб юрган эди.
— Бунинг фарқи йўқ. Муҳими, сиз датчикни ўзингиздан
йироқ қилгансиз.

— Қанақа датчик? Электрон механизм ҳақида
гапирайапсизми?

“Қиl устидаси тақдир-II”

— Билмасам, унақа нарсаларга яхши тушунмайман, биздан қоғоз ҳужжатларни сўранг. Лекин датчикми, микрочипми, алламбало деб номланувчи миттигина нарса ҳақида эшитганман. Ўзи гуручдек келади. Биронта буюм, масалан, узук ичига ўрнатилса, ҳеч қаерга қочиб қутулолмайсиз. Қаерга борманг, радиотўлқинлар координатангизни кўрсатиб туради. Билдингиз?

— Менга қайсиdir фильмни гапириб бераяпсиз, шекилли?

Каламуш нотаниш тилда жаҳл билан бир сўз айтиб, ортига бурилди. Лобар унинг гапларидан ўйга толди. Бриллиант узукнинг аслида аллақандай аппарат бўлиб чиқишини у мутлақо истамас эди. Дарҳақиқат, Шомил билан ҳаёт йўларида қайта-қайта тўқнаш келишига гуручдек механизм эмас, тоғдек-тоғдек жиноятлар сабаб бўлмадими?!

Кечкурун хона эшиги тақиллади, Лобар халатининг боғичини боғлаб, эшикни ланг очди. Шунақа бўлишини кутган эди.

— Марҳамат, — деди Каламуш паспортни узатиб.

Лобар турган жойида паспорт саҳифаларини кўриб чиқди. Кейин ўз суратига хиёл тикилиб қолди, бармоғи-ла силаб:

— Жаноб, — деди маҳзун кайфиятда, — суратимни қаерда ишлатиб келдингиз?

— Фотостудияядা.

— Анча қариб қолганимни энди сезаяпман.

— Нима? Қариб?.. Унда бизларни мурда деб аташ керак экан-да?!

— Сиз қаришни қанақа тушунасиз ўзи?

Каламуш бош қашиб, Лобардан кўз узмай турди. У барра ўтни кўрганда (гарчи калтакласалар ҳам) ҳеч қачон нафсини тиёлмайдиган молга ўхшарди. Ҳализамон бўйинини чўзади...

Мана, шундай ҳам бўлди. Каламуш кулиб:

— Қариш... Қариш, бу —эркак учун офат! — деди. — Ҳатто, овқатингни ҳам еёлмай қоласан. Жимжитлик. Умрбод давом этадиган сукунат... Майлими, ўтириб гаплашсак. — У Лобарнинг ётогига қадам босди. — Бир кун, келиб жоним

Азамат Қоржиков

узилса, ўлганимдан күни-күшнилар хабар топгунларича бир неча кун ўтиб кетади, мурдам ҳидланади...

— Қарилик шуми? — Лобар беихтиёр ярасини силаб, бурчакка қисиниб олди. Хона тор бўлганлиги сабабидан эмас, бошқа вожлар туфайли икки одам бир хонага сифмаётган эди. Буни Каламуш ҳам фаҳмлаб тургани сезилди.

— Сиз мусулмонсиз-а? — сўради у. — Бир нарсани тушунмайман. Нега мусулмонларнинг қизлари эркаклардан ийманишади? Бу ор-номусми? Қарилик мавзусидан четга чиқмай савол бераяпман, хоним... Ёки шарқона маданиятми?

— Дин шундай буюрган. Шунга риоя қилиш ор-номус, маданият, одоб-аҳлоқ — барча яхши фазилатларни намоён этади.

— Лекин сиз диндор эмассиз-ку.

— Динни яхши ўрганмаганману, аммо бир нарсани яхши биламан: одамлар диндор ва кофирларга бўлинмайди, ўртада бизга ўхшаган тоифа бор.

— "Биз" деб кимларни айтаяпсиз? Меними? Мен худога ишонмайман.

— Йўқ, ўзимга ўхшаганларни назарда тутдим. Худога ишонмаслигингиз аҳволингиздан кўриниб турибди.

— Энди бояги саволингизга қайтсам. "Қарилик шуми?" деб сўрадингиз. Овқатини ҳам эплаб ичолмаслик, бечораҳол бўлиб ўлиш, қарилик-да! Ахир, ёшлиқ эмас-ку! Бу реал гап, реал ҳаёт. Мусулмон қизларнинг, масалан, сизнинг эркаклардан ийманишингиз эса реал эмас. О, сиз бу ҳақиқатни тан олинг! Модомики, диндор эмас экансиз, сиз эркин қушсиз, хоним. Нега энди эскилардан қолган урфни қилиб, кўнглингиз тусаган ишдан қийналиб, тийилиб юрасиз?

— Вой, — Лобар ажабланганидан кулимсиради, — кўнглим нимани тусашини қаёқдан биласиз?

— Голливуд юлдузларидек кийинишини истамайсизми? Байрамларни ресторонларда кутиб олишни-чи? Менимча, сиздек аёл денгиз бўйида ҳордиқ чиқаришни ҳам хоҳласа

“Қыл устидаси тақдир-II”
керак?.. Яна бир аччиқ ҳақиқат шуки, әркаклар ёш-ёш жувонларни орзу қилишганидек, жувонлар ҳам...

Лобар қалбаки паспортни тарс этиб кафтига урди-да:

—Ҳаддингиздан ошманг! —деб қичқирди. — Бошқаларни ўзингизнинг қаричингиз билан ўлчаб, ўрганиб қолгансиз чоғи?! Одам зотидан биронта яқинингиз йўқ, оғзингизга урадиган киши ҳам йўқ, нима келса гапираверасизми?!

Каламуш кўзларини чақчайтириб:

—О-о, браво! —деди масхаромуз оҳангда.

Лобар давом этди:

—Одам ҳайвондан фарқ қиласи. Ниманики истаса, қилиб кетавермайди. Ҳеч ким ҳеч қачон ўз ҳолича яшамайди. Тўғрисини айтганда, сизга раҳмим келаяпти. Ёлғизликда хору зор бўлиб ўлиб кетасиз. Қалбаки ҳужжатлардан тушган мўмайгина даромад ҳам, жонингизни аяб, оила қурмаганингиз ҳам фойда бермайди. Бу кетишида бир кун келиб барибир қашшоқлик ва касалликда вафот этасиз. Мен кўп хатоларга йўл қўйдим. Агар ҳаётим қайтадан берилганида пул топиш учун ҳеч қачон хорижга ишлашга кетмасдим, ўлимдан халос этиш хусусияти бўлган тақдирда ҳам қарта ўрганмасдим.

Каламушнинг ялтираган пешонаси тиришди. Эътиroz билдириш учун сабрсизланаётган маҳал Лобарнинг қартани тилга олиши айни муддао бўлди.

—Қартанинг нима алоқаси бор, жин урсин?! —хитоб қилди у.

—Одамни ҳароб қиласиган нарсалардан бири, бу —қарта! Сизни худбинлик еган, мени эса қарта.

—Тўхтанг, тўхтант! Сиз ҳалиги... ўша қартабоз аёл бўлиб чиқманг? Жодугар дейишганди, қаранг-а, кўҳликкина экансиз. Ўлай агар, бу ерга нимага кирганимни ҳам унутиб қўйдим. Келинг, ҳаммасини бошидан сўзлаб беринг.

У шундай деб Лобарнинг тўшаги четига ўтирди.

—Мен сизнинг қаҳрамонликларингизга қизиқаман, — қўшиб қўйди у.

Азамат Қоржолов

Лобар уф тортиб, бошқа бурчакка ўтди.

—Шомил ака батафсил сўзлаб беради, бир-икки кун кутинг. Бунақа нарсани мендан сўрашга ҳаққингиз йўқ.

—Шомил билан қўрқитманг мени. Кўрққанимда унинг хонимчасининг ётогига киравмидим?!

—Сиз ҳали Шомилнинг хонимининг ётогига кирган, деб баҳо берајпизми ўзингизга? Қани йўқолинг бу ердан!

—Нега?

—Корангизни ўчиринг деяпман, сиздақаларни биринчи кўришим эмас!

—Шунақа денг, —Каламушнинг қовоқлари пир-пир учгани яққол кўринди.

Лобар эшикни очиб, уй эгасининг чиқиб кетишини кута бошлади. "Нега уни кутаяпман? —хаёлидан ўтказди у. —Бу унинг уйи. У эмас, мен чиқиб кетишим керак. Бир кеча ҳам қолмайман..."

Каламуш эшиккача секин юриб келди. Лобарнинг ёнида тўхтаб, кўз қирини ташлади. Қиморбоз аёл азим дарахт соясидаги кўчат мисоли ожиз эди.

Шу он уй соҳиби уни силтаб юборди. Лобар ўзини ўнглаб олганида, Каламуш эшикни ёпиб, бостириб келмоқда эди. Қаршиликлар фойда бермади: ҳирсадай эркак ўлжасига ташланган айқ қаби Лобарга ташланди. Олис мамлакатда, бир қаллобнинг хонадонида ёлгиз ва ҳимоясиз қолган жувоннинг оҳу-зорини ҳеч ким эшитмади. Шу уйда яшайдиган сўққабош эркакнинг уйига бир кимса чиройли ёш хотинни ташлаб кетди, бу яхшилик билан тутармикан, демади ҳеч зог.

—Нима қилаяпсиз?! Кейин пушаймон ейсиз, қасам ичиб айтаман... — деди Лобар.

Эркак ёввойиларча ҳиринглаб, Лобарнинг қўлларини шундай қаттиқ қисдики, билагидан қон ўтмай қолди. Каламуш деганлари ўлгудек сассиқ кимса эканлигини жувон энди билди. Заиф овозда чинқирди. Чийиллашга ўхшаш бу нола Каламушни баттар қутуртириб юборди. У Лобарнинг

“Кида устрадаев тақдир-II”

томогига чанг солди.

—Мен ўзгарғанман демаганмидим! — хирқироқ овозда деди Каламуш. — Энди менга барибир, ҳеч нарсадан құрқмайман! Шомилинг ким?! Ҳатто, дўзахинглардан ҳам құрқмайман!. Чунки... чунки сени гажиб-гажиб, азоблаб-азоблаб, ўлдираман... Қичқиришта ҳам куч тополмай ўлим талvasасида типирчилашинг, кўзларингнинг оқи кўриниб, қон қусишинг, мен эса худди биринчи никоҳ кечасидаги куёвдек...

Лобар бор кучини тўплаб, Каламушнинг билакларига ёпишди, аммо ярадор аёл нима ҳам қила оларди?! Каламушнинг эти сал тирналди, холос.

—Аҳ, мушукча! Ҳали мени тирнамоқчимисан? Бу одам қариган, тирнасам қўйиб юборади дедингми? Ҳа-а, қаришни жуда яхши тушунар экансан... Ёлгизликда хор-зор бўлиб ўлмайман... Чунки... сени ўлдириб, кейин ўзимни отаман... Айтаяпману энди ҳеч нарсадан құрқмайман деб!..

Шу пайт телефон жириングлаб қолди. Каламуш негадир сесканиб тушиб, эшикка қаради. Телефон жиринглашда давом этарди. Эркакнинг қўллари бўшашиб, қаддини қўтарди.

—Телефон?.. Телефон!.. Тавба, неча йиллар бўлди-я жирингламаганига?! Наҳотки, мени сўрасалар?! Мени ҳам йўқласалар!.. Ишонмайман, асло ишонмайман!

Каламуш гоҳ эшикка, гоҳ Лобарга қаради. Жувон, ҳаттоки, кўлини қимирилатишга-да, bemажол ҳолда ётарди.

—Балки биронтаси адашгандир... — эркакнинг юзига яна ваҳшийлик соя солиб, бир неча сония бурунги қиёфага кирди.

Телефон устма-уст жиринглайверди. Каламуш бўғищдан ўзини тийиб, маєт кишидек гандираклаб эшикни очди, гўшакни қўтарди ва хохолаб қулиб юборди. Телефон сими Лобар ётган жойга ҳам етарди. Каламуш телефон аппаратини тарақлатиб полга қўяркан, Лобарга иршайди.

—Бу Шомил, —деди у, —мана, ўлишингга ким гувоҳ бўлади... Алло, қаердасан?.. Э, ҳалиям ўша ёқдамисан?..

Азамат Коржовов

Биласанми, нега кулгим қистади? Ҳонимчанг ўлаётганды сим қоқдинг—да... А?.. Илтимос, полицияга тезроқ хабар берсанг. Тағин мурдаларимиз жудаям бузилиб кетмасин... Тушунмадингми? Аввал уни, кейин ўзимни ўлдираман! Ҳаммаси жонга тегди, яшащдан тўйдим. Иркит чол бўлиб ўлгунча, охирги марта бир кўнгилхушилик қилиб қолай. Ма...

Каламуш гўшакни Лобарнинг қулогига тутди. Бечора жувон ўпкасини тўлдириб нафас ола бошлаган бўлса-да, қаршилик кўрсатишга ўзида куч тополмай, ҳамон чўзилиб ётарди. Гўшакдан келаётган овозни дастлаб тушунмади. Бироқ бу гўшак ҳаётдек улуг ва бетакрор неъматнинг сўнгги тасвири, сўнгги моддияти, сўнгги губори бўлиб қолажагини Лобар юракдан туйди. Ҳозир кўзлари юмилади—ю оламни зулмат эгаллайди. У Худога ишонади. Эҳтимол, руҳини фаришталар Арши аълого кўтариб учайдиганда кўзини очар; эҳтимол, қабрда кўз очар. Неки гуноҳлар қилган бўлса, бу банда сўzsиз тан олади (у ёқларда "бўйнига олмаслик" деган томоша йўқ!). Аммо аро йўлда чўчқасифат бир каснинг қўлида ўлиб кетганига рози бўлармикан? Ўғлини топиш учун нечанеча тўсиқларни енгиб, қанчадан—қанча осийликларга йўл қўйди ва манзилга яқин қолганида мияси куртлаган қорни тўқ тўнгизнинг қўлида ўладими? Нимадир қилиш керак, нимадир. Инсон ўзи ўйлаганидан ҳам катта кучга эга эканлигини ҳаддан ташқари зўриқиб, ҳаддан ташқари мажбур бўлганида билади.

Лобар қўлларига куч кираётганини сезди. Айни пайтда гўшақдан овоз эшитилди:

—Лобар, алло де, гапир, эшитаяпсанми? Гапироласанми?..

—Ха, — деди Лобар зўрга.

—Каламуш чап биқинида олиб юради тўппончасини! Кўрдингми?

Эшик тарсиллаб ёпилди. Каламуш гўшакни юлқиб олиб, бақирди:

—Эшик, оҳ-воҳларини!.. Эшик, у қандай ўлади... Ҳа. қандай ўлади менга ташлаб кетган аёлинг, эй мусулмон!.. Ҳаҳ-ҳаҳ-

“Ким устидаси тақдир-II” ха-а..

Шундан сўнг Каламуш яна ҳамлा� қилди, Лобарнинг нозик қўллари рақибнинг қўлларини ўзидан ажратолмай, пайпаслагандек сирғалиб кетаверди.

— Мана!... Мана!.. — Каламуш янада қутуриб, бутун огиригини қўлларига солди. — Ўз оёғинг билан келдинг... Ўз ажалинг билан!..

Лобарнинг мияси бирдан бегона куч таъсирида ишлай бошлади, сўнаётган умр шами мой томгандек лоп этиб ёнди. Каламушнинг бўгиб қўйишидан қўрқиб, қўлларига ёпишганидан наф йўқлигини англаб душманнинг чап биқинига қўл узатди. Аввалига кийимларини тортқилади, тутмаларидан бирини узиб олди. Ўлдим деб ўйлади. Ўлим инсонга қанчалар яқин юришини тушунди... Ва ахийри, тўппончани топди. Лобар эмас, унинг жон аччиғидаги шуурсиз вужуди олди куролни!

Тўппонча оғзи мещдай қоринга яримигача ботиб кетди. Тепки босилди: бир, икки, уч... Ҳар ўқ узилганда, ўқ зарбидан тўппонча сакраб қочмоқчи бўларди.

Лобар мадор қолмаган бармоқларини ёзиб юборган эди, тўппонча тарақлаб полга тушди. Каламуш оғриқдан кўкариб кетганди. У музлаган одам мисоли ўнг ёнига "гурс" этиб қулади; қўл-оёқлари шундан сўнг бўшашибди, узала тушиб ётиб қолди.

Гўшакни қўлига олган Лобарга Шомил деди:

— Паспорт ва пулларингни унумта! Такси ёлла-да, аэропортга шошил! Бугун Бишкекка рейс учади. Москвада учрашгунча!

* * *

То хужжатлари рўйхатга олингунча Лобар минг ўлиб, минг тирилди. Баҳтга қарши унинг ташқи кўриниши ҳам бинойидек эмасди. Ҳарқалай қўлига киshan уришмади. Бироқ зимдан маъноли-маъноли қараб қўйишибди.

Янги йил шукуҳи кутиш залини ҳам ўзгача қиёфага

киритиб юборганди. Лобарнинг кўнглига байрам сиғармиди? Ҳар бир дақиқада тақдирни тобора хавф остида қолиб борарди. Унинг шу кунларгача содир этган жинояти бир томон, бугунгиси бир томон бўлди. Греция заминида бир грекни (ким бўлишидан қатъи назар) ўз уйида отиб ташлади...

Самолёт ҳавога кўтарилиди. Ер бир зумда кўздан йўқолиб, оламни оппоқ туман эгаллади. Бу туман гўё Лобарни олдинда нелар кутаётганидан гофил этувчи парда эди.

Бишкек аэропортидан чиқиб, таксига ўтирган эдики, ҳайдовчи байрам билан табриклади. Лобар чўчиб тушди.

—Байрам билан! —такрорлади ҳайдовчи пешойнадан нигоҳ ташларкан.

—Дарвоқе... ёдимдан кўтарилиганига қаранг. Бугун 31 декабрь, сўнгги кун-а?!

—Сўнгги?

—Йилнинг сўнгги куни... Уф, Янги йилни умримда биринчи бор шундай аҳволда кутишим...

Шу тобда Лобар Усмонни эслади.. Тошқалъада снайпер ўқидан қулаган туркиялик жиноятчи Янги йил байрамини қанчалар ёмон кўтарди-я! Тақдир худди ҳазиллашгандек Янги йилни унга реанимацияда кутиб олишни тақозо этди (албатта, жони узилмаган бўлса).

Таксичи ҳам қизиқ экан, ярим йўлда Лобардан манзилни сўради. Шуңдагина Лобар аэропортдан чиқишига ҳожат йўқлигини англаб етди.

—Аэропортга, — деди у таксичини ҳайрон қолдириб. —Мен Ўзбекистонга учишим кераклигини унтибман... Айтгандай, Янги йилингиз билан, сизни ҳам!..

Тошкентдан микроавтобусда келди. Йўлда Қувонни, Абдулла акани, ҳалок бўлган қўриқчиларнинг яқинларини эслаб, кайфияти бузилди.

Чўпонотадан ошиб ўтишаётганида Самарқанд бутун кечки жамоли билан намоён бўлди...

Лобар салкам бир ойлик хориж саргузаштларига яқун ясад, хувиллаб ётган уйига кириб келди. Негадир укаси бу ерда

"Қыл устидағы тақдир-II" яшамаган күринади.

Лобар әшикларини очиб, чироқни ёқди. "Йүқ, бунчалар жимжитлик бўлиши мумкин эмас, — ўйлади у. — Бунда бир сир бор".

У меҳмонхонага кирди-ю қотиб қолди. Шундай катта хона гиламлари буткул қарталар билан қопланганди. Балки юз кути қарта сочиб юборилганди...

Ўртада Парвизнинг фотосурати ва кассета ётарди. Лобар чопиб бориб, суратни олди. Парвизга бир муддат тикилиб турди, кейин кассетани магнитофонга қўйди. Пишиллаган овоз бир неча сонияда Лобарнинг сабр дунёсини остин-устун қилиб юборди. Сўнгра беш яшар болакайнинг, Парвизжоннинг овози эшитилди:

—Боққа кирсам, майлими?

Гуллар терсам, майлими?

Акам билан янгамни,

Табрикласам, майлими?..

Лобар қарталар устига ўтириб қоларкан, чинқириб юборди. Қарталарни сочиб, йиртиб, бошини деворга уриб йиглади.

—Болажоним!... Мана, энди билдим... Сени ким ўғирлаганини билдим, бола-а-м!.. Билдим!.. Билдим!!! Энди ҳеч қаерга қочиб кутулолмайди... Болам! Оҳ, шўрлик болам-а!.. Онажонингни кечир... кечир...

Унинг йигиси хона ичидаги узок вақт ҳавони титратиб турди. Дунёда Лобардай мунгли аёл йўқ эди. Унинг юрагидан неки шодмондик бўлса, сугуриб олишган, неки шўришлар бўлса магзавадек ағдаришган эди. Яна бир нарса аён эдики, барча баҳтсизликлар бу аёлнинг пешонасига жонсиз буюмнидек битилмагаң; у савдоларни ўз қўли, ўз оёги билан топган. Аммо шунчалик кўп топганки, бир вақтлар Россияга йўл олганида келажакда нималар кутаётганини тасаввур ҳам қилмаган...

У ҳозир қарталар устида ўтирибди. Кўринмас одамлар шунча қартани меҳмонхонасига сочиб, Парвизнинг суратини, овози ёзилган кассетани ташлаб кетдилар. Шомил

"одам-империяман" деб кўксига урганида, эҳтимол, ўзини якка ҳаракат қилувчи жиноятчи деб тасаввур қилгандир. Шомил битта: Шомилнинг маҳсус гуруҳи йўқ. Бироқ унга кимлардир хизмат қилишади. Хусусан, Лобарнинг ўзи ҳам!

Қимор атрофидаги лаганбардорлар, ўғрилар, одам ўғрилари, фарлар, қотиллар – ҳаммаси казинодаги рақамли чарх катакчалари сингари Шомилнинг теварагидан жой олишган эди. Чечен қиморга қарши курашган сайин айнан қимор оламининг марказидан ўрин олиб бормоқда эди. Ёвузликка қарши ёвузлик билан курашиш деб шуни айтсалар керак. Бир замонлар "олтин аср"ни вужудга келтириш учун бир гуруҳ кишилар жамиятдаги барча "ёмонларни" қатл қила бошлаганлар. Бу "ёмонларга" кимлар мансуб эди? Очик-сочиқ кийинган аёллар, шароб ичувчи эркаклар, никоҳсиз яшаётганлар, ўғрилар, порахўрлар. Бу қиргин "олтин аср"ни эмас, гуллаб-яшнаётган жаннатмакон дунёни вайронага, инсониятни эса бир ҳовуч кутурган маҳлуқларга айлантириб қўйиши маълум бўлди. Ҳатто, қирғинбаротнинг бошланишига ҳам эзгуликка ўхшаш орзулар сабабчи бўларкан. Лобар ҳам шу тобда орзуларини ўйлади. У қимор орқали муаммоларини ҳал қилишга ишонди. Қартани шу даражада ўргандики, унга тенг келадиган одам қолмади...

Боласини ўн чандон соғиниб, кассетадаги овозни қайтакайта эшилди.

–Сени ким ўғирлаганини биламан, болам, – такрорлади Лобар худди Парвиз билан гаплашаётгандек. – Сени ўзимизнинг одамлар заҳарлашиб, ўзимизнинг одамлар хорижга олиб кетишган. Йўқса ўзбекча шеърларни қаёқдан ўрганардинг? Қайси рус, чечен, итальян "Боқقا кирсам, майлими?..." шеърини билади?! Парвизжон... болагинам, сени ўз миллатдошим олиб кетган хорижта. Бир тўда каллакесарлар беш яшар болакайни аэропортма-аэропорт қандай олиб юришади? Онаси ёнида бўлмоги лозим-ку!.. Ҳеч бўлмаса болани овутиб юрадиган аёл... Аёл бўлгандаям ўзбекчани қийворадиган, бола унга ўрганганди... Ҳа, қалбаки ҳужжат

“Қиын үснічдағы тақдир-II”
орқали онанғга айланиш осон, лекин она каби овутиб юриш, қисқа муддат ичіда меҳрингни қозониш ўйинчоқ эмас... Менимча, бунинг кимёвий йўли ҳам йўқ!.. Сени... сени, болагинам, кимлар ўғирлаганини шахсма-шахс айтиб беролмайману, аммо ёнингдаги аёлни бехато айтаман... Бехато айтаман!!! Унинг исми Гулноза! Сенинг энаганг!.. Энаганг...

Лобар силкиниб-силкиниб кула бошлади. Қўллари гоҳ мушт бўлиб, гоҳ баджаҳл мушукнинг панжаси мисоли ёзилиб, асабий титради. Нима учундир у ўтган дамлардаги изтироблардан ўзгача – қувончга йўғрилган қизиқ бир изтироб искаңжасида эвриларди.

Кўчада пақилдоқлар бирин-кетин пақ-пуқ ёрилиб, Янги йил сукунатини бузиб юборди. Аллақандай ғашлик туйфусини олиб кирди кўнгилга...

Лобар ошхонага чиқиб, музлатгични очди. Гарчи музлатгич токдан узиб қўйилган бўлса-да, ичидаги нарсаларга тегинилмаган эди. Лобар дарҳол минерал сувни олиб очаркан, хаёлан кимнингдир шарафига қадаҳ кўтарди. Кейин бир амаллаб ертўла эшикчасини очди. Бир оз уриниб, ахийри, тўппонча бекитилган жойни топди. Ёғ босган латтани хийла вақт пайтава ечгандек ечиб, ниҳоят тўппончани қўлига олди.

* * *

Лобар ярасини қайтадан боғлади. Истанбулдаги қиморхонада олган жароҳати кутганидан-да тез битиб кетган эди. Бунисиям бита бошлагани, озгина бўлса ҳам далда берди. Либосларини алмаштириб, нари-бери пардоз қилгач, кўчага чиқди. Шаҳар мушакбозлик остида қолган эди.

Музлаган йўлда таксини бир оз кутишга тўгри келди. Байрам кечасида қўпчилик таксичилар ўз оиласи даврасида ўтирганини ўйлаган Лобар аёл боши билан ҳозир қаёқقا отланганини ҳам мушоҳада қилиб кўрди. Яна қурол олди, яна зуғум пайида, яна кимнидир ўлдириб қўйиши мумкин.

"Шунча жиноятларинг камми?" деди ичидаги бир овоз. Шу заҳоти иккинчи овоз янграгандек туюлди: "Нима бўлса бўлсин, ҳозирнинг ўзида энаганикига бораман, вассалом".

Бир амаллаб машина тўхтатди. Энага яшайдиган кўпқаватли уйлар ёнида тўрт-беш ўспирин гулхан ёқиб, гитара чалиб ўтиришарди. Лобар улардан кўз узмай ўтганини зиналардан кўтарилаётганида билди. "Нега уларга бунчалик тикилдим-а? – ўйлади у. – Балки ҳозир энагани ўлдириб қўярман. Милиция гувоҳларни қидирса (ҳамиша бечора гувоҳларга қийин), мени айтишади. Шундогам гумонда даставвал менинг исм-фамилиям туради... Йўқ, нега ўлдириар эканман? Сўрайман, холос. Қани, қайси виждон билан шу ишга бош қўшди экан?!"

Лобарнинг наздида, Парвизни одам ўғрилари гўрдан қазиб олгач, хушига келтирганлар. Сўнгра энагани унинг онасини ролини ўйнашга кўндирганлар. Бир амаллаб хорижга жўнаб кетишгач ҳам, доимо энага болакай билан бирга бўлган. Ҳатто, Шомил Парвизни ўз ихтиёрига олганда ҳам... Ахир, энагасиз болакайни чечен киллери нима қиласди? Полицияга сездириб қўйиши ҳеч гап эмас.

Эшикни Гулнозанинг майкачан эри очди. Кайфи тароқ бу одам Лобарни хушёрликда ҳам танимаслиги муқаррар эди. Ҳарқалай Лобар уни юзма-юз ва олисдан уч-тўрт марта учратиб, отнинг қашқасидай таниб қолганди.

–Гулноза қани? –сўради Лобар важоҳат билан.

Эркакнинг пастки лаби янада шалвираб кетди.

–Нима? Кимсан ўзинг?

Лобар унинг кўкрагидан итариб, ўзига йўл очди ва ичкари бостириб киаркан, йўл-йўлакай сумкаласидан тўппончасини олишга-да улгурди. Телевизор сайраётган хонада кимлар ўтирганини билмасди, албатта. Бироқ бунчалар ваҳима қилишига ҳожат йўқлигини кўриб, қуролни дарров яширди.

–Гул... Гулноза.. – фўлдиради ўн етти ёшлардаги қиз. – ...Опа, эрингизнинг ўзи опкелли, ман... – Қиз маст ва ниҳоятда бетайин бўлса-да, кўрқиб кетди. –...ман виноват

“Қыл үсніштеси тақдур-II”

эмасман... Сизни Россияда деди... Узи бир ойдан бери орқамдан юради...

Лобар бир нима дейишга ирганди. Шу ёшида қирққа кирған эркакка ўйнаш бўлгувчи қизга нимаям дерди.

Энаганинг эри гандираклаб қайтиб кирди.

—Нега туртасан мени? — деди у энди ювош овозда. — Менинг уйимда мени... Хотиниммисан?.. Ё товба, буни танимаяпман...

—Гулноза қани? —Лобар саволини такрорлади.

—Россияда, —деди эри. —Чёрт... кимсан ўзинг?

—Қачон кетган?

—Ким санабди?! Эҳтимол, олти ой бўлгандир...

—Россиянинг қаерида у? Қачон қўнғироқ қилди?

—Опасига қўнғироқ қилиб туради... Э, ҳаммасига минг лаънат!... Одамми улар?!! Тупурдим... Кел, ундан кўра биз билан эллик-эллик ол. Байрам куни нима ташвишда юрибсан? Кел, ўтириш!

Суюқоёқ қиз уй эгасининг қулоғига алланимани шипшиб қўйган эди, эркакнинг кўзи очилди:

—Тўппончанг борми? Ие... қизиқ бўлди-ю... Наҳотки, органдан бўлсанг?.. Гулноза бирон иш қип қўйдими?

—Мендан олдин уни кимлардир сўраб келишганми? — тергади Лобар.

Маст бор кучи билан бош чайқади.

—Опасининг манзили? —Лобар нигоҳини ўқдек қадади.

—Ширинкулов, олтмиш...

—Аниқроғи...

—Ширинкулов кўчаси, олтмишинчи уй, 51-хонадон.

—Алдаманг, ахир, сиз шу ўйни айтаяпсиз-ку.

—Нима-а?.. —мастнинг кўзлари сузилиб, оғзи қийшайди.

—Бу менинг уйим! Ме-е-нинг уйим!... Опаси нариги подъезд. Айтаяпману 51-хонадон...

Лобар эшик сари юрди. Уй эгаси кузатиб қўйиш истагида кескин қўзгалган эди, стулга тўқнашиб, гурсиллаб йиқилди.

—О-о, касофатлар!.. — сўкинди у.

Азамат Қоржотов

— Камроқ ичиш керак, — деди Лобар ортига қарамасдан.

— Камроқ ичиш керакми? — фўлдиради маст. — Камроқ ичиш кераг-а?.. Бекор айтибсан. Менинг ўрнимда бўлганингда, баттар ичардинг... Олти ой аввал ичмасдим, эшиштаяпсанми?

Ҳалиги қиз уй эгасининг қўлтигига киргач, Лобар қайирилиб қаради. Қизнинг оёқлари қалтираб кетди.

— Мен бу қизга қўлимниям теккизганим йўқ, — деди Гулнозанинг эри. — У менга аёл зоти бўлгани учун ҳам керак... Байрам! Ҳамма хурсанд... Менинг уйимда аёл йўқ... Янги йилни пиёнисталар билан кутиб олмайман-ку, ахир!..

Лобар зинага етганида, эркак йиглаб юборди.

— Талоқ... талоқ қўйдим... Айтиб қўй кўрсанг... Ҳе...

Бу вадиравшлар ҳали ҳаммаси эмас эди. Лобар подъезддан чиққан маҷал юқоридан:

— Ҳўв, менга қара! — деган хитоб эшишилди.

Зинапоянинг ойнасиз деразасидан иккита калла чиқиб турарди.

— Опасига талоқ ҳақида ҳеч нима дема, — бўкирди энаганинг эри. — Ўйлаб кўраман... Унинг ўзи менга хотин бўлмоқчи! Тушундингми?.. Опасини айтаяпман... Аммо опасига уйланмайман, ҳеч қачон! Уругига ўт тушсин уларнинг...

Лобар тез-тез юриб қўшни подъездга кирди. Айтилган хонадон эшигини узоқ тақиллатишга тўғри келди. Ниҳоят, эшик қия очилиб, қизалоқнинг кулиб турган юзи намоён бўлди.

— Ассалом, — деди қизалоқ кулиб турган кўйи. — Мана, сиз ҳам келдингиз. Ўглингиз қани? Келмадими?

Лобарнинг қошлари чимирилди. Шу вақт қизалоқнинг орқасидан онаси — ўттиз-ўттиз икки ёшлардаги юзи япалоқ, жингалак соч аёл саволомуз чехраси ила шошиб қаради.

— Қизим сизни дугонам билан адаштирди чофи. — У эшикни катта очди. — Кўзимга иссиқ кўринаяпсиз, қани, мени сўраб келдингизми?

“Киң устидаси тақдир”

—Мұхым иш билан келдим.

—Ичкарида гаплашайлык, киринг.

Лобарнинг ичкарига киришга күнгли бўлмай оstonада туриб қолди. Бека кўринишидан Парвизнинг энагасига умуман ўхшамас эди.

—Гулнозанинг опасимисиз? —деб сўради Лобар.

Аёл бирдан барча хатти-ҳаракатлардан тўхтади. Кейин ичкари эшикни ёпиб:

—Тинчликми? —деди.

—Унинг қаердалигини билмоқчиман, холос.

—У Ўзбекистонда эмас.

—Қаерда? —Лобар қатъий ва бир оз қаҳр аралаш сўраган эди, Гулнозанинг опаси қизалогини меҳмонлар ёнига киргизиб юборди.

—Синглим Россияда.

—Алдамаяпсизми?

—Бу нима деганингиз?

—Россияда деб ишонч билан гапирганингиз мени қизиқтириб қолди. Гулнозани Италияда, Туркияда, яна ким билади, Англиядами, аллақаерларда юрибди, деб эшитгандим.

—Шошманг, сизни танидим. Исмингиз Лобар, магазинларингиз бор. Синглим сизницида ишлаганди, тўгрими?

—Афсуски, тўгри. У боламга энагалик қилган. Неча ойлардан бери ўглим қидириләяпти. Сўнгги маълумотга кўра синглингиз боламни чет элга олиб кетишда иштирок қилган. Ҳалигача болам унинг кўлида. Агар манзилини айтмасангиз, эртага барибир кўлга олинади.

Лобар сумкаласидаги тўппонччанинг бир четини кўрсатди ва ғазабдан ранги оқариб шивирлади:

—Суд неча йилга ҳукм қилиши билан ишим йўқ, уни ўзим ўлдираман.

—Аниқ манзилини менга айтган эмас... Лекин бир одам хат ташлаб кетган.

—Кимга?

—Менга.... Аниқроғи, сизга... Бир дақиқа кутиб туроласизми?

Лобар ранг-қути ўчиб, ўзини йўқотиб қўйган аёлга хўмрайиб қаради. Ҳаял ўтмай у конверт кўтариб чиқди. Ичкаридан "Янги йил! Янги йил!" деган ҳайқириқлар ва қадаҳлар жарангি эшитилди.

—Узр, синглимдан хавотирланиб, хатни очиб қўйдим, — деди бека. —Барибир ҳеч нарсага тушунмадим... Мана, кўринг. Менимча, бу аслида хат ҳам эмас, қанақадир кўрсатма. Қачонки, сиз бу ерга Гулнозани ахтариб келсангиз, конвертни бериб қўйишим топширилган.

Лобар конверт ичидан қалин оқ қофозни суғуриб олди. "Ҳеч кимни қидирма, қалит дипломатда" деб ёзилган ва Кремль расми чизилган эди. Пастроққа қаратилган ўқсимон чизиқ уйча билан болани кўрсатиб турарди. Тепасига тескари қилиб "120.000\$" рақами битилганди. Лобар оддий арифметикани сониянинг илк бўлагидаёқ тушунди. Демак, Шомил унинг энагани ахтариш кераклигига ақли етишини билган.

—Хат келганига анча вақт бўлди, — мужмал оҳангда сўзлади энаганинг опаси. —Тез орада сўрайди дейишганди сизни, анча кеч келдингиз.

"Қора қарта соҳибаси" беҳуда чирангани учун мулзам бўлиб ортига бурилди. Зиналардан ҳорғин пастлади. Айтишган эди-я: пулни Москва яқинидаги дала ҳовли харобасидаги ўз жойига қайтарасан, ўша заҳоти ўглинг билан дийдор кўришасан деб. У эса яна қўлига курол олди. Сал бўлмаса еттинчи маротаба одам ўлдирамиди?!

Ўспириналар олов атрофини ҳозиргина тарк эшишган, шекилли, қорда сигарет қолдиги ҳамон тутарди. Лобар тош устига ўтириб, чўғни титкилади. "Болалар қайтиб келсалар керакки, ўтни охиригача ўчирмабдилар", хәёлидан ўтказди ў.

Кўп ўтмай катта йўлдан бир "Нексия" тинимсиз сигнал

"Қиl устидаeи тaқdир-II"

чалиб, ичидағи йигитлар қийқириб, ҳуштаквозлик қилиб ўтишди. Лобар машина кўздан йўқолгунча қараб ўтирди, пальтоси ёқаларини кўтариб, кўнишди.

Ҳақиқий мушакбозлик бошланди. Машинадагилар Янги йил кириб келаётгани учун шошилишаётган экан-да. Уйлардан ҳам одамларнинг баҳтиёр овозлари эшитилиб турарди.

Лобардан ҳеч ким ҳол-аҳвол сўрамади, байрам билан муборакбод этмади. Гёёки, у кимсасиз бир бечора жувон эди. Ташландиқ буюм каби кераксиз ва қаровсиз!

"Қора қарта соҳибаси" ўз-ўзича мийигида кулиб, ўрнидан турди. Олов ҳам забтига олиб, лов этиб ёнди.

—Ё тавба, — пичирлади Лобар, — бир йил ўтиб кетди-я! Бир йил!.. Нималар рўй бермади ўтган бу йилда?! Кимга айландим мен? Осиёда тенги йўқ қартабоз аёл Янги йилни кўчада, дайдилар ўтирадиган жойда кутиб олди... Ҳеч кимга кераксиз эканлигимни энди тушундим. Эрим... Абдулла ака ҳам аллақачон мендан юз ўтирган... Онамларни книга эса боролмайман. Дарров овоза қилиб юборишади. Энг аввало, ўлдирилган қўриқчиларнинг яқинлари останамга ётиб олишади. Ўз уйимга ҳам боролмайман. Нима кераги бор кимсасиз кошонанинг? Барчаси қимор ва Шомилнинг пуллари орқасидан келмаганми, ахир?

Шу тариқа у сўнгги қарорини юрагида яна бир бор тасдиқлади: "Ҳаммасини сотаман, ўша дипломатни пулга тўлдириб, дала ҳовли харобасига кўмаман. Энди менга бойликнинг кераги йўқ!"

* * *

Кўчада таксиларнинг қораси кўринмасди. Лобар прожекторлар билан деворлари рангин ёритилган меҳмонхонага маъносиз тикилиб қолди. Сарғиш "УАЗ" машинасидаги милиция ходимлари унга қараб ўтишди-ю, аммо тўхтаб, ҳужжат сўрашмади.

Шу ерда пиёда кетилса, ўн дақиқада Зилоланинг

хонадонига етиш мумкинлигини ўйлаган Лобар йўлакдан шошилганича жўнади.

У ҳозир ҳеч нима таъма қилмаётган эди. Нега айнан Зилоланикига йўл олганини ўзи ҳам тўликроқ изоҳлаёлмас, ҳатто, боришни юракдан истамас ҳам эди. Бироқ бормаса бўлмасди. Дугонасини кўриши керак, болалари даврасида соғу-саломат ўтирганидан кўнгли таскин топиб, байрам билан табриклаб қўймоғи лозим. Бу, кўпинчча, озроқ ичиб олганларда учрайдиган одат: калла қизийди ва боягина хаёлида йўқ иш – бирон яқинини бориб кўрмоқ – рўёбга чиқади.

Дарвозани Зилоланинг ўзи очди. Очди-ю тошдек қотди-қолди. Кейин унсиз йиғлаб, Лобарнинг елкасига огирилигини солиб, қучоқлаб олди. Негадир овоз чиқармай йиғларди. Лобарнинг кўзлари ёшга тўлди. Иккови анча вақт шундай туришди.

Афтидан хонадон аҳли уйкуга кирган эди. Телевизорли мўъжазгина хонанинг илиқ ҳавоси Лобарга хуш ёқди. Хонтахта атрофига тўшалган икки қават атлас, кўрпачага ўтириб, беихтиёр хона бўйлаб нигоҳини югуртириди. Кенг экранли телевизор тагида ойнаванд тагкурси, "DVD" плеер ва видео магнитофон, қимматбаҳо парда, ганчланган девор, тилларанг қандил... ва ниҳоят, Тагматнинг портрети.

–Танидингми? Бу Тагмат акамнинг расмлари, –деди Зилола мунғайиб.

Сўнгра юзларига фотиҳа тортишиб, икки дугона ҳол-аҳвол сўрашишди, бир-бирини табриклаган бўлишди Янги йил билан.

Дарҳол дастурҳон безатилди.

–Азадор бўлсак-да барибир байрамни нишонладик, –деди Зилола ҳазин оҳангда. –Ўзимнинг кўнглимга сифарими迪, шу болаларим хурсанд бўлсин деб... –У туйқусдан сергак тортиб, Лобарга тикилди. –Ўзингдан сўрасак... Туркиядан қачон келдинг?

–Хозир.

“Кил устидайи мақдур-и”

— Тўппа-тўгри бизникига келаяпсанми, Лобар? — Зилоланинг ранги қув ўчиб, ерга қараб, дастурхон четларини ўйнай бошлади. — Биламан, пулингни сўрайсан... Менга қандай яхшилик қилганингни тушуниб ўтирибман. Ўрнингда бошқа одам бўлганида, қилган ёмонликларим учун мени ўзи ўлдириб қўя қоларди.

— Ҳали пулимни сўраганим йўқ-ку, — деди Лобар чой хўплаб.

Зилола бошини кўтариб:

— Ростдан... мен учун туркларга эллик минг доллар бердингми? — деди.

— Ҳа, уларнинг баъзи бир юмушларини қилдим... Менимча, сендан яширишнинг ҳожати йўқ: улар учун катта давраларда қарта ўйнадим, жонимни тикиб ўйнадим. Шундаям эллик мингни қуртдай санаб олишди, мен эса ютуқлардан ўз улушимни сўраганим йўқ.

— Лобар, мен...

— Нима демоқчилигингни тушундим. Шунча пулни топиб беролмайсан. Бироқ билиб қўй, сендан пул сўрашга келганим йўқ. Негадир ўз-ўзидан оёғим тортиб, мана, меҳмонинг бўлиб ўтирибман.

— Ўғлинг...

— Ўглим Россияда. Агар Москвага борсам, боламни қайтаришармиш.

— Агар борсанг... Улар бекорга чақиришмайди... Агар борсанг дедиларми?.. Демак...

Лобар чойини ичиб, яна пиёла тутди. Мезбон чой қуяркан, деди:

— Улар яхши ниятда эмаслар...

— Бахтсизлигимга ўша лаънати дипломат сабабчи бўлган, Зилол. Мендан бошқа ҳеч нарса талаб қилганлари йўқ. Дипломатни жойига кўйсам, бас.

— Аммо унинг ичида катта миқдорда пул бўлиши керак-ку.

— Етти йил ичида нима орттирган бўлсам, ҳаммасини

сотаман.

Үртага оғир сукунат чўкди. Ниҳоят, Лобар Галаосиё нонини кўрсатиб:

— Есам майлими? — деди.

Зилола меҳмонни дастурхонга манзират қила бошлади. Чучварани иситиб келишини айтди, қайта-қайта узр сўради. Лобар ҳам кесатмаган эди, толиқиши, эзилиш ва очлик уни шу тобда бошқача қилиб қўйганди.

— Есам майлими, дедимми? — ним кулимсиради Лобар. — Эсим жойида эмас, шекилли. Пичинг қилмасдан еявермайманми?!

— Айб менда, гап билан чалғиб кетибман. Ол, е... Кечирасан, менинг ҳам эсим кирди-чиқди бўлиб қолди.

— Аэропортда бир чашка кофе ичганим...

Икки дугона дастурхон атрофида ораларидан қил ўтмас бўлиб кўринардилар. Аслида эса бири ўз дугонасининг ортидан жосуслик қилиб, аввал туркиялик, кейин бирйўла россиялик жиноятчиларга хизмат қилган, эри ўлдирилган, охир-оқибат Истанбул фоҳишахонасига тушиб қолган, иккинчиси унга ишонган, қиморга аталган саксон минг долларнинг эллик мингидан дугонаси учун воз кечган, дўст истаб келган, аммо ўрталаридағи тубсиз жарликни кўриб, кўнгли чўккан аёл эди.

* * *

Зилола темирйўл вокзали яқинидаги икки хонали квартирасини йигирма икки минг долларга сотиб, уйидаги уч минг долларни қўшиб, январнинг серқуёш кунида Лобар ижарада турган уй эшигини қоқди. Қиморлар маликаси дераза рўпарасидаги олма шохида товланаётган қор зарраларини хаёлчан томоша қилиб турарди.

— Киринг, — деди у қандайдир бепарво оҳангда.

— Лобар, — Зилола оҳиста чақириди.

— Ие, сенмисан? Кел.

— Бу менинг рўзгоримдан ортгани, — дея Зилола стол устига

“Қыл устидаси тақдир-II”

қоғозга ўроғың пулни күйиб, бир оз сурди.

Лобар пулга сўзсиз тикилиб қолди. Хаёллари бошқа жойларда кезиб юргани кўзларидан сезилиб турарди.

—Бу пулми? —сўради у бир неча дақиқалардан сўнг. — Кўпми дейман?

—Йигирма беш минг доллар. Қўлимдан келгани шу...

—Майли, оламан. Ўзи бугун ўнг томоним билан турган эканман, ҳаммаси силлиқ кечаяпти. Яратганга шукур, яқинда ҳаётимни бутунлай ўзгартираман, тинч ҳаёт... тинч ҳаёт кечираман.

—Эринг нима деди?.. Абдулла ака ҳам чет элдан келибди деб эшиздим...

—Ажрашдик.

Шу ўтган кунлар мобайнида Лобар Абдулла ака билан телефон орқали боғланган эди. Эрининг омон қайтиб келгани уни беҳад севинтириб юборди. Абдулла акани юртига қайтариб юбораётган кишилар хорижда кўрган-кечирганларини оғзидан гулласа, бошига не-не ғавголар ёгилишини тушунтириб қўйишган эди. Шунга қарамай, Абдулла ака Лобарга анча дўқ-пўписа қилди, мени шунча сарсон-саргардон қилганинг учун барча кирдикорларингни ёзиб бераман, умринг қамоқда чирийди, деди. Лобар ялинмади, ялинмасди ҳам. "Ёз! — деди. — Ёз! Кейин кўрамиз, менга қийинроқ бўладими, азобларни кўриб соғайиб қолган сендай ношукргами?!"

Кувон ҳам келибди. Шу йил уйланар эмиш. Бу хабарни Лобарга етказган йигит уни узоқдан кўрганини ҳам айтди.

Лобарнинг ота-онаси эса шу ижара уйга келиб, уни кўриб кетишиди. Айни дамда Лобар ҳашаматли ҳовлисининг пулинни кутаёттан эди...

Эртасига у авикассага бориб, Москвага чипта сотиб олди. Одмигина қийиниб, кечки 19:00 да кўчага чиқди. "23"-йўналиш бўйича қатнаётган оқ "Дамас"га ўтириб, аэропорт сари равона бўлди. Киндик қони тўкилган гўзал, кўхна, навқирон ва чаротон шаҳрини тарк этасиганидан юраги

алланечук эзиларди. Дийдорига тўймай кетаётган эди у она шахрининг!.. Энди бу ерда унинг уйи йўқ, дўконлари йўқ, ҳатто, эри ҳам йўқ. Лобар Россияга боши очиқ аёл бўлиб кетаяпти, қайтиш-қайтмаслиги даргумон бўлиб кетаяпти.

Ҳужжатларни расмийлаштириш кеч соат 22:30 бошланди. Тонгга яқин самолёт ҳавога кўтарилиди.

Москва! Ҳаммаси ўша-ўша. Ҳаммасини гўё бошидан бошлаётган улкан кинотеатр.

Лобар то банкдан пулларини олиб бўлгунча меҳмонхонада яшаб турди. Дўкондан худди ўша дипломатга ўхшаганидан ҳарид қилди-да, нақ бир юз йигирма минг долларни жойлаб, тонг-саҳарда йўлга чиқди. Кўзлаган манзилига одамлар уйгонмасдан етиб борди. Таксидан бир чақирим берида тушиб, дала ҳовли сари йўл олди.

Атрофни енгил туман қоплаган эди. Ҳадемай дала ҳовли ҳаробалари кўринди. Жуда яқин қолганда, Лобар тўхтади: атрофга қулоқ солди. Тезроқ ҳароба ичига кириб олиш пайида олға интилган ҳам эдики, йўл бошида – туманлар орасида икки кишининг қораси кўринди. Улар қўлларини узун қора пальтолари чўнтагига солиб, шитоб билан юриб келишарди. Лобар таққа тўхтади, оёқларидан мадор кетди. Фарзандининг дийдорини кўришга шошилиб, кўзига хавф кўринмаган она-да, ахир!..

"Шомил ва унинг одамимикан?" – хаёлидан ўтказди Лобар. – У пулни олиб келсанг, ўглинг билан ҳозир нозир бўламан, деганди. Демак, кузатиб юришибди... Ва, мана, улар..."

Лобар секин одимлай бошлади. Орадаги масофа ваҳимали тарзда қисқариб, ҳалигиларнинг оғзидан чиқаётган буғ ҳам кўринди. Улар бошларини эгиб, миқ этмай келаётгандарни боис на юзларини кўриб, на овозларини эшитиб бўларди. Улар ўзидан хиёл четдан келишаётганини пайқаган Лобарнинг кўнглида умид чироғи ёнди ва қадамини тезлатган ҳам эдики, йўловчилар баб-баравар бош кўтаришди. Иккаласининг ҳам соқоллари олинмаган, йигирма-йигирма беш ёшдаги йигитларни бу турқ-тароват шубҳали кўрсатарди,

“Күл устидаш тақдур-и”

албатта.

— Тўхтанг, — деди юзи думалоқ йигит (у рус эмас эди) — Қандайсиз? Кайфият зўрми?

Рус тилида қийналиб сўзлаётган йигит Лобарга шунчалар ўқрайиб қараб турардики, индамай хайрлашмоқнинг асло иложи йўқ эди.

— Ўзингизники-чи? — деди Лобар кутилмаган кибр билан.

— Кимсиз?

Йигитлар бир-бирига маъноли қараб қўйишли, сўнг Лобарнинг устига бостириб келишиди.

— Бизни ғанимайсан, — деди иккинчиси ва атрофга шунчаки кўз югуртиаркан: — Пул, — деб сурбетларча таъкидлади. — Пулдан чўз, гўзал.

— Қ-қанақа пул, йигитлар? — дипломатни ўнг қўлига олди Лобар. Негадир шунчалар қўрқиб кетдики, ўнлаб қуролли мафиячилар қаршисида бунчалар юрак олдирмаганди.

— Кун жуда совуқ, — деди биринчи йигит. — Совқотдик. Посёлкага бориб юз граммдан ичмасак касал бўлиб қоламиз.

— Қўрқма, қароқчи эмасмиз, — иршайди иккинчиси. — Қозонхонада ишлаймиз. Россияга қишида биз ҳаводай зарурмиз. Тағин пальтоларимизга қараб ёлғончи деб ўйлама. Бошқа ўлкаларда биз шу пальтоларга муносиб иш қиласиз, бу ерда эса ишчилар синфи!

— Ҳа, — деди думалоқ юз.

Лобар уларга синчиклаб қаради. Кимга хизмат қилишларидан қатъи назар икковиям қаерлик эканлиги маълум бўлди-қўйди. Булар фирт осиёликлар эди (Лобар енгил тортиб, секин бош лиқиллатди).

— Энди келдингларми? — сўради Лобар ўзбекчалаб. — Қанча берсам ўлиб қолмайсизлар?

— Ие, — деб икковиям хурсанд бўлиб чапак чалиб юборишиди, — ўзимиздан экансиз-ку. Узр, бир тийин бермасангиз ҳам ўлмаймиз. Гаров ўйнагандик, шу аёлни гапга тутган, пул сўраган одамга битта ош қилиб берамиз деб. Хафа эмасмисиз?

— Қўрқитиб юбординглар, рост, — деди Лобар сабрсизланиб.

—Қаердансиз, опа? —юзи думалоқ йигит очиқ чехра ила сүраган эди, Лобар уұ тортди.

—Йигитлар, яххиси, менинг ким эканлигимни сұраманглар. Истасанглар, посёлкада кутиб туришларинг мүмкін. Мен иш билан... —Лобар йўл бошига имо қылди.

—"Жип" сизни кутаётган экан-да? —деди йигит.

Иккинчи йигит димоғида кулиб қўйди. Лобар "Жип" хусусидаги ахборотга эътибор бермагандек:

—Йўғ-е, мен танишимнинг уйига кетаяпман, —деди.

Улар танишининг уйини сұраб хиралик қилишмади. Фақат сал нарига боришгач, юзи думалоқ йигит:

—Опа, танишингиз Тургуневни ўқийдими? —деб қичқирди.

—Ўқиса керак, уйида китоблар кўп, —деди Лобар.

—Бир ҳикоясида пиёнисталар ароққа пул сўрайди, бричкадагилар уларни қароқчи деб гумон қилиб, роса қўрқадилар... Ҳўп, посёлкада учрашгунча! Ўзи қозонхона битта!

Лобарнинг шубҳа-гумонлари тарқамади. Бунақа томошаларни кўп кўрган эмасми, доллар можаросининг дастлабки саҳнаси шудир балки, деб янада зийрак бўлишга уринди. Аммо у манзилига етиб келганди. Одамлар ўлгани учунми, жиноятчиларга қарашли бўлгани учунми, бехосият дала ҳовлини ҳеч ким сотиб олмаган, ҳеч ким таъмирламаган эди...

Лобар қор кечиб, Шомилнинг дала ҳовлиси харобасига кириб олди. Атрофда излар кўзга ташланмас, лекин аллақандай ит икки марта хароба ичкарисига ўтиб қайтганди. Лобар худди шу издан юриб, ертўлага элтувчи йўлакда (аниқроғи, икки девор оралигига) тўхтади. Сўнгра гишт ва бетон бўлакларига қоқина-сурина ўша-маълум ва машхур ётоқхона вайронасига етди. Аммо бу ерда дипломатни яширадиган жойнинг ўзи йўқ эди. Ўшанда таҳтани кўчириб, пол тагидан олганди дипломатни. Ҳозир у оёғи-ла қорни сидириб биронта ёгоч бўлагиниям кўрмади. Ўйилиб кетган том тагида, тахминан, Лобар айнан дипломатни қўйиши

“Қиң устидайың тақдир-II”

керак бўлган жойда бир уюм алламбалолар ётарди.

— Нима қилсан экан? — деди Лобар беш дақиқалар кутгач.
— Наҳотки, Шомилнинг гаплари сафсата?! Қуруқ ва бемаъни
сафсата!.. Ё бирон рамзий маънода айтдимикан?.. Лекин
дипломатдаги пул билан ҳазиллашиб бўладими?!

Яна дақиқалар ўтди. Совуқдан Лобарнинг тишлари
такиллай бошлади. Туман ҳам қуюқлашгандек туюлди. Чор
атрофдан туман эмас, умидсизлик пардаси ўраб олган эди,
гўё.

Ахийри, унинг тоқати тоқ бўлиб дипломатни ташлади-да,
қорни сидириб, тентакларча жой қидира бошлади. “Бўлиши
керак... бўлиши керак...” деб пичирлади лаблари. Бор
нарсасини сотиб, олисдан келса-ю, уни бир уюм гиштдан
бўлак ҳеч нима кутиб олмаса?! “Нега?.. Нима учун?..”

— Номардлар... — деди Лобар тушкун бир алфозда ўрнидан
туаркан. — Ҳаммангни қарғишим урсин, илойим...

Шу пайт ортида, уч қадам нарида, чирқ этиб ёндиригич
ёнди ва кимдир атайин чўзиб тутун пуркади. Дастрекки
лаҳзаларда Лобар қайирилиб қарашга қўрқиб, қилт этмай
тураверди. “Бегона одам бўлса, мендек шубҳали аёлни
тергashi, дипломатимга қизиқиб қолиши, хароба ичидা
ўлдириб кетиши мумкин. Қандай кутулишим керак?” — деб
хаёлидан ўтказди.

Орқадаги киши “чирт” этиб тупурди. Лобар бор бўйича
бурилиб сесканиб тушди. Қархисида бир чечен туарди,
Шомилнинг қуйиб қўйгандек ўзгинаси. Ростдан
Шомилмикан? Йўқ, бунинг кўзлари бошқача, юзида
ёвузликка, қасамхўрликка мойил нимадир бор.

— Мен — Шомил, — деди у. — Ўхшатдингми?

— У қани?

— Ким? Парвизми?

Лобар аланг-жаланг боқиб, бошқа ҳеч кимни кўрмади.
Оғзининг икки чети театрдаги фожиа ниқобини каби пастига
қийшайиб, титроқ овозда:

— Қанақа одамсизлар?! Қани?.. Қани болам?! — деб сўради,

сүрагандан ҳам кўра талаб қилди.

Чечен лабининг бир четини учириб қўяркан, янада сурбет қиёфага кирганидан фуурулгангандек иягини кўтарди. Кўзлари одамга ўлимтиқ боқарди.

—Ўзингни бос, —деди у тишлари орасидан, —ҳозир бу ерга ментлар келади, иккимизниям ушлашади, қўлимизга кишан уришади.

—Шомил қани? —ўжарлик қилди Лобар.

—Мен... Наҳотки, танимадинг, Лобарушка?

—Гапни айлантирманг. Шомил ака қани?

—Э, ҳали уни "ака" дейсанми? Зўр-ку!

—Демак, алдабди-да! Ярамас...

—Қачон алдабман?

—Ҳеч қачон!

—Ҳа, ҳеч қачон.

Лобар аламдан йиглаворай деб, кўзларини пирпиратди. "Мен қаердаман? Ҳалиям боламни ахтариб юрибманми?" — деди ичиди ўзига-ўзи. Бир лаҳзалик ўзининг ўзига бегона ва ғалати туюлиши осон ўтиб кетди: у эсидан оғмади.

—Менга қаранг, мана пул, мана мен... Ҳа, мен! Энди... Энди шартни сизлар ҳам бажаринглар, ўғлимни қайтариб беринглар... Долларигаям, қиморигаям ўт тушсин!

Чечен худди Москванинг аёзига илк марта дуч келгандек пальтосига маҳкамроқ ўранди.

—Қанча? —Лобарга ниҳоят жўнроқ тикилди у.

—Айтилган миқдорда.

—Бир юз йигирма мингми?

—Бир юз йигирма минг.

Чечен дипломатни ердан олиб, силкитиб кўрди. Илжайиб:

—Қорини қоқаяпман, —деди. Сўнг "қора қарта соҳибаси" кутаётган гаплардан сўйлади: —Лобар, биз болангни ўғирлаб, эвазига пул талаб қиласиган каззоблар эмасмиз. Одам ўғирламаймиз десам ишонавер. Бир замонлар чекка тоғлардаги аждодларимиз одамни гаровга олиш мўмайгина даромад келтиришини билиб қолишган. Аммо бунаقا

“Киңиусат да шештакар”

тариҳнинг менга деярли аҳамияти йўқ. Сен аждодларингдан бири Бухоро амирига канизак бўлғанлигини билиб қолсанг, дарров момонгнинг касбини қиласмидинг? Қилмайсан, албатта. Лекин менинг бобом даллол ўтган. Бирон нарсани савдо қилиб берган. Нима дейди... воситачи-да... Мен ҳам шунақаман. Бошқача воситачиман. Қўриб турибсан, Шомил эмасман, аммо айни вақтда Шомилман. Шомил эмаслигимни ҳеч ким бўйнимга қўйиб беролмайди. Лобар, келишганингдек, пулни ўз жойига қўйдинг. Ҳозир ўғлингни қайтараман...

—У ташқаридами? —энтикиб сўради Лобар. Агар чечен тирсагидан тутиб қолмаганида, онаизор чопиб чиқиб кетарди.

—Охиригача қулоқ сол, —деди Шомилнинг қиёфадоши. — Ҳақиқатга ҳақ йўл билан интилмоқ даркор. Сохта йўллар сохта ҳақиқатга олиб боради. Сохта ҳақиқат эса ҳақиқат эмас.

—Яна нима гап? —Лобарнинг пешонаси асабий тиришди.

—Бу, —дея чечен дипломатга ишора қилди, — айнан ўша пулларми?

—Ха, айтилганидан бир доллар ҳам...

—Рақамларигача бир хилми? Шу ердан олиб кетганингдан сўнг қўй ҳам теккизганинг йўқми?

Лобар бунчалар мазах қилишларини кутмаган эди. Қаршисидаги одам ҳеч қачон яхшилик қиласмилигини ҳис этиб, оёқ учидан бошигача музлаб, аламдан тили айланмай қолди.

—Тушундим, —чечен лаб бурди, —пулни нафс йўлида ишлатиб юборгансан. Ўрнига олиб келдинг, шундайми?

—Нималар деяпсиз? Пулнинг ҳам фарқи борми?... Бир юз йигирма минг доллар олгандим, мана... Эш болага ўхшаб бу меники эмас, бошқача эди... Илтимос, тўғри гаплашайлик.

—Ҳамма гап шунда. Фалсафани тушунмаяпсан чоги. Қара, пуллар ҳам айнан ўшалар эмас, Шомил ҳам. Бундан чиқдики, ўғлинг ҳам...

Лобар ўзини тутолмай чеченнинг ёқасига чанг солган эди, у силтаб ташлади. Лобар яна ташланди, чечен куч билан

Азамат Қоржовов

итариб, ийқитиб юборди.

—Ҳозир сенга ўглингни кўрсатаман, —деди эркак ва дипломатни беписанд итқитиб, тўрт-беш қадам наридаги фишт уюми ортидан қўғирчоқ олди. Дарвоҳе, бу ўйинчоқ Парвизнинг қиёфасига жуда-жуда ўхшарди. Жилмайиб турарди у. Парвиз каби беғубор сиймо эди.

Чечен қўғирчоқни Лобарнинг устига отиб шундай деди:

—Ҳаммаси бунаقا бўлмаслиги мумкин эди, афсуски, бу ўйинни ўзинг бошладинг!

—Жонимга тегди айбситишларинг! —чинқирди Лобар. — Майли, айборман, айборман! Ҳаммаси ўйин, ҳаммаси!.. Лекин охири борми, ноинсофлар?! Қачон тутгайди?! Қа-чо-о-н??!

Чечен бутунлай оғир-вазмин оҳангда:

—Тутгаган ҳам эди, —деб ютинди. —Шу ерда сен билан Шомил тантанали равишда орани очик қилмоқчи ҳам эди. Бироқ ортингдан ментлар тушиб қолди, Россияники. Дала ҳовли харобасига пул билан келишингни Шомил сенга болангни қайтариши —барчасидан улар хабар топишган. Шомил ва сен дала ҳовлида қўлга тушишинг шарт... Ҳозир "қўлга тушамиз", бусиз ҳеч илож йўқ. Агар терговда мени ҳақиқий Шомил деб тан олмасанг, болангга жабр бўлади, ҳа, сенинг бир ўлиб тирилган ўша жигарбандингга!

—Унинг ўзи ҳаммага жория қилди, —деди Лобар алам билан. —Бунинг учун ҳам мен жавоб бераманми?! Милициядан қўрқар экан, нега бақириб-чақириб маълум қилди учрашувни?

—Буни мендан сўрама, муҳтарама қартабоз хоним. Ахборотинг учун Шомилнинг қиёфасида қамоқча олиниш менга осон бўлмайди. Эҳтимол, йигирма йил кесиб юборишиар.

—Милиция ушлашини билар экансизлар, нега керак бу томоша?! Келмаслик керак эди, қочиш керак эди!

—Кейин-чи? —сўради чечен.

—Нима кейин? Милиция босишини била туриб шунчалар

аҳмоқлик қилишдан мақсад нима?

—У, яъни "ака"нгизни бошқа қидиришмайди, то мени қамоқдан чиқарип олгунларича қўпгина муҳим ишларини битириб оладилар.

Лобар "менинг қисматим нима бўлади?" деб сўрамоқчи эди, кўзи дипломат ва Парвизнинг қиёфадоши қилиб тайёрланган қўғирчоқча тушди.

—Мениям тутиб бердими хўжайнингиз? —деди Лобар важоҳатдан кўкариб. —Болам нима бўлади? Бир юз йигирма минг доллар-чи? Нѝма қилиб қўйғанларингни биласизларми?

Чечен пичноқча билан дипломатни осонгина очди ва япянги доллар таҳламларини кўриб, хуштак чалиб юборди.

—Шунча пулни ёқиб юборишни буорган ўша... Ҳе, бошқа илож йўқ. Менга бундан ҳам кўп ваъда берилган. Афсус... Йўғ-е, нега афсус қиларканман?! Ҳаммасига шукур.

У чўнтағидан бутилка чиқарди-да, ичидаги бензинни пулларга сепа бошлади. Яхшироқ ёнсин деб бойламларни ҳам бузишга киришди. Лобар ўрнидан туриб чеченнинг хатти-ҳаракатини жонсиз суратда кузатар экан, лабидан:

—Н-нима қилаяпсиз? —деган савол зўрға қалтираб чиқди.

—Лобар, биз энди сендан ҳеч қачон қулинг ўргилсин бир юз йигирматани сўрамаймиз, — чечен сигаретини ташлаб, долларларга ўт қўйиб юборди. — Бердинг, биз олдик ва асфалософилинга жўнатдик. Айнан ўша пулларни бермаганинг каби биз ҳам айнан сен туқсан Парвизни бермадик. Бироқ буларнинг бари номардлик эмас, Шомилнинг навбатдаги режаси. Агар милиция изингдан тушмаганида бунаقا қилмасдик. Ишон! Сен қамоқда йўқ бўлиб кетмайсан... Оҳ-о, ёнишини қара!

Лобар пулларнинг ёнишига бир зум караҳт ҳолда тикилиб тургач, ташқарига элтувчи йўлакка отилди. Қоқиниб-суриниб олға интилаверди, интилаверди, гүё кўчага чиқса, ҳәёти изга тушиб кетадигандек, бу ўйинлардан қутуладигандек.

Тўсатдан туманни машиналар ёриб ўтиб, қуролланган

ниқобли кишилар пайдо бўлишди. Кўз очиб юмгунча бир нечаси хароба ичкарисига ҳам киришга улгурди.

* * *

Уни Москвага олиб келишиб, ҳибсхонага тиқишиди. Шу куниёқ тергов бошланиб кетди.

- Исм-фамилиянгиз?
- Осимова Лобар Саломовна.
- Тугилган вақтингиз ва жойингиз?
- 1978 йил 18 май, Самарқанд.
- Ўзбекистонми?
- Бўлмаса қаер??
- Жиноят оламида "Қора қарта соҳибаси", "Оқ юзли қора хоним", "Янги жодугар", "Ажал қартабози" номлари билан машҳур эканлигингизни биласизми?
- Биламан.
- Манави суратдаги болани танияпсизми?
- Ўғлим..
- Ҳозир қайси жиноий гуруҳ қўлидан эканлигидан хабарингиз борми?
- Йўқ. Мен уни Шомилнинг қўлида деб ўйлардим.
- Аслида Шомил деган одам йўқлигини ҳам биласизми?
- Қ-қанақасига йўқ?
- Шунақасига. Шомил, бу –чечен афсонаси. Унинг ролини ўйнаш учун ўнлаб шомиллар навбатда туришади. Ўша ўнлаб шомиллар битта аёлга бўйсунади. Бу аёл.
 - Ким у?
 - Бу аёл... сиз!
 - Мен?.. Нима, чўпчак айтаяпсизми?
 - Йўқ. Мен айтаётган жиноий гуруҳ "Шомил империяси" деб аталади. Улар сиздан аввал ҳам қиморбоз аёл тайёрлаб, даҳшатли жинояллар содир этишган.
 - Бўлиши мумкин эмас!
 - Мумкин. Мана, улар сизни тайёрлашди, қиморхоналарга боришга мажбур этишди, сўнг изингиздан келиб, сон-

“Қиын устидағы тақдир-II”
саноқсиз доллару олтинларга әга бўлишди. Лекин сиз қиморхоналарга боришга унчалик ҳам мажбур бўлмагансиз. Биздаги далилларга кўра ҳаммасини аслида билиб юргансиз ва "Шомил империяси"ни ортингиздан эргаштириб, онгли равища бошқаргансиз.

—Бундай катта ва антиқа туҳматга биринчи марта дуч келишим... Анча тайёрланганга ва миянгизни анча ейишга ултурганингизни кўриб турибман.

—Снайперингиз ким?

—Илтимос, бугунча етар. Асабим толиқаётганини сезаяпман. Бир неча ой аввал руҳий касаллар шифохонасида даволаниб чиққандим. Агар... тутиб қолса, кейин ҳеч нарса қилолмаймиз.

—Майли, розиман. Қабристонга бориб гўр қазий бошлаганингизни кўрган яқинларингиз сизни касалхонага жўнатишиган эди, хабарим бор. Ҳа, айтганча, қотилликлар, контрабанда, коррупция ва мафия аъзолари ҳақида рост сўзлашингизни маслаҳат бераман. Акс ҳолда сизни умрбод қамоқ жазоси кутади.

—Хўп, ростини айтаман. Шундан сўнг-чи?

—Эҳтимол, ўн беш йил... У ёгини суд ҳал қиласиди.

Лобарни камерасига олиб кетишиди.

* * *

Тергов жараёнида Лобар бир қанча жиноятларини тан олди, айрим шахсларни қиморбозлар ва мафия йигитлари атрофида кўрганлигини тасдиқлади. Энг ёмони — Лобарни Шомил содир этган бир неча қотилликларда ҳам айблашди.

Аёл қиморбоз устидан бўлажак суд янги замон суди эди, албатта. Бу суд ўлим жазосини бермайди. Бироқ ҳаддан ташқари енгилликдан ҳам умид йўқ. Бинобарин, терговчининг шама қилгани — ўн беш йил ҳам Лобар содир этган жиноятлар олдида кам эди.

Шомилнинг қиёфадошини ҳам катта жазо кутаётганидан у хабардор эди. Парвиз ва ҳақиқий Шомил ҳақида эса

Азамат Коржевов

rossиялик ходимлар етарлича маълумотга эга эмаслиги Лобарнинг кўнглида умид чирогини ёндириди. Ишқилиб, буларнинг ҳаммаси Шомилнинг ўйини бўлиб чиқсин, деб Тангрига илтижо қила бошлади.

Хибсга олинганинг учинчи оий камера эшигини нотаниш назоратчи очди. Лобарнинг ҳаммомга тушиш куни эканлигини маълум қилди.

Ҳаммомга кириб, милиция кийимидағи жувонга кўзи тушди.

—Салом, — деди у илжайиб, — ечининг, фақат тезроқ.

—Нима? —тушунмади Лобар.

—Менинг кийимларимни кийиб, ҳужжатларимни оласиз ва бу ердан даф бўласиз. Мени танимадингиз-а?

—Йўқ...

—Грециядан илк марта сизнинг номингиз билан Россияга учган қиёфадошингиз камина бўладилар. Лекин энди "Шомил империяси"га эмас, полковник Иволгинга хизмат қиласман. У араб мамлакатларидағи қиморбозларга нақ йигирма беш миллион доллар ютқазган. Ҳозир қамоқхона бошлиғи хонасида сизни кутаяпти. Катта қиморга қайтганингиз билан табриклайман, Лобархоним! Ўйлайманки, араб дунёсини ларзага келтириш ҳам қўлингиздан келади!

“Құл устидаси тақдир-II”

V қисм

ДУНЁ ҚИМОРХОНАСИДАГИ ТАМОШАЛАР

Қамоқхона бошлиғи хонасидаги иккала әркак ҳам сигарет чекмоқда эди. Назоратчи әшикни очиб берди, аммо ўзи йүлакда қолди. Уч ойдан буён бетон деворли камералару терговхоналарда куни ўтаётган жувон юмшоқ гиламни босиб, беихтиёр кабинетта күз югуртирди. Қархисидаги икки әркакни танимас эди. Қайси бири полковник Иволгин экан, деб бошини қотириб ҳам ўтиради.

—Ассалому алайкум, — деди Лобар паст овозда, ўзбекчалаб.

Улар навбат билан сигаретларини қулдонга әзғилашиб, бири (эллик ёшлардаги бақувват әркак) түрдаги столни әгаллади, иккінчisi (у ҳам эллик ёшларда, тепакал, паст бўйли) бўш стуллардан бирига чўкди. Нигоҳлар Лобарга қаратилди.

Тепакал негадир бошини лиқиллата бошлади, сўнг дўстига қараб:

—Суратдагидан анча фарқ қиласкан, — деди.

—Марҳамат, ўтириинг, — түрдаги киши дўстининг рўпарасидаги бўш стулни кўрсатди.

Лобар ўтиреди. Эрта-индин суди бўлиб, узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинажак маҳбус ички ишлар ходими либосида қамоқхона бошлиги кабинетига келган эди.

—Форма жуда ярашибди, — деди қамоқхона бошлиғи. — Танишинг, бу одам сизнинг халоскорингиз полковник Иволгин. Мени эса отнинг қашқасидек билсангиз керак. Судгача ва суддан қейин камида икки йил мобайнида шу қамоқхонада яшашингиз тайин эди. Яъниким, каминанинг қўл остида. Сўнг бепоён ўлкамизнинг қайсиadir чеккасидаги бир парча ерда умрингизнинг қолган қисмини ўтказишга жўнаб кетардингиз. Аммо кўриб турибсизки, эрталаб маҳбус бўлиб уйгонган аёл тушгача милиция ходимига айланди-қолди.

Унвондор шахслар ўзларидан мамнун эканлигини сезган

Азамат Қоржов

Лобар совуққина оханғда деди:

—Мен буни ҳеч кимдан илтимос қилганим йўқ. Сизлар ўйлагандек, қамалишдан чўчимайман ҳам. Инсон қиёфасидаги иблислар ҳаётимни аллақачон барбод қилиб бўлишган. Россияга на қимор ўйнашга, на қотиллик мақсадида келганман. Тўғрисини айтсам, бир вакълар Шомил исмли кишига турмушга чиқиб, у дом-дараксиз йўқолгач, дала ҳовлисидағи дипломатии олиб кетгандим. Ичида бир юз йигирма минг доллар борлигини қўриб, ҳавои ҳавасларга берилдим. Пулнинг бир қисмини Анна Сергеевна деган аёл...

—О-о, Балерина! Қиморлар маликаси! Ҳақиқий "Қора қарта соҳибаси!" — хитоб қилди полковник. — У ҳақдаги маълумотлар касбим тақозосига кўра мени нафратлантириши шарт бўлсада, нима учундир севиниб кетаман.

Қамоқхона бошлиғи дўстига қовоқ уйиб қараб қўяркан, Лобар унинг мажбуран тоқат қилаётганини пайқади.

—Қисқаси, Анна Сергеевна бир қисмини, ўзим эса анчамунчасини сарфлаб қўйдим... Хуллас, юртимга борганимдан сўнг кўп ўтмай пулнинг чўғи пасайди. Шомилнинг тирик эканлиги, пулларини сўраши тушимга ҳам кирмаганди. Бу орада бошқа одамга турмушга чиқдим, ўглимиз дунёга келди...

—Исмини Парвиз деб эшиздим, шундайми? —жилмайди полковник. — Гўдак боши билан ачинарли қисмат соҳибига айланибди, бояқиш.

. —Ҳа. Уни аввал ўғирлаб кетишиди, кейин заҳарлашди, қўлимда жон берди... Жон берди, деб ўйлабмиз. Билсак, унга ўлик ҳолатга солувчи дори ичиришган экан. Кечқурун гўрини қазиб, боламни ҳушига келтиришган. Аммо мия фаолиятида нуқсон бор, дейишди. Италияда, Рим шифононасида ҳам даволатишган эмиш.

—Буларнинг барини биламиз, — деди полковник, —ҳозир у Россияда.

—Сиз қаердалигини аниқладингизми? Илтимос...

—Мен аниқламайман, — кескин бош чайқади полковник.

“Киң устидасы тақдур!”

Лекин уни топиш учун сизга шарт—шароит яратиб бераман. Биринчи галда қонун олдида жавобгарликдан кутулиб, бошқа қиёфа, бошқа номда Россияядан чиқиб кетасиз. Иккинчи навбатда Бирлашган Араб Амирликларида менинг номимдан қарта ўйнайсиз. Бу — одий қарта эмас, ўтган вақт мобайнида гувоҳ, бўлганингиз ўша — халқаро қимор! Асосий қиморбозлар арабларнинг ўзлари. Менимча, сиз ўзбек, рус, чечен, турк ва сицилияликларни ютгансиз, холос.

— Йўқ, мисрлик араб, америкалик қартабоз, умуман олганда, яна бир қанча миллат вакиллари ўйнашган. Қартада миллатга қарамайди.

— Нега? — ажабланди полковник. — Менимча, қартада, ҳатто, ирққа ҳам қарашади. Биласизми, мен доим негрларни додга қолдириб келганман. Японлар мен билан ҳар доим дуранг ўйнайдилар. Инглизларни, немисларни, истаган вақтимда ютишим мумкин, аммо арабларга дучор бўлсан, бор-будимдан айрилиш имконига турган гап. Ё ишонмаяпсизми?

— Сиз қартабоз эмас, фирт шовинистсиз, — деди Лобар.

Полковник Иволгин қизариб кулди, аммо бу қизиллик асло хижолат аломати эмас эди.

— Яхшиси, сиз билган нарсаларингиз ҳақида гапиринг, — деди у. — Шовинист эмиш!.. Нега унда негрларга қўшиб, ўзимизнинг европаликларни ҳам ютаману араблар ва японларга келганда, тишим ўтмайди?!

— Бу — қартани яхши тушунмаслигингиздан далолат.

— Ҳа, мен яхши тушунмайман. Ўттиз йилдан бери ўйнайман. Ота-бобомлар ҳам умрбод қарта сузиб яшашган: преферанс, покер, тегирмончи, дураки, вист. Шахсан мен йигирма хил қарта ўйинини биламан, бир кунда йигирма минг долларлаб ютган вақтларим бўлган. Лекин шундайм қип-қизил авом қартабозман. Хулоса шундай бўлади, шекилли. А?

Қамоқхона бошлиги қулочини ёзди.

— Келинглар, бир кўл ўйнаб кўринглар. Сиз, — дея у полковникка қаради, — жонимизни хавф-хатарга қўйиб,

Азамат Қоржковов

маҳбус аёлни панжара ортидан (яна денг, суддан аввал) чиқарип; ўрнига қиёфадошини ташлаб кетаяпсиз. Айтмоқчиманки, шунча саъй-ҳаракатлар қилганингизга яраша, жувон... Ҳе-ҳе... шу ёшгина хотин ютқазилган маблағни қайтариб олиб бероладими? Мен ишонмаяпман, ишонолмаяпман. Жиноятчи аёлларни кўравериб, кўзим пишиб кетган, бироқ "оқ юзли қора хоним" деб атаганингиз шу аёлни, очиги, машҳур қиморбоз, дея ҳазм қилиш қийин. Кўхликкина, истараси иссиқ, ёшгина ўзбек аёли экан.

Қаршиңгизда Лобар Осимованинг шахсан ўзи милиция кийимида ўтирибди. Қани, дўстим, қартани олинг. Ҳақиқатан, қиморбоз аёлни бир синаб кўрсак зарар қилмайди.

Қамоқхона бошлиги стол тортмасидан узун жигарранг қоғоз қути чиқарди. Худди шоколадникига ўхшарди. Полковник дарров қўл чўзиб, қартадонни ўз олдига сурдида, очаётуб:

—Шириналик қутичаси билан адаштириш ҳеч гап эмас, — деди. — Хўш, қаерда ишлаб чиқарилган экан? Ие, Испания маҳсулоти-ку, минг лаънат. Қачон қарама, испан қарталари менга омадсизлик келтиради. Шириналик қутисига ўхшатиб чиқарганларига ўлайми! Бунда заҳар бор, заҳар!

Кутида маҳсус ўнта қолипча бўлиб, ҳар бирига қимматбаҳо ялтироқ клёнка қопланган қарта дасталари жойлаштирилган эди. Ва ҳар бири нақшлари, ранги ва ҳаттоқи, ҳажми жиҳатидан ҳам фарқ қиласиди. Полковник Иволгиннинг кўзлари яшнаб кетди; дилхиралиги тез йўқолиши Лобарга ҳечам ёқмади.

—Мана буни қарта деса бўлади! Майли, омад юз ўтиrsa ҳам, шу қарталарда Людмила Михайлова билан куч синашаман.

Лобар янги ҳужжатдаги ўзининг сохта исм-фамилиясини эшишиб, мансабдор шахсларга бир-бир кўз ташлади. Ростданда у навбатдаги машмашадан хурсанд эмасди. Қамоқдан қутулиб, хорижга кетаётгани, буларни Ички ишлар

"Киа устидаси тақдир-!"

вазирлигининг одами уюштираётгани таскин беролмаётган эди. Лобар учун яна бир баҳтсизликнинг бошланиши эмасмикан?

—Узр, мен... — дедиу Лобар чайналиб қолди.

У нима демоқчи эди? "Мен қарта ўйнамасликка аҳд қилғанман, турк мафияси ва сицилияликлар мажбур этолмаганди, сиз — милиция кийимидағи иккиюзламачилар — нимаям қылолардингиз?" —дея олармиди? Унда қамоқхона ҳаммомига маҳбус либосида кириб, милиция қиёфасида чиқишига не важдан рози бўлди? Полковник Иволгиннинг шартлари ҳаммомдаёқ аён-ошкор этилди-ку!

—Нима, сиз? — сўради полковник.

Қамоқхона бошлиги эса еб қўйгудек тикилди. Лобар ичичидан азобланди: қиморни тарқ этган, покликка интилаётган Лобар билан яна қиморга қайтаётган, ҳунарини кўрсатиб қўйишни истаётган Лобар ҳаёт-мамот қурашини олиб борарди.

—Мен... қарта ўйнамасликка онт ичгандим.

—Сабаб?

—Қимор бутун ҳаётимни остин-устун қилиб юборди.

—Бундан чиқди, умрбод қамоқ жазосидан қутулиб, ўғлингиз билан хорижда ялло қилиб яшашингиз ҳам ҳаётингизнинг остин-устун бўлиши экан-да, а?! —қаттиқ-қаттиқ гапирди полковник. — Сизга қанчалик яхшилик қилаётганимни тушунмаяпсиз. Дунёдаги ҳамма қартабозларни ютиш кўлидан келадиган, элликка яқин қарта ўйинларининг устаси фарангি, гўзалликда ягона, ёш ва меҳрибон она... Яна нима десам экан?.. Маъбуда!.. Ҳа, ҳа, тирик маъбуда қолган умрини тўрт девор орасида чиритадими? Мен сизга айтсан, — у кўрсаткич бармоғини силтаб сўзлади, — "иш"ингизга тиркалган жиноятларнинг ярмидан кўпида айбингиз йўқ. Россиялик қиморбозларни қириб ташлашда, саккиз йил аввалги йирик қотилликларда, хусусан, ҳожатхона фарроши Ираю душанбелик Акмал деган кимсаларнинг ўлдирилишида ва яна қанча жиноятларда

шахсан қўлингиз йўқ. Ўлдим деганда, гувоҳсиз, шунчаки гувоҳ. Ҳаққига кўчганда, "Шомил империяси" содир этган бу жиноятларнинг айримларидан хабарингиз ҳам йўқ. Шунга қарамай, далилларни рад этолмайсиз, шўрингизга шўрва тўкилади.

Полковник гапираётганда, қамоқхона бошлиғи бир неча марта уф тортиб, гоҳ дўстига, гоҳ Лобарга қараб ўтириди. Кейин сигарет ёқар экан, пешанасини тириштириб, Лобардан сўради:

—Сизни жон-жон деб рози бўлади, дейишганди, ҳали қолиш ниятингиз ҳам борми?

—Формани кийиб олган-ку, ахир! — Иволгиннинг жаҳли чиқди. — Баҳона қиласяпти, холос.

Икки эркакнинг ўқрайиши Лобарнинг юрагига наштардек санчилди. Бир лаҳза кўзларини пирпиратиб ўтириди. Сўнгра нигоҳи полковникнинг юзида тўхтади.

—Ўғлим керак менга... Майли, аҳдимдан қайтганим бўлсин.

—У чеченларнинг қўлида эканлигини яширмайман. Қувонарлиси, болакай Россия ҳудудида эканлиги рост. Билиб кўйинг, истасам, юзлаб одамлар кеча-ю кундуз қидиришади уни.

—Аллақачон қидиришаяпти, деб ўйлагандим, — Лобар янада мунгайиб қаради полковника.

—"Шомил империяси" устидан "иш" кўзғатилади-ю, болани гаровга олишларидан кўз юмишадими? Албатта, қидирилалепти. Фақат айтмоқчиманки, мен билан кетиб, нима десам бажарсангиз, ўглингиз бошқача усулда қидирилади. Акс ҳолда мана шу қамоқхонадан суд залига кетасиз, қилган-қилмаган жиноятларингиз эвазига бўйингизга умрбод қамалиш деган буюк баҳтсизликни олиб қайтасиз. Тўғри, сизни тергов давридагидан бошқа камерага ўтказишади. Аммо нима фарқи бор? Оқ ит, қора ит — барибир ит. Дунёда тор камерада зерикиб жон таслим қилишдан ҳам аччиқ қисмат йўқ, айниқса, бу қисмат аёл кишининг

пешанаисига битилган бўлса!

— Полковник, — деди қамоқхона бошлиғи норози оҳангда, — аёл шартларингизни қабул қилисин, кейин гаплашаверасиз қамоқхона хусусида. Агар у ўз билганидан қолмаса, бу томошаларни йиғиштирайлик.

Лобар бош эгди. Дала ҳовли харобасида Шомилнинг қиёфадоши "иккимиз қўлга тушишимиз шарт, Шомил кўзлаган ишларини битириб олгач, бизни халос этади", деган эди. Бироқ уч ойдан бери улардан дарак йўқ...

“Полковник билан кетсам, Шомил катта қиморга қайтганимни эшитиб, ўғлимни қайтариб бермайди, —ўйлади Лобар. —Бу ерда қолсан нима бўлади?”

Полковник столни “тап” этиб уриб, ўрнидан турди.

— Гапни айлантирмай, сўнгги қарорингизни айтинг, Людмила Михайловна.

— Агар қиморга қайтганимни Шомил эшитса... —деб оғиз очди Лобар.

— Шомил йўқ, унақа одам бўлмаган ҳам! Шомил ролини қойилмақом ўйнаётган абллаҳларни бир бошдан йўқ қилиб келаяпмиз. Наҳотки, оддий ҳақиқатга ҳалиям имонингиз комил эмас?!

— Шундай, шундай, — маъқуллади қамоқхона бошлиғи, — Шомил ягона шахс эмас.

— Айтгандай, — давом этди полковник, — терговда сиздан Магомет Бачуров ҳақида ҳам сўрашдими? У афсонавий Шомил ролини “Оскар” оладиган даражада қойиллатиб ўйнаган. Сизни Маловер тўдасидан кутқариб, ҳатто, уйланиб ҳам олган. Эҳ, аёллар, аёллар! Та什қи кўринишга тупурсаларинг-чи, ахир! Наҳотки, кейинги Шомил бошқа одам эканлигини сезмагансиз?!

— Ҳақорат қилманг, мен Шомил деган одам битта эмас, деёлмайман. Собиқ эрим...

— Собиқ эрингиз Магомет Бачуров. Сиз билан Ўлик оролдан қайтган кимса эса Зиннур Баширов.

— Йўқ, — бўш келмади Лобар. — Шомил деган ягона шахс

йўқ деб тасаввур қилайлик, аммо жиноий тўда-чи?! Ахир, менга Шомил номидан шартни улар қўйган-ку!

— Қайси шарт?! Қани ўша шарт қўювчилар? Бизлар ҳам ҳазилакам одам эмас.

Лобар бошини чанглаб, туйқусдан оғир хаёлга толди.

— Кутишга вақтимиз йўқ, бошингизни кўтаринг, —деди полковник. — Хўш, манави қартани очамиз, кераксизларини чиқариб ташлаймиз... Аралаштирамиз... яна... ва яна...

Шу пайт қамоқхона бошлигининг столидаги аппаратдан аллақандай одам ташриф буюргани ҳақидаги овоз эшитилди.

— Бу ерга кирмасин, кутиб турсин, —деди бошлиқ. — Полковник Иволгиннинг ўзи чиқади.

Ҳаял ўтмай Иволгин кабинетга ҳаллослаб қайтиб кирди. Қўлида сариқ конверт бор эди.

— Уҳ, — деди стулга чўкиб, — бунисини ҳали-вери кутмаган эдим.

У семиз бармоқлари ила конвертни очиб, фотосуратни олди. Бир лаҳза қўзларини ола-кула қилиб тикилди, илжайди, тамшанди.

Лобар сергак тортди, илиқ бир туйғу оқимидан эриб, қовоғини оҳиста очди, киприклари конверт қадар кўтарилди.

— Нима у? — деб сўради Лобар галати овозда.

— Сиз уни танийсиз, — полковник суратни узатди. — Биз аввало шу аёлии тутишимиз керак.

Кулранг пальто кийган, бирмунча тўлишган, қошлари ингичка қилиб терилган Гулнозани, яъни Парвизнинг энагасини таниб Лобар сесканиб тушди. Жосус томонидан аёл йўлнинг нариги томонидан суратта туширилган бўлиб, кўчага қараганда, шубҳасиз, бу Россия шаҳарларидан бири эди.

— Уларнинг... уларнинг манзили аниқми? — шошиб сўради Лобар.

— Кўчаси аниқланган, —деди полковник. — Бугун менинида тунасангиз, эрталабгача хушхабар эшиласиз. Улар шу атрофда. Насиб этса, тез орада ўғлингиз билан дийдор кўришасиз.

"Құл устидағы тақдир-II"

"Шомил империяси"нинг куни битди. Ох, қидирав кутилмаганда ва ҳайрон қоларли даражада айнан бугун ўз натижасини беришини туш ҳам күрмагандим!

Лобар бир зум тек қотиб турди, сүнг полковникнинг таклифига рози эканлигини бош қимирлатиб тасдиқлади. Қамоқхона бошлиги дарров қартага имо қылган эди, полковник чаққонлик билан ҳаммага қарта сузди. Учови ҳам шошиларди, учови ҳам хурсанд әди.

"Қора қарта соқибаси" уч дона қартасини учта бармоқда босди, сүнг күрсаткыч бармогидаги қартаны Иволгин сари чертиб юборди. Иккала әркак ҳайрон бўлиб бир-бирига қарашди.

—Очиб кўринг, —деди Лобар полковникка, — қўлларингизда шундай қарталар жамланганки, биринчи қарта ташлашдаёқ иккалангиз ҳам расво бўласиз.

Полковник Иволгин туз-зотни қўтариб қўзларини чақчайтирди.

—Бу мўъжиза-ку, — дея елка қисди.

—Мўъжиза эмас, — деди Лобар, — Мадридча усулнинг гольф-уч варианти... Ҳа, дарвоқе, айнан шунаقا мот қилиш ўзбек қарта ўйинларидаги айнан "эшак ем" усулига ўхшашлигини мўъжиза деса бўлади.

Қамоқхона бошлиғи уларни зинапоятгача кузатиб қўйди. Лобар темир эшиклар бирин-кетин ортда қолаётганидан севинар, ҳеч қачон орқага қайтолмаслигини эса ўйламас әди. Унинг учун Москвадаги қамоқхона эшиги эмас, инсонийлик эшиклари ёпилиб борарди.

* * *

Ниҳоят, қамоқхонанинг сүнгги эшиги ҳам ёпилиб, кулфнинг шиқирлагани эшитилди. Полковник Иволгин Лобарга қараб ним кулимсираб қўйди-да, сал нарида кутиб турган икки йигитига ва машинасига имо қилди.

—Марҳамат, Лобархон, —деди у, сүнг қиморбоз аёлнинг ҳақиқий исмини тилга олганининг сабабини айтди: —Менинг

тавсиям билан сизга Людмила Михайлова деган сохта исм-фамилия берилмаган, бу ҳаммаси баҳтли тасодиф, унинг ўзи ердан чиққандек топилиб қолди ва мана ҳеч ким хитланмайдиган ҳудудда сизни ўз исмингиз билан атаяпман.

Йўлдан кесиб ўтишаётгандарида Лобар:

— Гапингизга тушунмаганимни тушундим, — деб полковникни бир оз ҳайрон қолдирди. — Бошқа исм-фамилия олишларинг керак эди, Людмилага ўхшамайман.

— Шуниси маъқул — полковник машина ёнида тўхтади. — Биз „Шомил империяси“ни яксон қилдик, кейин шахсан мен сизни қамоқдан қандай чиқариш ҳақида бош қотира бошладим. Ҳамма нарса пул билан ўлчамайди, айниқса, ҳали суди бўлмаган ва ҳибсхонада жуда эҳтиёткорлик билан сақланаётган хавфли жиноятчини озодликка чиқаришда! Бунинг учун каттакон ақл, тоғдай танишлар, баланд-баланд мансаблар керак... Яна бир марта марҳамат, биз шошилишимиз лозим, — дея машинага ўтиришга ундали.

У Лобарнинг ёнидан, орқа ўриндиқдан жой олгач, гапини давом эттириди:

— Шундай қилиб, каттакон ақл, тоғдай танишлар, баланд-баланд мансаблар ўз самарасини берди. Аммо бу ерда баҳтли тасодиф ҳам бор. Сизнинг қиёфадошингиз Людмила Михайлова ҳақида хабар топдими дарҳол уни "жиноят" устида ушлаттиридим. Яъниким ўн кило героин, тўппонча ва иккита граната топилди уйидан. Одамларим унинг "иши"ни остонаяга ҳам чиқаришмади. Нега? Ўзингиз гувоҳ бўлганингиздек бизнинг йўриғимизга юрди. Агар рад этганида, қамоқдан қайтиб чиқмасди.

— Энди қайтиб чиқадими ишқилиб?

— Ҳа, албатта. Суди (бу суд сизнинг бошингизга ўн чандон оғир бўлиб тушиши мумкин эди) осон кечади, камроқ айблар қўйилади,узоги билан икки-уч йил қайсиdir қамоқхонада егани олдида, емагани ортида, қийналмай яшайди, сўнг озодликка чиққанини кўпчилик билмай ҳам қолади. Ҳисоб рақамига қирқ минг доллар тушиши, ўйлайманки, уни

“Килемдеги мақдур” баҳти қилади.

—Бу томошалар сиздек полковникка нега керак? Йигирма беш миллион доллар ютқазганингиз учун мени қамоқдан чиқариб, нопок ўйинларга олиб кетаётганингизни айтаётганим йўқ. Йигирма беш миллион ютқазганингизга ишонмайман ҳам. Гап катта лавозимдаги ички ишлар ходимининг ифлос қиморга аралашиб юриши ҳақида. Аралашғанда ҳам шунчаки ишдан ташқарида эмас, ишни, мансабни, қонунни, қолаверса, бошқаларнинг ҳаётини назар-писанд қилмай юриши! Менимча, буларнинг бари ё аҳмоқлик, ё мафиянинг туғилиши! Ички ишлар вазирлигининг юқори мансабдаги ходимлари доялик қилган мафия! Ё алҳазар, бундай мафияни нима деб аташар экана? "Кизил мафия"ми?

—Аҳ, аҳ, аҳ... Нақадар пурмаъно нутқ! Худди газетадаги мақолалардан кўчирилганга ўхшайди. Лекин "қизил" деманг бизларни, бу — ёмон ҳақорат.

Лобар билардики, полковник жўяли жавоб бермайди. Шу боис юзини терс буриб, Москва кўчаларини кузатишни маъқул топди.

"Баҳти яшаш учун одамга кўп нарса керакмас, — ўйлади у, — соғлифи, оиласи, иши... Ва шу учовини мужассам қилган тинчлик-хотиржамлик. Ҳаммасини ўзим бой бердим. Ҳар гал пулларни эмас, ўзимни, яқинларимни қиморга тикиб ўйнаганимни кеч тушундим. Энди эса қўлимдан нима келади? Қиморни тарк этоламанми? Фурсат топиб қочиб кетишим мумкин? Ўғлим-чи? Кейин уни қандай топаман?..

Яна қарта ўйнайман... яна фалокатлар...

Шомил деган шаҳе аслида йўқ дейишиди. Қандайдир "Шомил империяси" деган гурӯҳ Шомил исмли афсонавий шахсни саҳнага чиқарармиш. Бу ролни ўйнаётган жиноятчининг вазифаси қиморбоз аёл тайёрлаш эмиш...Йўқ, буларга ишониш қийин. Ахир, Шомил қимордан кетишимни қанчалар истади. Наҳотки, буям бир кўзбўямачилик бўлса?! Қизиги, мен тўрмушга чиқсан Шомил Магамет Бачуров,

Азамат Қоржовов

Туркияда дуч келиб, Ўлик оролга борган Шомил Зиннур Баширов. Қандай қилиб?.. Ишонолмайман!.. Түгри, иккинчи эрим бўлмиш Шомил ва етти йилдан сўнг Туркияда кўрганим Шомил ўртасида фарқ бор эди: ташқи кўринишида, феъл-авторида, юриш-туришида. Бироқ нега шубҳаланмадим? Узоқ вақт учратмаган одамингизни кўрганингизда биринчи галда кўнгилдан нима кечади? Ўшамикан ё бошқамикан, деган хаёл. Ҳа, шубҳаланмаганимга сабаб, Шомилдаги ўзгаришлар ёши ўтиб бориш, тинимсиз яшириниб юриш, баҳтсизлик аломатлари эди. Етти йил ичida у яшаётган муҳит одамни жizzаки, қаҳри қаттиқ, айёр, ҳеч нарсадан тоймайдиган қилиб қўйиши тугул ундан-да баттар маҳлуққа айлантириши мумкин эди...

Нега "Шомил империяси" ҳақида Сицилия мафияси ҳеч вақо билмади? АҚШнинг Марказий Разведка Бошқармаси аҳмоқ экан-да аслида йўқ одамни ахтариб?! Менимча, буларнинг бари Шомилнинг полковник Иволгинга кўрсатаётган найранги бўлса ажабмас. Чунки дала ҳовли харобасида қиёфадоши қўлга олингач, милиция биладики, бу одам ҳақиқий Шомил эмас. "Шомил империяси" ва сохта шомиллар ўйлаб топилганига сабаб, ҳақиқий Шомилдан барчанинг эътиборини четга буриш бўлса-чи?

Нима бўлгандаям,,яна ютқазаяпмаң, катта хато қиласяпман. Эрталабгача ростдан ўғлим топилса, майли, ўлиб кетсан ҳам... Парвизронни юртга жўнатаману тақдиримни шу одамнинг ихтиёрига топшираман... Сўнгра у ёқда, Бирлашган Араб Амирликларида ғойиб бўламан. Англияга, Америкага, Пуэрто-Рикага... насиб этган мамлакатга! Ҳеч ким тополмайди, танишларимдан ҳеч ким қайтиб кўрмайди... Ким билади, эллик йилдан сўнг – ўлимим олдидан келарман. Эҳтимол, шарти кетиб, парти қолган саксон ёшли кампирни ўтмишдаги жиноятлари учун ёмон назар билан кутиб олишмас. Ўғлим Парвиз эса нафақага чиқаётган, соchlарига оқ оралаган одам бўлади. Мени таниш-танимаслиги бошқа масала. Уни сог-саломат бола-чақали, неварали инсон

“Қил устидаси тақдир-II”

қиёфасида учратишим ҳам бошқа масала. Асосийси... мен ўша... ҳозирги Парвизимни йўқотган бўлиб чиқаман. Бахтли болалигини қайтаролмайман! Унинг учун эмас, ўзим учун! Ҳа, ўзим учун!.. Ахир, Парвизни болажон ҳолида бағримга босгим, ўйнатгим, овқатлантиргим, эртак айтиб ухлатгим келаяпти. Унинг эркаланишлари, унинг қўнгироқдай овози, унинг кўзлари...”

Шу пайт машина катта кўчадаги светофорда тўхтаган ҳам эдики, аллақаёқдан жулдур кийинган ирkit бир нусха пайдо бўлди ва “тап” этиб ойнага уаркан:

—Хайр қил, ҳой бойвачча, — деб шангиллади.

Нафақат Лобар, ҳатто, Иволгин ҳам чўчиб тушди. Гадой ичиб олганга ўхшарди. Лекин итникидек кўзлари Лобарга шунчалар қаттиқ тикилдики, беихтиёр жувоннинг эти жимирилаб кетди.

Гадой такрорлади:

—Хайр қил, бойвачча...

Олд ўриндиқдаги йигит машинадан отилиб чиқди-да, гадойнинг елкасидан тутиб, тескари ўғирди ва орқасига ўхшатиб тепди.

—Сассиқ тaka! —деб сўкди қўшимчасига.

Тиланчи пиёнистанинг нимасидир Лобарнинг эътиборини тортгани боис, у кўз узмай ўтири: то машина юргунча ҳалиги кимса ўзини ўнглаб олди, бир нималар деган кўйи машинага ва яна айнан Лобарга ўқрайиб қаради.

—Ҳозирги гадойлар шу даражада сурбет бўлиб кетган, — деди полковник. — Қовун қовундан ранг олади, деган мақол бор ўзбекларда. Лобар, эшитгансиз-а? Жуда тўғри мақол. Ҳамма бир-бирига қараб яшайди, ўрганади. Масалан, ҳозиргина учраган гадойни ярим қароқчи десак бўлади. Афтидан у “Мерседес”да юрганимни кўриб, милиционерларнинг каттаси эканлигимни хаёлигаям келтирмади. Йўқса, қанчалик сурбет бўлмасин, яқинлашмасди. Бундай ярим қароқчиликни, шубҳасиз, Америкадан ўрганишган. Шунга мисол келтираяпман-да

мақолни.

— Ҳа, Иван Антонович, — маъқуллади олд ўриндиқдаги йигит, — шулар ҳам кинога тақлид қилишади. Бўлмаса Америкадаги гадойларни кўрмаган-ку. У ёққа боришга йўл бўлсин!

Полковник қўриқчисининг гапига диққат қилмади. Фикри-зикри Лобарда эди. Худди ошиқ ўз маъшуқасига сўзлагандек мароқ ва завқ билан деди:

— Америкага борганимда, ишдан кўра казиноларини кўп ўйлаганман, Лобархон. Қандай юмуш билан борганимнинг қизиги йўқ сизга, лекин қимор оламидаги илфорликни сўзлаб берсам оғзингиз очилиб қолади.

— Аксинча, — деди Лобар хаёлидан бояги гадойни қувиб солиб, Американи, хусусан, Нью-Йорк ва Лас-Вегасни кўз олдига келтиаркан, — мен АҚШнинг қимор оламидаги илгорлигидан нафратланаман, эшлишишниям истамайман. Менимча, "одам ўлдирилмаса, қизлар зўрланмаса, ўғирлик қилинмаса, бас" қабилидаги шиор остида яшаётган шаҳарларга ҳеч кимнинг ҳаваси келмайди. Қандайдир ўткинчи манфаатни деб умрбод алқаб юролмайсиз.

— Ким? Менми?

— Умуман-да.

— Сиз Америкага бормагансиз, шундайми?

— Шундай. Буни терговчининг маълумотларидан билиб олдингизми?

— Кўриниб турибдики, сиз ҳам Американи телевизор орқали биласиз. Газеталарда унда-бунда ўқиган бўлишингиз мумкин. Бироқ Американинг ҳавосидан нафас олмай туриб, қиморхоналарига кирмай туриб, нафратланишнинг нима кераги бор?! Эшлиб қўйинг, Лобархон, агар сиз Америкада яшаганингизда дунёдаги энг баҳтли ва бой... ва машхур... ва тенгсиз аёл бўлардингиз. Ўғлингизни бир эмас, иккита қўриқчи, сизни эса иккита эмас, тўртта қўриқчи қўриқлаб юради.

— Мен бунақа ҳаётга интилмаганман, — маҳзун ҳолда деди

Лобар. – Иирик қиморбоз бўлишни орзу қилганимда ватанимга қайтиб бормасдим. Қиморхона қуардим Европадами, Америкадами. Сиз айтгандек, тансоқчи-ю малайлар қуршовида юардим... Биласизми, бошқа нарсани истаган эдим, бутунлай бошқа нарсани. Эрим мени қиморга тикиб, ютқазиб қўйганидан сўнг юртимга эсон-омон қайтиб, ҳаётимни изга тушириб олишни! Аввалига кунларим осуда кечәётгандек туюлди. Кейин эса... барчаси учинчи эримнинг қиморга аралашиб қолиши билан яна қайтадан бошланди.

– У ютқаздими?

– Ҳа, бор-будимизни.

– Кейин-чи?

– Кейин ҳамма нарсамизни сотиб қиморбозлар сардориникига бордик. Улар мени масхаромуз қарши олишди. Гўё эри ютқазган миллионларнинг баҳридан кечинглар деб ялинади, йиглаб-ёлворади, ўзини ҳар кўйга солади деб ўйлашди. Ўшанда мен ниҳоятда дарғазаб эдим, ичим аламдан куярди. Лаънати пулларни ютқазиши эмас, учинчи эримнинг ҳам қимор ўйнаши жон-жонимдан ўтиб кетганди. Қимор мени баҳтиқаро қилди. Минг бир мўъжиза билан ҳаётимни изга тушириб, яна қайта турмуш қурсаму оддий ўқитувчи деб ўйлаганим ҳам қиморбоз бўлиб чиқса. Эй Тангри... У қиморбоз ҳам эмасди, пулларимни кўриб босар-тусарини билмай қолди.

Лобар чуқур уҳ тортди. Боягина у қамоқхона камерасидаги қаттиқ курсида ўтириб, негадир шуларни юзинчи марта хаёлидан ўтказган эди. Ҳеч қанча вақт ўтмай, милиция ходимаси либосида "Мерседес"нинг орқа ўриндиғида полковник билан ёнма-ён ўтириб, эски дардларини қўзғашини эса хаёлининг етти кўчасигаям келтирмаганди.

– Қизиқарли тарих, – деди полковник томоқ қириб, – ҳаяжонли нуқтасида узиб қўйманг-да, энди.

Лобар индамади. Полковник унга олайиб қаради:

– Гапиринг.

– Бор пулимизни бердик, – оғриниб давом этди Лобар. –

Улар санаб ҳам ўтиришмади. Ҳаммалари менинг келишимнинг ва эримнинг ёнида мардонавор чидаб туришимнинг сабабини билишни исташарди. Улардан мен билан ҳам ўйнамайсизларми, деб сўрадим. Иршайиб-тиршайиб, ўйинга шошилдилар. Ҳаш-паш дегунча эрим ютқазган пулларни қайтариб олдим. Сўнгра миллион-миллион сўмлар, ҳовлилар, машиналар, ҳатто, бир овсарнинг оиласини ҳам ютиб, барча қиморбозларни хонавайрон қилдим. Азбаройи ғазаб устида қартабозларни ана шу тариқа жазоладим.

—Қойил! —чапак чалди полковник.

Олд ўриндиқдаги йигитлар ҳам бош чайқаб қўйишиди.

—Бироқ бу ўйин қимматга тушди. "Қора қарта рақси"ни биладиган жодугар қартабоз мен эканлигим қиморбозларга ошкор бўлиб қолди. Дарагим аввал рус, кейин турк мафиясига етиб борди. Улар мендан қўғирчоқ-қиморбоз сифатида фойдаланишганини тергов ҳужжатларидан билсангиз керак.

—Намунча тергов-тергов демасангиз, — полковник аччиқ нарса еб қўйгандек афтини бужмайтирди. —Бундан бу ёқقا мени милиция полковниги эмас, қартабозлар полковниги деб билинг. Ҳа-ҳа-ҳа-а!..

Машина ичи Иволгиннинг беўхшов кулгусига тўлди.

—Америкада, — деди у кулгуси босилгач, — метродан чиққан заҳотим томдай келадиган негр иягимга банка тутди. Индамаса уриворай дейди. Сал нарида тўрт-беш ҳамтовофи қараб ўтиришибди. Ноилож банкага бир доллар ташладим. Бирон кимса, бирон полициячи мушугини пишт демайди унақа гадойларнинг. Айтмоқчиманки, ҳатто, тиланчиларда ҳам бир оз зўравонлик бўлса, кўпроқ пул ишлайди, аслида энг бечораҳол одам улар-ку. Энди, Лобархон, бу ғоямни қиморга кўчиринг. Қимор фақат қартани яхши билишдан иборат эмас! Унинг орқасида, энг аввало, зўравонлик ётади. Қиморнинг онаси — жиноят! Сиз қиморбоз бўлишни истамаган эдим, деб нолийсиз. Ахир, қандай қилиб сиздай

“Қиң устидаси тақдир-II”
устаси фарангни тинч қўйиб бўлади?! Мана, навбат менга келибди. Тўғри-да, бу ёқда озмунча нарса ютқазиб ўтирибманми?! Сиз арабларни боплаб ютиб берсангиз, ўзингизга яхши. Дарвоҳе, ҳақингизни олдиндан тўлайман. Қамоқдан чиқариб, ўғлингизни ҳам топиб беришим ҳаммаси эмас. Ҳисоб рақамингиз борми?.. Майли, янги очамиз.

—Баривир бу адолатдан эмас, —паст овозда сўзлади Лобар Москва манзарасига маъносиз тикилиб.

Машина торроқ кўчага кескин қайирилди.

—Баривир бошқаси сизни ўғирлар эди, —полковник Лобарнинг тиззасига қўлини қўйди. Шундоқ ҳам милиция ходимасининг калта юбкасида оёқларини қаерга бекитишни билмай келаётган жувон чўчиб тушди, Иволгиннинг қўлини олиб ташлади.

—Лобархон, сиз Нинани эслатаяпсиз, Худо ҳаққи.

—Ким у?

—“Кавказ асираси” — айёрона қулимсиради полковник.

Полковник эпчиллик билан Лобарни кучиб, лабларидан бўса олмоқчи бўлди, аммо жувон юзини қўча томон буришга улгурди: Иволгиннинг ароқ ва овқат сасиётган оғзи унинг яноғига ёпишди. Шу тобда Лобар эркакнинг ҳужумидан-да бир дўкон ёнидаги ахлат қутини титкилаётган гадойнинг машинага зидан қараб қўйишидан титраб кетди.

Бу гадой ҳозиргина светофорда учраган ирkit нусха эди.

* * *

Ҳаддидан ошган полковник кечки овқат маҳали устмагуст ароқ ичди. Хийла қизарип олгач, Лобарга деди:

—Нега овқат ейишингизнинг мазаси йўқ? Ичмаяпсиз?.. Нима, кошонам ёқмадими ё дастурхоним? Узр, мен сизга нималар ёқишини билмайман.

Лобар ўрнидан турди, сочиқни стол бурчагига ташлаб, бир оз тараддулланди, сўнг:

—Иван Антонович, — деди овозига қатъий тус бериб, — мени фоҳиша деб ўйласангиз юз фоиз янгишасиз. Тан

Азамат Коржковов оламан, менга қарталар жодуси ёпишган, ким билан үйнасам ютавераман. Аммо фаҳш касали...

—Биламан! —столни урди Иволгин. —Тушунаман! Битта ўпганимга, бир кечани менга бағишилашингизни сўраганимга фоҳиша бўлиб қолдингизми?! Қаердан келгансиз ўзи? Ойдан тушганимисиз?

—Хайрли тун, — Лобар ортиқ асабийлашмаслик учун полковникка ҳаром-ҳариш ишларнинг катта-кичиги бўлмаслигини тушунтиришни жоиз топмади. Ортидан уй соҳиби уят қилиқ қилганини қўл ҳаракати шовқинидан пайқади, қиё ҳам боқмай ётоқхонага равона бўлди.

Эртанги кунларда ўзини Бирлашган Араб Амирликларда даҳшатли қимор ўйинлари кутаётганини ўйлаб юраги увишди... Парвизни туш кўрди. Шомил ва ҳалиги гадой ҳам тушининг аллақаерларида бир кўриниб ўтишди.

—Лоба-а-р... Ло-о-ба-а-р!..

Кимдир чақираётганини эшитиб, кўзини очди-ю ҳарбий форма устидан бронжилет кийиб олган, иккинчи бронжилетни билагига осган полковникни кўрди. Соат миллари ярим кечани кўрсатиб турарди.

—Чеченлар болангизни яширган уйни аниқладик, —деди Иволгин. —Манавини кийимингиз устидан кийинг... Биз қаршилик қилди деган баҳонада уйдаги жиноятчиларни битта қолдирмай отиб ташлашни спецназга буюрдик. Мабодо ўғлингизнинг энагаси тириклиайн керак эмасми?

—Болам отишмада қоладими?! — Лобарнинг уйкуси очилди.
— Бундай қилмаслик керак! Бу хавфли!
— Махсус гуруҳда нўноқ йигитлар хизмат қилмайди.
— Мафия ҳам овсарлардан иборат эмас.
— Уйда кимлар борлигини биламиз-ку, ахир, — деди Иволгин ва бронжилетни Лобарнинг оёқ томонига қўйди.
— Кийининг, фурсат ганимат!

Лобар ётоқхонадан дарров чиқсан бўлса-да, ҳамон караҳт эди. Полковник уни етаклаб машинанинг орқа ўриндигига ўтқизганида, қўриқчилар қиморбоз аёл кечқурун роса отиб

“Киң устидаси тақдир-II”

олган шекилли, деб ўйлашиб.

Машина жилганидан сўнг полковник Лобарга саволомуз тикилди.

—Хўш, нима қилдик?

—Гулнозаними? Йўқ... Ҳеч кимни ўлдирманглар.

Иволгин томоқ қирди, тумшайди. У аслида жиноий гуруҳга алоқадор бирон кимсанинг тирик қолишини истамаётгани аён эди.

—Демак, у тириклийин керак, — деди полковник ўз-ўзига сўзлаётгандек. Ва бирдан рацияни оғзига тутди. — Аёлга тегманглар.

Манзилга яқинлашганлари сайин Лобарнинг юраги қиса бошлади. Бўзлаб излаганига етдим, деганда, ўқ ёмгирига қўйиб берадими? Аввал огоҳлантиришса, балки таслим бўлишар? Гаровга одам алмаштириш сўралса-чи?

—Улар билан гаплашмоқчиман, — деди Лобар. — Беғалва, тинч, фойдали йўл.

—Кераги йўқ. Эшик тақиллаган заҳоти ичкаридагилар қуролланиб бўлишади. Гаровдагиларни қутқариш операциясида аввал иштирок этганингизда, бунақа баҳслашиб ўтирасдингиз.

—Музокара...

—У ерда бутун бошли мактаб ўқувчилари-ю ўттизта террорчи ўтиргани йўқ. Йкки эркак ва бир аёл ўз ажалларини кутмоқда. Уларга нима демоқчисиз? Пулга кўнмайди, болангизни алмаштиrmайди. Савдолашиб ўтиришга ҳожат сезилмаяпти.

—Агар боламнинг бирон жойи тирналса, менга ҳеч нарсанинг қизиги қолмайди.

Полковник Лобарнинг биронжилетига разм солиб, негадир уриб кўрди.

—Парвизнинг бирон жойи тирналса, албатта, сиз билан бирга менга ҳам ҳеч нарсанинг қизиги қолмайди.

—Қиморбоз бўлганингиз учун ҳам ишонаман. Чунки араб қиморхоналарига боришим учун болам менга сог-саломат

кераклигини яхши биласиз.

— Биламан. Шу боис уни тезроқ қўлингизга тутқазмоқчиман. Модомики, араблардан пулларимни қайтариб олиш болангизнинг саломатлигига bogliq экан, демак, қиморга бой берилган пулларим билан ўғлингизнинг нархи teng тушаяпти.

— Ўглимнинг нархи йўқ.

— Икки миллион доллар, — деди Иволгин.

Лобар ўйланиб қолди. Машина манзил сари ўқдек учмоқда эди. "Иволгин ҳақиқатан мени тенгсиз қартабоз деб, шунча саъй-ҳаракат қилмоқда, — хаёлидан ўтказди Лобар. — Балки арабларнинг орасида "қора қарта рақси"га бас келоладиганлар бордир? Қимор ўйинларидаги қарта асосий ўринни эгаллаб турар экан, янги-янги усувлар кашф қилинаверади. Мен қизиқишдан ҳам, изланишдан ҳам тўхтаганман. Улар-чи?.. Катта-катта шаҳарлардаги юз минглаб доллар тикиладиган қарталарда иштирок этавериб, кун сайин кўзи пишиб бораётган қартабозларнинг қарта ҳақида ўйламайдиган куни бормикан? Айниқса, менинг келаётганимни эшитсалар, кавказча ўйинларимга қарши ўйнай оладиган қартабозни, албатта, топишади, энг ашаддийларни ҳам қайта тайёрлашади. Зўрдан зўр чиқади, деб бејиз айтишмаган. Ажалим ҳам қимор, кафаним ҳам! Бугун бўлмаса эртага бошимни ейди!.."

Полковник:

— Икки миллион ҳам катта пул, — деди. — Ё сиз қийматни йўқотиб қўйганмисиз? Чунки миллионлар орасида юрган одам ҳаётда юзлар, минғлар, ўн минглар қанчалар қадрли эканини теран ҳис этолмай қолади.

* * *

Дарвоқе, ярим кечаси шошилинч иш устида қиймат-пиймат ҳақида бош қотиришнинг мавриди эмас эди. Машина аллақайси светофордан ўнгга қайрилиб, маҳсус гуруҳ машинасига бир қарич қолганда тўхтади. Полковникни унчалик ёқтиромай кутиб олишгани Лобарни ҳушёр

“Қил устидағы тақдир-II”
торттырди. Иволгиннинг оддий ходим билан воқеа жойига бурнини суқиши ҳечам ярашмаётган эди.

—Сизлар шу ерда кутиб турсанғыз, айло иш бўларди-да, —деди махсус бўлинма бошлиғи.

—Бу ҳақда оғзингизни қимирлатиб овора бўлманг, —деди полковник.

Лобарнинг юраги орқага тортиб кетди. Гёё боласини жарроҳ столига ётқизиб қўйишибди, бир неча жарроҳ бараварига ишламоқчи. Гёё боласини тахтакачга банди этишган, жаллод савалашни бошламоқчи. Гёё боласи муштдеккина бўлиб милицияга қарши қурол кўтарди, даргазаб ходимлар унинг устига ташланмоқчи.

Беш қаватли уй тагидаги айвонли йўл орқали истироҳат майдончасига чиқиши ва ниқобли кишилар подъездлардан бирига шовқинсиз кириб, кўздан йўқолишганини кўрган Лобар беихтиёр:

—Авайланглар... Эҳтиёт қилинглар... — деб пицирлади.

Девор тагида бир нафас кутишди. Бирдан гумбурлаш эшитилди: улар иккинчи қаватга отилишди. Лобар қандай қилиб эшикка етиб борганини билмайди. Полда албастер кесаклари сочилиб ётар, ҳавода ачимсик тутун сузар эди. Йигитлар хоналар бўйлаб тентирашиб, афтидан бомба бор-йўқлигини текширишмоқда эди. Кенгроқ хонадаги диванга ястаниб ўтирган полковник сигарет тутиб, телевизор пультини босди. Тунги каналда ярим ялангоч жувонлар ўзларининг соглом, бўлиқ ва диркиллаган қоматларини намойиш этиб, нималардир демоқда эди, Лобарнинг қулогига бирон сўз кирмади. У, ҳаттоки, беркитиб ташланган айвончага ҳам қаради, лекин ҳеч қаерда Парвизни, энагасини ва мафияга алоқадор кимсаларни кўрмас эди.

—Ўтиринг, — деди полковник, — уйда ҳеч ким йўқ. Қаёққа гум бўлишганини тезда аниқлашади. Сиз, аввало, манави хатга эътибор беринг. Нималар ёзилган, ўзбекчани тушунмайман.

Лобар мактубга шошилинч кўз югуртирди: "Сизнинг

қамоқдан чиққанингизни эшитиб, янги уруш бошланганини тушундик. Энди ҳаммаси алғов-далғов бўлиб кетди. Шомилнинг режаларини бунчалар бузиб юборадиган киборлар қўлига тушишингизни кутмаган эдик, шу сабаб биз ҳам кутилмаган иш қилдик. Етти йил сизни унутамиз! Етти йил болангизни кўрмайсиз! Етти йил нима номаъқулчилик қилсангиз, виждонингизга ҳавола! Сукунат жангига бардошингиз етадими?"

Лобар хатни ўқиб бўлган эса-да, кўз узмай турарди. Махсус бўлинма бошлиғи сабрсизланиб, мактубни олди.

—Шомил ҳақида нимадир дейишиптими? — сўради у.

—Шомилнинг режаси ўзгарибди. Энди ҳеч кимнинг кўзига кўринмас эмиш.

—Шомил йўқ, деганман-ку мен! —чийиллади полковник.

Махсус бўлинма бошлиғи Иволгинга эътибор бермай яна сўради:

—Фақат Шомилми?

—Ўғлим, энагаси ва уларнинг қоровуллари ҳам. Хатда етти йил дейилган.

—Оббо, ҳали у сизнинг ўғлингизми?

Милиция ходимлари Лобарга "ялт" этиб қарашибди.

—Людмила Михайлова жабрдийда болаларни ўз фарзанди ўрнида кўради, — деди полковник. — Менимча, у Ўзбекистонда туғилгани билан ўзбекчани яхши билмайди. Шунинг учун бизнинг ходимга ҳайрон бўлмасдан хатни ҳақиқий таржимонга беринг.

Иволгин пультни бир четга улоқтириб, оёқقا турди. Лобарни ташқари эшикка бошларкан, кулди:

—Йўқ жиноятчига қўш бронжилет, Людмила...

Полковник зўраки жилмайди. Лобар бемаъни жилмайиш остида уйни нега дарров ташлаб кетаётгани ҳақида ўйлади. Минглаб чақиримдан келиб, ойлар давомида Парвизни изласа-ю, у яшаган уйдан шундоқ кетаверса? Ҳеч бўлмаса болажонининг дастрўмоли топилади-ку юзга босгали!

—Яна қаёққа? —деди полковник.

“Киң устидаси тақдир-II”

Аммо Лобар тентираб кийим ахтара бошлади. Жиноятчилар ортиқча ҳеч нарса қолдирмаганга ўшарди. Музлатгич ичини ҳам күрди бояқыш она.

—Ростдан ҳам бола ящаганлигидан далолат берувчи бирон нима топилмадими?! —асабий ҳолда сўради Лобар хона ўртасида тўхтаб.

—Манавини айтмаса... — дея йигитлардан бири пайпоқчани ирганиб ушлади. —Фу, қонми, шилимшиқми, нимадир теккан.

У ташлаб юборган эди, Лобар чопиб борди. Бу чиройли пайпоқча бўлиб, бир четига қон теккан экан. Лобар телбаларча ҳидлай бошлади. Айни дамда экспертиза ходимлари кириб келишди ва биринчи галда пайпоқчани олиб қўйишиди. Лобар ундан боласининг исини тополмай, атрофга жавдираб қаради.

Кетиш керак эди. Лобар боласининг ҳидини туймади, изйни кўрмади. Парвизнинг шу ерда ящаганига ишонибишонмай мунгли қиёфада полковник томон юрди. Кўнглида омонат саволлар туғилди: Шомил кузатиб юрибди, энди мен нима қиласай? Қайси бирига ишонай? Ким топиб беради боламни? Қим? Қим?

—Мабодо, —деб мурожаат этди маҳсус бўлинма бошлиги Лобарга, — бу ерда Шомилга мутлақо алоқаси йўқ бошқа жиноий гуруҳ ящагандек туюлмаяптими сизга?

Лобар унга жуда яқин борди: бронжилет бронжилетга тегди.

—Шомил борми? —ўксик товушда сўради аёл.

—Тўдами?

—Инсонни сўраяпман.

—Мен Шомил деганда тўдани тушунаман.

Полковникнинг тоқати тоқ бўлиб, Лобарнинг қўлидан силтаб тортди. Сўкинганча, аввал ўзининг, кейин Лобарнинг бронжилетини ечиб, полга ташлади.

—Сизнинг-ча, биз тўдага эмас, битта одамга қарши курашяпмизми? —деди бўлинма бошлиғи.

Азамат Коржковов

Лобар ҳеч нарса демади, полковник эса яширинча учинчи бармоғини күрсатди.

— Ҳа, битта одамга қарши курашаяпсан! — Зинадан тушаётганда Лобарнинг миясини қоқиб, қўлига берувчи тўқсонта гапни қалаштириди. — Бу ўзи ким? Оддий аскар қатори бўлса!.. Бало борми бунақа саволларга?! Буйруқни бажар, тамом-вассалом! Сиз эса, Лобар, ҳалиям мендан шубҳангиз бўлса, юзимга айтинг. "Шомил империяси"ни яксон қилдим! Яксон қилдим! Унинг қолган-қутган аъзолари беркиниб юрибди. Ва узоқقا боролмайди. Етти йил эмиш. Балки етти кунда қўлга туширарман. А, нима дедингиз? Ҳамма гап умидда! Умид — келажак меваси! Умидсиз ҳаёт йўқ. Одамлар марҳумларга умид қилганда, сиз бурнимиз тагидаги боладан умидингизни узасизми? Лобар, сўз бераман, жиноятчиларнинг куни битган ва улар эртаниндин ушланади. Муҳими, ҳеч қачон Россиядан чиқиб кетолмайдилар. Биласиз, Россия анча торайиб қолган. Ахтараман деган одамга Ватикандек гап... Дарвоқе, вақти соати келиб қиморбозлар мамлакати ҳам пайдо бўлади, худди диндорлар давлати каби...

Полковникнинг овози ўчгач, Лобарнинг йиглаётгани эшитилди. У кўзларини беркитиб, бошини янада эгди. Парвиз яшаган уйга борди-я! Сал қолди-я топишига!.. Демак, топиш мумкин экан. Етти йил кўрмайман, деб азият чекишига ҳожат йўқ. Топилади, нима бўлсаям топилади.

— Барибир аёлсиз-да, — деди Иволгин, — йиглајпиз. Йигласангиз ҳечам қиморбозга ўхшамайсиз. Сизни кўрганимдаёқ қартага заррача алоқаси йўқ, деб ўйлаган эдим.

— Энди нима қиласиз, Иван Антонович? — ҳиқиллади Лобар.

— Фақат олга, фақат олға! — муштини дўлайтириди Иволгин.

Лобар ортга қарашни истади. Мажозий маънодагина эмас, чиндан-да. Ва у хиёл ўрнидан туриб, ўгирилди. Чароғон Москва кўчасида ярим тунда ҳам машиналар аллақаёқларга шошилмоқда. Бири жуда яқин келиб, тўсатдан чапга бурилди.

“Қыл устидаси тақдир-II”

Ичидаги одамлар ойна томон оғдилар, сұнг бары бирданига ғойиб бўлди. Лобар кимга, нима учун қараётганини сўраб қолишлидан қўрқиб, шошиб ўтириди. Дуч келган машинадан ўғлини ахтараётганини кечроқ тушунди. Юрак талпинишидан ортда қолаётган эди бу аёл.

* * *

Тушга яқин уйғониб, хизматкор аёлдан қарта сўради.

— Қарта? — ажабланди хизматкор. — Сизга қарта керакми?

Бу уй полковник Иван Антонович Иволгинники.

— Мен-чи? — қовогини уйди Лобар. — Мен кимман?

— Меҳмонсиз десам сираям меҳмонга ўхшамаяпсиз.

Формангида қараб айтишим мумкинки...

— Формам ҳеч нарсани англатмайди.

Хизматкор аёл чўчинқиради. Қаршисида ким турганлигини яхшилаб кўриш учун синчиклаб тикилди.

— Балки қарта деганда бошқа нарсани назарда тутгандирсиз?

— Оддий қарта, ўйналадиган.

Шунда Лобарнинг хаёлидан "Иволгин махфий қиморбоз бўлса керақ", деган ўй ўтди. Мана, хизматкорининг у ҳақдаги тушунчаси. Учига чиқсан муттаҳамни ким деб ўйлаяпти!

— Узр, — деди Лобар, — сиздан бошқа ким бор уйда?

— Дарвоза ёнида йигитлар туришади.

Лобар нонушта қилаётисиб, қарта топилмаганига аллақандай ёқимли енгиллик ҳис этди. Бироқ бу узоққа чўзилмади: эшик очилиб, қимматбаҳо зарли қарталар қутисини кўтарган йигит кўринди.

— Қарта сўраган экансиз.

— Ҳа, шунаقا...

— Ўзингизни синаб кўрмоқчимисиз?

Лобар бош қимиirlатди.

— Унда мен сизни иккинчи қаватдаги журналхонада кутаман. Бемалол нонушта қилиб олинг, — йигит соатига кўз ташлади.

Лобар чор атрофига юмшоқ диванлар қўйилган ойнаванд

Азамат Қоржовов

столли хонага, кирганида, йигит инглизча китоб варақлаб ўтиради. Саҳифаларда қарта расмларини кўрган Лобар "эй, Худойим", деди ўзига-ўзи. Йигит яна соатига қаради.

—Етти дақиқада келдингиз, — жилмайди у.

Лобар диванга чўкиб, рақибиға менсимай нигоҳ ташлади. Йигирма беш ёшлардаги жингалаксоч, мовий кўз, яноқлари бўртиб чиққан, пешанаси ялтироқ йигит эди у.

—Етти дақиқада келишим сизга бирон нима англатдими?

— деди Лобар.

—Йўқ, мен тахмин қилгандим, холос.

Йигит эпчиллик билан қарта чийлай бошлади. Лобарнинг асаби бузилди. "Бунчалар бефаросат бўлмаса! —деди у. — Қартани савалаётганга ўхшайди. Ёқимсиз шовқинини қаранг! Эси жойидами ўзи?"

Йигит яна жилмайди.

—Масхарабозликни ҳам ўринлатар экансиз, — чақиб олди Лобар.

—Андрей, — деди у, — полковник Иволгинга жиянман, жуда узоқ жиян. Хўш, сиз-чи? Ҳарқалай ҳамкасб бўлмасангиз керак?

—Людмила, — сохта исмини айтди Лобар.

—Магистр, — деди Андрей.

—Тушунмадим?

—Лақабим Магистр демоқчиман. Сизники-чи?

—Меникими? Қимор оламидагисини сўрайапсизми?

—Ҳа, — Андрей шундай деб қарта аралаштиришга завқ-шавқ ила киришиб, гўё эллик иккита қартани кўксидан боши қадар гармондай чала бошлади.

—Лобар, — деди "қора қарта соҳибаси".

Андрей бақрайиб қолди, қарталари сочилиб, ёқимсиз шовқин тинди.

—Нима? Лобар? Қиморбозларни муқаррар ажалга гирифтор этувчи ёвуз аёл... тогамнинг уйида?!

Андрей кўзларини пирпиратди. Лобар девордаги соатга қаради.

“Күл устидаңи тақдир-II”

— Қанча вақт шу ҳолда ўтиromoқчисиз? Билишимча, вақт бүйича Магистрсиз, шекилли.

Андрей хушига келди ва төлефонини ахтара бошлади.

— Нима құлмоқчисиз? — сүради Лобар.

Иволгиннинг жияни телефон тутмачаларини босди.

— Бир дақықа... Тогамдан сўрашим керак.

Лобар телефонни юлқиб олиб, диван бурчагига ташлади. Қўли билан "ўтири" ишорасини қилди. Энди шўрлик жиян бояги йигитга асло ўхшамас эди.

— Мен ички ишлар ходими Людмила Михайловаман. Қаерда, қандай лавозимда ишлашим билан ишингиз бўлмаса керак, албатта... Лобардан жуда қўрқишиングизни билмаган эканман. Мен ҳам чўчийман. Рост! Ахир, у оддий қартабоз эмас. Чечен мафиясини қарталар билан фалати ва сирли усулда бошқарадиган афсунгар аёл. Буларни аввал ҳам эшитганмисиз?

— Эшитганман, Л...Людмила Михайлова.

— Қарталарни териб олинг, кутаяпман, — деди Лобар.

— Хўп, бажонидил.

Андрей қарталарни нари-бери чийлади-да, икки кишилик сузди.

— Нега сизни "Магистр" дейишади? — Лобар йигитга жўрттага тикилди.

Андрей инглизча китобга им қоқди.

— Сув қилиб ичиб олганман.

— Бу нима дегани?

— Беш юз хил қарта ўйинини биламан, — деди Андрей. — Мен билмаган ўйин тури йўқ ҳисоби. Ҳатто, келиб чиқиши тарихида ҳам беназирман. Тогам ҳазиллашиб: "Сенга орден бериш керак, қарталар бўйича буюк магистрлик даражасига етишибсан", дедилару лақабим Магистр бўлиб кетди.

— Сув қилиб ичганман деганингиз шуми?

— Сизнингча, осонми?

— Тушунмадингиз. Жуда кўп қарта турларини миридан-сиригача биладиган кишимисиз ёки шунча қарта ўйинида,

Азамат Қоржевов

шубҳасиз, ютадиганмисиз, деб сўраяпман.

—Ҳамиша ютиб бўладими?

—Тушунарли, ҳаммаси китобий экан. Қани бошланг-чи.

Андрей қарталарини ташлаган сайин мазаси кета бошлади.

У қоида ва усулларни анча яхши ўзлаштирган, тартиб ҳамда такрорийлик билан ўйнарди. Андрейга ўхшаган қартабозларни ҳеч қандай мураккаб усулсиз осонгина доғда қолдириш Лобарга чўт эмасди. Айниқса, қимор ўйинларида катта-катта дов тикилгач, аҳамиятини йўқотади-қўяди.

Бир соат ҳам ўйнамадилар. Андрей бирон марта ютолмади.

—Бошимни оғритиб нима қиласиз?! —деди Лобар ахийри.

—Бас, ундан кўра қарталар хусусида билганларингизни сўзлаб беринг. Мен қарта ўйнайман, холос. Уни ким ихтиро қилган, ватани қаер, оммавийлашиши ва бошқа-қашқалари ҳақида деярли билмайман.

Андрей мум тишлагандек бир нуқтага тикилиб қолди. Кейин юзини куч билан ишқалаб, ўзини орқароқ ташлади.

—Людмила Михайлова, тоғам сиз билан бир-икки қўл қарта ташлашим кераклигини тайинлағанида, ич-ичимдан суюндим. Жон-дилим хорижга чиқиши. Агар сизни ютсан, мени жазирама соҳил бўйлари кутар эди. Афсус, бало экансиз. Шу кайфият билан сизга қандай қилиб қарта тарихидан сафсата сотаман?!

—Билимингизни бошқа соҳага, масалан, шахмат ёки интернетга сарфлаганингизда, эҳтимол, ҳаётда кўп нарсага эришган бўлармидингиз? Қарта нима? Одам қартани ҳам илмий ўрганадими?

—Шуни айтинг, — уф тортди Андрей.

—Қарта аслида шайтон ўйини, ундан нарироқ юрганингиз маъкул. Хоҳлайсизми-йўқми, қартани билганингиздан сўнг ўз-ўзидан қиморхонага йўлингиз тушади. Измингиз қўлдан кетганини сезмай ҳам қоласиз.

Андрей хомуш ҳолда қулоқ солиб ўтирди. Мақсадга эришолмагач, жон-жаҳд ила қайтадан уриниш қасдида ёнаётгани кўзларидан сезилиб турарди.

“Қия үстіндеңи тақдир-II”

—Хеч қаерда ўқимаганмисиз? —Лобар синчков назар ташлаб, әхтиёткор савол берди. —Қартани унугиб, ишга жойлашсангиз...

—Тұғрисини айтинг, — Андрей туйқус бошини күтарди, — сиз ростдан Лобармисиз? Фақат мени алдашга уринманг. Тогам катта қиморда жавлон уриб юрганидан ҳабарим бор.

—Мен ҳақымда билиш сизге оғирлик қиласы, —деди Лобар. —Келинг, яхшиси, сиз ёқтирган бирон мавзуда гаплашиб үтірсак. Фикрларингизни билишни истаяпман.

—Мавзу... Албатта, қарта, қарта ва яна қарта.

—Қарта сизни хароб қиласы, Андрей.

—Бир күн келиб ютишимга ишонаман.

—Нимангизга ишонасиз?! —Лобарнинг асаби қўзида. — Куруқ тарихингизу ўйин қоидалари билан ҳеч вақога эришолмайсиз! Қарта — фирибгарнинг ўйини! Қарта — найранг ва очофатлик жазаваси! Тавба!.. Қимор сиз каби пўрим йигитчаларни ямламай ютвонади-ку, ахир.

—Билим барыбір иш беради.

—Ҳалокатга элтувчи "билим", албатта, иш беради! Бу биринчиidan. Иккинчиidan, сиздаги тушунчаларни билим деб бўлмайди. Шунчаки ишқибозлиқ! Масалан, ўзбеклар орасидаги ўйинлар бошқа ҳалқларда ҳам ўйналади, аммо битта қоида асосида минглаб хилларда ўйналишини биласизми? Аминманки, билмайсиз. "Гулчинор", "бешкўтарар", "ишонмадим", "йигирма бир", "сувара" ҳақида эшитмаган чиқарсиз?

—Номлари таржима қилинган бўлиши мумкин. Агар ўйин қоидаларини эслатсангиз, биздаги қайси ўйин эканлигини аниқлаб бераман. Ишончим комилки, уларга қарта ўйинлари бизлардан ўзлашган. Аниқроги, қамоқхоналар орқали. "Йигирма бир" деганингиз "21 очко" ўйини эмасми? Йигирма саккизта қартада ўйналади.

—Тұғри.

—"Гулчинор" ҳақидаям эшитганман. Қайси дир йили Ижевскда осиёлик ёлланма ишчиларни ютганман. "Гулчинор"

эллик иккита қартада ўйналади, топдимми?

—Ха, —деди Лобар, — бироқ битта нарсаны тан олинг. Сиз Пифагор жадвалини ёд олган мактаб боласисиз! Савдосотиқда жадвални билишнинг ўзи жудаям камлик қиласиди. Кўшиш, айриш, бўлиш; қаерга қанақа мол сотиш; кимга қандай муомала қилиш; қанча фойда олиш. Савдо — мураккаб жараён. Унга фақат Пифагор жадвали билан кириб бўлмайди.

—Керагинг йўқ демоқчимисиз?

Лобар ғолибона кулимсираб, Андрейнинг ёнига ўтирди. Йигит ёш жувоннинг чиройига маҳлиё бўлиб, беихтиёр ютинди.

—Андрюша, —шивирлади Лобар, — бир таклифим бор, айтганимни қиласизми? Қимордан ютган куним сизга нақд юз минг доллар бераман!

—Юз минг доллар?! Ёмон эмас! — деди Андрей.

—Ишонқирамай гапирайпсиз. Мендан шубҳангиз борми?

—Йўқ.

—Демак, айтганимни қиласиз? — деди Лобар.

—Аввал эшитай.

—Полковник Иволгинни яхши кўрасиз, унинг юзига оёқ босмайсиз, шундайми? Унга қарши иш айтсам, ҳеч қачон рози бўлмайсиз. Буям ҳақиқат! Лекин ҳеч қандай фитнага алоқаси бўлмаган иш буюрсаму полковнидан сир тутишни илтимос қилсан, кўлингиздан келадими?

—Жиноятми?

—Милиция полковнигининг жиянини жиноятга ундейманми?! Кўрқманг, сизга оддийгина мактуб ёзив бераман. Лекин почта орқали юбормайсиз, шахсан олиб борасиз. Эртага йўл пули топиб бераман. Минг доллар етар, а?

Андрей сергак тортди. Ажабланиб:

—Мени қаерга юбормоқчисиз? — деб сўради.

—Марказий Осиёга.

—Эртаклардаги каби хатда "мактуб олиб борган йигитни

"Киң устидасы тақдир-!"
үлдириб юбор" дәя ёзилмаган бўладими, ишқилиб?

—Аввал ўзингизга ўқитаман. У севги хати. Тагмаъноси—ю маҳсус рақамлари йўқ.

— Бироқ шу ишни қилишимга нега бунчалар ишонаяпсиз? Кўряпсиз, юз минг долларни эщитиб унчалик шайтонлаб қолганим йўқ.

—Мен "қора қарта рақси"ни биладиган дунёдаги иккита одамдан бириман. Сирли ва даҳшатли равишда ютиш усууларини гўримга олдиб кетмайман-ку. Истасангиз, қарта сирларини ўргатаман! Хатни манзилга элтиб берсангиз, учинчи "қора қарта соҳиби" сиз бўласиз.

Андрейнинг кўzlари олайиб кетди.

—Мен? Мен-а?! Бу бошқа гап!

Лобар қогоз-қалам сўради. Сўнгра шоша-пиша ёза бошлади: "Салом, Қувон. Бу —мен, Л.ман Танидингизми? Сизга битта телефон рақамини ёзаяпман. Шунга сим қоқсангиз, менинг телефон қилган-қилмаганимни айтади. Агар телефон қилиб, келишингизни сўраган бўлсам, илтимос, ўша уйга боринг. Сизга олис-олислардан бир ўтинчим бор. Ёлгиз суюнадиганим сизсиз! Фақат сизни дейман!.."

Лобар хатни буклаб, Андрейга узатди. Магистр кўзини қисиб қўйди-да, қарталарни қўлга фиди. У афсонавий "қора қарта рақси"ни ҳозирданоқ ўрганишни истарди.

Лобар эса Шомилни топиш йўлини каشف этганидан сархуш эди.

* * *

Мактуб ўз вақтида берилган экан, акс ҳолда баъзи бир муаммоларга дуч келинарди. Хусусан, полковник Иволгин туллаклик қилиб, Андрейдаги ўзгаришларни сезиб қўйди.

—Хўш, жиян, — деди у кечки овқат пайти, — бунча хурсандсан? Одам деган шармандаси чиққанда ҳам севинаверар экан-да?

—Бу шармандалик эмас, — кулимсиради Андрей Лобарга

Азамат Коржов

үүринча қараб күяркан, — аксинча, катта сабоқ. Түгрисини айтсам, умримда Людмила Михайловадек эпчил қартабозни күрганим йүқ. Тағин қартабоз деганимга хафа бўлманг, — Андрей энди "қора қарта соҳиби"га тик қаради, — милиция ходими эканлигинизни ҳеч ҳазм қилолмаяпман.

Лобар полковник Иволгиннинг синовчан боқаётганини сезиб, жиддий қиёфада деди:

—Тоғангиз мени милиционер дедими, демак, милиционерман. Мен билан қарта ўйнашингизга буйруқ бердими, демак, қартабозман. Униси бўлса, буниси бўлмайди деб ким айтди сизга?!

—Қойилман! —хитоб қилди Андрей.

Лобар ўзини овқат еяётган қилиб кўрсатди. Полковник қошифини қўйиб, нималарнидир ўйлаб олгач, тўнг овозда сўзлади:

—Пақ-пуқ милтиқдори, деган экан Эбеназер амаки. Мен нима дейман? Меҳмонимиз ростини айтди. Ўзингдан катта нима деса, шу бўласан.

—Тўғри, у мени ҳам бир нима деб атади, — Андрей эҳтиётсизлик билан Лобарга кўз қисди. —"Магистр" тахаллусини ахлат қутисига ташлайдиганга ўхшайман.

—У сени магистр деган шарафли номга нолойиқ сўтак деб атадими?

—Нималар деяпсиз, Иван Антонович, у...

—Эркакларга номуносиб гапларни бас қилсаларингиз, илтимос, —деди Лобар. —Мен ҳақимда игво қилишларини истамайман. Мумкин бўлса, Иван Антонович, сиздан кечаги иш юзасидан баъзи нарсаларни сўрасам.

—Ҳозир бунинг мавриди эмас, —полковник тиш ковлагични танлай бошлади. —Андрейга топшириғимни айтай, сўнг бафуржа гаплашамиз.

—Яна қандай топшириқ? —Андрейнинг кўзлари бежо ўйнади.

—Жиян, сенбоп иш чиқиб қолишини мен ҳам кутмагандим. Бу хонимга ютқизган бўлсанг-да, қарталар

“Қиң устидаси тақдир-II”

дунёсида ўзгача ўрнинг бор. Шубҳасиз, бугун бўлмаса, эртага фойданг тегади. Сени Новосибирскка юбормоқчиман. У ердаги касалхоналардан бирида (менимча, жарроҳлик бўлимида) Туркиядан келган бемор даволанаяпти. Топшириқ шуки, у қиморбозми, йўқми, шуни аниқлайсан. Қийин эмасми?

— Қийин эмас, лекин... тушунмаяпман, нима учун туркиялик бемор Новосибирскда даволанаяпти?

— Ақлингга сифмаяптими? Унда қулоқ сол; туркиялик беморнинг Новосибирскда даволаниши тиббий нуқтаи назардан ҳайрон қоларли эмас, бироқ бошқа нуқтаи назардан, масалан, қиморбозлар кўзи билан қарасанг, жудаем фалати.

— У қиморбозми? — қизиқсинди Лобар.

— Буни Андрей аниқлайди, — деди полковник мугомбирлик билан.

— Хўп, нима десаңгиз шу, — ноилож қўнди Андрей.

Кечки овқатдан сўнг, ҳатто телефон рақамини ҳам беришга улгурмаган Андрейни зудлик билан аэропортга жўнатишиди. Гарчи ваъда қилган минг долларни ҳам беролмаган бўлсада. Лобарнинг кўнглида барибир умид чироги ёниглигича қолди. Андрей Ўзбекистонга уч-тўрт кунда учади, Қувонга мактубни топширади, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай Лобар "оқ қарта соҳиби" билан телефонлашади ва Шомилни топиб беришни илтимос қиласди. Агар Қувон ҳам Шомил деган шахс йўқлигини, унинг қиёфасига кириб роль ўйнайдиган актёр — мафия мавжудлигини ахборот берса, тамом. Ўшандагина бу разилона ўйинларга ишонади!

Аммо Қувондан илк сўрайдигани Шомилни топиш хусусидаги илтимос эмас. У тўйи ҳақида сўрайди. Қувоннинг висол тўйи! Бир вақтлар Лобар "агар уйланса, тўйига албатта бораман, дунёдаги энг чиройли гулдаста совга қиласман, кимлигимни сўраган қишлоқ аҳлига тутинган опаси эканлигимни айтаман", деб хаёлидан ўтказганди. Тўйда қатнашиш насиб этмаган кўринади. Қувон уйланган, кўнгли

Азамат Қоржевов

сезаяпти. Йигит барибир Лобар ҳақыда онасига бир сүз деёлмас эди. Уч марта эрга теккан, фарзандли, чет элларда саёқ юрувчи қиморбоз, беш ёш катта аёл –мана шундай таърифдаги бұлажак келин ҳақыда әшитган заҳоти одамлар Кувондан юз ўғиришади. Жиззах халқи – ориятли халқ. Лобар тутул сал гапи чиққан қызга бирон йигит чалқашыб қолса, "үл-э йигит бўумай, шу қиздинг бир нимасига учганда, отангдинг бор бўйи.." деб сўкади. Керак бўлса, юзигаям айтади.

Лобар маҳзун кайфиятда полковникни хонасида кутар экан, Маъруф билан яшаб, то кавказликларнинг қўлига тушгунча қанчалар иболи-ҳаёли келин бўлғанлигини эслади. Бепарда гаплар сўйласа, эридан ҳам уяларди. Қизлик даврида-чи? Унинг қўлини ушлаган йигит бормиди?! Синфдошлар ҳозир Лобар қанчалик ўзгариб кетганига ишонолмай гаранг.

"Ўша дамлар қайтиб келса-ю Кувон билан тенгкур бўлиб қолсан, – орзулар уммонига чўмди Лобар. – Йўлларимга поёндоз тўшаб кутиб оларди мендек келинчакни улар – Кувоннинг қишлоқдошлари. Кичиклари чечка, катталари келин деб эъзозларди. Ва Кувон ҳеч қачон мени қиморга тикмасди! Биз каби "қора қарта рақси"ни ўрганган жодумонанд қартабозларни енгадиган киши дунёда бир киши – фақат Кувон эканлигини ҳеч ким билмайди. "Қора қарта" ўйинларини тарқатган чечен кампирининг синглиси қирқ йил давомида мусофиричиликда кун кечириб, "оқ қарта рақси"ни кашф этганидан Кувонгина хабардор бўлди, ўрганди. Бироқ у нега қиморбоз бўлиб кетмади? "Оқ қарта рақси" усулларини эзгулик кураши, деди кампир. Яъни қартабозлик иллатига қарши қарта ўйинлари! Тушунолмаяпман, қарта ўйинларининг ҳаммаси бир гўр эмасми? "Оқ қарта"ни ўрганган кимса, қараса, фақат ютаяпти. Шунда у дарҳол қиморбозлик йўлига кириб кетмайдими?

Балки ҳамма гап қартада эмасдир? Юраги тоза одам эрмакка ҳам қарта ўйнамайди, деб әшитганман. Кувон

“Қыл устидағы тақдир-II”

ёшлик ҳою хавасларига берилиб, қартани ўрганишга ўрганди, лекин қимор йўлига юрмади. Кўнглида кири йўқ инсон у! Мен эса аёл бошим билан "ўзимни кўрсатиб қўйдим", қаҳрамон бўлишни хоҳлаб қолдим, ўзимча қиморбозлардан қасос олдим. Аслида қимор оламида ғолиб инсон бўлмаслигини ўз вақтида англаб етмадим. Қиморда одамнинг устидан қимор ҳукмронлик қиласди. Ютиш ва ютқазиш алмашиниб келаверади, охир-оқибат қиморбоз аввало тинчлигини, кейин соғлиги ва оилавий баҳтини, сўнгра пулларини, энг ёмони, умрини елга совуриб юборганини билиб, ўкириб йифлайди. Қани, айтинг-чи, эй қиморбоз, шуларга ичинг ачимаган вақтинг бўлганми ҳеч?! Ютқазганингда, юрагинг зирқираб, "ўйнамаганимда эди..." дедингми, сенда ҳали инсонийлик бор. Кейин кеч бўлади... Ҳозироқ қимордан қайт! Қайтмасанг, мендек хору зор бўласан..."

Эшик очилиб, полковник кириб келганида, у оғир хаёллардан зўрга бош кўтарди. Лобар ўз фожиасини яхши биладиган, аммо чора тополмайдиган кишилар тоифасидан эканлигини Иволгин ҳам сезди.

—Ўғлингиздан ҳозирча дарак йўқ, —деди полковник Лобардан кўз узмаған ҳолда стулига ўтирас экан, —бунинг учун умидсизликка тушманг. Яқин-орада уни кўрасиз.

—Умид қиласман, —деди Лобар ва пайпоқчани эслади. — Экспертизадан пайпоқча ҳақида сўрадингизми, Иван Антонович?

—Сўраганда қандоқ. Қон юқи одамники эмас экан. Ахлат кутилар ҳам тинтиб чиқилганда, шу нарса маълум бўлибдики, улар товуқ сўйишган. Москвада, кўп қаватли уйлар ичida товуқ сўйиб, шўрва қилиш қанақа ёввойилик!

—Бизларда товуқ сўйиш одати бор.

—Одат? Нима бало, товуқ сўйиш ҳам одат бўлибдими?

—Ирим-сиirimлар билан боғлиқ.

—Қизиқ...

—Товуқ сўйиб, қон чиқарилади, қайнатма шўрvasи

Азамат Қоржовов

ицилади. Емон туш күрганда, алаҳсираганда, аждодлар руҳи билан гаплашилганда, шундай қилинади.

—Тасаввур қилаяпман, —деди Иволгин ғаладондан қарта қутисини олиб. —Осиёдағи урф-одатлар мисли бир роман.

—Маълумотим қидирудың асқотадими?

—Менимча, йўқ. Кимнингдир ёмон туш кўриб, товуқ сўйиши самарали натижа беролмайди. Аммо қачондир, қаердадир иш бериб қолиши мумкин. Мисол учун, улар тез-тез товуқ сўядиган бўлса, тирик товуқ сотиладиган барча нуқталарга пистирма кўямиз.

—Пайпоқда бошқа излар йўқмикан?

—Йўқ, янги пайпоқча экан.

—Боламга олинган, лекин у киймаган, — ўз-ўзига гапирди Лобар.

—Бир неча қўл қарта ўйнасан, — Иволгин қарта суза бошлади. —Сиз билан ўйнасан, енгил тортаман.

—Аксинча, менинг бошим оғрийди.

—Аҳ, бу жоду таъсири, —деди Иволгин. —Тағин сиз ҳам товуқ сўйидириб юрманг, ҳе-ҳе-ҳе-е...

Полковник шунчаки ҳазил қилган эди, лекин Лобар ток ургандай сапчиб тушди. Дарҳақиқат, "қора қарта рақси" жодусидан халос бўлишнинг йўлларидан бири эскича эмасмикан? Нафаси кучли эшонларга, азайимхонларга ўқитса, фолчига борса, товуқ сўйиб, баҳшига қоқтиrsa, бор имкониятларни қўлласа, ҳаёти бирдан ўзгариб кетар? Шундай одамларни кўрган: минг уринса ҳам ҳаётини изга сололмайди, аммо муллага ўқитса, тўсатдан енгилликларга эришади. Шунда Лобар Қоҳирадан Афина томон учәётиб, самолётда кўрган тушини эслади. У ҳажга борган эмиш. Шундай катта қартабоз аёл — ҳажда!..

—Мен бошлайми? —деди полковник.

Лобар юксак осмондан гўё "тап" этиб полковникнинг хонасига тушди, қўлида уч қарта, учаласи ҳам бўлмағур қарталар. Ва қаршисида қизарган эркакнинг ялтираган боши.

—Аралаштирганингизни кўрганим йўқ, —Лобар қарталарни

"Күл устидаең тақдур-Н"

тахлаб, бир четга суриб күйди, — "үлкік құл" атайин терилған.

—Шу құл билан ҳам ютолмайсизми? —иршайди полковник.

—Мен сөхрәрә эмасман. Ҳеч күрганмисиз, устомон мерған минг қадамдан тангани урганини?

—Күрганман. Ҳеч бўлмаса оптик мосламали милтиқ билан нишонга аниқ теккизган.

—Яхши, лекин ўша мерған оптик мосламали милтиқдан ўқ узган. Сиз эса мендан чўпон таёфида ўқ отишни сўраяпсиз.

Полковник қарталарни чийлаётганда, Лобар снайпер милтиғи ва турк мафиози Усмон ҳақида ўйлади. Тошқалъада у оғир яраланиб, Истанбулдаги касалхонага, реанимация бўлимига ётқизилған эди. Унинг кейинги тақдиридан Лобар бехабар. Агар Усмон оёққа туриб, ўзини "Б-200" милтигидан отганларини билса, суиқасд буюртмачиси ким эканлигини англайди. Ахир, "Б-200"ни Усмон Лобарга сотган эди. Дараҳтзорга жойлашиб олган снайпер ўшандада нафақат Усмонга, Тошқалъадан чиқиб келаётган турк, рус, араб ва европалик қиморбозларга ҳам ўқ узган, машинани ёндириб юборган. Усмон буюртмачи ҳақида оғиз очса, шимолий-шарқий Африкадан тортиб Сибиргача бўлган ҳудудда Лобарнинг ўнлаб душманлари пайдо бўлади. Улар энди Лобарнинг уста қартабозлигига қараб ўтирумайдилар. Шериклари қандай ўлим топган бўлса, айборларни ҳам камида шундай жазолайдилар.

Кейинги қўлда Лобар деди:

—Сиз иккинчи даражали уч пирамида усулида қарта суздингиз. Ердаги "зот" чиллик, демак, буржингиз тог эчкиси эканлигини ҳисобга олиб, ўн тўрт хил йўлда ҳужум қилишингиз мумкин. Қарта сузишингиздан маълум бўлдики, нари борса олти хилини қўллай оласиз. Менда "7 чиллик" бор. Ердаги "зот" чиллик эканлигини ҳисобга олсан, "7" ни ташлашим билан адойи тамомсиз.

Стол устига "7 чиллик" сас-садосиз тушиб, полковник иложсиз қолди.

—Майли, — деди у қўл силтаб, — сизга ютқазсам

Азamat Коржовот ютқазибман-да. Бироқ антиқа терминлар билан сўзлашингиз эриш туюлаяпти. Мабодо мени мазах қилаётганингиз йўқми аллақандай даражалару пирамидалар билан?

—Асло.

—Исботланг.

—Марҳамат, —Лобар қарталарни олиб, полковникнинг чийлашини кўрсатиб берди. —Бу нимаси, Иван Антонович, — деди танбех бераёттандек, — полковник одам шунақаям аралаштирадими?! Қўл ҳаракатларини кимдандир ўргангансиз, кўр-кўrona ўргангансиз. Мазмун-моҳиятини эса тушунмагансиз. Наҳотки, эшитмагансиз, қартани аралаштиришда ўз-ўзидан даражалар пайдо бўлади. Сиз ҳеч қачон қарталарни тенг даражаларга бўлолмайсиз. Яъни биринчи қисмда иккита "туз", иккита "етти", иккита "дама", иккинчи қисмда ҳам худди шундай бир хил қарталар. Чийландими, тамом, аралаш-қуралаш бўлиб кетади. Шундай қартани тенг иккига ажратиб санаб чиқсангиз, бир қисмида нисбатан кучлироқ қарталар тўпланиб қолганини кўрасиз. Худди шу қисми биринчи даража деб аталади, қолгани иккинчи даражади.

—Яхши. Кейин-чи?

—Ҳозир сиз нисбатан кучсизроқ қарталар тўпланган қисмини юқорига қўйиб, тарқатдингиз. Ҳар учта қартанинг янада кучсизроги сизга тушаверди.

—Бунга буржнинг нима алоқаси бор?

—Қолганини тушунмайсиз, ёшингиз ўтган. "Қора қарта рақси"ни ўрганган биронтаям кекса йўқ тарихда. Ҳамма бало ёшларга ёпишади.

—Хе, шунақами?! —полковникнинг оғзи бир томонга қийшайиб кетди.

—Афсуски, шунақа. Бу ўйинларингиз билан бутун Россияни ютқазиб қўйишингиз ҳеч гап эмас. Худога шукрки, Россия ўйинларга тикиладиган мамлакат эмас.

Иволгин сигарет ёқди, хузур қилиб шифтга пуфлаб, қаҳ-қаҳ уриб кулди.

"Киң устидаси тақдир-II"

— "Қора қарта" ҳақида әшитғанлар йиглаган, — деди Лобар.
 — Мен йиғлайманми? Мен-а?! Икки кундан сўнг Дубайга учамиз. Уларни йиғлатасиз, уларни!

* * *

Полковник Иволгин учун Дубайдаги энг ҳашаматли меҳмонхоналардан бирининг бешинчи қаватининг чап қаноти маҳсус ажратилган эди. Бу ер одатдагидек йўлак ва икки томондаги эшиклардан иборат эмас эди. Дастрлабки йўлакдан сўнг асосий эшиқдан кирилар, кийимхона, телевизорли хона, кенг хона, биринчи пешайвон, ҳовузли катта айвон, ётоқхоналар, ҳаммом — жами ўн икки хонали бўлим эди. Лобар Бирлашган Араб Амирликларнинг асосий аэропортига оёқ босгандәёқ апрель жазирамаси кўнглида кўп ноҳуш туйғуларни жунбушга келтирди. Араблар ҳам бошқа ҳалқлар каби ватан дарвозасига — аэропорт биносига баҳоли кудрат зеб берган эдилар.

Лобар "барча аэропортлар мени қиморхоналарга элтади", деб кўп ўйларди. Негадир меҳмонхонада ҳам ҳозир шуни хаёлидан ўтказиб ўтирганди, аҳмоқона кийинган полковник (зебра тусли калта иштон, расмли футболка, маймун тасвири туширилган кепкада) кириб келди.

— Кўриб қўйинг, — деди у фотосурат узатиб, — миллионларимни манави нусха ютиб олган. Шу одамни ҳам ютишингизга ишонаман. Келишган йигит-а?

Лобар суратга боқди-ю тахтадай қотиб қолди. Полковник Иволгинни чув туширган қиморбоз саудиялик Мұхаммад Ваҳбо эди. Тошқалъадаги қимор ўйинларига ўзгача ишонч ва такаббурлик ила ташриф буюрган, аммо Лобар ва Анна Сергеевнага рўпара келгач, "аёллар билан ҳеч қачон қарта ўйнамайман" деган араб қиморбози! Америкадаги казинолардан бирида қандайдир аёлга катта миқдорда пул ютқазганидан сўнг аёл зотидан чўчиб қолган эркак! Лобарнинг "қора қарта соҳибаси" эканлигини жуда яхши биладиган қартабоз!.. Ва ниҳоят, Амирликдаги маҳфий

қиморхоналар эгаси, мезбон!

— Нега өғзингиз очилиб қолди? — дарҳол сўради Иволгин.
— Балки аввал қаердадир учратгандирсиз?

Лобар бош силкиб, тасдиқлади ва суратни қайтариб бераркан:

— Бу одам Мұхаммад Ваҳбо, — деди ҳадиксираган товушда.

— Мұхаммад Ваҳбо... Түғри. Бироқ Европада уни Мамавата деб аташади. Энг ашаддий қиморбоз!.. Агар уни синдирысак, биз Европани ҳам забт этган бўламиш.

Лобар полковникнинг тук босган баданидан ижирғанди, дераза сари юриб, Дубай манзарасини томоша қилган бўлдида, деди:

— Мени бу ерга олиб келишдан олдин чуқурроқ ўйлаб кўриш лозим эди.

Полковник гоҳ суратга, гоҳ майкаю калта иштонга қарап экан, елкасини қисиб қўйди.

— Нимани чуқурроқ ўйлашим керак, Лобар?

— Мұхаммад Ваҳбонинг одатларини.

— Э, жин чалсин унинг одатларини! Худо-ё тавба! Нима экан дебман.

— Кўрқишига арзийди.

Иволгин тез юриб, Лобарнинг рўпарасида пайдо бўлди. Ичимлик анқиётган бу эркак кўзларини аланг-жаланг ўйнатди.

— Нега қўрқишига арзишини ҳозироқ тушунтиринг.

— Сизлар Мамавата деб атайдиган бу араб жуда мутаассиб шахс. Аёллар билан қарта ўйнамайди, юзма-юз ўтирамайди. Энди тушунгандирсиз?

— Ким? Мамавата аёлларга қарамас эканми? Ахир, унинг тўртта хотини бор. Мен полковник бўла туриб битта хотинни зўрфа бошқардим. Еди у!.. Эговлади умримни...

— Аёллар билан қарта ўйнамайди, деяпман.

— Шуни айтаман-да. Хотинлар сонини кўпайтирган, ишратхоналардан оёғи узилмайдиган уста қартабоз сиздек соҳибжамол билан ўйнамасинми?! Бе, қўйсангиз-чи

“Қыл үстідағы тақдир-II”

вахимани! Ўйнайди, ўйнамасдан ҳам иложи йўқ.

— Нега иложи йўқ? Ўйнамаганига гувоҳ бўлганман.

— Қаерда?

— Туркияда, — деди Лобар. — Тошқалъада.

— Биласизми, Мамавата одам қиёфасидаги тулки. У Европада ҳам, Америкада ҳам ўйнаган. Туркияда, мен сизга айтсам, нимадир ёқмаган, шу боис мусулмончиликни баҳона қилган. Эҳтимол, довруғингизни эшитиб, қўрққандир. Қолаверса, Балерина ҳам ўша ерда бўлган.

— У билан қачон, қаерда, кимлар иштироқида ўйнашни келишиб олмаганмисиз?

— Ҳарқалай ҳамроҳларим рўйхатини бермаганман.

— Мени кўрса феъли айнишидан огоҳлантиридим, кейин ўпкангиз ўзингизга сийлов.

Иволгин қисқагина кулди. Сўнг Лобарнинг елкасидан тутиб, ўзига қаратди.

— Сиздан ўпкаламайман, хоним, — деди тишланиб. — Агар ўйнашни истамаса, ўзингизни тортиқ қиласиз! Тушунарлимни?

— Ҳеч қачон...

— Мен тушунарлимни деб сўраяпман! Қаерда, кимнинг кўлида, қандай аҳволда турганингизни унутманг. Менсиз ўлимга маҳкумсиз!

— Фоҳиша эмасман!

— Қулоқ солинг. Агар Мамавата ўйнамаса, ҳар бир ўйин учун (билиб қўйинг, у иблисдан даре олган қиморбоз, камида икки кунда ютишингиз мумкин) ўзингизни бағишлийсиз. Қўлингиздан келса, бир ўтиришда юting. Бир марта уницида меҳмон бўласиз, холос. Нима, бу шунчалик қўрқинчлими?

— Кимга нима қўрқинчли эканлигини вақт кўрсатади, — деди Лобар. — Мени кўчада қолган аёл деб ўйласангиз, катта хато қиласиз. Бошқа исм-фамилия билан қамоқдан олиб чиқдим, ўғли ҳам менинг панжамда деб кўкрак кермоқчи бўлсангиз, шошилманг. Мен бу ҳақда шу кунлари кўп ўйладим. Ва ҷоҳда яшаётганимни англааб етдим.

Азамат Қоржовов

— Булар өштөрүүлүп көрүүдөрүнүү? — мәхмөнхона мебеллари Иволгиннинг кўзида акс этди.

— Қисматимни айтаяпман.

— Мен ҳам ҳақиқий маънони назарда тутаётганим йўқ. Ҳаётингиз ажойиб ва соз ўтмоқда. Эсимдан чиққанини қаранг, ҳисоб рақамингизга олдиндан пул кўчирмоқчи эдимку. Мундоқ эслатмайсиз ҳам.

— Ўз бошингизга ўзингиз етасиз. Федерал хавфсизлик хизмати барибири...

— Бўлди, бўлди! Миямни ачитманг. Индамасам, мени ҳам ҳоҳдаги банди демоқчимисиз. Айбларни енгиллаштириш, баъзида жиноятларни соқит қилиш, бир-икки йил қамалган бўлиб, озодликка чиқиш —сизнинг қисматингиз бўлиши мумкин, агар сохта ном остида яшашни хоҳламасангиз! Ҳайронман, ҳаёт йўлларингизда мени учратганингиздан ҳалиям норозисиз. Аввалги Лобарга айлантирадиган ҳам менман, бутунлай бошқа инсон қиёфасида янги ҳаёт берадиган ҳам менман.

Лобар алам билан тишини-тишига босди. Кўзларида ғазаб ўти чақнарди.

— Қарта ўйнасан ҳам, фаҳш йўлига кирмайман.

— Айтинг, унда нима қиласай?

— Муҳаммад Ваҳбо мени танимаслиги учун қиёфамни ўзгартиринг, — деди Лобар.

Иволгин кулди. Қўлларини калта иштони чўнтакларига солиб, у ёқ-бу ёқса юриб, гапирди:

— Сиз қиёфани ўзгартириш деганда чин маънони назарда тутаяпсизми? Майли. Истасангиз уриниб кўрамиз. Бироқ кимга айланишингизни биласизми?

— Албатта, биламан.

— Ўҳ, нақадар зукколик! Қани, эшитайлик.

— Йигитта.

* * *

Баҳор Лобар Осимовага бир-биридан қалтис ва таҳликали

“Қыл устидасың тақдир-II”

дамлар ҳада этиб, олисларга қочиб кетган эди. “Баҳор каби фасл бормикан ватанни эслатувчи, – хаёлидан ўтказди Лобар. – Ям-яшил бугдойзорлар орасыда қызғалдоқлар ял-ял ёнади, дала этагидаги бөг оппоқ.

Баҳор ҳидидан бошинг айланиб, дунёга сигмай кетасан. Чарақлаган қүёш... Арилар ғинғиллайди... Шаҳарда ҳам баҳор ўзгача бўлади. Самарқандликларнинг кўпчилиги йўл четларига гиолос экишади. Баҳорда маҳалла кўчаларини кезиш қандай яхши!.. Аммо бизнинг кўчада, светофорга етмасдан бир дўнглик бор... Харобазор!... Парвизжоним унда ўсуви шувоқларни истаган эди... Мозор ҳиди... Мозор...”

Лобар полковникка эргашиб меҳмонхонадан чиқар экан, кўз ўнгида Парвизнинг жон аччигида типирчилаши намоён бўлди. Бола заҳар таъсирида минг бир азобда тўлғанмоқда. Лобар уни кучиб, даҳшатдан тош қотган... Ва Парвиз онанинг кўйлагини жажжи қўллари билан ғижимлади, шундай маҳкам қисдики, беҳуш болакайни онадан ажратиб олиш осон кечмади...

Мана, Лобар меҳмонхонадан чиқиб бормоқда. Олдида полковник Иволгин деган аллақандай кимса ва икки йигити. Ҳаммалари ишонишади: Лобар ўғли учун қимор ўйнайди, ўғли учун араб қартабозларини ютади.

Шунда аёлнинг қалбida кутилмаган исён қўзғалиб, титраб, ҳатто, гандираклаб кетди. Олдиндагилар хурсанд. Улар қиморхонага бўрини итдай эргаштириб бораётган ит уриштирувчиларга ўхшайди. Итларни ғажиб ташлайдиган қудратли бўри бор уларда... Бўри!.. Бўри... Нақадар совуқ сўз! Ҳеч замонда бўри ҳам шафқат қилганми?!

Лобарнинг лабида илк марта ёвуз кулимсираш пайдо бўлди, илк марта барча ҳисларини ёвузлик туйғулари босиб кетди. Яна боласини ўйлади: “Парвизни қабрдан қазиб олиб, хушига келтиришлари мумкинми? Ахир, враchlар үнинг заҳарланганини аниқлаб, ўлим муқаррарлигини айтишган эди-ку! Қолаверса, болажонимни мендан ажратиб олишаётганида, фақат ўлган одамгина мана шундай қаттиқ

Азамат Қоржовов

қисимлаб, қотиб қолишини гапирган эдилар... Нега унинг тириклигига ишониб юрибман? Афсуски, болам ўлган. Ҳаёт эканлигига ишонтириб, турли томошаларни ўйлаб топишиди. Чечен кампирдан тортиб Шомилгача, турк мафиясидан тортиб россиялик жиноятчиларгача –барчаси менга қабиҳ ёлғон ишлатдилар. Мен – аҳмоқ, уни бу дунёдан ахтариб юрибман... Бу дунёдан болажонимнинг қотилларини топишим керак! Гўрида ҳам тинч қўймай, қазиб олган ва мурдани аллақаерга ташлаб юборган нокасларни топишим керак..."

Ташқари эшикка яқинлашдилар. Лобар беихтиёр сумкачасини пайпаслади. Назаридা, тўппончаси ҳамон ёнида эди. Агар ростдан-да қўлига қурол тушиб қолганидами, эҳтимол, манави учовини шу ердаёқ отиб ташлаган бўларди. Қанчалар мантиқсизликдир, аммо у ҳозир ўзини тутиб олиши даргумон; аввал ҳам тентаклиги тутиб нималар қўлмаган.

Машина эшик тагида кутарди. Лобарнинг димоғига бегона ўлка ҳиди урилиб, яна баҳорни эслади, юртининг баҳорини...

Полковник Иволгин дарҳол сезди: "қора қарта соҳибаси"нинг авзойи чатоқ.

–Нима бўлди? – сўради полковник гижинганини сездириб.

Унинг олайган қўзлари Лобарнинг алам ўтларига мой сепди.

–Ҳеч нима, – деди жувон. –Сизнингча, бирон нима бўлиши керакмиди?

–Алдаяпсиз.

Лобар унга ошкора нафрат билан боқди. Сўнг:

–Сайрга чиқаяпмизми? –деди. –Қани тўппонча?

–Тавба, қурол билан нима ишингиз бор?! –Иволгин ҳайронлигини яширмади. –Сизнинг қуролингиз қарта. Фақат қарта ҳақида ўйланг. Бу ёгини эса бизга қўйиб беринг.

Машина супермаркет ёнидаги автомобиллар сақлаш майдончасида тўхтади. Иволгин Лобарга мос келадиган эркаклар кийимини харид қилиш лозимлигини айтди.

–Мамавата Саудиядан қайтгунича, йигитлардек юриш-

“Қыл устидаси тақдир-II”

туришни ўрганиб оласиз, — деди у. — Қурол ишлатган одам йигитликни ҳам қотириб қўйса керак... Чекасизми?

— Йўқ.

— Ичасизми?

— Йўқ, — деди Лобар. — Нима бало, "идеал" ҳақида ўйлаб қолдингизми дейман?

Полковник сал наридан ўтиб кетган аёлларга кўз ташлаб:

— Худо ҳақи, булар ўрта осиёликлар, — деб лабини ялади.

— Арабча либослари ярашмабди. Кўрқаманки, сизга ҳам эркакча кийимлар мос тушмайди. Қоматингизни қаранг! Айниқса, кўзларингизни ҳеч қачон эркакча қилиб бўлмайди.

— Мен...

— Шошманг, сизга мўйлов ёпиширамиз, чандиқ қўямиз, кўзойнак тақамиз. Қарабисизки, Пётр алкаш бўласиз-қоласиз. У тинимсиз ичиб-чеккан.

— Иван Антонович...

— Шошмасангиз-чи! Пётр алкаш ҳам тарихда гирт қиморбоз ўтган. Негадир доим ғалати мўйлов қўйиб юрган. Кўзойнагидан шундай қараганки, рақиблари "Пётр қарта нақшлари ичидаги махфий иероглифларни ўқияпти" деб ҳадиксирашган. Ишонасизми, уни ютиш учун қартабозлар доим қарталарини бекитиб ўйнашга мажбур бўлишган.

— Дабл-ю Би-О, — деди Лобар.

— Нима?

— Инглизча сўз. Тағин бокс ҳақида гапирайпти, деб ўйламанг. Жаҳон қарта ўйинларида шунаقا ҳолат бор: қартани орқа томондан таниб олиш.

— Пётр алкаш ҳақиқий талант бўлган. Унинг ҳаётини сўзлаб берсам, оғзингиз очилиб қолади. Ўша вақтлари мен оддий милиция ходими эдим. Пётрни тутиш учун ойлаб сарсон бўлганмиз. Кейинчалик уни қамаш учун эмас, қарта сирларини ўрганиш мақсадида ахтара бошладим.

— Иван Антонович, мени ҳозир устозингиз қизиқтирмаляпти. Ҳеч қандай йигит қиёфасига кирмоқчи ҳам эмасман. Фикримдан қайтдим.

—Мен билан күчада жанжаллашманг, — деди полковник қаҳр билан. — Хоҳлайсизми, Россияга қайтиб кетамиз?.. Индамайсиз-а?.. Чунки сиз бошқа йўлдан юролмайсиз. Энг маъқул йўл — йигит қиёфасига кириб Мамавата билан қарта ўйнаш. Тўғри, мен Пётр алкаш бўласиз демоқчи эмасман. Унинг ўлиб кетганигаям йигирма беш йил бўлди. Шунчаки, мўйловли барно йигит қиёфасига кирасиз, холос.

* * *

Лобар эркакча қиёфасини кўзгу орқали кузатар экан, масхарабоздек ҳис этди ўзини. Аммо меҳмонхонага чақирилган хўппасемиз киши уни галати қиёфага киритди. Лобарнинг ўрнидан шунаقا одам пайдо бўлди: қалин мўйловли, катта кўзойнак таққан,mallасоч, шляпали, сал букчайиб юрадиган, чўлоқ; ёзги плашнинг ёқаси кўтарилиган, кўлларида бармоқ учлари чиқиб турган ёзги қўлқоп, ўнг қўлида ҳасса.

—Бу кийимдаги инсонга қўзи тушган амирликларнинг ичаги қотиб кулишлари мумкин, — деди хўппасемиз. — Бироқ сиз шундай феъл-автор касб этишингиз керакки, улар сизни руҳан соглом деб ўйламасин. Натижада, улар кулмайдилар ҳам, шубҳаланмайдилар ҳам.

Икки кун шаҳар айландилар. Учинчи куни эрталаб полковник деди:

—Мамавата ҳам икки кундан буён Дубайда экан. Ҳайронман, Саудия Арабистонидан қайтган куни у билан учрашишга ва қимор ўйналадиган жойни белгилаб олишга келишгандик. Негадир ўзини бошқача тутаяпти.

Лобар Муҳаммад Ваҳбонинг анойилардан эмаслигини яхши тушуниб, ўйга толди. Аслида бу араб уни чўчитмаётган эди (ички бир туйғу Лобарни Муҳаммад Ваҳбо устидан ғалаба қозонишга ишонтириб қўйган). Ҳозир "қора қарта соҳибаси" ўглининг мурдаси ёвуз кучлар қўлида эрмак бўлганинингина ўйламоқда. Мамаватани ютганидан не наф? Пул қанчалар ифлос қоғоз эканлигига Лобар минг марта амин бўлган.

Башарти, энди жувонга пулнинг кераги йўқ. Углингни топиб бераман, деган навбатдаги қаллобга нега осонгина чув тушиб ўтирганига ҳайрон. "Шунча вақт бир хил ёлгонга алдандим, энди ўғлимни менга кўрсат, кейин истаган қартабозингни ютиб бераман", деса бўлмасми? Парвизнинг суратлари фотоколлаждир? "Боқقا кирсам, майлими..." шеърини энагаси мудҳиш воқеалардан илгари ёзиб олгандир? Ахир, беш яшар бола учун бу шеър ниҳоятда енгиллик қиласди... "Қамоқда умрим ўтади, деб эзилган чогимда бирдан бу ишлар чиқиб, босар-тусаримни билмай қолдим", деб ўйлади Лобар ва оғир уф тортди.

— Биз барибир ютамиз, — полковник илжайди. — Юринг, унинг қиморхонасини бир томоша қиласлик. Ўзининг таклифи бу.

— Гаплашдингизми?

— Кўнгироқ қиласди.

— Орқамиздан одам қўйган. Менинг ўрнимда телба эркак пайдо бўлганини билгач, ўйиндан аввал чақириб, нима гаплигини билмоқчи. У жуда эҳтиёткор.

Иволгин қўл силтаб, дёди:

— Балки кузатиб юргандир. Лекин мен оғзимни очиб ўтирибманми?! Икки кундан бери циркда эканлигини аниқладим.

— Циркда? — Лобар ишонқирамай сўради.

— Ҳа, циркда. Дубайга Дэвид Гурген деган фокусчи— иллюзионист келган. Томошлари ҳозирда бутун Европани лол қолдирмоқда. Мана, унинг Осиё бўйлаб юриши бошланди. Айтишларича, Копперфильддан-да кучли эмиш. Мамавата ҳеч қачон кўзбойлагичларнинг муҳлиси бўлмаган, нега танда қўйиб қолдийкан-а?

— Бу ерда бир сир бор, — деди Лобар.

— Кетдик, яхшиси, унинг саройини кўрамиз. Аввалги ўйинлар Абу-Дабида бўлганди. Айб фақат испан қарталарида эмас, испанча мебелларда ҳам эди.

Полковникнинг вафир-вуғури остида улар Муҳаммад

Азамат Коржовов

Ваҳбо салтанатига йўл олишди. Қиморхона денгиздан икки чақирим наридаги ресторон орқасида эди. Туташ бинолар ҳақида ҳар ким ўзича хаёл қиласди, аммо кўпчилик ресторон оптида йирик қимор ўйинлари бўлишини тасаввур этмаса керак.

Россияликларни араб қиморбозининг узун бўйли икки вакили кутиб олиб, хўжайин қароргоҳи сари бошлади. Оёгига юпқа тахтача боғлангани боис Лобар оқсоқликни маромига келтирди. Бироқ Мұҳаммад Ваҳбо ўрнидан турган заҳоти шундай деди:

—Мен, араб, турк, рус, инглиз тилларини биламан. Бу ёлгон эмас! Менга нисбатан ёлгон ишлатганлар эса, агар у меҳмон бўлсаям, фақат битта жазога — ўлим жазосига лойиқдир.

—Агар у россиялик бўлса ҳамми? —сўради полковник Иволгин.

—Агар у ўзбекистонлик бўлса ҳам, — деди Мұҳаммад Ваҳбо.

Иккови бир-бирига мийигида кулимсираш билан шундай синовчан тикилиб қолишидик, Лобар илк лаҳзалардаёқ имтиҳондан ўтолмаганини тушунди. Эркаклар қирпичноқ бўладиган даражада эмас эдилар, кулимсираган ҳолда кўришдилар. Навбат Лобарга келгач, Мұҳаммад Ваҳбо қўл узатмади.

—Бу ерда кўраман деб ўйламагандим, — деди қулочини ёзиб. —Балерина ҳақида кўп эшитганман, аммо сизни Туркияда илк бор танидим. Аёллар орасидан чиқсан қартабоз-жодугарлар бизнинг асримизга ярашар экан. Қасам ичаманки, сиз Осиёда ягонасиз.

Лобар полковникка қаради. Улар Мұҳаммад Ваҳбони эркакча қиёфага ишонтира олсалар, овозидан йигит эмаслигини билиб қўймаслиги учун соқовликни баҳона қилмоқчи эдилар. Найранг ўтмади, соқовликка ҳожат қолмади. Полковник "илож қанча" дегандек кифт учирди.

—Нега ягона бўлар эканман? —деди Лобар араб қиморбозига. —Сизнинг Арабистонингизда ёки Корея,

“Қиl устидаси тақдир-II”

Япония томонларда қартани яхши биладиган аёллар йўқ деб ўйлайсизми?! Бор, фақат улар бунақа катта қимор ўйинларига аралашиб қолишмаган, холос.

—Йўғ-е, бу бошқа масала-ку, — илжайди Мұҳаммад Ваҳбо ва Лобарга яқинлашиб, соxта мўйловини секин кўчириб олди. Аёл қизармади ҳам, саросимага тушмади ҳам; кўзойнагини ўзи ечиб қўйди.

Полковник Иволгин чапак чалиб, араб қиморбозига хушомад қилди:

—Браво, жаноб Мамавата! Зийраклигингизни бир синаб кўрмоқчи эдим. Ҳеч ўзгармайсиз-а?!

Шундан сўнг мезбон уларни ўтиришга таклиф этди. Албатта, суҳбат қиёфа масаласидан бошланди.

—Бу аҳмоқчилик кимдан чиқди? —Мұҳаммад Ваҳбо иккала рақибиға ҳам қарамай, бармоғидаги узукни ўйнаб сўради.

Полковник бир қимирлаб олғач:

—Менга қаранг, Мамавата, — деди, — бўладиган ишдан гаплашайлик. Ўзингизга ортиқча бино қўймасдан эркакча гапни айтинг, Лобар билан ўйнайсизми?

—Аввал саволимнинг жавобини топайлик, қўмондон.

—Лобар билан ўйнаш сизни даҳшатга солишини эшитиб, бошқа таклиф билан келмоқчи эдим, аммо хонимимиз маъқулламади. Кейин биз қиёфа ўзгартиришни хоҳладик.

—Бу суюқасд билан баравар эканини мендан яхши биласиз, полковник. Лобарга келсак, — шундай дея қиморбоз аёлга беписанд қараб қўйди, — у аёл зотидан чиқсан қартабоз, ҳеч қаҷон бунақаларга илтифот қилмайман.

—Кўйсানгиз-чи, Мамавата.

—Аёл ҳам қиморбозлик қиладими?! —тутақиб кетди араб.

Полковник ҳам асабийлашгани боис қўлларини чалиштириб, қизариб-бўзариб, деди:

—Хўп, сиз ҳақсиз! Билдик, жуда "принцип" одами экансиз! Агар ҳамма нарсага сиз каби ёндашадиган бўлсак, бизнинг қимор ўйнашимиз ҳам фирт жиноятдир. Аёл ҳам қимор ўйнайдими деб ҳайрон бўляяпсиз, нима, эркак қимор

ўйнаса, мумкинми? Ҳеч қачон ҳеч кимга қиморбозликка ижозат этилмаган. Биз, ўзимиз, шу йўлни танладик. Аёлнинг қиморга қўл уриши ҳам худди эркакники каби бир жиноят.

—Астагфурулло, — деб Мұҳаммад Ваҳбо игитларига қиё боққан эди, улар полковник рус тилида жудаям антиқа гап айтганига амин бўлишиб, ўзларича унсиз кулдилар. —Ва яна бир марта астагфурулло, —мазах оҳангиде деди араб. —Аёл билан эркак тенг, тейди сизга ўхшаган европаликлар Лекин тенглаштириб бўлмайди, полковник, фалсафандиз қаттиқ янгишга асосланган. Битта мисол, менинг хотинларим тўртта, аммо қайси аёлнинг тўртта эри бор?!

Полковник Лобарга имо қилиб:

—Бунинг, — деди.

Лобар ҳам, Мұҳаммад Ваҳбо ҳам сесканиб олиши.

—Т-туш... унмадим... — Лобар Иволгинга бир алфозда мурожаат этди.

—Биринчи эри ўлган, тўғри, — деди полковник. —Иккинчи, учинчи, тўртинчи, бешинчилари эса ҳаёт. Магомет, Абдулла, Зиннур, Кувон...

—Бас! — ўрнидан турди Лобар.

—Бир аёлнинг бир неча марта эрга чиқишини айтаётганим ўқ, жаноб Мамавата, — полковник Иволгин гапини бўлиб қўйишларидан чўчиб, шошиб ва бақириб сўзлади. —Айни вақтда тўртта эр бир-бири билан бемалол мулоқотда бўлишган.

Лобар уф тортди. Мұҳаммад Ваҳбо нималарни дир мушоҳада қилиб кўрди. Лобар эса тишларини фижирлатиб, ниҳоятда аразлаган ҳолда терс қараб туради. Ҳозир у хўрлик ва ҳақоратлар сабр косасидан аллақачон тошиб чиққанини ўйларди. Шу гапларсиз ҳам ўғлини топиб бераман деб сурбетлик қилганлари учун барча қиморбозлардан нафратланиб улгурган эди. Лобарнинг қасос ўтида ёна бошлаганини айни дамда биронтаси сезмади. Мұҳаммад Ваҳбо соҳибжамол қартабоз жувоннинг аҳволи-руҳиясини эркак қиёфасининг фош бўлиши-ю, аччиқ гаплар эшитишга

“Қыл устидаси тақдир-II”

мажбур бүлганига йўйди, шекилли, кўзлар порлаб:

—Аввал ўйлаб, кейин нофора қоқиш керак, — деди. — Э́й кийимини кийиш осон, ечиш эса... қийин. Мана, қанча аёллар эркакча русумда кийинмоқдалар. Аёл билан ўйнамайман деган аҳдим аҳд. Бироқ ноумид чиқиб кетмайсиз, Лобар. Худди полковник каби мен ҳам ўйинга одамимни тушираман.

Иволгин қиморхона соҳибига қаради.

—Ўйин бўлади! —тантанавор эълон қилди араб. — Миллионлар тикилади!.. Бироқ йирик қимор корчалонларига хизмат қилиб, доимо ошиги олчи бўлиб келаётган Лобар Дубайда, худди шу саройимда ўз фаолият чқунлайди. Бу башорат эмас, фолбинликдан Оллоҳ ас... ин! Бу —кафолат! Юз фоизлик кафолат!

—Энди ўзингизга келдингиз, — деди полковни қирибига қўл чўзиб. —Демак, шартлашдик! Иккимиз томондан ҳам фақат ашаддийлар ўйнайди.

—Келишдик, — деди Мұҳаммад Ваҳбо Лобарга еб қўйгудек қараб қўяркан.

* * *

Ўйин кечки овқатдан сўнг бошланди. Лобар киёимларини алмаштириб олган, енгли узун қўйлак ва мусулм аёллари ўрайдиган оқ ҳарир рўмолда алланеччк салоб т билан Иволгиннинг ёнида ўтиради. Яшил дулоба тўшалган стол усти топ-тоза.

Қиморбознинг етиб келгани ҳақида хабар беришгач, Мұҳаммад Ваҳбо қарта олиб келишларини буюрди. Сўнгра Лобарга серчил нигоҳ қадаб:

—“Қора қарта рақси”нинг моҳияти нимада? деб сўради.

—Минглаб ипларнинг битта учини топишда, — жавоб берди Лобар.

—Эронча ўйинлар билан ўхшашми?

—Илтимос, сўроққа тутилмасиң теди полковник. —Бу сафар ҳам озмунча пул тикаётганим йў.

Араб қиморбози эътиroz билдири:

—Асло сўроқ қилаётганим йўқ, хотиингиз жам бўлсин. Лобар биладиган усусларни оғзаки ўрганишнинг иложи бўлганида, қачонлардир ўзингиз ҳам тенгсиз қартабозга айланардингиз.

—Сизга ишониб бўладими?! —кесатди Иволгин терлаган бошини силаб.

Бироқ Муҳаммад Ваҳбо барибир чидаб ўтиrolмади.

—Аёллардан устозим бўлишни ҳеч қачон истамайман! Фақат билмоқчиман: кавказча ўйин билан эронча ўйиннинг умумий фарқлари нималарда. Агар қиморбозим эронча қарта вакили деган хаёлда бўлсангиз, адашибисиз. Мен бугун Ҳабаш лақабли қартабозни чақирганман. Унга эронча-ю кавказча ўйинлар бир пул. Қанақа ўйин кўрсатишни ҳозир биласиз.

Эшиқдан ўтгиз-ўтгиз беш ёшлардаги узун бўйли, қотма эркак кириб келди. Ҳавони дарров дори ҳиди тутди. Лобарни ҳайрон қолдириб, у ҳеч ким билан саломлашмади. Косасига ботиб кетган биткўзларининг бири юмуқ эди.

Муҳаммад Ваҳбонинг ёнига ўтиргач, соғ кўзи Лобарга тикилди. Бирон марта пирпирамади.

—Бошладик, — деди Муҳаммад Ваҳбо очилган қартани ўртага суриб, — Ким "қирол-қарға"ни топса, ўша биринчи бўлиб сузади.

Лобар бирини олди: "етти-таппон" чиқди. Ҳабаш эса индамай ўтираверди.

—Олсанг-чи, Ҳабаш, — туртди Муҳаммад Ваҳбо.

Бунга жавобан бир кўз қиморбоз араб тилида алланима деди.

—Аёл яна олсин деяпти, — Муҳаммад Ваҳбо Ҳабашнинг истагини айтди.

Лобар ва Иволгин беихтиёр кўз уриштириб олдилар. Афуски, Лобарнинг иккинчи қартаси ҳам "қирол-қарға" эмас эди. Шунда Ҳабаш нималардир деганди, Муҳаммад Ваҳбо зудлик билан таржима қилди:

—Ўзларининг қартаси чиқарсан деяпти... Қалай, мен

"Кыл устидаси тақдур-II"

топган қартабозга гап йўқ эканми?

Полковник йигитига ишора берган эди, очилмаган рус қартасини узатди. Қарталар ёйиб қўйилди, Ҳабашнинг юзида қилт этган ўзгариш сезилмади. Муҳаммад Ваҳбо унинг кўзидаги маънони тушуниб, Лобарга деди:

— Қарта олишингиз мумкин.

Лобар сезилар-сезилмас ҳаяжонланди. Одам қиёфасидаги бу маҳлуқ ким бўлди экан? "Қора қарта рақси" бўйича устозини ютган, қанчадан-қанча устаси фарангларни доғда қолдирган "оқ юзли қора хоним" наҳотки шу мурдасифатнинг курбонига айланса?

Лобар учинчи марта қарта олди. Эвоҳ, буниси ҳам бошқа эди. Шундан сўнг Ҳабаш стол узра пича энгашиб, четдаги қарталардан бирини кўрсатди. Муҳаммад Ваҳбо дарҳол қартани очди: "қирол қарға!" У хохолаб кулди. Бунчалар завқланиши Лобарнинг нафсониятига тегди. Бир зум сукут сақлаб, сўнг:

— Жаноб Мамавата, — деди, — биз полковник билан қартани сиртдан таний олиш қобилияти ҳақида яқиндагина гаплашгандик. "Даблю-Би-О" деб эшитганмисиз?

— Йўқ, эшитишниям истамайман, — мезбон кулги ичида қўл силтаркан, Ҳабашнинг қарта чийлашидан кўз узмади.

Қайта-қайта аралаштирилган қарта Лобарга узатилди. У оқиши локка бўялган нозик бармоғи билан қарта тахини бузди. Ҳабаш худди шу бузилған жойини тагига қўйди-да, устки қисмдан абжирлик-ла қарта тарқатди.

— Биз назариячиларни ёқтирумаймиз, — деди Муҳаммад Ваҳбо ўзини босиб олиб.

Лобарнинг қарталарига кўз югуртираётган полковникнинг бир қоши кўтарилиди.

— Қанақа назариячилар? — деб норози боқди.

— Ҳали айтди-ю... "Даблю-Би-О".

— Нима бўпти? — қаддини роз тутди полковник. — Қартани сиртдан танишни, мен сизга айтсан, ана шундай термин билан аташади.

— Бу назария, — қайтарди араб.

— Ўҳ, хурматли Мамавата, — полковник лабига сигарета қистириб, ёндиригични ёқди, — бунинг нимаси назария?

Лобар қарталарни қандай йўл билан жангга киритишни ўйлаб бўлиб, енгил тортди. Бироқ бу енгиллик жуда ёқимсиз эди. Гўё қөпагон итдан қочиб, бегона уйга кириб қолди-ю ичкарида бошқа бир ит ухлаётганини кўрди — жуда ёвуз ит.

— Ҳавойи билим, — мазах қилди Муҳаммад Ваҳбо,

Лобар ўйиндан чалгишга мажбур бўлганини ифодалаб, пешонасига тушган сочини асабий пуллади.

— Жаноб Мамавата... — деди у.

— Исми-шарифим Муҳаммад Ваҳбо! — кутилмаганда арабнинг кўзлари олайди. — Дастреб индамадим! Нима мазах бу? Ё Мамавата деб чақиришингизга ижозат бердимми?

— Кечирасиз, хато қилдим, — Лобар бош эгди, аммо сония ўтмай газаб билан кўз тикди. — Бутун Европа Мамавата деганда гинг деёлмаган, энди эса аламини аёлдан олаётган ношуд эркакни кўраяпман.

— Бас қилинг! — столни муштлади полковник. — Бу ерга нима мақсадда келганингизни унутиб қўйманг, Лобар!

"Оқ юзли қора хоним" шунга амин бўлдики, бу унинг сўнгги иродаси. Энди у қиморбозларнинг гап-сўзлари-ю ёлгон-яшиқ ваъдаларига ошкора нафрат билан жавоб қайтаради. Ва кўпга бормайди...

— Ношуд эркак... — пицирлади Муҳаммад Ваҳбо ўз-ўзига, — ношуд эркак... Билмаган эканман... — Кейин овозини кўтарди (араб тилида): — Қани, Ҳабаш, эзиз ташла уни! Пулларини ютсанг, хонимча ўртага ўзини тикади. Яна ютсанг, ўзи ҳам сеники! Буйрадаги уйингга олиб кетасан!

У кейинги жумлаларни Ҳабаш тушунадиган тилда айтгани учун Лобар ҳақоратни англамади, лекин кўнгли сезди. Арабнинг илжайган, айёрлик ўйнаётган, нафратли ва беибо юзига қарамасликка уринди. "Ҳали ҳаммангни ўлдираман! — деди ичида. — Йўлларимни боялаб бўлдинглар, барчасидан мосуво этдинглар. На оиласам қолди. на уйим! Сенлар турли

“Қыл устидағы тақдур-II”

мамлакатларда, турли мавқедаги кимсалар бұлсаларинг-да, устини балиқ тангачалари каби қарталар қоплаган улкан аждахосанлар! Қимор воситағарини мен каби билиб-билмай ўрганган кас борки, агар устомонлигидан хабар топсанглар, домингга тортасанлар. Тинч ҳәтидан, ютидан, оиласидан жудо этиш шунчаки бир ўйин буларга!.. Қимор ўйнаб, қимордан халос бўлишга интилаётган мен, гумроҳ эса секин-аста аждаҳо ошқозонига сингиб бораяпман... Аммо ҳозир тўсатдан қарталарни сочиб юбориб, қиморхонадан чиқиб кетолмайман... Бирон чорасини топишим шарт... Албатта, топишим шарт..."

Ўртага дастлабки пуллар тикилди. Бели қайрилмаган юзталиқ яп-янги доллар бойламлари қўриқчиларнинг-да кўзини ўйнатиб юборди.

—Бекордан-бекор ҳақорат эшилдим, — деди Лобар ёнидаги кўринмас дўстига гапираётгандек. — Майли, чидаймиз. Бундан ёмон кунларни ҳам кўрганмиз. Бир арабдан сўраган эканлар: "Иссик шўрвани нима деб атайсанлар?" Араб жавоб берибди: "Саҳун". Шунда яна сўрабдилар: "Совуқ шўрвани нима дейсанлар?" Араб ҳайрон бўлиб, елка қисибди ва: "Биз шўрвани совигани қўймаймиз, шунинг учун унга ном ҳам топмаганмиз", деб жавоб берибди. Адашмасам, латифанамо бу ҳикоят Фахриддин Али Сафий қаламига мансуб. Фахриддин Али Сафий! Чиройли исм!.. Мактаб кутубхонасидан олиб ўқигандим, ўн йилдан ошибдики, эсимдан чиқмабди.

—Бу билан нима демоқчисиз? — қовоғини солди Мұхаммад Ваҳбо.

Лобар лом-лим демай қарта ўйнашда давом этди.

—Сиздан сўраяпман...

Полковникнинг тоқати тоқ бўлди.

—Тинч қўйсангиз-чи уни, Мамавата, — деб сигаретини кулдонга эзғилади. — Яхшиси, биз нариги столни ёки диванни эгаллаб, жимгина томоша қилайлик.

—Ўтираверинглар, менга ёқаяпсизлар, — деди Лобар кескин

оҳангда. — Куни битаётган одамларни кўрсам қувонаман, агар улар қип-қизил гумроҳ бўлсалар... Етти-чиллик! Туз! Мана сенга яна бир туз! Кафан бичавер...

Лобар фазабдан қайнаб-сочилиб, гёй рақибиға чанг солгудай ўйнай бошлади. Дастребки иккиси соатда икки юз эллик минг доллар қўлдан-қўлга ўтиб турди.

Кечки овқатдан сўнг Ҳабаш ўйинма-ўйин устунликка эриша бошлади. Муҳаммад Ваҳбонинг тез-тез кулавериши Иволгиннинг алам ўтига мой сепиб, бир жойда ўтиромай қолди.

—Менга қаранг!.. — ўшқирди у Лобарнинг устига бостириб бориб. Аммо ҳеч нарса қилолмай, қалт-қалт титраган кўйи сигарет чекди. Ахийри, бу ерда ўтиришга иродаси етмай, қўшни хонага чиқиб кетди. Ўзини қаерга уришни билмасди рус қиморбози.

* * *

Ярим тун. Ресторан ёнидаги йўлдан тез-тез машиналар ўтиб туради: шув... фув... Деярли барчаси қимматбаҳо хорижий автомобиллар.

Кўчалар чароғон. Биноларнинг кўпчилигига чироқлар ўчиқ. Полковник Иволгин зўрға топтириб келган арман конъягидан икки қадаҳ отиб, ҳузур қилиб сигарет чекди.

—Агар ютқазса, — деди у йигитига, — ишратхонага молдай сотиб юбораман.

—Нега? Берадиган жазойингиз шуми? — тўнгиллади йигит.

—Унинг учун бу ўлимдан баттар.

—Қанақасига?! Ахир, ўша куниёқ Мамаватанинг одамлари олиб кетишади, бошдан-оёқ тиллога буркашиб, клубидаги қиморбозларга муаллим қилиб кўйишади. Лобар — барибир кучли қартабоз.

—Сенинг маслаҳатингга зорман, тфу, — деди полковник тескари қараб. — Битта сен қолувдинг маслаҳат бермаган.

—Бориб кўрайми, вазият қанақа экан?

—Йўқ, ҳадеб ўтмас пичноқ билан сўйилаверишнинг нима

“Қыл үстідағы тақдир-II”

көрсөн көңілдір! Бирийла адойи-тамом қылсын, лаънати...
манжалақи...

Полковник бўралаб сўкинди. У ёқдан-бу ёққа юриб
нималарни дир ўйлаб олгач, яна қайғурди:

—Истеъфога чиққунимча гадо бўламан, шекилли. Бутун
умр тўплаган давлатиму шавкатим — барчаси кетади...
Биласанми, агар шу тахлит якунланса, мен нима қиласман?
Россияга қайтаман. Тўйиб ичаман. Кейин ҳаммасига қўл
силтаб, оила қураман.

Иволгиннинг йигити ишонқирамай анграйиб қолди.
Орадан кўп ўтмай иккинчи йигит чопиб чиқди.

—Тайёр, — деди у.

—Нима тайёр? Нима-а?!! —полковник қичқириб юбораёзди.

—Ҳабаш.

—Э, тўнка, тушунтириброқ ғапир!

—Пулларни жойлашимиз керак, Лобар ютди!

Улар ёш боладек олдинма-кетин чопишиб, қиморхона
остонасини ҳатлаб ўтишди-ю бир зум таққа тўхтадилар.
Муҳаммад Ваҳбо Ҳабашни стулидан ағдариб, кучи борича
дўппосламоқда эди. Ҳар мушт туширганида, ёлланма
қиморбознинг қарға оёқларидек озғин қўл-оёги фалати
сапчиб тушарди. Ҳолдан тойган Лобар эса ҳамон ўз ўрнидан
ўтирас, рақиби ўласи қилиб дўппосланаётганидан мутлақо
бепарводек, огир хаёлга чўмганди.

—А-ҳа!.. Полковник Иволгинни ютмоқчи бўлдиларми?!!
—деди Иволгин ютуқларни сумкага жойлаётган учинчи
йигити сари шошар экан. —Биз қанақа қуролдан
фойдаланишни яхши биламиз. Ломга қарши усул йўқ! Лобар,
бу —лом! Ломнинг иши синдириш!

Улар қувончдан ўзларини йўқотишиб, пулларни сумкага
тиқа бошлидилар. Лиқ тўлгач, полковник Муҳаммад Ваҳбога
деди:

—Ўйлайманки, ўйин эртагаям бўлади.

Ҳабашни уравериб чарчаб қолган Муҳаммад Ваҳбо бир
нафас танаффус қилиб:

— Албатта... эртага... — деб гудранди.

Сүнг яна урушда давом этди.

Иволгин эшикка етганда, ортига қаради.

— Жаноб Мамавата, бояқиши үлдириб қўйсангиз, қартани ким ўйнайди?

Араб кобра каби важоҳат билан бош кўтариб, жавоб қилди:

— Бу тирик мурда мени алдади! Аслида сизларга бошқача "совға" тайёрлаб қўйгандим.

— Кутамиз совгани! — деди Иволгин бетамизлик билан. — Иложи борича, кўчмас мулклардан бўлсин. Сизлар бунақа ютқазишга ном ҳам топмаган чиқарсизлар... Ҳа, майли, кўп гапирмай айтиб қўя қолай: буни "Гитлер капут!" дейдилар.

Машинага ўтирганларидан сўнг полковник анча жиддий тортиб, Лобарга миннатдорчилик билдириди. Ҳисоб рақамига албатта пул ўтказажагини ваъда берди. Россиядаги ҳамкасларига сим қоқиб, Парвизнинг қидирилиши қай аҳволдалигини суриштиришини айтди.

— Бола топилади, — мамнуният ва ишонч билан сўзлади у, — шубҳасиз топилади. У игна эмас-ку, ҳафсалангни пир қилиб! Агар игнадай бўлгандаям топардик. Биз нимани тополмаслигимиз мумкин? Ҳозиргидек имкониятни! Чунки бу жудаям ноёб имконият! Истаганингча пул тикишлари мумкин, қўлингдан келгунча ютиб оласан. Фирром йўқ, жанжал йўқ.

Лобар боядан бери чоҳдан чиқиши йўлларини қидиради. Қандай қилиб барчасидан осонгина қутулиб, йомилнинг ҳаётда бор-йўқлигини аниқлаши, ўглини топиши ва тинч гўшада баҳтли ҳаёт кечириши мумкин?

Даставвал, булар имконсиздек туюлди. Бироқ эртасига бир воқеа содир бўлди.

* * *

Эртлаб полковник тунги ваъдаларини эсламади. У бутунлай байрам кайфиятида бўлиб, то Муҳаммад Ваҳбонинг саройига боргунларича ресторонда айш қилмоқ ниятида

“Киң устидасы тақдир-II”

эканлигини ошкор этди. Вақт түшгө яқынлашиб қолғанди. Асосан хорижий меҳмонлар күзга ташланаётган кенг ва ҳашамдор заң бурчыда Иволгинга жой ҳозирланған эди. Иволгин, Лобар, иккі йигит – түрталаси жойлашгач, хушсуврат официант ўз ишини бошлади. Унга йиғирма беш-йиғирма олти ёшлардагы официант қызы ёрдамлашиб турди. Лобар ғана қашдаёқ билди: бу қызы – ўзбек. Афтидан у ҳам Лобар ақида шундай хаёлга борди шекилли, маъноли қараб қўйди.

– Менга бирон има демоқчимисиз? – . . . и Лобар ўзбек тилида.

– Йўқ... – Официант қызы шошиб қолди.

– Қаерликсиз?

Мижозлар билан гаплашиш ман этилгани учун у ўз бошнифига қўрқа-писа кўз қирини ташлаб:

– С-самарқандлик, – деб жавоб берди.

Ноз-неъматлардан тановул қўллаб ўтириб, Лобар ўйлади: официант қызы билан танишиб, Зилолага сим қоқишини илтимос қиласман, Зилола Қувон билан bogланади...

– Нималар деб чулдирашдингиз, билсак бўладими? – Иволгин Лобарга зимдан боқди.

– Ҳамшаҳарим экан.

Полковник ишонгандек бош қимирлатиб қўйди, йигитлар хўмрайишиди.

– Мамаватанинг бугунги совфаси нима бўлиши мумкин?

– "Нима" эмас, "ким", – деди Лобар. – Кечаги сўзларига қараганда, менга қарши бошқа одамни ўйинга туширишни мўлжаллаган.

– Билаяпман... Шунга қизиқаяпман-да!

– Кучли қартабоз. Бошқа ким бўлиши мумкин?!

– Лобар, яхши ўйнадингиз. Бироқ шуни ёдингизда тутинг: ўтган йили бой берганларимнинг ўндан бирини қайтариб олдик, холос. Омадимиз чопиб, Мамаватани буткул ютишимиз керак. Кейин қиморни тарк этсан ҳам бўлади. Фақат... сиз ҳар қандай душманни эзғилаб ташланг.

Чамаси, бир соатлардан сүнг Лобар ҳожатхона баҳонасида даврадан узилиб, нигоҳлари-ла официант қизни ахтара бошлади. Кўл ювиб, қайтиб чиққанида, самарқандлик қизни кўрди, аммо Иволгин юбоғ ән йигит жилмайиб ёнига келдида, столга манзират этди.

Ҳамюртим билан танишмоқчиман, – деди Лобар.

– Уни хизматдан қўйманг, бошлиқларидан гап эшигади.

– Бошлиғига илтимос қиласман, бу қийин эмас.

– Хўп-хўп, лекин русча гаплашасиз.

Улар сунъий пальма дараҳтлари-ю рангин чироқлар билан зеб берилган истироҳат бўлмасида учрашдилар.

– Исмингиз нима? – сўради Лобар.

– Дилором.

– Дубайда қанча вақтдан бери ишлайсиз?

– Етти йил.

– Етти йил? Ўҳ-хўй, дубайлик бўлиб кетибсиз-ку. Бу ерга яқинда келдим, жуда зерикаяпман. Бўш вақтларингиз борми, дардлашардик?

– Мен биланми? – Дилором иккиланиб қолди. Бўёқ чапланган юзида ташвиш зоҳир бўлди. – – Опа, ўзингиз бу ёқларда нима қилиб юрибсиз?

– Тижорат билан шуғулланаман, – ёлгон гапирди Лобар.

– Москвалик ҳамкорларим билан келдим.

Дилоромнинг ишонмагани яққол сезилди. Нималарнидир чамалаб олди-да, деди:

– Кечасиям, кундузиям бандман. Аниқ кун тартибим йўқ. Очигини айтсан, менинг ҳам сиз билан дардлашгим келаяпти.

– Бирон кунни белгиланг.

– Душанба қуни тушгача, – деди официант қиз.

Лобар Иволгиннинг ҳузурига қайтганида, бегона киши ташриф буюрганини кўрди. Полковник уни абу-дабилик ошнам деб таништириб, Лобар томон энгашди:

– Мамаватанинг "совга"си нималигини билдик. У циркка бежиз қатнаб қолмаган экан.

Лобарнинг юраги нохуш хабар эшишишни билгандек

"Хил устидаси тақдир-II"

безовта урди.

—Алаҳ Мамавата, — деди полковник, — сизга қарши Дэвид Капперфильддан ҳам кучли ўша фокусчини ўйинга туширмоқчи. Яъниким, Дэвид Гургенни! Манави одамнинг айтишича, у гипнозчи ҳам эмиш. Фақат ҳаддан ташқари кучли фокусчи-қартабозгина "қора қарта рақси"га қарши тура олишини Мамаватага ким айтди экан-а?

Лобарнинг кўнгли хижил тортди. Зеро, полковник Иволгин ҳар нарсага ташвиш чекавермайди; у ташвишга қолдими, демак, бир нимани билади.

—Сиз ҳалигидақа одамлардан чўчимайсизми? —полковник Лобарга синчков назар солди.

—Унинг қанақа одамлигини билмайман.

Энг ёмони, у қартабоз-фокусчи. Гипноздан ҳам хабари бор.

—Бу сифатларини такрор-такрор айтдингиз, Иван Антонович. Аммо мен унинг қанақа одамлигини барибир билолганим йўқ, — деди Лобар.

Лобар полковникнинг гапларидан қониқиш ҳиссини тумади. "Қора қарта" афсунли ўйинларига қарши фокусчи-қартабозгина ўз маҳоратини кўрсата олиши унинг учун янгилик эди. Фокусчи нима қиласди? Қарта яширади, одамни чалгитиб, гирром ўйнайди, холос. Албатта, шумлик сезиб қолинса, жанжал келиб чиқади. Буни, аввало, Муҳаммад Ваҳбо аъло даражада тушунади. Фирромлик ҳидини сезса, Иволгин ҳам қараб ўтирумайди.

Аммо Дэвид Гургеннинг қиморхонага келиши рус қиморбозини жиддий ўйлантириб қўйди.

—Сиз Мамаватанинг нақадар тиниб-тинчимас тулкилигини ҳали билмайсиз, — деди полковник ҳовуридан бир оз тушиб. —У қандай қилиб бўлса ҳам бизни енгиш йўлини топишга уринади. Биз шохида, у баргида юрган бўлиб чиқмасин.

Лобар ўйлади: "Мени қиморбозлар наҳотки ростдан жодугар деб хаёл қилсалар?! Ҳар хил бадбин қартабозларни

қарши кўйиш билан иш битмайди. Қувон сўзсиз ютган эди. У гарчи мени халос этиш умидида мафия одамларини ўлдирган бўлса-да, яхши йигит. Мен яхши одамларни ютолмайман. Қувон аввалдан баҳтли эди, баҳтлилигича қолди... Ҳозир хотини билан ўзида йўқ шоду хуррам... Балки энди мени эсламас..."

* * *

Улар келишилган вақтда Мұҳаммад Ваҳбо кошонасига қадам ранжида қилдилар. Мезбоннинг кайфияти кечадан бери тун каби зим-зие эди-ю Лобарни кўрган заҳоти чақмоқ чақиб, бир зум ёриши.

—Хожангиз, — деди у Лобарга, — яккама-якка ўйинлардан қочиб, бошқалар орқали ўйин кўрсатишга аҳд қилгани жуда тўгри иш бўлиб чиқди. Бошида маъқул кўрмагандим. Қимордан мақсад нима? Ҳузур қилиб қарта ўйнашу рақибингни ютиш! Биз бирорларни ўйинга туширсак, етмиш икки томиримизгача етиб борадиган ҳузур-ҳаловатни ололамизми? Кучлироқ қиморбозни ёллаб, бошқаларнинг пулини шилиб олиш, бу — ҳақиқий қимор эмас. Бу — саноат! Қимор саноати! Қиморни саноатга айлантирган сизнинг хожангизга шон-шарафлар бўлсин! Чунки мен ҳам энди бирорни ишлатиш орқали пул тўплаш тарафдориман... Қани, ҳаммамиз учун менинг "Лимузин"им хизмат қилади, марҳамат!

—"Лимузин" нега керак бўлиб қолди? Тушунмадим, — эътиroz билдириди полковник.

Мұҳаммад Ваҳбо яна бир бор манзират қилар экан:

—Бошқа жойда ўйнаймиз, — деди. —Шу кеч ё эрталаб полиция келиши мумкин. Ўйинга халақит беришини ҳисобга олиб, муҳораба учун ўзга жой танладим.

—Биринчи кундан ишнинг расвоси чиқаяпти, шекилли!

Араб эшифтмаганга олди. "Лимузин" катта кўчага чиққач, деди:

—Ҳабашнинг якка-ю ягона соғ кўзига қаттиқроқ уриб

"Қиыл устидасын тақдир-II"

юборибман. Эҳтимол, узугим теккандир.

— Нима қилибди унга? — сўради Лобар. — Кўзи кўрмай қолдими?

— Кўрмаслик ҳам гапми?! Ичига кириб кетибди.

— Нима ичига кириб кетибди?

— Кўзи.

— Узукними? — тушунмади Лобар.

Муҳаммад Ваҳбонинг кулгиси қистади, аммо лабларини мажбуран қимтиб, ўзини тутди, сўнг "кола"дан ҳўплади.

— Кўз, — деди у, — оддий инсон кўзи. Косасида чукурроқ жойлашган якка-ю ягона кўз. Шуни мўлжаллаб, бир яхши одам мушт ёғдираяпти. Бир, икки... ўн... йигирма... Агар чарчаса, нафас ростлаб олиб, яна урайпти: ўттиз, қирқ... Муштлар залворидан нафақат кўз, калланинг ўзи ҳам помидордек эзилиб кетиши керак эди.

— Касалманд одамни ваҳшийларча дўппослаш яхши эмас, — деди Лобар қовоқ уйиб.

— Тўгри, у ўпками, ошқозонми, ёмон касал... Тинимсиз дори еб юради. Урмасам ҳам барибир ўлар экан.

— Ўлар экан? — полковникнинг қошлари баланд кўтарилди.

— Ҳали у ўлди денг?!

— Ҳозирча ўлгани йўқ. Мабодо, жони узилгудай бўлса, мурда полициянинг қўлига тушади. Менинг ресторанимдан калтак еб чиққанини аниқлашади. Одамларимдан бирини қурбон бериб, ўзимни халос этаман. Аммо Ҳабаш қимор туфайли оламдан кўз юмганини ҳеч ким билмаслиги керак. Шу боис ҳозир "Лимузин"дамиз.

— Қаерга кетаяпмиз? — кесатиқ оҳангига савол йўллади полковник.

— Ижара уйимга. Бир ажойиб уйни эгаси сотмади, ахийри, ижарага олдим.

— Сиз томондан ким ўйнайди? Сезишимча, даҳшатли одам топганга ўхшайсиз.

Муҳаммад Ваҳбо оғзини очмай, такаббурлик ила кулиб кўйди.

—Шошилманг, шошилманг, —такрорлади у. —Ҳарҳолда сеҳргар топганим йўқ. Борсак кўрасиз. Менимча, уни танийсиз.

Муҳаммад Ваҳбо ижарага олган уй шаҳарнинг нариги томонида бўлиб, кўпчиликнинг назарига тушмайдиган оддий уйлардан бири эди. Бу одам кўчани ҳам танлай олганди. Сокин ва одам кам юрадиган макон эканлиги аён эди. Лобарнинг ота-онаси яшайдиган кўча ҳам шу хилдан. Одамлар бундай йўлларни "тинчлик кўчаси" деб атайдилар. Айниқса, уйлардан бирининг деразаси жуда-жуда ўхшаб кетди. Чироқ ёниқ, деразага тутилган оқ сурпнинг бир чети хиёл очилиб қолган.

Улар машинадан тушиб, ичкарига кирганларида, ҳатто уй ичидаги ҳам жимлик ҳукмрон эди. Негадир бирон кишининг сўзлашгиси келмасди. Аввал ҳовлига, сўнг ташқи зинапоядан иккинчи қават айвонига етдиларки, ҳеч зог лом-лим демади. Муҳаммад Ваҳбо ҳам ўлик сукунатни ҳис этди чофи, бирдан ортига қайрилди.

—Полковник, — деди у, —сукунатда ҳеч қарта ўйнаганмисиз?

—Йўқ, — шивирлади Иволгин жўрттага, — жин урсин бу уйни, нақ мозористон-а!

Янада ажабланарлиси, меҳмонхонада етти нафар эркак ўтиради. Ҳаммаси мум тишлаган каби миқ этиб оғиз очмас, ҳатто, киприклари қилт этмас эди. Димоққа ғалати ҳид урилди. Бурчакдаги никель қозондан тутун ўрларди, нима экан, деб яқинроқдан кўз ташлаб, қип-қизил чўғни кўрди, холос.

Ўртадаги стол устига шахматнусха мато ёпилган бўлиб, стулдан бирида шляпали йигит бош эгиб ўтиради. Кўзи тушган одам илк лаҳзадаёқ цирк артисти эканини биларди, Лобар "Эҳ, аҳмоқ йигит, қиморхонага ҳам цирк либосида келасанми?" деб ичидаги койиди.

Яна бир сирли жиҳат — хона нимқоронги эди. Фақат қарта ўйналадиган стол тепасидагина абажурли кичик чироқ ёниқ

“Қиыл устидасы тақдир-II”

турарди. Лобар бўсағадаёқ барчасига кўникди, аммо полковник қаловланиб қолди. Кейин араб қиморбозга қараб, жаҳл билан гапирди:

—Биз жиддий ўйнамоқчимиз, бу томошаларинг кимга керак?! Чироқларни ёқинг!.. Анави тутун эсдан оғдирувчи ўтми, нима бало?! Илтимос, ўчириб ташланг!

—Ў-ў, жаҳлари чиқмасин, —деди Мұҳаммад Ваҳбо. —Жуда инжиқ томошабин экансиз! Марҳамат, бу ерга ўтиринг. Мен рўпарангиздаги стулни банд этаман. Йигитларингиз пул ҳисоб-китобини юритишади, сиз эса хонимингизни дуо қилинг. Бошқа ташвиш, бу — бошқа ташвиш!

Лобардан сўрашган эди, қиморхона манзараси салбий таъсир этмаганини айтди.

—Кўрдингизми, ортиқча гумонсираш ўзингизни ноқулай ҳолга солиб қўяди, — деди мезбон. — Муқаддас тутунни ҳам ҳақорат қилдингиз-а! Агар бу одамлар рус тилига тушунгандарида эди, роса ҳаҳолаб кулишарди.

Лобар стулга чўкиб, рақибига зимдан тикилди, лекин сюртук кийган ёш жаноб кўзларини кўрсатишни сира истамаётгандек бошини кўтармади.

—Менимча, булар кулишни билмайди, —деди Лобар дадил овозда. —Артистларингизга буюринг, қайси бири ўйнамоқни истаётган бўлса, ҳайкалдай ўтиравермасдан тезроқ қимирласин.

—Рақиб қаршингизда, — деди Мұҳаммад Ваҳбо.

—Буми? Бу... ухлаб қолибди...

—Аксинча, — дея араб столга имо қилди, менга гапириб вақт йўқотдингиз, у эса қарталарни сузиб бўлди.

Лобар стол устига қаради. Ҳозиргина қарталарнинг тахи ҳам бузилмаганди. Ўтган шу сониялар ичидаги икки томонга сузилиби.

—Мен кўрмадим, — деди Лобар.

—Нимани? — Мұҳаммад Ваҳбо кўзларини чақчайтирди. — Қарта сувганини кўрмадингизми? Қараш керак эди-да, ахир. Сиз кўрмаган бўлсангиз, мана, жаноб Иволгин кўрдилар:

барчаси ҳаққоний. Шундайми, күмөндөн?

—Аввал ким ўйнашини аниқлайлик. — деди полковник қовоғини очмай.

—Бунинг учун улар иккىң күл ўйнайдилар. Рақиблар навбати билан қарта сузадилар. Бизда ҳаммаси ҳалол бўлади, полковник.

Ҳужумни Лобар бошлади. Лаҳзалар ичра бой берди. Шундай сўнг рақиб шляпасини бир оз кўтариб, саломлашди. У ниҳоятда оқбадан, кўккўз, малласоч йигит эди. Мўйлови ва қорайиб, сезилиб турган соқоли ўзига ярашганди. Лобар чап кўли билан юзини тўсиб, йигитнинг ҳуснини кўз учиди бармоқлари орасидан кузатди.

Иккинчи ўйинда Лобар тарқатган қарталар баҳслашди. Рақиб бир муддат ўйга толди-ю ҳужумга ташланиб, ҳашпаш дегунча аёлнинг қўлидаги "туз"ни оддий қартага қарши қўллашга мажбур этиб, ўзининг "қирол"ини майдонга чиқарди. Лобарда айнан шу "қирол"га бас келолмайдиган майда қарта қолганди. Ютқазди.

Рақиб яна шляпасини хиёл кўтариб, "ютиб қўйганим учун узр, хоним" дегандек, мағрур нигоҳ ташлади. Лобар энгашиб, кўз қисди. Рақиб буни кутмаган эди, ҳайрон бўлиб, Лобарга қараб қолди. "Унчалик ҳам енгилмас эмассан", — деди Лобар ичидা.

Қоидага мувофиқ ўйинни цирк артисти бошлади. У қартани чап қўи и билан олиб, ўнг қўлининг иштирокисиз аралаштириди. Сўнг икки қўллаб "гармон чалди". Лобар унинг нақадар эпчил қартабоз эканлигини тан олиб ўтирад эди. Бироқ қиморхонада қартани маҳорат-ла чийлаш ҳали "бу ернинг эгасиман" деган маънени англатмасди.

—Бу одамингизни танидим, — деди полковник сигарет тутунини буруқситиб. — Дэвид Гурген! Ўша маълуму машхур фокусчи.

Муҳаммад Ваҳбонинг бош силкиб қўйганини ҳисобга олмаганда, полковникнинг гапига ҳеч ким эътибор қаратмади. Гўё ҳамма ҳайкал. Кўзлар қимор столига кўринмас

“Қыл устидаөи тақдур-II”

иллар билан таранг тортиб боғланган.

Иволгин "ҳали шунақами?" дегандек, сигаретини иккитең тортди-да, никель қозонга улоқтириди. Дэвид Гурген бирдан полковникка қаради.

—Гурген, — деди рус қиморбози, — сен циркда эмас, қиморхонада ўтирибсан. Декорацияларинг бизни чалгитиши мүмкін. Мард бўлсанг, классик қиморхонани танла. Бунинг устига Россия томошагоҳларини ҳам ўйла. Ахир, энди гина Копперфильддан ўзиб кетган чогингда касбингни ўзгартириб, умрбод қиморбоз бўлиб қолмассан. Тамом, бошқа гапирмайман!

Гурген ўйинни давом эттириди. Ҳар икки қартабозни кузатиб ўтирганлар қимор оламида бунчалар кучли рақиблар тўқнаш келмаганига амин бўлишар. Гоҳ унисига, гоҳ бунисига қойил қолар эдилар. Баъзан қарталар муҳорабаси бир сонияда якун топарди. Масалан, Лобар қарталаридан бирини кўрсатса, Гурген таслим бўлар ёхуд қарталар очиб кўрилмасдан ўйинга якун ясаларди. Шу тахлит қимор давом этаверди, пуллар икки томонга бориб келаверди. Учинчи соатда Гургенни тер босди. Қалинроқ кийинганиданми, ҳаяжонданми, Лобар билолмади. Бироқ фокусчи-қиморбоз секин-аста ўзгара бошлагани аниқ сезилди. У энди шляпаси билан кўзларини тўсмас, Лобарга ўқтин-ўқтин қараб қўяр, нигоҳида алланечук ювошлик намоён бўлгандек туюлар эди. Лобар кўз қисмаса-да, кўзларини ярим юмид, майин жилмайиб қўйишни унутмасди. "Ўрнимда Анна Сергеевна бўлганида нима қиласди? —деб ўйлади у. —Буришган-тиришган башара билан бу йигитнинг фикр-хаёлини чалгитолмасди, шекилли... Йўқ, янгиша пман. Анна Сергеевна чорасини топарди. "Қора қарта рақси" — иблис рақси! Унинг бир қисмини ўргансанг, қолганини ўз-ўзидан ўзлаштираверасан. Худди мактаб боласига қўшув-айирувни ўргатганингдан кейин бошқа сонларни ҳам қўшиб-айира олганидек... Ҳа, фокусчи катта муаммоларнинг кони. Бироқ аввалги қартабозларни қандай ютган бўлсам, буниям

ютишим керак. Телба Иволгин учун эмас, ўглим учун ҳам эмас! Буни ютганим билан ўглим топилиб қолмайди! Мамавата айтганидек, бу ўйин сўнгги ўйиним бўлиб қолсин, аммо ғолиб сифатида! Полковникнинг нафси ором топиб, қимор якунига етса, Худо яхшилик йўлига бошқарап..."

Тонгга яқин икки тараф ҳам ҳолдан тойди. Мұҳаммад Ваҳбо ҳаммага бир-бир қараб чиқиб, деди:

—Шу жойда одамларимизга дам берсак, полковник жаноблари. Ўзимиз ҳам роса чарчадик. Қолаверса, Дэвиднинг кундуз қиласиган ишлари бор. У Дубайдаги сеансларини адо қилган бўлса-да, Анқарада масъул шахслар кутмоқда. Телефон орқали музокара олиб бориб, томошаларини кечикириши лозим.

—Менинг ҳам таътилим якунланмоқда, — полковник ўрнидан туриб, араб қиморбозига қўл узатди. —Уч кун Москвада бўлиб, хўжайинларим билан гаплашишим керак.

—Қачон кетишингизни олдиндан маълум қиласиз?

—Душанба куни у ёқда бўламан, — деди полковник.

Бу гап ҳаммадан ҳам Лобарни мутаассир этди.

* * *

Кейинги ўйинлар ҳам айнан шу уйда бўлди. Умумий ҳисоб-китобларга кўра полковник Иволгин газнасидан етмиш икки минг доллар бой берилган эди. Мұҳаммад Ваҳбо ва Дэвид Гурген кундан-кунга гайратга тўлиб, кайфияти кўтарилиб бораётганини россияликлар кўриб-билиб туришар, Лобарнинг маҳорати иш бермаётганидан газабланишар эди. Қартани тушунган ҳар бир эркак унинг устомон қартабоз эканлигини фаҳмларди, аммо Гургенга бас келолмаса, бундай устомондан не фойда?!

—Якшанба куни ҳам ўйин бўлади, — деди Мұҳаммад Ваҳбо.
—Полковник, ишларингизни битириб келгунингизча, Дэвид қараб ўтиrolмайди. Бунинг устига ўйин чўзиладиганга ўхшайди.

—Албатта, ўйин бўлади, — пинагини бузмай жавоб берди

"Кил устидасы тақдир-и"

Иволгин. — Бугун вакилем учеб келди. Үтган иили күргансиз, Дракула лақабли бақувват йигит.

— Күрсам танийман.

— Ҳозир меҳмонхонага жойлашибди. Үрнимга у қолади. Муаммолар бўлса, бемалол мурожаат этасиз. Мабодо бирон жиҳатдан келишолмасангиз, менга сим қоқасиз, яъниким Москвага.

Лобар Дракула билан меҳмонхонанинг бешинчи қаватида, Иволгин хонасида учраши. Ичкарига кирганида креслода ястаниб ўтирган эркак безрайиб қаради. Тақирбош, калта соқол бу кишининг ёшини ҳам аниқлаб бўлмасди. Қизарган кўзларидаги маънодан ҳақиқатан ҳам қонхўр эканлигини билиш мумкин.

— Салом, мушукча, — деди у сақичини беадабларча кулдонга туфлаб. — Сенлар билан қўл бериб кўришиш ман этилганини ҳозиргина эшилдим. Нимаям қилардик? Ўтирган жойимииздан сўрашаверамиз-да.

Иволгин бефаросат Дракулага хўмрайиб қараб қўйди-ю, аммо финг деёлмади. Афтидан Дракула деганлари ички ишлар полковнигига хўжайин бўлиб туюларди кишига.

— Лобар, — деди полковник заиф товушда, — мен келгунимча Дракуланинг чизган чизигидан чиқмайсиз. Илтимос, у билан орангизни бузманг. Дракула — қўпі нарсага тиши ўтадиган валломат-йигит. Келажакда фойдаси тегади. Мен эса у ёқда, аввало, ўғлингиз масаласи билан шуғулланаман. Қанийди, ҳозир топилса-ю, тирик эканлигини ўз кўзингиз билан кўрсангиз. Қартага шундай киришиб кетардингизки, Гургенни илк кундаёқ шип-шийдон қиласардингиз. Тўғрими?

Лобар индамади. Иволгин унга саволомуз тикилиб қолди. Гўё муаллим қархисида ноҳақ жабр кўрган ўқувчи қиз кўзида ёш билан турарди.

— Кайфиятингиз йўқми? — деди полковник.

— Нега энди?.. — Лобар ортиқ сўзламаслик учун лабини тишлади.

— Айтинг, ўтирсин, — деди Дракула, — тирик афсонани

томуша қилмоқчиман.

Полковник энди Дракулага очиқ норозилик билан қаради. Лобар ортига бурилиб, эшик тутқичидан ушлади ва:

—Иван Антонович, — деди, — ҳамма нарсанинг чекчегараси бор. Мени доим чет элма-чет эл эргаштириб юраман, десангиз катта хато қиласиз. Сизга қатъий қилиб айтмоқчиман: Россиядан қайтгунингизча ўғлимнинг тақдири не кечганини қандай қилиб бўлсаям аниқланг. Бундан кейин унинг мавхум қисматига чидаб туролмайман. Ўғлинг ўлган, деб айтинг, бардош бераман. Фақат мени алдаманг... Яна шуни айтмоқчи эдимки, Дэвид Гурген — сўнгти рақибим! Бундан кейин ўйнамайман. Гаровга Ер шарининг тақдирини тиксангиз ҳам!

—Нима бўлди сизга? —ажабланди полковник. —Ҳалиям ўзўзингиздан норозимисиз?

—Норозилик ҳам гапми?! —Лобар эшикни тортди. — Илтимос, ҳеч ким безовта қилмасин, уйкуга тўймасам бошим фувиллайди.

Якшанба куни ўйин суст ўтди. Иволгин кетгани учун қиморхона ҳувиллаб қолган эди. Дракула у ёқдан-бу ёқقا юравериб, Муҳаммад Ваҳбони хит қилиб юборди. Норозиликларга жавобан Дракула шундай деди:

—Мен қўғирчоқларинг эмасман: истаса, ўтиргизиб, истаса, тургизиб қўядиган! Энг асосийси, дўстларинг ҳам эмасман, таклифларингга кўнадиган! Ҳаётдан топган улкан бойлигим — одамзоддан қўрқмаслик.

Орадан бир оз вақт ўтиб, унинг нигоҳи Дэвид Гургенда тўхтади.

—Бу фокусчи бунча қалтирамаса, — деди зарда билан. — Ўлай агар, жиним суймайди бунақаларни!

Лобар Дубайга келганидан буён ҳеч бундай суюнмаган эди. Келиб-келиб Дракула қувонч баҳш этди. Кайфият таъсирида бўлса керак, икки марта ютди.

Бироқ бу хурсандчилик ва ғалаба қисмат дарахтининг баргида осилиб турган томчи эди. Ҳализамон шоҳ силкинади-

"Күл үстүндөсү тақдир-II" ю йүқлик қаърига равона бўлади.

* * *

Душанба куни Лобар ҳар кунгидан барвақт уйгониб, ваннага кирди. Шоша-пиша ювиниб, сочини қурила бошлади. Кўзгудаги ўз аксига боқаркан, қовоқлари анча салқиб қолганини пайқади. Назарида, сочига оқ оралагандек эди. Ахтарди, бироқ тополмади.

Шкафни очиб, лиbosларини бир-бир қараб чиқди. Дубайга келганида, кўйлаги ўн битта эди (кофталар ҳам шу ҳисобда). Ҳозир ўн саккизта чиқмоқда. Ресторанга борганда киясиз, деб полковник махсус олдирган лиbosларни биринчи марта кўраётган қаби синчиклаб томоша қилди. "Яхши кўйлак экан, — хаёлидан ўтказди сариқ гулли қора матодан тикилган бурмали кўйлакни эгнига ўлчаб, — сифати тоза... Барибир, кийгим келмаяпти! Мен қизиқадиган ҳеч нарса йўқ бу дунёда!"

—Мен қизиқадиган ҳеч нарса йўқ, — тилида ҳам такрорлади у.

Қўшни хонадан қизларнинг қулгиси эшитилди. Гапларига қараганда, ё итальянлар, ё французлар. Кеча Дракула суюқоёқ, жувонлар хусусида алланималар дегани қулогига чалинганди.

Лобар парижонлик ила шікафга сунди. Сўнг одмироқ кўйлакни таңлаб, кийинди. Бошига рўмол ташлаб, даҳлизга чиққанида, полковникнинг йигити уни бошдан-оёқ кузатиб, деди:

—Бирон жойга отландингизми? Дракула биладими?

—Йўқ, буни фақат сиз биласиз.

Йигит бош чайқади.

—Нега мен биларканман?! Хонангизда кутинг, ҳозир ўринбосарни чақираман.

—Ўтган куни ресторанда бир ҳамюртимни учратгандим, эсладингизми? У билан душанба куни суҳбатлашмоқчи эдик.

—Эсимда. Лекин...

—Ҳеч қанақа "лекин"га ҳожат йўқ. Мен қочиб кетмайман.

Азамат Қоржолов

—Лобар икки қадам босди, йигит қўлидан тутди.

—Дракуладан сўранг.

—У менга ҳеч ким эмас! —Лобар қичқириб юборди. Ва айни лаҳзада йигитнинг камарига қистирилган тўппончани кўриб қолди.

“Ие, буларда қурол бор экан-ку, —ўйлади Лобар. —Сал бошқача муомала қилишим керак эди. Атиги тўрт-бешта ўқи билан битта тўппончага эга бўлганимдами?..”

—Нима шовқин? —Дракула отилиб чиқди.

—У кетмоқчи, —деди йигит.

Дракуланинг кўзлари олайиб, ялтироқ лабида сўлак кўринди.

—Қаерга кетмоқчисан? —бостириб келди у.

Лобар Дилором билан қайси ресторонда қандай танишиб қолганини сўзлагач, Дракуланинг пастки лаби шалвираб, пейшанасидаги чизик йўқолди.

—Сал экан-ку, —деди у. —Майли, гаплаш. Юртдошни кўриш нима эканлигини яхши тушунаман. Аммо билиб қўй, мен Иволгин эмасман! Истагингни бажардимми, сен ҳам орзуларимни рўёбга чиқарасан. —Дракула ҳалиги йигитга қаради. —Буни обориб кел. Официант қиздан бўлак ҳеч ким билан гаплашмасин, бир сония ҳам ёлгиз қолдирма. Бўйсунмаса, отиб ташла! Ҳа, нега анграясан? Ростакамига отиб ташла!

Ниҳоят, Лобар эркин қуш мисоли кўчага чиқди. Кўланкадай эргашиб юрган йигитни унутиб, айланиб-ўргилиб ўйнагиси келди.

Айтилган манзилдаги уй ресторон ёнида эди. Уларни орқа ҳовлига бошлаб кирган кампир араб тилида нималардир деб жаврар, на Лобар, на йигит тушунарди. Шовқинни әшиитиб, Дилором деразадан мўралади-ю фойиб бўлди. Ёпиқ ёқали кенг кўйлакда ҳадиксираб кўриниш бергач, қизнинг хонасига кирдилар. Лобар қучоқлашиб кўришди. “Яхши юрибсизми? Соглигингиз бинойими?” —деб ҳол сўрмоқ асносида:

“Құл устидаси тақдир-II”

—Бу йигит тилимизни тушунмайды, фурсат топиб, сизга муҳим гап айтмоқчиман, —деди.

Дилором зийраккина экан, жилмайиб бош силкиб қўйди.
Иволгиннинг йигити огоҳлантириді:

—Келишганимиздек, бир тилда гаплашамиз.

Уларнинг дастлабки сұхбати күйидагича бўлди:

—Яқин орада Самарқандга бордингизми?

—Йўқ, опа, ҳеч имкон тополмаяпман.

—Турмушга чиққанмисиз?

—Улгурмадим.

—Улгурмадим? Буни қандай тушунса бўлади?

—Кечирасизу, ўзингизни қайси шамол учирди?

—Менинг исмим Лобар. Ҳозир Ўзбекистонда яшамайман.

—Тушундим, лекин сизнинг ҳам дардингиз меникидан кам эмас. Топдимми?

—О, топқирлигингизга тасанно. Эсли-хуши қиз экансиз. Бир қараашдаёқ раҳмим келиб, сиз билан танишишни ният қилгандим.

Дилором кулди. Дурдай оқ тишлиари ҳуснига ҳусн қўшди, беихтиёр Лобарнинг кўнгли бузилди. Шундай гўзал ва маъсума қиз ёмон одамлар қўлига тушиб қолган бўлса-чи?

—Дилором, шу ёшингизда бир оиласинг бекаси, икки—уч боланинг онаси бўлишингиз мумкин эди. Нега олис араб мамлакатида официанткалик қилиб юрибсиз? Ёрдам керакми? Кўмаклашиш қўлимдан қелади, ваъда бераман.

Дилором тўсатдан мулзам тортиб қолди. Лобарнинг кўзига қараёлмади. Чой узатаётуб:

—Нега менга ёрдам бермоқчисиз? —деб сўради.

Шундан сўнг у Дубайга келиб қолиш тарихини сўзлаб берди. Мактабда ўқиб юрган чоғлари жуда шўх бўлган эмиш. Битириш кечасида ҳолсизланиб йиқилибди-ю бир ой тоби қочиб, bemажол юрибди. Муолажалар кор қилмагач, қариндошларидан бири касаллик эскича эканлигини айтибди. Шаҳар яқинидаги қишлоқда шунаقا хасталикларни дуо ва афсунлар билан танадан ҳайдаб соладиган аёл

яшармиш. Одамлар уни "ахши" деб атармиш. Хуллас, Дилоромни бахшиникига олиб борибдилар. "Бу қизнинг момолари кўп экан, — дебди бахши. — Атрофига гирдикапалак бўлиб учиб юришибди. Чироқ ёкиб, оқ товуқн гўштини қайнатма шўрва қилиб ичириш керак. Уч кун эркак зотини кўрмасин, гаплашмасин".

Бахшининг айтганини қилибдилар. Тўртличи куни Дилором чиндан соғайиб кетибди. Бироқ орадан бир йил ўтгач, худди ўша куни касаллик қайталабди. Бу сафар тўғри бахшиникига боришибди. Бахши бошини сарак-сарак қилиб: "Аҳвол жиддий, қизни энди момолари умрбод тинч қўймайди", дебди. Ёлғиз чораси шуки, Дилором ҳам бахшиликни бўйнига олиши керак экан.

— Сиз бахшимисиз? — сўради Лобар қувончини яширолмай. Москвада содир бўлган ўша воқеадан сўнг баҳшилар ва сўйилган товуқ ҳақидаги гап ҳеч хаёлидан кетмасди. "Қора қарти рақси" жодусидан, эҳтимол, эскича маросим ҳалос этар, деб кўп ўйлай бошлаганди.

Дилором хона бурчагига осиб қўйилган оқ сурғига ўроғлик нарсага ишора қилди.

— Ҳа, бахшиликдан хабари доиратни осиб қўймасам бои кимнидир қора товуқ билан қои бор. Ётадиган хопамга тўғрийди. Ҳар замонда қўлашим керак.

Лобар ахтарган кишисини Дуб топишини хаёлигаям келтирмаганди. Ҳайрат ўтига чу миб:

— Сиз... сиз менга кераксиз!..

Дилором севинмади, қандайдир ачинчандай термулиб, деди:

— Узр, опажон, сиз тижоратчи экансиз, ёрдам беролмайман. Ҳали ёшман, фақат қимор қутқусига учганларни, қарта билан жодуланганларни даволайман, холос... Бу нарса тушимда ҳам аён беради. Мисол учун, кеча тушимда бир болакай "мен ўлганман, нега аям мени тирик деб юрибди, илтимос, аямни қарта исканжаси, ан кутқаринг" теб йиғлади. Худди ўнгимда кўргандай бўлдим, жимитдеккина болакай...

“Кыл устуудаңи тақдир-II”

Лобарнинг юзига совуқ шамол урилди. Оёқ учидан сочи қадар жи:мирлаб кетди.

—Сизга нима бўлди? —сўради Дилором. —Мазангиз йўқми?

Лобар жавоб беролмади. Бош чайқаб, қўл силтаб, "гапираверинг" дегандек қизга илтижоли боқди.

—Буларнинг ҳаммаси илоҳийлик, деб ўйлайман, —давом этди қиз. —Тушимда кўрганим ўнгимда рўй беради. Ўшандан сўнг согайиб кетдим ҳисоб. Бу орада дугонам билан ошхонада ишлай бошладим. Вақти-вақти билан баҳшилик қилиб, жин ҳайдамасам, ўзимни оғир ҳис этардим, бошим огрирди. Кўпинча, ошхона бурчагида тўрт-беш хўранда қоронги тушгунча қарта ўйнарди. Улар ошхона эгасининг танишлари бўлиб, хўжайнимиз ҳам гоҳо қартага муккасидан кетарди. Мен ўшаларга ёпишган қимор касаллигини йўқотишни истардим. Вақти-соати келиб, биронтасининг жинини ҳайдамасам, мазам қочиб қоларди.

Бироқ коса-товоқларни ювиб, уйга қайтаётганимизда кайфи ошиб қолган қиморбозларнинг кўзларини лўқ қилиб қараши кўнглимни бузарди. Албатта, бошқа, яхшироқ иш топиш ҳақида ўйлай бошлардим. Куналарнинг бирида дугонам севинчи ичига сифмай мени қучоқлади. Нима гаплигини сўрасам, "онам Дубайдан пул жўнатди, икки-уч дугонангни олиб, Қиргизистон орқали учиб келинглар, ресторанда иш бор, маоши бизнинг пулда битта "Жигули"нинг пули бўларкан", деди. Ўша вақтлари Дубайга кетган аёллар ҳақида энди-энди ёмон гаплар тарқалаётганди. Шубҳамни дугонамга айтганимда, хафа бўлиб қолди. "Онамни ёмон аёл деб ўйлаб юраркансан-да, —деди у. — Ахир, онам ресторанда ишлайди! Бунақа ишларда араблар хотинларини ишлатмагани учун официанткалар асосан четдан келадилар. Қўрқма, сени официанткаликка олишмайди ҳам. Биз коса-товоқ ювиб, ошпазларга масаллиқ тайёрлашща ёрдамлашамиз. Ёмон томони бўлса, онам ўз қизини, битта маҳтілада яшайдиган дугоналарини чақиравмиди?! Шундан катта ойликлар бегоналарга кетмасин деяпти... Ўзим ҳаммангга

Хуллас, дугонам мени ва яна икки қизни күндириди. Бизлар бу шаҳарга келганимизнинг илк кунлари ёқ алданганимизни билдик. Дугонамнинг онаси аллақачон инсоний қиёфасини йўқотиб бўлган эди. Унга агар қиз топиб келсанг, ҳар бири учун етти минг доллардан берамиз, дейишган экан. Онаси дугонамни туркиялик бойвачага иккинчи хотин қилиб турмушга берди. Икки қизнинг қисматига фоҳишалик тушди. Мен эса агар биронтаси қўлини теккизса, ишратхонани фош этувчи хат ёзиб, эрта-индин барибир ўзимни деразадан ташлашимни айтиб, қасам ичдим. Аянчли ўлимим фосиқ кимсаларга қимматга тушиши мумкин эди. Аммо улар мени қўйворишни ҳам истамасдилар. Бир ойга яқин вақт қамалиб ўтиридим. Дугонамнинг онаси самолёт чиптаси-ю меҳмонхона харажатлари – жами қарзларим кунма-кун ошиб бораётганини айтиб ҳоли-жонимга қўймасди. Ахийри, ўлим билан қўрқита бошладилар. Мен барибир кўнмадим. Улар номусимни ҳеч нарса эвазига бой бермаслигимни кеч тушуниб етдилар...

Бир куни ётоқхонамга ўттиз беш ёшлардаги араб бизнесменини эргаштириб келди. У мени қўриб бошини лиқиллатди. Дугонамнинг онаси бизнесменнинг мақсадини тушунтириди. Нефт савдоси билан шуғулланувчи йирик тижоратчининг қизи билан ўн йилдан бери яшар экан. Ҳозирги мавқега эришиши ҳам, шубҳасиз, қайнатасининг кўмагида экану, бироқ мажбуран уйлангани боис шунча вақтдан буён хотини билан кўнгилсиз ҳаёт кечирашиб. Имон-эътиқоди кучли бўлгани учун баъзи бир бойваччаларга ўхшаб зино йўлидан юрмабди. Мени бир кўришдан ёқтириб қолганига ишонмасам-да, бизнесменга турмушга чиқишга мажбур бўлдим. Аниқроғи, у фақат никоҳ ўқитди, холос. Тўй ҳам, эр-хотинликни тасдиқловчи хужжат ҳам – ҳеч нарса бўлмади. Кўпқаватли уйларнинг биридаги торгина хонада асирадек яшай бошладим. Еб-ичиши, пулдан асло қийналмас эдим. Бироқ осто надан бир қадам чиқолмасам,

“Қиң устидасы тақдир-II” түрт девор орасыда баҳт ҳақида гап бўлиши мумкинми?

Бизнесмен тушлик вақтида узоги билан икки соатга келиб-кетарди. Пайшанба, жума кунлари, баъзан шанба-якшанба қорасиниям кўрсатмас эди. У билан яшаган кунларимда бирон марта ҳам кечаси ёнимда қолмади. Хотинидан, ундан ҳам кўра қайнотасидан жудаям қўрқишини билардим. Чет эллик ёшгина қизга уйланиб, уй ҳам олиб берганини эшитса, улар бизнесменнинг ҳолига маймунларни йиғлатиши аниқ эди.

Бу орада касаллик вақтим яқинлашиб қолди. Бахшилик қилмасам ўлиб қолишим мумкин. Мазам қоча бошлагач, у дардим нималигини билди. Билди-ю жодугар деб ўйлаб, қадам босмай кетди.

Каҳаҳт ҳолда ўтирган Лобар бошини зўрга кўтарди. Нимадир сўрамоқчи бўлаётганини Дилором дарров англади.

—У... у йиғладими? —Лобарнинг кўзи бир нуқтага қадалди.

—Бизнесменни айтаяпсизми? Нега йиглар экан?! Биласизми, у камбагалроқ оиласдан чиққан, қийинчилик кўрган, бутунга келиб пули кўпайган. Мени хотинликка олишидан мақсад қалб амри эмас, қалбсиз одам...

—Ўглимни сўраяпман... Ўглим йиғладими?

Дилором қархисидаги жувонни биринчи марта кўраётгандек тикилиб қолди. Ўзини москвалик тужжор қилиб кўрсатаётган бу хоним боядан бери унинг аччиқ қисматномасини тингламаётганини энди сезди.

—Ўғлингиз?..

—Ҳа, тушингизда кўринган бола менинг ўглим. Уни тирик деб юрардим... Дилором, мен савдогар эмасман...

Шу пайт Иволгиннинг йигити томоқ қириб, Лобарга маъноли қараб қўйди. Аммо қартабоз хоним ҳозир жаллод болтасидан ҳам қайтмас даражада эди.

—Мен қартабозман! —деди Лобар. —Қартабоз бўлгандаям дунёдаги энг ашадий, энг ваҳшатли қартабозман. Қиморга мен каби қурбон бўлган аёл йўқ!.. Тижоратчиман деб сизни алдадим. Тушингизга кирган бола менинг ўглим!.. Уни мен

ўлдирғанман! Шу құлларим билан... Шу оёғим билан... Шу каллам билан... Эшитаяпсизми?!

— Бүлди, бас! —деди Иволгиннинг йигити ва Лобарнинг тирсагидан тутди, аммо "қора қарта соҳибаси" уни силтаб ташлади.

— Аёл бошим билан қарта ўйнадим... Истамайман қиморбоз бўлиб яшашни!.. Илтимос, менга теккан жодуни олиб ташланг!.. "Қора қарта"дан қутқаринг! Нима тиласангиз бераман. Ўтинаман...

— Лекин... тушларим тескари чиқади, — деди кўрқиб қолган Дилором.

— Тескари чиқса ўғлим тирик!.. Мени ҳозироқ ўқимасангиз, шу ердаёқ бир фалокат юз беради!..

Шундан кейин бахши қиз ўрнидан қоилож турди. Иволгиннинг йигити эса Дракуланинг топширигини бажаролмаслигини ҳис этди чоғи, бурчакка ўтириб олди.

* * *

Дилором қора товук билан унинг елкаларига урди, чилдирмасини чалиб, билганича жин ҳайдади. Сўнгра бир мусулмон болага товукни сўйдириб, қозон осди. Амалларим ҳали давом этаяпти, деган баҳонада чўпни айлантиаркан, ўзбек тилида сўради:

—Муҳим гапингиз нима, опа?

Лобар "телефон" сўзини тилга олмасдан барчасини тушунтириди. Дилором Зилолага сим қоқади, Қувонни ахтараётганини айтади, агар Қувон уникига келмаса, Зилоланинг ўзи ахтариб бориши керак. Нима бўлгандаёт, улар Дилором билан алоқа ўрнатишлари лозим.

Шундан сўнг Лобар енгил тортиб, кўзларини юмди. Иволгиннинг йигити шоширгани боис шўрвадан бир-икки қошиқ ичган бўлишди-да, меҳмонхонага жўналилар.

Дракула Лобарга бошдан-оёқ разм солиб, деди:

—Негадир кўзимга бошқача кўринаяпсан.

—Қанақа?

—Худди дор остига кетаётгандексан.

—Ҳар бир қимор ўйинида дор тагида эканлигимни жуда яхши тушунаман, — деди Лобар.

Дракула жавобдан қониқмай қўриқчи йигитдан сўради.

—Боласи ўлибди, — деди йигит, — буни фолбин юртдоши тушида кўрибди.

—Хўш, нима бўпти шунга, — лаб бурди Дракула.

Ўша кеч ўйин суврати асло пасаймади. Лобар борган сайин қизишиб ўйнаётганига ўзи ҳайрон эди. Ахир, қимордан совиш учун бахшилик қилдирди, яна нега шаҳд билан ўйнамоқда?

Бир неча кундан сўнг Муҳаммад Ваҳбонинг сейфидаги боғлам-боғлам долларлар тугаб, у Саудия Арабистонидан пул келтириш учун ўйинни бир кунга тўхтатди. Банкдан олиб бўлмайдиган сабаб бор шекилли. Эришилаётган ғалабалар. н шодланган полковник Иволгин Москвадан туриб Лобарга ўпич йўллади.

—Энди менга ишондингизми? —тина қилди Лобар.

Гўшакнинг нариги томонидан кулги эшитилди.

—Лобар, сизга бошиданоқ ишонган эдим. Ё мендек одамдан шубҳангиз борми?

—Бор, — деди Лобар. —Бу ерда биз шунча пулни қўлга киритаяпмиз, аммо менга биронтаям курол беришмаяпти. Ҳавф туғилиб қолса, ўлиб кетавераманми? Менга курол бермасликни, айниқса, телефонда гаплашмасликни сиз буюргансиз.

Иволгин зўрма-зўраки кулган эса-да, барибир хурсанд эканлиги сезилди.

—Дубайда, — деди у аллақандаи маъноли қилиб, —сиз айтган нарса одамларимизга етишмаиди. Телефон масаласига келсак, бугунги кунда телефондай касофатни тополмайсиз. Телефон — сирингни бошқаларга ёядиган восита!..

Полковник Бирлашган Араб Амирликларга яқин орада боролмаслигини маълум қилиб, ўин јакунлангач, Дракулага гурухни зудлик билан Москвага қайтаришни тайинлади.

Лобарнинг тақдери не кечиши сирлилигича қолмоқда эди. Ўзига тўппонча сўраши, албатта, қондириб бўлинмайдиган талаб эди.

Ўн саккизинчи кундаги ўйинда Дэвид Гурген бор маҳоратини ишга солиб, атрофдагиларни лол қолдирди. Лобар ҳам "қора қарта рақси"даги таваккал усуллаш и қўллаб, Дракуланинг юрагини ўйнатиб юборди.

Ўн тўққизинчи кунда ҳам эски манзара наъён бўлди: ўртада шахматнусха мато ёпилган стол, икки машҳур қиморбоз —Лобар ва Дэвид қарама-қарши ўтириб қарта ташлашмоқда, ҳар икки томонда пул солинган сумкалар, ғазначилар, қўриқчилар. Муҳаммад Ваҳбо ва Дракула ёнма-ён стулда оёқларини чалиштириб, қартабозларга кибр билан боқадилар. Гўё кучук уриштиromoқдалару "кучугим енгармикан" деб назар солмоқдалар.

Йигирма иккинчи куни Дракула Дубайдан четроқдаги "Ан-Наҳанг" ресторанида зиёфат уюштиришни ўй таб қолди-ю иkkala машинани ҳам ўша ёқقا ҳайдатди. Лобар қимор бошлангунча тўрт-беш соат овқатланиб ўтиришларини ўйлаб, ҳомузга тортиди. Сўнг Дилором Самарқандга, Зилоланинг уйига телефон қилдимикан, деб хаёлидан ўтказди.

"Бунга ҳожат борми? —деди у ичиди. —Балки ресторанда анави йигитнинг тўппончасини бир амаллаб қўлга киритарман. Еттига ўқи бўлса керак... Етади. Фақат каллаларига ўқ узаман!.. Охирида ўзимнинг бошимни мажақлайман... Ўқ миямнинг қатифини чиқариб юборади. Қимордан абадул-абад кутуламан..."

Улар ярим йўлда ёқилги кўйиш шахобчасига бурилишди. Лобар иккинчи йўналишдаги яп-янги "Жип" машиналарига қаради.

Дракула ойнани очиб, ҳайдовчилардан бирига деди:

—Россияга олиб кетаяпсанларми дейман?

—Ҳа, Россияга, — ҳайдовчи рус тилида бемалол сўзлашаётган калбошга ажабланиб қараб қўйди. —Сиз ҳам россияликмисиз?

“Қиң устидаси тақдир-II”

—Ишиңг нима?! — қүрс жавоб қилди Дракула. — Машиналарни Эрон, Туркманистан, Ўзбекистон, Қозогистон орқали ҳайдаб ўтгунча орқаларинг яра бўлиб кетмайдими?.. Ҳизмат ҳақларинг қанча ўзи?

Ҳайдовчинин жаҳли чиқди. Шеригига ўзбек тилида “Бунисиям асабни ўйнайди, бошини ёрайми?” деганини эшитган Лобар уларга синчилаб қаради... Ва таниди. Булар Шомилнинг дала ҳовлиси яқинида учраган ўша йигитлар эди, яъниким посёлкадаги қозонхонала ишлайдиган юртдошлари.

—Эски танишларим-ку, — деди Лобар ва эшикни очиб, йигитлар сари шошилди. — Салом, йигитлар, мени танидингларми... Қаҳратон қишида, Москва яқинида, дала ҳовлиларга элтадиган йўлда дипломат кўтарган аёлга қаттиқ ҳазил қилин өдинглар. Эсладингларми? Уч ой аввал.

Улар бир-бири билан кўз уриштириб, сўнгра жилмайдилар.

—Танидим, анча ўзгарибсиз, — деди каттаси. — Тўлишибсиз. Дракула орқадан хитоб қилди:

—Эй, қани, машинага чиқ!

—Сизни яхши аёл деб ўйлагандик, — деди иккинчи йигит дам Лобарга, дам Дракулага нигоҳ ташлар экан.

—Ҳалиям яхши аёлман, — қулимсиради Лобар. Шу аснода чаққонлик билан йигитнинг кўкрак чўнтағига буқланган қоғоз тиқиб, кўз қисди. — Илтимос, уни манзилига ташлаб ўтинглар. Хайр!..

Бу Қувон билан боғланиш илинжидаги учинчи уриниш эди.

* * *

Лобар Дубайга келиб, Ҳабашни доғда қолдирди. Шу билан бояқиши қиморбозни ўлимга маҳкум этди. Дракула бошчилигига қиморхонага кириб келганларида, Ҳабашнинг ростдан ҳам ўлганлигини эшитишиди.

—Шунча вақт яшади, — деди Муҳаммад Ваҳбо. — Урмаганимда қайтага тезроқ ўларди. Касали ўтиб кетганди

Лобар Дэвид Гургенга зимдан қараб қўйди. Фокусчи қўммир этмай ўтирап, хаёл уммонига гарқ бўлгани кўриниб турарди. Агар Гурген ютқазса, бошига Ҳабашнинг куни тушиши мумкинми, деган ўй кўпчиликнинг кўнглидан ўтган бўлса ажабмас. Илло Лобар бошқачароқ ўйлади: "Кўлим қартага бормаяпти, Дэвид ютади, менинг ҳолим нима кечади?"

У таъриф этиб бўлмас безиш билан стулга чўқди. Гурген эса, аксинча, иштиёқ билан қарта суза бошлади. "Тамом", – деди Лобар ичида. Кўп ўтмай саксон минг доллар ютқазди.

–Хоним, – деди фокусчи, – сизга маслаҳатим, ўйинни бас қилинг. Мен сизни бошиданоқ ютишим мумкин эди. "Қора қарта рақси"ни рақиб кўзи билан ўрганиш учун ўзимни турли кўйларга солдим. "Қора қарта рақси" – бемаъни рақс. Тўғрисини айтсан, қартани қора ният йўлида рақсга туширишингиз иблисга сотилганингиздан дарак беради. Эртага ҳам кўлимга қайта-қайта "туз"лар келади. Кўзингизни бойлайман, атайин бойлайман. Аммо юрагимни иблисга бермай, сизни қимор оламидан супуриб ташлаш учунгина шундай қиласман.

–Бу сафсалаларга мени ишонади, деб ўйлайсизми?! –деди Лобар ноилож. –Омадингиз келгани учун ўнақа деяпсиз. Циркдаги ишини ташлаб, қиморбозларга малай бўлиб юрган сиздай кимсага ҳеч қачон ишоимайман.

Фокусчи кутилмагандан шундай деб шивирлади:

–Лобар, мен сизни севиб қолдим, онт ичиб айтаман, бу – ҳақиқий севги! Келинг, ифлос қиморхонани ташлаб кеъйлик.

Лобар йигирма биринчи марта (Муҳаммад Вахиднинг илтимосига кўра ўйин бир қун бўлмаганди) даҳшат солиб, қарта лашкари-ла ҳужум қилаётган рақибдан ишқ изҳорини кутмаган эди.

–Мабодо алжирмаяпсизми?

Дэвиднинг юзига кулги ёйилди (унинг чиройли ва ёқимтой ўйигит эканлигини Лобар энди пайқади). Жойидан туриб, бошидан шляпасини олди, таъзим килди.

“Қыл устидәен тақдир-II”

—Мен уйланмаганман, — деди у. — Ота-онам, сингилларим бор. Барчаси ҳозир Чехияда туришади. Уларнинг соглиги, тинч-тотувлиги мен учун катта баҳт. Шуни била туриб онт ичишим одамгарчиликка түғри келадими? Йўқ, албатта. Агар сиздан "менга ютқазинг, чунки сизга уйланмоқчиман" деб илтимос қилганимда, муҳаббатимни ўртага соганимда, ишонмаслигингиз мумкин эди. Ахир, бу ерда сиз ютқазаяпсиз, хўжайинларингиз сизнинг ҳаётингизни хавф остига қўядилар.

Атрофдагилар икки қиморбознинг пичирлашиб қолганидан безовталанишиди. Дэвид Гурген уларга бир-бир қараб чиққач:

—Қимор бутунга етарлича ўйналди, — деди. — Эртага давом эттирамиз.

Дракула меҳмонхонага етгунча оғзидан сўкишни қўймади. Муҳаммад Ваҳбо, Гурген ва Лобар ҳақида айтилмаган қўланса сўз қолмади ҳисоб.

Лобарнинг миқ этмай келаётгани қўриқчи йигитни ҳ. йрон қолдирди. Дракула қанчалар ваҳший инсон бўлмасин, Лобар ундан-да ёмон кимсалар билан юзма-юз бўлган, айни чогда полковник Иволгиннинг ишонган қиморбози. Қолаверса, "қора қарта соҳибаси"ни ҳимоя қилишни ўз манфаатлари йўлида хизмат қилдиришни ўйлаб юрган аллақандай жиноий гуруҳлар йўқ эмас. Мишмишларга қараганда, улар вақтинча пусиниб туришга мажбур бўляяптилар, аммо Лобарни диққат марказларидан қочирганлари йўқ. Лобар Дракула қўлида ажал топса, балки Дракуланинг ўзи ҳам аэропортга етиб боролмас. Фақат қимор билан чекланиб қолган Иволгин тўдаси Осиё ва Европадаги бир қанча тўдалардан ниҳоятда заиф эканлиги маълум. Одам ўлдиришни йигирма йиллаб машқ қилган, бир неча отишмаларни, кўча жангларини кўрган, қиморхонаю тунги барларга кириб ўнталаб одамни якка ўзи отиб ташлаган "тўппонча қироллари" бор. Шунаقا киллерлардан бигтасини Дубайга юбориши, Иволгин ижарага олган бешинчи қаватда бирон киши тирик қолармикан? Буни

Иволгин ҳам, йигитлари ҳам яхши тушунишади. Аммо булар кўп нарсаларга амал қўлмайдиган одамлар...

Машинадан тушганларда Дракула яна сўкинди ва Лобарга ошкора нафрат билан қараб, ерга тупурди.

— Сен ҳам одаммисан?! — деди сабр косаси тўлган Лобар. — Сен...

Гапини давом эттиrolмади. Дракула унинг сочидан бураб ушлади-да, молдек судраб кетди. Лобар кучли қўлларга чанг солди, бироқ қулоқ-чаккасига тушган зарбдан гангиб, Дракуланинг етакловида гандираклаб кета бошлади. Кўзига мармар пол кўринар, бурнидан қон оқаётганини сезмас эди. Мехмонхона хизматчилари ёнидан ўтаётиб, Дракула Лобарни кучоқлаб:

— Виват король! — деб бақирди.

Гарчи меҳмонхона хизматчилари бу таъвияни жинидан ортиқ ёмон кўрсалар-да, аламларини ичларига ютиб, индамай кузатиб қўйишиди. "Яшасин қирол!" деб кимни мазаҳ қилаётгани ҳам дубайлик хизматчиларга маълум эди, албатта.

Дракула ўзига ортиқча ишонган алфозда гердайиб борар, гўё унинг учун ҳеч кимнинг, хусусан Лобарнинг бир итчалик қадри йўқ эди.

— Сен, — деди у Лобарни ювиниш хонасиға судраб кирапкан, — шу ерда буйруғимни кутасан. Аввал анави йигитинг билан гаплашай, кейин...

Дракула Дилоромнинг ҳузурига бирга борган йигитни бир мушт уриб йиқитди. Сўнг қайта-қайта тепди.

Орадан ярим соатлар ўтгач, Лобарни катта хонага чақирдилар. Дракула телефонни диван устига ташлаб, қаттиқ уф тортди-да, деди:

— Полковнинг сени соғ кўришни истаяпти. Бу каминадан кутулдинг дегани эмас. Саволимга яхшиликча жавоб бер, нима учун ҳамюртинг билан дардлашиш баҳонасида ўзингни жоду қилдирдинг? Манави тўнка, — у қўриқчи йигитни кўрсатди, — ўша куниёқ айтиши керак чи. Афсуски, бу ерда бир гала аҳмоқтар тўпланган! Қани, жавоб бер, қимор

“Қыл устидаси тақдир-II”

ййнашни истамай қолдингми?

—Мен ҳеч қачон истаган эмасман, —деди Лобар.

—Аммо шунча вақтдан бери Россияяда ҳам, Туркияда ҳам ўйнаб келаяпсан-ку! Нега йинан Дубайды, айнан мен раҳбарлик қилганимда нағын г чиқиб қолди? Ҳозир қанча ютқазиб келаётганингни биласанчи?! Айт, буларнинг барчасининг сабаби нима?

—Бошида битта хатога йўл қўйдим — қимор ўйнадим. Шундан бери ҳаловатим йўқ, шундан бери қутуолмай сарсонман. Кимнинг қўлида юрган бўлишимдан қатъи назар ҳамиша қартадан қутулишни ўйлаганчан. Сиз мени учига чиққан қартабоз деб юрибсизми?! Қартадан мендек нафратланадиган одамни тополмайсиз!

—Ўчир овозингни! Телба-тескари гапларингни эшлишга тоқатим йўқ! Билиб қўй, сен қарта туфайли тириксан, қарта туфайли одам бўлиб юрибсан. Қарта, бу —пул дегани! Қартадан нафратланишинг —пулдан нафратланишинг! Ўв, жодугар! Озмунча гул ютқаздингми?! Ўша пулларга нималар қилса бўларди?! Сен менинг нонимни еб қўяётган ит ан! Ҳайвонсан!

Дракуланинг қўлида тўппонча пайдо бўлди. Совуқ оғзи Лобарнинг пешонасига тиради.

—Отинг, ҳаммасидан бирйўла қутуламан, —дэя Лобар Дракулага тик боқди.

—Ўғлингдан ҳам қутуласан, — иршайди Дракула.

Лобар сўзсиз тикилиб тураверди.

—Ўғлинг топилган, — деди Дракула. — Ишонмаяпсанми? Ё ўз болангга бефарқмисан? Ахир, у на қарта, на пул. У тирик жон, ўзинг дунёга келтирган табаррук вужуд. Қўзларини эсла! Дэвид Гурғен деган кўзбойлағични ютолмасанг, болангнинг қўзларини ўйиб оламан! Чинқиришини бир умр эслаб юрасан...

Шунда Лобар жон-жаҳди или Дракуланинг қўлига чанг солди ва билагидан фарч тишлади. Тишлаган кўйи тўппончани тортиб олишга уринди. Даҳшатли куч сочидан

бураб, бўйнини қайириб ташламоқчи бўларди—ю аммо Лобар ҳам шу дамгача ҳис этмаган куч билан ёпишарди. Атрофдаги йигитлар Дракула бир неча сонияда суробини тўғрилаб қўяди, деган хаёлда қараб туришган пайт тўппонча дастаси Лобарнинг қўлига тушди. Бундай бўлишини ҳеч ким кутмаган эди. Тепки кетма-кет икки марта босилди: ўқлар Дракуланинг елкасидан тешиб ўтганини кўрган йигитлар (уларнинг биттасидагина қурол бор эди) Лобар томон ташланиши. Бироқ ёвуз Дракула каби улар ҳам кечикишган эди. Тўппончани икки қўллаб ушлаган Лобар:

—Биронтанг қимиirlасанг отаман! —деди. —Сен эса қўйнингдаги қуролни чиқар-да, полга ташла. Айтиб қўяй, сақлагични туширгунингча тепкини босишга улгураман. Шундай экан, аҳмоқчилик қилма!

Лобар гапираётганда Дракула қизариб-бўзариб полга қулади, сўнгра кўзлари абадий юмилди.

—Нима қилмоқчисан? —сўради қўриқчилардан бири.

—Ақлли бўла олсанг ҳеч нарса қилмайман, — деди Лобар.

Шу он диван устидаги телефон жиринглади. Лобар ортига чекиниб, телефонни олди. Бу —полковник Иволгин эди.

—Алло...

—Сиз? —ҳайрон қолди Иволгин. —Дракула телефон бериб қўйдими?!

—Ўзим олдим.

—Ахир...

—Қулоқ солинг, —деди Лобар, —Дракула ўлди, уни отиб ташладим.

—Нималар деяпсиз? Бу ёқда ўғлингиз топилди-ку! Келиб-келиб мэррага етганингизда йиқиласизми, телба?!

Лобар қалтироғини босиш учун чуқур нафас олди. Бир лаҳза юз йилдек туюлди. Юз йиллик сукунат! Юз йил кутилган хабар!..

—Қани у? — сўради Лобар. — Тирик бўлса овозини эшитай...

—Мана, опкелишаяпти.

Лобарнинг юраги тўхтади, гўё. У бир парча қояга айланиб

“Қыл устидаеу тақдир-II”

қолди.

—Алло, — деди Иволгин, — болангиз билан гаплашинг. Уни топиб беришимга ишонмаган эдингиз, эшигин овозини.

Лобар гапирмоқчи бўлди-ю тили айланмади. Узук-юлуқ овоз чиқариб, галати гулдиради.

—Алло, ая, сизмисиз? — нариги томондан болакайнинг овози эшитилди. —Мен Парвизман...

Лобар ўғлининг овозини таниди, кўзларидан дув-дув ёш тўкилди. Телефонни қулогига босган кўйи йиглаётган жувонга Иволгиннинг йигитлари индамай қараб туришарди.

—Мен... мен аянгман... — дея олди Лобар. —С-сени соғиндим... Яқинда ёнингда бўламан...

Бола ҳам йифлади. Унинг йифиси катта йигитларникига ўхшарди. Ўттан бир йил мобайнода бола кап-катта ўспиринга айланиб қолгандек эди. Лобар титроқ овозда:

—Уйга олиб кетаман... Йиглама... —деди. —Худога шукур... Минг қатла шукур...

Нариги томондаги телефон полковникнинг қўлига ўтди.

—Мана, энди ишондингизми менинг куч-кудратимга?! — деди Иволгин. —Сўзимнинг устидан чиқдим. Сиз эса Дракулани отиб ўтирибсиз!.. Мамавата полиция чақирмоқчи эмасми?

—Уни Мамаватаникда эмас, меҳмонхонада ўлдирдим, — жавоб берди Лобар.

—Нима?! Нима дедингиз?.. Телефон билан тўппончани беринг одамларимга! Ўғлингиз ҳаққи... Алло!.. Алло...

Лобарнинг вужудини куч тарк этди. У энди жонсиз ҳолда шалвираб туарди.

Кўлидагиларни полковникнинг йигитлари тортиб олишиб, ўзини диванга итариб юборишиди. Лобар Дракула юлган соchlарини сидириб, юзига босди.

—Йўқ, ҳозирча тинчлик, — деди йигитлардан бири телефонга. —Ҳозир хабар оламиз... Хўп... Албатта, шундай қиласмиз...

Улар бошлиқлари билан гаплашиб олганларидан сүнг, Лобарни яна ювиниш хонасига элтдилар. Бу вақтда меҳмонхона ходими келиб "тинчликми?" деб сўраб турган эди, сочиққа аринаётган Лобарни кўриб, ним жилмайди-да, изига қайтди.

—Яхшиям, тўппончани қорнига босиб отган экансиз, — эди Иволгин йигити, — ўқ отилганига улар ишонч ҳосил тишмабди. Жазавангиз тутиб қолганини, шовқин панингизни айтиб зўрга кутулдим. Тезда Мамаватаникига кетишимиз керак. Дэвид Гургенни ютсангиз, сизни Россияга олиб кетамиз. —Кейин у калтак еган кўриқчи йигитга қаради. —Сен эса шу ерда қоласан, мурдани целлофанга ўраб, ваннага киргиз, биз эса қиморхонада ишни битиргунча, на ҳиди, на 1-сўзи чиқсин, тушундингми?

* * *

Муҳаммад Ваҳбо меҳмонхонада содир бўлган қотиллик ҳақида тўшагида эшилди. Ўнг қўл ёрдамчиси унга қўнгироқ қилиб, руслар қайтиб келганини, ётадиган жой сўраётганини маълум қилгач, бир неча сония бош қотирди: "Демак, Дракула ўтибди, қимор якунига етгунча ижара уйимда яшаб ришимоқчи, қўлларида, қолаверса, банкдаги ҳисоб рақамида полковникнинг ҳали анча-мунча пули бор. Албатта, қўнгилсизлик сабаб қартабоз хонимнинг ўйин суръати янада пасяди... Сўнгги чақалари қолгунча шиламан. Кўчани кўрсатиб қўйишдан аввал ижара ҳақи ва жиноятни сир тутганим учун товон пули сўрайман. Иволгин энди менинг рўйхатимда йўқ... Йўқ!"

Чошгоҳ вақти Муҳаммад Ваҳбо илжайиб кириб келди.

—Дўстларим, бу нима деган гап? — кувончини яшиrolмай ҳол сўради у. —Шундай паҳлавон йигитни нега гўрга тиқдинглар?

Кеча улар қиморхонага қайтиб келишганида, Муҳаммад Ваҳбонинг айёр йигитлари фақат Дракула билан гаплашишларини айтиб, дарҳол бошпана бермаган эдилар.

“Қыл устидаси тақдир-II”

Ярим кечаси бундай ахволда юришларининг важини очиқ-равшан айтсалар, ўзларига яхши бўлажаги қайта-қайта уқтирилди. Шусиз ҳам араблар буларнинг Дракуласиз келишларидан қотиллик юз берганини пайқаган эдилар.

—Олижаноб ишни ким бажарди? — сўради Мұҳаммад Ваҳбо ва Лобарга қаради. — Сизми?.. Йўқ-йўқ, нега бунақа қарайсизлар? Нима, мен прокурорманми?! Шунчаки қизиқиб сўрадим, холос. Ахир, жиноятчиларга уйимдан жой бериб ўтирибман. Худо кўрсатмасин, эртага оёгимдан тортиб кетишларинг мумкин.

—Ҳақорат қилманг, — деди Иволгин йигити. — Бизни ким деб ўйлаяпсиз?! Истасангиз ҳозироқ бирон меҳмонхонага кетамиз. Шошилганимиз учун шу ерга келдик.

—Мен ҳам шошилаяпман, — Мұҳаммад Ваҳбонинг юзидағи илжайиш йўқолди. — Амирликдаги фаолиятим охирлаб қолди. Дубайда ҳам, Ар-Риёдда ҳам энди қорамниям кўришмайди. Қаранглар, менинг истагим ҳам худди шу: тезроқ бор-шудларингни қоқиб олиш.

Улар бир-бирига қалтис ва аччиқ ҳазиллар қилишиб, бир оз вақт ўтказишли. Сўнг ўйинни эртароқ бошлаш ҳақида гап кетди. Гурген ҳамкаслари билан аллақайси оролда тушлик қилаётган экан.

—Кўп чиранмаслигингни маслаҳат бераман, — деди Мұҳаммад Ваҳбо чиқиб кетаётиб. — Барибир ютқазасан. Бир нарсага ҳайронман, жаноб Иволгин йўқ, Дракула йўқ, умуман олганда, тайинлироқ хўжайниннинг ўзи йўқ, нега жонингни жабборга бериб ўйнайсан? Қарта аёл зотига ҳеч қачон шафқат қилмаган, қилмайди ҳам.

Лобар гапириш учун оғиз жуфтлаган эди, Иволгиннинг йигити ичкари хонага етаклаб кетди. Араб қиморбозига Гурген келгунча дам олиш ниятида эканликларини маълум қилди.

Шу ерда Москва билан яна боғланишиди. Полковник янги-янги кўрсатмалар бергач, Лобарни телефонга чақирди.

—Ўғлим яхшими, Иван Антонович? —Лобар ўлганнинг

кунидан мулойим сўзлади.

— Яхши, — тўнг оҳангда жавоб қилди полковник. — Махсус уйда сақланаяпти, шарт-шароитлар зўр. Ахир, шахсан ўзимнинг назоратимда!.. Қизиқ, нега собиқ хизматкорингизни сўрамаяпсиз, Лобархоним?

— Сўрай десам, гап кўп. Хаёлим чалтасин деяпман. Бу срда кўзбояйлагич билан ўйнаш осон эмас.

Иволгин кулди. Томоқ қирди.

— Болангизни энагаси бизга сим қоқиб, — деди — қаерда эканлигини маълум қилди. Аммо энагаси тушмагурнинг жони тош экан. "Миқ" этиб оғиз очмаяпти. Фақат сиз бе ан гаплашармиш.

— Фақат мен билан?

— Ҳа.

— Бунинг сабабини айтгандир? — сўради Лобар.

— Сабаби, Парвизнинг ўғирланиши ва энаганинг ўғрилар шайкасида асосий ролни ижро этиши...

— Бу сабаб эмас.

— Нега, ахир?! У ўзини сизнинг олдингизда оқламоқчи, шекилини. Аммо ҳечам виждонли аёлга ўхшамаяпти. Гүёки, болангизнинг халоскори эмиш, чечен жиноятчилариға хизмат қилмаган экан.

Лобар ўйланиб қолди. Оқ деб ўйлаганлари қора, қора деганлари оқ бўлиб чиққан. Балки Гулноза ҳам ёмон аёл эмасдир?

Шунда Лобар миясига тўсатдан келган фикрдан энтикиб, шошиб деди:

— Иван Антонович, энагани ўзим гапга соламан, унга озор бермасинлар, илтимос.

— Тушунаман, у сизга тириклайн керак.

— Бир-икки оғиз гаплашмоқчиман, холос. Сўрайдиган нарсаларим бор.

— Чеченлар ҳақида сўрамоқчимисиз?

Полковник адашмади: Лобар ҳозиргина севиниб кетганининг боиси шу эди, яъни Шомил хусусида энагадан

“Қыл устидаси тақдир-II”

аниқ маълумот олиш.

Бироқ ёлғон сўзлади:

—Уларни бошимга ураманми?! Мен энагадан нимани сўр йман? Нега тузимни еб тузлигимга тупурди? Нега нонкўрлик қилди? Улар берган пулдан икки-уч баравар кўп бериш қўлимдан келарди!.. Аммо сиз ўйлаётгандек, уч олмоқчи ҳам эмасман. Кўзларига тик боқиб, сўрайман... Виждонини жиноятчиларга ҳамтовоқ бўлибдими, бас. Худога соламан.

—Яхши, яхши, деди полковник. —Агар мақсадингиз аллақандай диний ишлар бўлса, сизга шароит яратиб бераман.

Лобар ичида кулди. Иволгин каби фақат моддий нарсаларни тан оладиган кишиларни кўп учратди. Ҳатто, туркиялик Иброҳим давангир ҳам шунаقا кимса эди. Буларнинг ичида Худо дейдиганлар ҳам бор. Бироқ Худодан кўра қоплардаги пулларга ва қурол-яроғларга сигинишини ўзлари яхши тушунмайдилар. Лобар шу тобда полковник билан Дубайга учеб келаётиб, самолётда бўлган сұхбатни эслади. Иллюминатордан қараган рус қиморбози: "Лобар, одам еру қўкнинг фарқига бормайди-я?! —деган эди. — Юқори ҳам, паст ҳам кўм-кўк. Шундай баландликда огирилиги бир неча тонна келадиган темир қушда учеб кетаяпмиз. Одам — қудратли куч. Одам ҳар нимага қодир. Айниқса, фазони забт этиши кўп нарсани ойдинлаштириди. Ер қандай пайдо бўлган, Қуёшнинг умри қанча қолган — барчаси энди сир эмас. Биласизми, бу ерда кимга ўрин йўқ? Худога ўрин йўқ!.. Энди самодан ерга тушайлик. Қимор ҳам шундай: унинг асл сир-асрорлари йўқ, ҳаммаси инсониятга маълум".

Лобар эса аксинча ўйларди. У жиноят ва қабоҳат ботқоғига ботган сайин, тушига-да кирмаган ўлкаларни кўрган сайин Худони тан олиб бормоқда эди. Муқаддам ҳам у ишонарди. Бироқ эътиқоди заиф кимсалар учун Худо ҳис этилмайдиган, кўришмайдиган, сезилмайдиган, фақатгина кўнгилнинг бир чеккасида милтираб турадиган учқун мисоли бўлади. Албатта,

Лобар учун ҳам. Ножоиз ишларга қайта-қайта қўл уриб, тушунди: бир зарранинг қилт этиши ҳам Худонинг иродасисиз содир бўлмас... Секин-аста илоҳий куч-қудратни ҳис эта бошлади, моддиятда аломатларни кўрди... Иволгиннинг фан-техника кашфиётлари ичидаги Худога ўрин йўқ, деган "фалсафа"сига қўшилмади. Олам яратилди. Албатта, у атом заррачаларидан яратилиши. Яратилаётуб ўзидан миллионлаб из қолдирди. Бир кун келиб одамзот ўша изларни кашф этади. "Мана, дунё қандай бўлган экан!" – деб айюҳаннос солади.

"Худо дарахтни ҳам яратди, – ўйлади Лобар. – Аммо дарахтни кёкса қилиб яратмади-ку! Уруғдан ниҳол ниш уради. кун сайин ўсиб, ахийри, азим дарахтга айланади. Дарахт устида тадқиқот ўтказган олим "ие, буни Худо яратмаган экан, бу оддий бир данакдан ўсиб чиқиб, йиллар давомида ҳозирги ҳолатга келган", деса кўпчилик олқишилаб, чапак чалади. Мен ҳам чапак чалдим. Чалди-и-м!.. Бошимга мусибат тушганда, қимор халос этади, десб ўйлаганим ўшанинг самараси. Ҳар бир амал, ҳар бир фикр кўринмас тўрнинг бир тугуни. Бир-бирига боғланмасдан илож йўқ..."

Телефонии берар экан, диван четига ўтириб шуларни ўйлади. "Қимор оламига аллақачонлар қаргиш теккан-ку, – деди ўз-ўзига, – нега бу гумроҳлар тушунмайди?! Ҳозир Саудия Арабистонига жуда яқин жойдаман. Кетсаммикан? Маккаданми, Мадинаданми паноҳ топаман... Умр бўйи тоат-ибодат қилиб яшайман..."

У бошини чанглаб оғир хаёлларга толди, Иволгин йигитлари эса у ёқдан-бу ёқقا юриб, қарта боішланишини кутарди.

Меҳмонхонада қолган йигит қўнфироқ қилиб, Дракула ҳамон "дам олаётганини", "маҳаллий танишлари" безовта қилмаётганини маълум қилди.

– Вақт оз қолди, – деди Иволгиннинг ўнг қўл ёрдамчиси Лобарга кўз қирини ташлаб.

Лобар бошини кўтарди, тушунмади. Шунда ҳам лаблари

“Күл үстідағың тақдур-II”

пичирлади:

—Ха, вақт оз қолди.

* * *

Лобар столни биринчи бўлиб банд этди. Дэвид Гурген эшиқдан кирмасидан унга кўз ташлади, то стулга ўтиргунича ҳам нигоҳини узмади. Сўнгра ўз қўлларини ilk марта кўраётгандек томоша қилиб:

—Нима қарорга келдингиз, хоним? —деб сўради.

—Ўйнаймиз.

—Ўйнаймиз, албатта, ўйнаймиз. Бироқ мен қўлларимда ҳам кунгидан-да қудратли кучни ҳис этаяпман. Сизга қийин бўлармикан, деб ташвиш чекаяпман.

Лобар фокусчи томон қартани суриб қўйди.

—Бошланг, жаноб Гурген.

—Мен билан кетасизми? — қайта сўради йигит.

—Йўқ.

—Қиморбоз аёл бўлиб қолмоқчимисиз?

—Йўқ.

—Бўлмаса ким бўлмоқчисиз? Ҳаёт индамай ўтиргани қўймайди. Одамни қимгадир айлантиради.

—Худога ишонасизми?

Дэвид кўзини қисиб қаради. Афтидан, у қайси варианти**** айтсан жувонига ёқади, деб ўйлаётган эди.

—Ишонаман, — деди у, — кўп нарсага и. юнаман. Мен ишонувчан инсонман. Айнан ғанинг менга бефарқ эмаслигингизга ҳам юнаман.

Аммо Лобар қовоини очмади. У бутун ўйин мобайнida аразлаган қиз каби ўтирди.

Кейинги кунларда у Гургенга қимордан ташқари бир оғиз гапирмади. Полковникнинг ғазнаси тобора адо бўлиб бормоқда эди. Ўғли топилганда, қиморхоналар билан видолашиб онлари яқинлашганда, ҳаёти изга тушиш арафасида ютқазиб қўйишини кўнгли сезарди. "Қанчалик кучли қиморбоз бўлмагин, кун келиб расвоинг чиқиши

муқаррар", – дерди ички бир овоз. У ёқда, Иволгин ҳаётида ҳам инқироз даври бошлангани кечқурунги қўнгироқларидан сезиларди. Шўрлик полковник барча бойлигини қиморга тикиб қўйган, қайсиdir маънода мансаби-ю ўз ҳаётини ҳам яшил столга баҳшида этганди. Қиморнинг сўнгги кунлари у аллақаердан яширинча сим қоқди. Сўзлашиб навбати Лобарга келгач, нариги томондан дўқ-пўписалар эшитилди:

– Сен нима қиласан, аҳмоқ хотин! Ўглингнинг ҳаётига зомин бўлмоқчимисан?! Уч кун ичида тўрт юз эллик минг доллар ютқаздинг? Шуни фаҳмлаяпсанми?.. Фаҳмлаяпсанми, эй!.. Ўғлингният, сениям бўғиб ўлдирман! Яна бир сент ютқаз, кўрасан!

– Атайн ютқазганим йўқ. Бор имкониятларимни ишга солаяпман.

– Бекор айтибсан! Афсунгарона кучингни ўзинг йўқ қилганингдан хабарим бор! Ё нотўғрими? Дубайда кимни учратдинг, кимга жодунгни олдирдинг? Гапир! Агар аҳмоқ бўлмасанг, шунаقا пайтда жодунгни йўқоттирасанми?! Ҳаёting неча сент туради? Ўша официантка қиёфасидаги маразнинг ҳаёти-чи? Ютқаз, ҳамманг ўласан! Бир-рон-тана-нг сог қолмайс-а-н-н!!!

– Ютаман, ҳаммасини ютаман, – Лобар ихтиёrsиз равища сўзлай бошлади, – мен "қора қарта соҳибасиман". Умр бўйи ютиб келганман...

– Сенга бир кун муҳлат! – қичқирди полковник.

Лобар ғазабдан қизариб-бўзарган, тепакал боши терлаган каламуш тумшуқли одамни тасаввур қилди. Кўз олди жимирлашибди.

– Ўғлим билан гаплашмоқчиман, – деди зўрга.

– Нима? Аввал бунга лойиқ хизмат қилишинг керак!

– Ҳозиргина йигитингизга нималар деганингизни унинг гапларидан хulosса қилиб олдим, Иван Антонович. Сиз ишдан ҳайдалгансиз! Шубҳа-гумон гирдобига тушиб қолиб, кузатув остидашибди.

“Қыл устидаси тақдир-II”

—Үчир!

—Үғлим энди сизнинг қўлингизда эмас! Шундайми?

—Мабодо лаънати хulosанг ҳақиқат бўлиб чиққан тақдирда ҳам, сен сенлигингча қоласан! Гушундингми?! Яъни барча ютқазганларингни қайтиб ютиб оласан, Мамаватанинг қопини ҳам бўшатасан, сўнг ўғлингни кўрасан. Мен қамаламанми, ўламанми, агар бизнинг шартларни бажармасанг, барибир йўқ қилинасан. Мисол учун ўғлинг кичик бир фалокатга йўлиқади. Ёки ционид кислота умрига нуқта қўяди. Сен эса ҳаммомда чўмиладиб, электр симининг узилиб, сувга тушиши оқибатида ток уриб ўласан. Булар қийин эмас, қора хоним.

—Ҳа, одамхўрлик сизларга ҳеч нима эмас.

—Буйруқни бажар. Куч-қудратинг кесилган бўлса, ҳамюртингни топ-да, қайтадан жоду қилдир.

—Наҳотки, жодуларга ишонсангиз! Самолётда айтган гапларингизни тез-тез эслаяпман. Еру кўк кашф этилди, қандай пайдо бўлгани илм-фан томонидан исботланди, энди Яратганга ўрин йўқ, илоҳий куч-қудратга ўрин йўқ дегандингиз... Жодуга ишонишингиз...

—Агар муомалангни шундай давом эттирсанг, сенга ҳам ўрин йўқ, — деди полковник.

Ўйлаб кўриб, Иволгиннинг буйруғидан хурсанд бўлди. Ахир, у Дилором билан учрашишнинг иложини тополмай юрганди-да.

Эрталаб Дилоромникига йўл олишди.

Ижарачи кампир уйғотиб, алланималар деб вайсади. Лобар "фаҳш", "доллар", "азоб" деган бир неча сўзларни тушунди, аммо уй соҳибасининг нимадан норози эканлигини аниқ билолмади.

—Кеча рестораңдаги ишимиз жуда чўзилиб кетди, тонгга яқин келдим, — ўзини оқлади Дилором. —Тинчликми, Лобар опа?

—Дугонамға қўнғироқ қилдингми? —сўради Лобар ўзбек тилида.

Азамат Қоржовов

Иволгиннинг йигити сал нарида қовоқ солиб турарди.

—Ҳа... эсим курсин, шуни дарров айта қолсам бўлмасми! Икки кун тушолмадим. Ахийри, гаплашдим, сизга салом айтди.

—Мен айтган йигитни топишга ваъда бердими?

—Унинг ўзи келиб-кетган экан.

—Ўзи келган экан?

—Менимча, шундай деди. Кимлардандир хат бериб юборган экансиз-ку, Лобар опа.

—Бўлди, тушунарли. Йигит билан қачон гаплашсам бўлар экан? —Лобар илҳақ тикилди. —Айтишдими?

Дилором календарга қаради.

—Бугун қайси сана?

—Нега календарга қарадингиз? —Лобар қошини чимирди.

—У... сезиб қолади.

Айтганидек, Иволгин йигити пайқади. Уларга яқинлашиб, деди:

—Фақат рус тилида ва ҳеч қандай найрангсиз!

—Биз жоду қилинадиган кунни белгилаяпмиз, — бўшашмади Лобар. —Сиз бунга тушунмайсиз. Бу шомон ёки ҳиндулар маросими эмас. Уч кун давом этади, эркак зоти кўрмаслиги керак.

—Уч кунга рухсат беролмайман, — деди йигит.

—Уч сутка эмас. Ҳар куни эрталаб бир соатдан.

—Шундаям полковникдан ижозат сўрайман. Бунисига рухсат бергани учун, майли. Аммо хонани кўздан кечираман.

Йигит Дилоромнинг ётоқхонасини нари-бери текширида, ҳовлига чиқиб, сигарет тутатди. Иккови қолишиди. Дилором шоша-пиша ҳалати чўнтагидан телефон олиб, Зилоланинг уйидаги телефон рақамларини тера бошлади.

—Гудок кетди, —деди ниҳоят у.

Лобар телефонни олди, Дилором эса чилдирмасини чалиб, нола қиласверди:

—Хо, ҳайда-ҳайда-ҳайда,

“Қыл устидәен мақдур-II”

Тоғдаги тошга ҳайда.
Чиқиб кетсін момоси,
Чиқиб кетсін ҳаммаси...

Бир қулоғини бекитиб, күрпа ичига кириб олган Лобар дугонаси гүшакни күтаришини интизорлик-ла кутарди. “Үйіда йүқ бўлса нима қиласан?! — ўйлади у. — Уч кун ҳам айнан шу вақтда үйіда бўлмаса бошимни қайси тошга ураман? Эй Тангрим, ишқилиб энди омадимни бер!”

Бироқ уринишлар зое кетди. Орадан қирқ-эллик дақиқалар ўтгач, йигит эшик қоқди.

— Нега жимиб қолдинглар? Вақт бўлди! — деди у.

Лобар қиморхонага ҳорғин кайфиятда қадам босди. Қартани ушлаш у ёқда турсин, стулга ўтиришга хоҳиш йўқ эди.

— Нега туриб қолдингиз? — Дэвид Гурген ўрнидан туриб, қўл узатди. — Марҳамат, хоним. Истасангиз, бошқа стул буюраман.

Лобар унинг қўлини итарди, стулга омонат илинди. Сўнг фокусчига қарамай сўзлади:

— Ўйинингизнинг сири нимада, Дэвид?

— Сизнинг гўзаллигингизда.

— Эҳтимол, бир неча марта эрга теккандирман? Нега гўзаллигим қизиқтириб қолди?

— "Эҳтимол" эмас, "ҳақиқатан ҳам". Бироқ гўзаллик ҳақида гап кетганда, нима сабабдан турмушга чиққанингизни гапирайпсиз?

Лобар аччиқ кулимсиради ва фокусчига ер остидан қаради (шу нигоҳи уни янада малоҳатли, оху кўз қилиб кўрсатиб, Дэвиднинг ранги оқариб кетди).

— Бўйдоқ йигитнинг жувонга хушомадидан мақсади менга қоронги, — деди Лобар.

— Сизни бир кўришдан севиб қолганман. Ишонинг! Шу важдан неча кунлар кўзингизга тик қараёлмадим, неча кунлар ютолмадим. Бироқ васлингизга фақат галаба билан эришишимни англаб, бор маҳоратимни ишга солаяпман.

Азamat Коржовоз

Лобархон, бу сўнгги илтимосим. Ўтинаман, таслим бўлинг. Мен билан Чехияга кетинг. Йўқса (сизни қўрқитмоқчи эмасман) оғир аҳволга тушиб қоласиз. Ҳеч ким, ҳеч нима қутқаролмайди. Кейин... иккимизга ҳам кеч бўлади.

Бундай вазиятда бъязиларга тугилажак фикр Лобарни-да безовта қилди: "Менга эришмоқчимисан, марҳамат, қиморни бой бср, шунда сен билан кетаман!"

Бироқ рўпарасидаги йигит дунё султони бўлиб чиқса ҳам, кетолмаслигини ҳис этди. Турмушга чиқиш, бой-бадавлат яшаш орзуйи эмаслигига ақли етди.

—Мен ютаман, — пичирлади Лобар, — албатта, ютаман.

"Қора қарта рақси"нинг ҳали синалмаган усусларини ишга солган қиморбоз аёл дастлабки соатларда фокусчини танг вазиятга тушириб, тўқсон минг доллар ютди. Ярим тунга бориб, қаттиқ толиқишиш бутун вужудини исканжага олди. Ютаётган қиморбоз, одатда, бундай ҳисни туймаслиги керак эди. Ниҳоят, Лобар ўрнидан турди, икки-уч қадам гандираклаб борди-да, гиламга қулади.

—Бас, бошқа чидаёлмайман... —деди у.

Ўйин вақтинча тўхтатилди.

* * *

Эрталаб Муҳаммад Ваҳбонинг одамлари ҳаммани уйғотди. Ҳабашнинг ўлими юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари анча чукурлашиб, қиморхона фаолияти хавф остида қолгани маълум этилди.

—Яна битта қиморхона бор, — деди етиб келган араб қиморбози. —Агар вазият ўнгланмаса, мамлакатдан чиқиб кетамиз. Мен Саудияга кетишни режага киритиб қўйганман.

Руслар үф тортишиб, бош чайқашди.

—Тез кунда биз ишни якунлаймиз, — деди Иволгин йигити.

—Икки-уч кунлик жой топиш қийин эмасдир?

—Жой топилади, — хўмрайди Муҳаммад Ваҳбо, —аммо биз Саудияга чиқиб кетишга улгуролмай қолишимиз эҳтимолдан ҳоли эмас. Ўтган ҳар бир соатда Дракуланинг мурдаси бир

“Қыл устидаси тақдур-II”

м ғлиметр шишиб бораёттанини ҳам унугта. бұтам.

Пуллар машиналарга ортилди. Лобар соатта ишора қилди.

—Биз бахшиникига кириб ўтишимиз лозим, — деди у.

Дилором интизорлик билан кутиб ўтирган экан. Эшикни ёлган заҳоти суюнчи олди:

—Уч марта телефон қилишди. Айтган одамингиз пойлаб ўтирибди. Тезроқ ишласа-чи бу телефон ўлгир!.. Ишла!... Ишла...

Телефон чўзиб-чўзиб ду-дулай бошлади, кейин қитирлаган, фириллаган овоз эшишилди. Ва бирдан фингиллаш аро ўқтам бир овоз янгради:

—Алло, эшиштаман.

Лобар Қувонни таниди. Ич-ичидан отилиб келган ҳаяжонни зўрга босиб:

—Бу менман... —деди.

—Лобар! Сизмисиз?! Лобар... Лобар!..

—Ҳа, менман... Қувон, гапимга яхшилаб қулоқ солинг. Ўғлим Москвада. Менга Шомил aka керак... Сиз Туркияда кўрган одам бир вақтлар мен Москвада учратган одамми, йўқми, шуни аниқлашингиз керак. Гапларимга тушунмадингиз-а, Қувон?

—Бошқа вақт бўлганда тушунмасдим, лекин мен Шомил акани яқинда кўрганим учун, гаплашганим учун сизни тушунаяпман. Ўғлингиз ростдан милициянинг қўлида эканидан ҳам хабарим бор. Лобар, гапимни дикқат билан эшиting. Ахтарган одамингиз ҳозир Дубайга етиб борган бўлиши керак. Унинг мақсади нима эканлигини аниқ билмайману, аммо сизнинг ҳаётингиз хавф остида. Ўйин тугади, Лобар. Сиз кўп нарсани кўриб қўйдингиз, энди сизни йўқотишлари керак.

—Биламан, бу кўчадан омон чиқиб кетолмайман. Лекин ўлимимдан аввал буларнинг ҳам уругини қуритаман... Менинг ҳам тайёрлаб қўйган "сюрприз"им бор... Қувон, ўғлимнинг тақдирини сизга ишониб топширсам, бу дунёда армоним қолмайди... Шундагина сўнгги ишимни ишонч

билин адo этаман. Бүлди, Қувон... Аслида бoшқa нарсанi сўрамоқчи эдим... Майли... Алвило!..

—Лоб..!.. Лобар!.. — қичқирди Қувон. —Тўхтанг, телефонни қўйманг!.. Қўйманг!!! Нега, ахир, менинг ҳолимни сўрамаяпсиз?! Мен сиздан ҳам баттар баҳтиқаро бўлдим! Эшитаяпсизми? Лобар!.. Нега жимсиз?!

Лобар видо сўзини айтиб, муштипар она ҳайкалидай мунгайиб қолган эди. Ногоҳ иигитнинг жазавага тушиб қичқириши сиргалиб кетаёзган телефонни маҳкам ушлашга мажбур қилди.

—Нима бўлди? Нималар деяпсиз? —сўради шошилиб.

—Хотиним ўлди, —зудлик билан жавоб берди Қувон.

Ким?.. Нега?! —Лобар қулоқларига ишонмади. Айни замда қeинчакнинг ўлимида ўзининг ҳам қўли бордек томогига аччиқ нарса тиқилди, нафрати келди. —Ёшгина келинчаг-а?! —деб қайта сўради.

Ҳа. У ҳаммомдан тирик чиқмади... Нима бўлса ҳаммомда оулди!

—Ток урдими?

Йўқ, бўғилиб ўлган, Лобар. Мен бунинг баҳтсиз ҳодиса ёканига ишонмайман. Уни кимдир ўлдирған. Шунинг учун Помилни ахтаргандим. У билади, деб ўйладим, ҳаётимнинг орқа томонида нималар кечётганини! Лобар, мен ҳам кўп ишлар қилиб қўйдим, лекин нега мени эмас, бир бегуноҳни дилиришди? Қотиллар кимлигини эшитсангиз...

—Хўш...

Дуни телефонда айттолмайман, Лобар. Шундоқ ҳам ҳозир расвом чиқаяпти... Диidor кўришсак, дейман. Ўтинаман, қиморбозларга қарши ҳозир қурашманг. Сиз ҳам бекорга ҳурбон бўлманг!.. Тирик кўришни истайман!.. Сизсиз мен ҳам сифмайман бу дунёга!.. Лобар, ҳали иккимиз қиласдиган ишлар бор... Ваъда берасизми?.. Ўзингизни асрашга ваъда берасизми?

—Қувон, агар кўришмасак, ўглимни ахтариб топинг...

Лобар!.. — сўнгги бор қичқирди Қувон.

Оқа ҳизитди. Лобар ўлимга маҳкум этилган маҳбус

“Қиң устидаси тақдир-II”

мисоли гүё дор тагида турарди.

—Сиз... сиз нима қилмоқчисиз? —хавотир ила сўрало Дилором.

Лобар унинг қўлидан тутиб, телефонни кафтига авайло кўйди, Дилоромнинг кўзларига куюнчаклик билан тикилди.

—Сизни ҳеч қачон унутмайман, —деди у бахши қизга
Ҳеч ким қилмаган яхшиликни адо этдингиз, бир эмас, иккита.

—Лобар опа, одамни қўрқитманг, нега видолашдингиз?

—Шундай бўлиши керак, Дилором. Балки мен ҳақимла кейинроқ батафсил эшитарсиз. Миш-мишлардан ёки кимдир китоб қилиб ёзар... Манавини олинг, — Лобар қимог столидан оз-оздан йигиб қўйган ўттиз икки минг долларни узатди. —Дубайни тезда тарк этинг, мамлакатдан чиқиб кетинг! Чет элларда аёл боши билан ресторанма-ресторан юриб, бахт топган инсон йўқ! Ҳеч қачон бўлмайди ҳам Бойлик топиши, эр топиши, қўналга топиши мумкин, аммо бахтни эмас. Чунки бахт ватан билан bogliq тушунча. Дилором... Сизни синглим дейман... сингилжоним дейман. Бу ерлардан кетинг. Берган пулим ўттиз икки минг доллар Илтимос, Қувонга беш-олти мингини берсангиз. Москва бориб, ўғелимни олиб келиши керак.

—Уйга кетишга пул жамгариб қўйганман, —деди Дилоро, пулни олмаслик илинжида.

—Йўқ, буларни сизга бердим. Бугун-эртан, балки биг соатдан кейин ўлишим мумкин. Мен жиноий тўдалар, йири, мафиялар ўртасида ўтказиладиган "халқаро қимор" деб аталадиган ифлос ўйинга аралашиб қолганман. Бунақа ўйин борлигини кўпчилик билмайди, сиз ҳам эшитмаган кўринасиз. Турли қора гуруҳлар бир-бири билан куч синашиш учун қимор столини танлашади. Улар бошқа йўлни. масалан, гладиаторлар жангини, отишмаларни танласа, узоққа бормасликларини ҳам жуда яхши тушунадилаг Жиноий тўда бошлиги қимор стулига истаган одамини ўтқазиши мумкин. Ўша одам мен бўлиб келдим. Россияда, Туркияда, мана, Амирликда ўйнадим. Бир тўдадан иккинчи

түдага ўтдим. Бир қанча халқаро жиноятчиларнинг юқори мансабдор шахслар билан алоқаси борлигига гувоҳ бўлдим. Эҳтимол, кучли қартабоз сифатида менга раҳмлари келар, аммо гувоҳ сифатида аямайдилар. Умрим хазон бўлгани учун мен ҳам қўлдан келгунча... уларга шафқат қилмайман...

—Ҳозир анави қўриқчингизни алдаб, сизни кўчага чиқариб юборсам, Россияяга учеб кетолмайсизми? —деди Дилором.

Лобар бош чайқади.

—Паспортим йўқ, — деб уф тортди. — Нафақат хужжатларим, аэропортга кириш-чиқишим ҳам уларнинг назоратига ўтган. Аэропортга боришим ажалга боришимдир, Дилором! Улар битта қўнғироқ билан тақдиримни ҳал қиласидилар. Ўтган вақт мобайнинда мен ҳам жиноятчига айланиб бўлдим. Қотилликка буюртма бердим, ўз қўлим билан ҳам ўлдирдим, бевосита кишилар ўлимига сабаб — вазиятни вужудга келтирдим. Ҳозир ҳам сохта исм-фамилия билан юрибман. Россия фуқароси Людмила Михайловаман! Мана шундай аёл самолётга чиқаётгани ҳақида полицияга ёки Россия милициясига хабар берилса, ҳолимга маймунлар ийғлайди.

—Яшириниб яшасангиз-чи?

—То тирик эканман, менинг касрим боламга ураверади. Эҳ, Дилором, энди яшириниб қаергаям бораман?! Улар бир огоҳлантиради, икки огоҳлантиради, сўнг ўғлимни ўлдиришади. Менинг олти яшар ўғлим бор. Сизнинг тушингизга кирган бола...

—Лобар опа...

—Бўлди, Дилором. Айтадиган бошқа гапим йўқ. Илтимос, бу ердан тезроқ кетинг.

Дилором эшиккача борди, лекин остона ҳатлашга мадор тополмай, эшик кесакисига суюниб қолди. У ўзига ҳам ўлим таҳдид солаётганидан қўрқдими, тўсатдан ўттиз икки минг доллар тушганидан ҳушини йўқотдими, Лобар билолмади. Келгусида Дилоромнинг яна ёрдами тегишидан умид қилиб, араб кампирнинг уйини тарк этаркан, қулогига "Оллоҳ-Оллоҳ" деган хитоб эшитилди.

* * *

Янги қиморхона тор эди. Сигарет тутуни сузиб юрган йўлакдан чапга бурилган Лобар оддий стол-стул қўйилган каталакдек хонани кўрди. Мұҳаммад Ваҳбонинг фазначиси билан бурчакда ўтирган Дэвид юзталик долларни кўздан йўқотиш ва кутилмаган жойда пайдо қилиш сирини ўргатмоқда эди. Албатта, фокусчи шунчаки вақт ўтказаётгани яққол сезилиб турарди.

Лобарга кўзи тушган заҳоти:

—Салому алейкум, — деб қўлини кўксига қўйди. — Кошонамизга марҳамат, хоним.

Бу ерда улар пичирлашиб ҳам гаплашолмас эдилар. Шу важдан Лобар ўзи билмаган алфозда фазначиларга ишора қилиб, оҳиста бош чайқади.

—Бутун сўнгти ўйин, — деди Дэвид Гурген. —Майли, улар сиримиздан воқиф бўла қолсинлар. Бу сир на хўжайнилар фаолиятига, на қиморга алоқадор. Шундай экан, яширишнинг ҳожати йўқ... Эй, ҳамма эшитсан! Мен Лобарни севаман! У менинг даражамдаги ягона аёл! Дунё бўйича ягона аёл!

Эшикда Мұҳаммад Ваҳбо кўринди. Бошдан-оёқ миллий либосда у бурунгидан-да салобатли қиёфа касб этганди. Кириб келиши билан хона тўлиб қолди.

—Мұҳаббатингиз, —деди у Гургенга рус тилида, —бизга сир эмас. Бироқ мана шу аёл каби биз ҳам ишонмаймиз.

—Бунинг учун сизга раҳмат дейман, холос, — фокусчи шляпаси қиррасини ушлаб бошини сезилар-сезилмас қимиirlатди. Сунг қўртага ўл чўзган эди, Мұҳаммад Ваҳбо қўлидан тутди.

—Бир неча соатдан кейин самолёт тайёр бўлади, —деди у. —Саудияга учиб кетама!

—Жуда яхши, — жилмайди Дэвид.

—Ихтиёрингиздаги бир неча соатда қаршингиздаги аёлни бир центсиз қолдирасиз. Бу, ҳақиқатан охирги ўйин бўлишини хоҳлайман. Ваъда берганим ўша икки юзтанинг

Азамат Қоржовов

қолган ярмини ҳам шу бугун, айнан Дубайдың ҳисоб рақамингизга ўтказаман. Келишдики?

Дэвид негадир Лобарга қаради. "Қора хоним" хаёлчан ҳолда арди.

Гақдириңгиз ҳал бўлаяпти, — деди фокусчи аччиқ қулимсираб.

Кимнинг? —Лобар ҳам худди шундай қулимсиради.

—Сизнинг, албатта.

—Менинг? Аммо бу ерда мен тақдирига ҳукм ўқилаётган яёлни эмас, ночор ва нотавон эркакни, аниқроғи "эркаклар"ни кўраяпман, — деди Лобар.

Дэвидга разм солиб, қуролсиз эканини пайқади. Муҳаммад Ваҳбода ҳам тўппонча йўқ эди.

Нигоҳи қўриқчидаги тўхтади. У томонга бир қадам ташлади. Хаёлидан шундай ўй ўтди: "оғушига кираман, ўпаман ва тўппончасини суғуриб оламан-да, бир бошидан отаман, отавераман..."

У яна бир қадам ташлаган эди, араб қиморбози стол устидаги қартага имзоли қилди:

—Қани, ўзини эркаклардан устун қўйган хонимнинг кучини охирги марта кўрайлик-чи! Лас-Вегасда Катрина исмли бир шаллақи чув туширганида, онт ичгандим: аёлдан чиққан қартабоз борки, таг-томири билан суғуриб, жаҳаннамга итқитаман, деб. Бошланглар! Вақт кетаяпти.

Лобарни номаълум куч яна қимор стулига чўқтирди. У ҳардамхаёллик билан қарталарга қарапкан, қисматидан очилган фолни эслади: "Атрофи сув билан ўралган тошлоқ маконда отиб ўлдириласиз!"

Ҳозиргина умридаги сўнгги жиноятга қўл урмоқчи эди. Урмади... Гёё янада ваҳшиёна хунрезликни кутаётган қонхўр каби пайт пойлаяпти. Биладики, ўтирган жойи башоратда айтилган макон эмас... Лобар ўзини ҳам отмоқчи... Демак, отишма бу ерда бўлмайди. Қисмат театри кейинги саҳнани кутади.

Ўйин бошланди. Лобар Дэвид Гургеннинг қарта чийлашу дастлабки қарталарни ўйинга киритиш усувларини сал кам

“Қиl устидаeи тaқdир-II”

бир ой мобайнида баҳоли қудрат ўрганди. Фокусчи-қиморбознинг севган усули шу эди: у стол устига қарталардан бирини очиб ташларди, то Лобар унга қарши қартасини ташлагунча, рақибнинг очиқ қартаси ўзгариб қоларди. “Ҳозиргина бошқа эди-ку, бу нима гирромлик”, деб даъво қилса, Дэвид дарҳол икки томондан гувоҳларни чорлаб, уларга сўз берарди. Ҳақиқатан ҳам гувоҳлар Дэвид столдаги қартани алмаштирганини айтишарди. Лобар ўзига шундай туюлганини тан олиб, ҳаммаси нозик қўл ҳаракати-ю иллюзия маҳсали эканини тушунди.

Мана, бу сафар ҳам Дэвид шундай қилди. Лобар атайн энг кучсиз зартасини таъниди. Албатта, у Дэвиднинг қартасига мос келмас эди.

—Бу нима қилганингиз? —деди фокусчи.

—Узр, буни ташламоқчи эмасдим, — кулди Лобар ва столдаги қартадан кўз узмай, кучлироқ қартасини ўйинга кирилди.

У энди билди: нима бўлгандаям, душман қарталаридан кўз узмаслик керак экан. Ҳатто, ўзининг қарталарига қарашиб учун ярим сония ҳам чалгимаслиги даркор.

Навбатлаги ўйинда Лобар ўз қарталарини ёддан биладиган даражада тахлади-да, столдан нигоҳини олмай ўйнай бошлади. Қайси қарта зарур бўлса, бармоқлари ахтариб топарди, аммо зинҳор столдан чалгимасди. Кетма-кет уч марта ютди (ютуқ икки юз ўн саккиз инг долларни ташкил қилди).

—Ёмон эмас, — кинояму олқишлиди Дэвид.

Гоҳ аёл, гоҳ эркак ютаётган ўйин сигарет тутунига қоришган хонада икки соат давом этди. Ниҳоят, Муҳаммад Ваҳбонинг сабр косаси тўлди.

—Дэвид, — деди у. — сизга яна бир соат муҳлат. Ютинг! Жони узилай-узилай деб турган парранданинг бошини шартта узинг-қўйинг! Акс ҳолда... —араб қиморбози соатига қаради. — ...акс ҳолда мен учун йўқсиз!... Оҳ, самолёт вақти бўлиб қолди!

Шу пайт Иволгинни йигити кириб келди.

Азамат Қоржовов

— Полковник Кримдаги кошонасини ҳам қиморга тикди,
— деди у. — Бу ҳақда ҳозиргина телефонда гаплашдик. Уй нархи олти юз минг доллар.

— У ялангоч қолиши истаяштими?! — Мұхаммад Ваҳбо бақириб берди. — Мен барыбір ғолиб бўламан! Аёлга ишонган полковникларнинг шўри бор!

— Ўйинни Саудияда давом эттиrsак, деяпти...

— Нима?! Полковник шундай дедими?..

— Ҳа. У киши араб мамлакатларига хизмат сафари билан кўп келгани учун гуруҳ бошлиғи этиб тайинланибди.

— Қанақа гуруҳ ҳақида гапирайapsан?

— Хабарингиз бўлса керак, собиқ Иттифоқ даврида террорчилар совет самолётини Саудияга олиб қочишган эди. Ар-Риёд аэропортида улар араб спецнази томонидан йўқ қилинганди. Ўша иш юзасидан бугунги кунга келиб қандайдир муаммолар чиқиб қолибди. Телефонда буни айттолмади. Афтидан, иш жиддий эмас. Россиядан келаётган гуруҳ архив материалларини кўришади, холос. Пайтдан фойдаланиб, ҳал қилувчи ўйинда Иван Антоновичнинг ўзи бошимизда турмоқчи.

Мұхаммад Ваҳбо яна соатига кўз ташлади ва деди:

— Ҳамма нарса йиғиширилсин! Бизни Саудия Арабистони кутмоқда!

* * *

Икки моторли кичикроқ самолёт' кўрган Лобар Мұхаммад Ваҳбодан сўради:

— Шахсийми?

— Шахсий, — деди араб қиморбози мағуур.

Учувчилардан бири Лобарга зимдан тикилгандек туюлди. "Балки шунчаки қизиқсизиб қарагандир" деб ўйласа-да, кўнгли хижил торған. Албатта, шахсий самолётлар парвози ҳам Бирлашган Араб Амирликлари қонунлари доирасида амалга оширилади ва бу нарса русларни... қуролсизланишига олиб келди. Бироқ Лобарнинг имони комил эдики, Мұхаммад Ваҳбо самолётида, ҳеч бўлмагандо, иккита

“Қыл устидаси тақдир-II”

түппонча бор.

Үңг томондаги иккинчи иллюминатор ёнига ўтири. Самолёт моторлари гуриллаб учиш йўлаги томон юрди, ўнгга қайрилди. Сўнг шиддат билан олга интилди. Бир зумдан кейин аэропорт ҳудудидан ташқаридаги тўртбурчак оқиш бинолар ҳам кўринди. Лобар улар қандай иморатлар эканлигини ўйламади. Хаёлидан “бу самолёт энди ерга қайтиб қўнмайди”, деган ўй ўтди.

Муҳаммад Ваҳбо одамларига алланимани уқтира бошлади. Лобар ҳар бир эркакни синчи мисоли кўздан кечирар, кимда қурол борлигини тезроқ аниқлашга уринар эди.

Анча учганларидан сўнг самолёт титрай бошлади. Шунда Муҳаммад Ваҳбо кўлларини қенг ёзиб:

—Ё Оллоҳ! —леб муножоот қилди. —Биз, бандаларингни ўз паноҳингда асра! Манзилимизга эсон-омон етказ!

Лобар уни аввалгидан-да ёмон кўрди. Нафрат билан боққан эди, араб қиморбози ўзини тутолмай қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

—Бизлар бир қиморбоз бўлсак, —деди у ёқимсиз товушда шанғиллаб, —Повардигори олам паноҳида асраб нима қиласди?! Оёгим состида ватаним ястаниб ётибди. Муқаддас дис ' Ҳа, мен учун муқаддас!.. Аммо унинг саҳросидаги оддий калтакесакчалик қадр-қимматга эга эмасман! Мен қиморбозман! Қи·мор-бо-о-з-з!. Англайсанларми, қандай ҳақиқатни айтмоқчиман...

Шунда учувчилар кабинасидан бир одам чиқиб келди. Муҳаммад Ваҳбо қўзгалган ҳам эдики, тўппонча оғзи айнан унга қаратилди.

—Қимирлама! —деди нотаниш киши.

Лобар овозни таниб, ўрнидан туриб кетаёзди. Ахчр, бу Шомил эди! Бор-йўқлиги афсонага айланган ярми оқ, ярми кора чечен!

—Сен ҳам! —деди Шомил Лоба а ўқрайиб.

Сўнгра у бош кийими ва юзидағи гримларни олиб та лаб, кўзи қонга тўлган ҳолда самолётдагиларга бир-бир қараб чиқди.

Азамат Қоржовов

—Масхарабозлик ўз ниҳоясига етди, — деди у ғазаб билан.
—Мамавата деганлари сен-а? Қара-я, ҳаммангни битта
самолётта тўплагунча тақдир чархпалаги ҳам роса айланди-
я! Хўш, ким биринчи бўлиб ва осон ўлишни истайди?

Иволгин йигити саросима ичра:

—Шомил, биз келишганмиз-ку, —деди. —Мен худди
айтганингдек қилдим...

Лобар ҳамон забонсиз ҳолда чечен киллеридан кўз узмай
үтиради. Гёё Шомил тилсими илон каби ўзига сеҳрлаб
олгану то ажал етгунча ундан узоқлашолмайди.

"Бу одам баҳтимни поймол қилганларнинг энг каттаси, —
ўйлади Лобар. —Жиноятчилардан халос этиб, бошимни
туганмас гавғоларга солди. Мана, энди ўламан!.. Шуми
олижаноб халоскор?.."

Тўсатдан учувчилар хонасидан ўқ узилди. Шомил ихраб,
ўзини четт.. олди-ю дам учувчилар томон, дам самолёт
салонидагиларга ота бошлади.

Ўриндиqlар ортида ҳам кимдир қуролини ишга солди...

Лобар қон ҳалқобига бош қўйиб ётган ҳолда қўзини очди.
Учувчилар кабинасидан Шомилнинг овози эшитилди:

— Лобар... Лобар... Кўнаяпмиз... Саҳрога...

Сўнгги кучини тўплаган Лобар оёққа турди. Бироқ самолёт
бир томонга огиб, уни иллюминаторга қапиштириб қўйди.
Кўзини бир лаҳза очди: саргиш ер, феруза осмон қўринди...

Мотор гуриллаши тиниб, қулоғига болакай қулгиси
чалинди. Бу қулги бутун оламни тутиб кетди...

Лобар оғзига қум тўлганини элас-элас эслади. Сўнг
барчасини зулмат ва сукунат ўз бағриға олди.

II китоб тугади

**Хурматли китобсевар дўстлар, азиз юртдошлар,
замондошлар!**

Аввало, китоб билан ошино бўлиб тафаккурингиз янада бойиб бораётганидан, қалбингизга меҳр ва ғурунга синчаётганидан, ҳаёт инукүх дан завқланиб баҳраманид бўлаётганингиздан хурсаномиз!

Мабодо бизнинг нашр қилаётган замончавий асарларимиз Сизларга манзур бўлиб, улар ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларинги билдиримоқ истагида бўлсангиз, марҳамат бизга мурожсаат қилинг!

Балки сизларда ҳам янги гоялар, кўрган-кечирган қизиқарти, ибратли воқеалар, мавзу ва лойиҳалар бордир. Агар уларни бадиийлаштириб ҳикоя, қисса ва роман шаклига айлантирилса борми? Эҳтимол, ула ҳам миллий қадриятларимиз тобора тараққий этаётган юртимиз, келгуси авлодимиз ва эзгулик учун хизмат қиласин.

Ёдда тутингки, ҳар бир инсоннинг ўз тақдирни, шахсий кечмиши, хаёлоти бўлади. Инсон ҳаётида жуда кўп яхшилик ва ёмонликларга, ютуқлару хатоликларга дуч келади. Шу жиҳатдан Сизлардаги гоялар бошқалар учун, албатта, аскотиши мумкин.

Шунингдек, китоб савдоси билан машгул бўлаётган юртдошларимизни ҳам ўзаро ҳамкорликка чақирмоқчимиз. Биз билан шартнома асосида тўгридан-тўғри пул ўтказиш, пластик карточка, нақд тўловлар билан ранг-баранг бадиий асарлар, болалар учун китоблар, фермер ва боздорчилик, табобат ва бошқа илмий-оммабон адабиётларни улугуржи нархда сотиб олишингиз мумкин.

Таклифларингизни кутиб қоламиш!

Манзилимиз: 100100. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани,
Бобур кўчаси 22 уй, "DIZAYN-PRESS" МЧЖ нашриёти.

Телефонлар: 8-371-255-34-28; 8-371-280-58-01;

+99897-331-34-28; +99897-803-34-28.

АЗАМАТ ҚОРЖОВОВ

КИЛ УСТИДАГИ ТАКДИР II

(қисса)

Мұхаррір: Салима Бадалбоева
Тех.мұхар.: Шерзод Ҳошимов
Дизайнер: Нодир Шарипов
Оператор: Наргиза Содиқова
Мусаххих: Иброҳим Қўзиев

Теришга берилди 03.01.2012. Босишга рухсат этилди
11. 04.2012. Қофоз бичими 60x84 1/16. Virtec Times UZ
гарнитурасида чоп этилди. Шартли босма табоғи 16,0.
Нашр босма табоғи 16,0. Адади 5000 нусха. Буюртма
№24.

Нашриёт лицензияси: А1 №183. 08.12.10.

*«Dizayn-Press» МЧЖ нашриёти босмахонасида чоп этилди.
100100. Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 2? уй.*